



АЙТИЛМАГАН АФСОН

АЙТИЛМАГАН АФСОНА



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
Тошкент — 1968

Қорақалпоқ ёзувчиларининг мазкур тўплами асосан сўнгги йиллар давомида ёзилган ва китобхонлар орасида кўпроқ эътиборга сазовор бўлган ҳикоялар ва очеркларни ўз ичига қамраб олади.

Асарларда она Ватанга садоқат, меҳнатга муҳаббат, олижаноб мақсадлар учун кураш, дўстлик ва баҳамжиқатлик, ишқ-муҳаббат, рашк — ҳаммаси-ҳаммасига муносабат ўрин берилган ва қунт билан, иштиёқ билан тасвир этилган.

дедим мен. Менинг куйиниб сўзлаганимни сезган чол ҳайратланиб қарада-да:

— Менга шундай деганингнинг ўзи кифоя,— деди у ва яна узоқ тикилди.— Одамнинг ор-номуси бўлгани тузук. Ҳеч нарсани ўйламайдиган, жон куйдиришни ёқтирмайдиган одамларда хосият камроқ бўлади... Сен шу икки бригаданинг ҳар бир гектар бошига қанчадан пахта олиши ва ишчиларнинг қанчадан даромад қилишини ҳисоблаб кўрдингми бир?

— Ҳа. Ўтган куни кечқурун ҳисоблаб чиққан эдим. Сизнинг бригадангиз анча устун экан. Менинг чамам бўйича сиздаги ҳар бир ишчининг ойлиги ўрта ҳисобда 180 сўмга тўғри келса, бизники 120 сўмдан ошмайдиганга ўхшаб қолди.

— Бу ишинг ҳам яхши. Чунки ҳозир ҳисоб-китобсиз иш бошқариб бўлмайди. Бироқ сенинг бу ҳисобинг тўлиқ эмас. Чунки мукофотларга бериладиган пуллари ҳисобга қўшмаганга ўхшайсан...

— Қандай ҳисобласак ҳам, бу йил биз мусобақада енгилдик ҳисоби. Тажрибамиз камлик қилдими, ишқилиб, баъзи меҳнатларимиз зое кетди ва шунинг ҳисобига унум ҳам бир оз камроқ бўлди.

— Пахта дегани шунақа бўлади, болам. Бунинг тилига ҳали-бери тушуниш ҳам қийин. Шунинг учун гоҳ ютиб, гоҳ ютқизиб бораверасан. Бироқ илмини пухта билиб олган одам учун — оқибати албатта ёмон бўлмайди.

Қайиппазар отанинг бригадаси билан бу йил социалистик мусобақа тузган эдик. Унинг ишларимизни сўраб-суриштираётганининг боиси ҳам шу эди. Ёзи билан ҳам бошимни кўп қотирди: дам бизнинг пахтазоримизни келиб кўриб, дам ўзининг пахтазорларига элтиб бориб кўрсатиб юрди. Тиниб-тинчишни сира билмади: қачон кўрсанг бир гап топиб, сўраб-суруштириб юргани-юрган. Бир ҳисобдан унинг бу одати бизга кўп жиҳатдан фойда ҳам етказди, лекин шундай бўлса ҳам, баъзи бир одатларидан хафа бўлиб кетасан киши. Масалан, унинг бугунги гаплари ҳам кўнглимга унчалик ўтиришмай келяпти. Чунки унинг гаплари менга: «сен шундай ёш бўла туриб, мусобақада ютқазиб қўйдинг-ку?..» — деб кесатаётганга ўхшарди. Майли, бу йилча нима деса, десин. Омон бўлсак янаги йилга тагин бир беллашиб кўрганимиз бўлсин бу чол билан!..

— Кечқурун бизнинг уйга бор. Гапнинг қолганини шу ерда давом эттирамиз,— деди чол йўл айрилишга келгандэ.

кўпроқ ўйлайман. Сен ўз боламдай яқин бўлиб кетганинг учун, шу тўғрида бир сенинг билан кўнгил ёзишай-чи, деб чақиртирган эдим,— деди у ва юзимга бир қараб қўйди.

— Ошна-оғайни, қариндош-уруғларнинг орасидасиз-ку... Бунинг устига, ҳозир замон бошқача... Ёлғиз, ярим жонларга кўпроқ ғамхўрлик кўрсатилади. Шунинг учун ёлғизман деб ҳеч нолиманг, ота!— дедим мен унга тасалли бермоқчи ва кўнглини кўтармоқчи бўлиб.

— Жўяли гап,— деди у сўзларимни диққат билан тинглаб.— Ҳаммаси дуруст, мен ҳам тушундим. Бироқ, ҳукумат, ошна-оғайни, қариндош-уруғлар қанчалик ҳурмат қилиб, эъзозлагани билан, бари бир, ҳар бир одамнинг ўзига яраша дарди, сир-асрори бўлади. Мисол учун, мен бўладиган бўлсам,— деб у менга тикилди,— мен ҳукумат учун бир кишининг қўлидан келадиганча меҳнатимни аямадим. Ҳозирги обрў-эътиборим ҳам ёмон эмас. Шунинг учун мен, хорзор бўлар эканман, деб асло чўчимайман, йўқ!.. Бироқ мени кўпроқ ўйлантирадиган нарса — Гулзийранинг тақдири бўлиб турибди. Ахир унинг бўйи етиб қолди. Энди уй-жойли бўлса ҳам бўлаверади. Мана шу томонларини ўйлар эканман, қандай ерга бориб тушаркий, узоқроқ ерга узатилиб кетса — соғинганимда бир кўришга зор бўлиб юрмасмикинман, деб ташвишланганим-ташвишланган... Сени чақиришдан мақсад ҳам шу ҳақда суҳбатлашиш эди. Яхшиси, уни бегонага узатмай, сен ўзинг уйланиб қўя қолсанг қалай бўларкин, болам?

Мен бу гапни эшитиб шошиб қолдим. «Наҳотки Гулзийра бирон нарса деган бўлса?»— деган хаёл кечди бошимдан. Аммо нима дейишимни билмай, бошимни ҳам қилдим ва қизариб-бўзариб:

— Агар Гулзийра қарши бўлмаса...— дедим дудуқланиб.

— Қарши бўлмайди. Менинг сўзимни қулоққа олади. Шу маҳалгача чуви чиқмай юришининг ўзи ҳам мени ҳурмат қилганидан эмасми ахир?.. Агар енгил табиат кизлардан бўлганда, алақачон номи чиқиб кетган бўларди...

Бу гаплар тўғри эди. Қизнинг одоблигини ва ҳаёлиликни овул аҳли яхши биларди. Бироқ, нима учун менга бу гапни чолнинг ўзи айтяпти? Мана шунисида бир сир йўқмикин тагин?

Гапимиз кўпга чўзилмади. Қайипназар ота Гулзийра билан гаплашиб, жавобини менга айтадиган бўлди.

Уйга кеч қайтдим. Овул ётиб қолибди. Қатор тераклар

орасига жойлашган бизнинг уйимизнинг чироғи ҳали ўчмабди. Онам мени кутиб ўтирган бўлиши керак. Уйга яқинлашар эканман, икки кишининг гангир-гунгир гаплашиб ўтирган товушини эшитдим. «Меҳмон борга ўхшайди...» Салом бериб, кириб бордим. Онам билан Оллоназар тоғам гаплашиб ўтирган экан. Мен қаёқларда қолиб кетганимни онамга айтганимча йўқ эди, онам шунга хавотирланиб ўтирган экан, юзимга солди.

Оллоназар тоға овулимиз бўйича ёлғиз қолган мулла чол. Ора-чўра табибчилик ҳам қилиб туради. Менимча, бу кишининг керак томони ҳам, керакмас томони ҳам бор. Керакмас томони шундаки, у совхоз ишларига кўпда аралашмайди. Бир нарсa десангиз: «Ўғлим тракторчи, келиним ишчи, сизларга тагин нима керак?»— деб шовқин солади. Бўлмаса, ўзи ҳам унча қари эмас. Қайипназар отадан беш ёш кичик. Энди, керакли томони шундаки, овулда бирор одам касал бўлиб қолса, ёки қазо топса — мудом биринчи бўлиб ўша беморнинг тепасида пайдо бўлади.

Бизнинг уйда шу вақтгача ўтирганига қараганда, менга бирон зарурроқ гапи борга ўхшарди. Бироқ ўзи гап очмагунча мен «ғиқ» этмай ўтиравердим.

— Қайратдийинжон, пахталарингиз қалай? Планларингиз бажарилиб қолдими? Қайипназар ота кеча бир ерда сенинг бригадангни қолоқ депти,— деди чол олдига олиб келинган паловга қўл узатиб.

— Ёмон эмасмиз, бироқ, Қайипназар отадай бўлиш қаёқда дейсиз? Ахир у киши 50—60 йилдан бери деҳқончилик қилади, бизлар бўлсак — деҳқончиликка эндигина аралашяпган ёшлармиз.

— Шуни айтаман-да... Қариган чоғида муштдек-муштдек болалар билан бахт талашиб нима қиларкин у айналган чол...

Гапнинг бошланишиданоқ Оллоназар чолнинг Қайипназар ота ҳақида менга «ақл ўргатмоқчи» бўлиб кутиб ўтирганини англаб олдим. Бироқ, суҳбат давомида аста-секин Қайипназар отага нисбатан ишончим йўқолиб борди... Қайипназар отанинг мени ичкуёв қилиб олмоқчи бўлгани ва ўзи бошқалардан кейинда қолмаслик учун ортиқча ерга пахта экиши ҳақида ишончли гаплар айтилди.

Бу масалалар мени анча ўйлантириб қўйди. Мен Гулзийрани учратиб, ундан отасига бирон нарсa деган-демаганлигини сўрадим, афтидан Гулзийра ҳеч нарсa демаганга ўхшайди. Лекин, менга берилган ваъда бўйича, чол

нинг ўзи сўз очганда эса, Гулзийраунга: «Хозирча шотиб нима қиласиз, ўйлашиб кўрармиз» — деб қўя қолибди.

Шу кезларда йиллик хўжалик ҳисоботи мажлиси бўлиб қолди. Совхознинг барча активлари қатнашган бу йиғилишга, район раҳбарлари ҳам келишди. Оллоназар тоғанинг маслаҳати билан битилган сўзларим ёзилган қоғозни чўнтакка солиб, мен ҳам бордим.

Доклад қилинди. Йил мобайнида қўлга киритилган ютуқлар билан йўл қўйилган камчиликлар ҳам рўйирост айтилиб, келгуси йили қилинадиган ишлар муҳокама қилинди. Шундан кейин илгор ишчиларга, механизаторларга, бригадирларга мукофотлар берилди. Қайипназар ота «Волга» машинаси оладиган бўлди. Танқид қилмоқчи бўлган одамимнинг энг қиммат баҳо мукофот олиши мени довдиратиб қўйди. Мен: «энди сўзга чиқмай қўя қолсам нима қиларкин?» — деган хаёлга бордим. Бироқ шундай бўлса ҳам, ўз фикримни мажлис ҳайъатига билдиришга аҳд қилдим-да, дарҳол бир варақ қоғозга юмалоқ хат битиб, тагига имзо чекмай, бериб юбордим.

Музокаралар қизиб кетди. Кўпчилик ўзининг тажрибасини сўзлаб, келгуси йил учун янги мажбуриятлар олишарди. Бир вақт мажлисни олиб бораётган совхоз директори Жақсим оға президиумга тушган хатларни ўқий бошлади.

— Яна битта думалоқ сиёқли хат бор, — деди бир пайт очиқ-ойдин. — Хат эгасининг ёзишича, ҳурматли оқсоқолимиз Қайипназар отанинг бригадасида кўз бўямачилик бор эмиш. «Пахтани ортиқча экади» деб ёзибди. Агар бу гап рост бўлса, биз чолни танқид қилишимиз керак. Шунинг учун мазкур хатни ёзган одам, агар чин коммунист бўлса, дангал бу ёққа чиқиб, даъволарини исботлаб берсин. Навбатдаги сўз ўша одамга берилади. Қани, ким бўлса ҳам ўртага чиқсин!

Ҳамма жим бўлиб, бир-бирларига қараб олишди. Мен ҳам бир қизариб, бир бўзариб, ўтира бердим.

— Ҳеч ким чиқмайдими? — деди директор бир оздан сўнг ўрнидан туриб. — Демак, ёзган одам ўзига унча ишонмас экан — шундайми? Агар шундай бўлса, текшириб кўрамиз.

Чиндан ҳам орадан кўп ўтмай Қайипназар отанинг ҳамма пахта экилган ерлари тўлиқ ўлчаб чиқилди. Бизнинг сигнал тасдиқланмабди. Шунда мен ўзимнинг мажлисда сўзламаганим учун жуда хурсанд бўлдим. Бироқ бу қувончим узоққа бормади. Бир куни мени совхоз директори ча-

қириб қолди. Борсам, Қайипназар ота ҳам ўша ерда ўтирибди. Директор мени кўриб кулимсираб қўйди. Ҳайрон қолдим. Бир томондан юрагим увушиб кетди.

— Қайипназар оға,— деди Жақсим оға мен ўтирар-ўтирмас, салом-алик ҳам қилмасдан,— сизни чакиртирганимнинг сабаби мана бу Қайратдийин иккалангиз билан боғлиқ бўлган бир масалани ҳал қилиб олиш эди. Текшириб кўрсак, тунов кундаги мажлисда тушган думалоқ хатни мана шу бола ёзган экан. Шундайми?— деди Жақсим оға менга қараб...

Мен шумшайиб қолдим. Бутун аъзойи баданимдан муздек тер чиқиб кетди. «Ҳа!» деб юборай десам, овозим чиқмай қолди. Томоғимга бир нарса келиб тиқилгандек бўлди. «Йўқ!» деб айтай десам, яна иложим йўқ... Мен, бу гапларни Оллоназар чолнинг насиҳатлари бўйича қилганимни айтиб, ўзимни оқлашимни ҳам, ёки бор гуноҳни бўйнимга олиб, кечирим сўрашимни ҳам билмай қолдим.

Улар менинг нечоғлиқ изтироб чекаётганимга тушунишди шекилли, кўн қойишмади ҳам. Аксинча, бундан кейин бунақа чакки гапларнинг яқинига йўламаслигимни қаттиқ тайинлашди. Қайипназар ота қўшимча қилиб, обрўли одам бўлиш учун сабр-тоқатли бўлиш кераклигини айтди. Шундан кейин у яна Жақсим оғадан бу сўзларни зинҳор-зинҳор ҳеч кимга айтмаслигини ҳам илтимос қилди.

Биз Қайипназар ота иккаламиз отларимизга миниб, овулга бирга қайтдик. Мен бир оғиз «лом-мим» деёлмай борардим. У ҳам бир оз жим борди-да, кейин бирдан сўз бошлади:

— Қайратдийинжон, бундоқ қарасам, сен жуда ҳам ўйланиб, уялганингдан қисиниб-қимтиниб келяпсан,— деди чол менга қараб. Мен довдираганимдан ён-атрофимга, осмонга қарадим. Унинг сўзлай бошлагани гўё менинг юкимни енгиллатаётгандек туюларли. Менинг ўйлашимча, аввали, оғанинг ҳузуридаги суҳбат, кейинчалик эса, у ердан чиққанимиздан кейинги ўртадаги ўнғайсизлик жуда кўпга чўзилиб кетгандек кўринарди. Аслида, кун тушликдан эндигина оғиб борарди. Ҳаво очиқ бўлиб, кунчиқар томондан салқин шабада эсиб турарди. Энкайиб ўтириб олганимдан бўлса керак, таналарим қақшаб оғрирди. Мен бир оз ёзилиб ўтириш мақсадида гавдамни орқароққа ташлаб олдим ва Қайипназар отанинг сўзларини тинглашга тайёр эканлигимни билдириб, бошимни қуйи ағдим.

— Билишимча, менинг тўғримда бирдан фикринг ўзгариб қолди. Лекин бу учун бир сен эмас, менинг ўзим ҳам айбдорман. Мен хато қилган эканман. Ҳа, катта хато қилибман. Бироқ мен бу хатоимга ўкинмайман. Чунки ҳаётимда бундай хатолардан кўпини қилганман.— Чол яна индамай қолди. Мен эсам, ўзимча: «Бу киши қандай хатоларга йўл қўйган экан?»— деб ҳайрон бўлиб борардим. Бир оздан кейин чол яна сўзида давом этди:— Совет ҳокимияти тузилган дастлабки йилларда биз энг актив батраклардан эдик. Ерсиз деҳқонларга ер олиб бериш, бойларнинг мол-мулкларини мусодара қилиш, босмачиларни, ўғриларни тутиб келтириш сингари энг жанжалли, қийин-қистовли ишларга бизларни жалб этарди... Хўш, энди, ҳозирги, ўзимизнинг мана шу Оллоназарнинг ота-бобосидан тортиб ҳаммаси эски бойлардан эди. Бизларнинг ота-боболаримиз эса умр бўйи шуларнинг эшигида ишлаб келган. Менинг ўзим ҳам кўзимни очиб, қўлимдан иш келадиган бўлгач, ҳамиша шуларнинг ишини қилиб келганман. Инқилоб ҳукми билан, биз мусодарани ана шу Оллоназарнинг отасидан бошладик... Шунда отам мендан жуда хафа бўлиб: «Ўғлим, ахир кунимиз ҳамиша бир умр шуларнинг эшигида ўтиб келётган бўлса?.. Наҳотки сен шуларни билмасанг?.. Қўй, уларни хафа қилма!.. Йўқса онкўрлик қилиб, ўз ризқингни ўзинг жуванмарг қилган бўласан. Униб-ўсишингни ҳам ўйла!..»— деб кўп зорланди. Бошқа бир қатор оғайналаримиз ҳам менинг бу ишим хато эканлигини айтишди... Шундай қилиб, менинг биринчи «хатоим» шу бўлса, иккинчи «хато»га мен кечаги Улуғ Ватан уруши йилларида йўл қўйдим... Қўсан деган туғишган тоғамнинг ёлғиз бола-си армиядан қочиб қолибди-да, дарё соҳилидаги кимсасиз Чўртонбой тўқайида яшириниб юраверибди. Бир кун кечқурун у бизнинг уйга келиб қолса бўладими?.. Одам сиёқидан ҳеч нарса қолмабди — жуда абгор бўлибди. Афтидан, ёрдам сўраб келганга ўхшарди. Худди шу кун, десанг, менинг ўзим ҳам ишчилар батальонига жўнаб кетиш учун тайёргарлик кўраётган эдим. Қўсан билан кўп гаплашмадим ҳам. Дарров нон-чай, овқат бердим-да, қоринни тўйғазиб, кўтариб ерга урдим ва оёқ-қўлини боғлаб ташладим. Сўнг уни қоронғи уйга қамаб, устидан яхшилаб кулфладим-да, эрталаб туриб, ҳеч кимнинг сўзига қулоқ солмай, тўғри шаҳарга олиб бориб, ўз қўлим билан ҳарбий комиссариатга топширдим. Шундай қилиб, Қўсанни армияга юбортирдим-да, ўзим ҳам ишчилар батальонига кетдим.

Уруш тугагандан кейин у ҳам, мен ҳам эсон-омон овулимизга қайтиб келдик. Ҳозир қалин оғайни бўлиб кетганмиз. Бироқ ўша пайтда мени сўкмаган одам қолмаган бўлса керак. «Хато қилдинг, Қайипназар! Одам деган туғишган тоғасининг боласини ҳам ушлаб берадими?!»— деб коймаган қариндош-уруғ, таниш-билиш қолмаган эди. Ҳа, шундай... Бундай «хатолар» менда кўп бўлган. Энг сўнгги «хатоим» эса сенга Гулзийрага уйлан деганим бўлди... Мен ўзимча: одамлар ҳозир батамом ўзгариб кетган, бир-бировининг сўзига яхши тушунишади, деб ўйлаб юрарканман. Йўқ, бу фикрим хато экан... Билсанг, сенинг шундай аҳволга тушишингда ўзимни айбдор ҳисоблашимнинг маъноси шу. Ўзинг ҳам ўша кундан бошлаб ўзгариб қолдинг. Шундай эмасми?..

Мен сўзсиз бош ирғаб маъқулладим. Чунки шу тобда менинг бир оғиз ҳам сўз айтгулик ҳолим йўқ эди. Ниҳоят, мен ўзимни бир оз босиб олганимдан кейин:

— Кечирасиз, ота. Мен бировларнинг сўзига кириб...— деб гап бошламоқчи бўлган эдим, Қайипназар ота:

— Кечирадиган ҳеч нарса бўлгани йўқ. Сабабини айтмаёқ қўя қол. Чунки ўйлаганимдан ортиб ҳеч қаёққа боролмасанг керак... Эндиги тилагим, ишқилиб мана шу гаплардан тўғри хулоса чиқариб олсанг бўлгани,— деб менинг сўзимни бўлди.

— Албатта тўғри хулоса чиқариб оламан, ишонинг, Қайипназар ота!

— Ишонаман. Сен қаттиқ уялдинг. Ор-номусли киши ҳеч вақтда ёмон бўлмайди.

Овулга етиб келгач, чол отининг жиловини уйи томон бура туриб:

— Қани, кўнгилда ҳеч нарса сақламаслик ва бу гапларни қайтиб эсга олмаслик учун қўлингни бер-чи,— деди менга қўлини чўзиб. Мен ҳам қўлимни узатдим. У менинг қўлимни ушлаб туриб:— Яна бир илтимосим шуки, ишда маҳкам, жонкуяр бўл. Келгуси йили ҳам иккаламиз мусобақа тузамиз. Шунингдан чиқарма!— деди.

— Чиқармайман! Бироқ...— деб тилимнинг учидаги сўз-ни айтолмай туриб қолдим.

— Нима гап ўзи, айта бер!— деди чол далда бериб.

— Гулзийра хафа бўлиб қолмаганмикин?— дедим ерга қараганча, минғирлаб.

— Унинг ҳеч нарсадан хабари йўқ.

Юрагим уриб кетди. Қайипназар ота қайтиб менинг юзимга қарамай, уйи томонга бурилди. Мен бўлсам унинг орқасидан оғзимни очганча қараб қолибман. Шу вақтда кўнглимга: «дунёда Қайипназар отадан ҳам олижанобрoқ одам бўлмаса керак!»— деган фикр келди.

БИРИНЧИ СИРЛАШУВ

(Ҳикоя)

Районда халққа қилган хизматлари билан танилган одамлар кўп экан. Шулардан биттаси Отамурод бувани кўриб келайлик, деб уйига борсак, йўқ экан. Бизни дарвозада кутиб олган кампир сўрашиб, роса гапга тушиб кетди:

— Ў, болаларим, бу бир шўри қайнаб қолган одам,— деди у бидирлаб.— Сира тиним билмайди, худди овулнинг ҳамма ишлари бир ўзининг бошига тушгандек питирлагани-питирлаган. Шу тобда шаҳарга тушиб кетди. «Исполкомга кириб, кутубхона ҳақида гаплашаман» дейди. Одам қариса мияси суюлади, дегани асти тўғри экан. Қилча фойдаси йўқ нарсаларнинг кетида елиб югургани-югурган. Мана, қиш бўлса қиличини қайраб келиб қолди. Бу уйи тушмагурда на ўтин бор, на бир туёқ. Мени куйдириб адоий тамом қилди бу... Ие, жуда гапга тушиб кетибман-ку. Ичкари киринглар, ичкари, болаларим. Оқсоқол тушкур билан яқинда сан-манга бориб олган эдик. Ҳали аччиғимдан тушмагандим. Унга куйиб-пишганим бир пул, парвойига келтирмайди, чиқди кетди... Вой ўлай, энди қандоқ қилдим, шўрлик мен билан ади-бади айтишиб, папкасини унутиб қолдирибди-ю,— деб кампир ҳовлидаги каттакон тошнинг устидан бир папка олди-да, оқсоқол кетган томонга бўйнини чўзиб қараб қўйди.

Отамурод бува ишга тегишли қоғозлари уйида эсидан чиқиб қолиб кетгани учун ярим йўлдан қайтиб келди. Ў басавлат, соқол-мўйлови оппоқ, қизил мағиздан келган чол экан. Илгари кўрмаганим учун мен уни етмиш ёшлар чамасидаги қария деб ўйламагандим. Қадди типша-тик, ҳаракатлари чаққон. Гапирганда ҳам бурро-бурро гапирарди. Одамлар ичида элликка чиқмаёқ, куч-қувватдан қолиб, қариликни бўйнига олиб қўйганларни кўп кўрганимиздан қариганда ҳам йигитлардай югуриб-елиб юрган бу чолга ҳурматимиз яна ҳам ошиб кетди. Мен уни яхши кўриб қолдим, унинг бу қадар қувноқлигини сўрашга бир неча

бор оғиз жуфтладиму, кела солиб гапга тушиб кетишни енгилтаклик деб билиб, маврути келса сўрарман, деб индамадим.

Мақсад — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик йиллик байрами муносабати билан ўлкамизда Советлар Ҳокимиятини ўрнатиш ва уни мустақкамлашда жонбозлик кўрсатган революция ветеранларидан биронтаси ҳақида мақола ёзиш эди. Отамурод бувага нима мақсадда уйига келганимизни энди айтамыз деб турганимизда, у ташқарига чиқиб кетди. Биз ўзаро унинг ҳақида гаплашдик. Ҳар ким билган, эшитганларини шоша-пиша гапира бошлади. Суҳбатимизни чолнинг ўзи келиб бўлди.

— Болалар, бу ерда ўтиришингиз менга ёқмаяпти,— деди у эшик ёнига солиғлик кўрпачага тиззалаб ўтириб.— Катта уйга жой қилдириб қўйгандим, айбга буюрмасангизлар, ўша уйга ўтсак.

Катта уйи ҳақиқатан ҳам кенг ва ёруғ экан. Деразаларига оқ ҳарир пардалар тутилган. Уйдаги буюмлар жой-жойига қўйилгани учун уй саранжом-саришта эди. Уйнинг поли эса сариқ рангга бўялган. Шифтда катта лампочка осилиб турибди. Эшик ёнидаги тумбочка устида қора духоба ёпилган телевизор турибди. Хуллас, хона жуда шинам. Кун иссиқ бўлганлигидан Отамурод бува уйига ташқаридан тутилган чийни бир четга суриб қўйиб, ҳовлига сув сепиб юрибди.

Чолни уринтириб қўйганимиздан хижолат бўлиб, биз тезда кетадиганлигимизни айтган эдик:

— Одам деб шунча ердан келганингизни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилиб кетди. Бунақа гапни гапирманглар,— деди у эшик олдида тикка турганича.— Кичкина тўқлимиз бор эди, кампир сўйдириб қозонга солиб юборибди. Мен ҳам ундан қолмайин деб бир товۇғимиз бор эди, шунини сўйдирияпман. Овқатланиб бўлиб, бошқа гаплардан гаплашамиз.

Отамурод бува бизни осонликча қўйиб юбормаслигини билганимиздан кейин мақсадимизни айтдик.

— Ҳали ичимизда ёзувчилар ҳам бор денг, ундай бўлса, сизлар билан эҳтиёт бўлиб гаплашиш керак экан,— деб кулди чол,— мақсадингиз жуда олижаноб, Совет ҳукуматини қуришда меҳнати сингган одамларнинг хизматлари, қилган ишлари ҳақида ёзиб, ёшларга ўрнак қилиб кўрсатишларингиз жуда яхши. Бироқ менинг ҳақимда ёзганингиз билан ҳеч нарса чиқара олмасмикинсиз дейман. Сабаби,

Ўзим эл-юртга кўнгилдагидай хизмат қилолмадим. Шунга ҳали-ҳали ўксинаман.

Отамурод бува Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат Белгиси орденлари билан мукофотланган, бир-икки марта Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати қилиб сайланган эди. Отамурод оқсоқол нотаниш одамларга ўз ишлари ҳақида камтарлик қилиб гапирмаяпти. Тўғридан-тўғри айтмаса ҳам, ҳар гал гапини бошқа ёққа буриб юбориб, ўзи ҳақида бирор нарса ёзишимизга норози эканлигини билдирди. Лекин бизнинг ҳам ниятимиздан қайтмаслигимизни билди-да:

— Майли, ихтиёр сизларда,— деди охири ноилож,— айтиб қўяй, менинг ҳаётим ҳамманикидай эмас. Катта ишларда ишлаганим билан кўп хатоликларга ҳам йўл қўйганман, шуларнинг ҳаммасини яширмай ёзсангиз мен розиман.

Чол бизнинг розилигимизни олгандан кейин секин сўз бошлади.

* * *

Отамиз Ўтемурод бой одам эди. Унинг ери ҳам, мол-ҳоли ҳам бениҳоя кўп эди. Лекин бизнинг бошқа бойлардан фарқимиз шу эдики, биз эллик-олтмиш узоқ-яқин қариндош-уруғ билан бир ерда турардик. Ҳаммага отамиз бошчилик қиларди. У овқатланишга ўтиришдан олдин ҳаммани йиғарди-да, барабар овқатланарди. Ўша вақтда қаторасига уч-тўрт қозон осиларди. Агар ҳаммамиз бир ерга сиғишмасак, қатор турган уйларга ҳам кириб овқатланаверардик. Етишда ҳар ким ўз уйига кириб кетарди. Улар орасида қўни-қўшниларнинг ҳам болалари бўларди. Отамиз буларни ҳам ўз болаларидай кўрарди. Шунинг учун ҳамма унинг чизган чизигидан чиқмасди. Унинг айтгани айтган, дегани деган эди. Одамларнинг ёмон азаси ҳам, яхшилиқ тўйи ҳам отамизнинг иштирокисиз ўтмасди. Бола-чақаси бўлак бўлган укаларининг бийлиги ҳам унинг қўлида эди. Ҳатто биров уйнаб келмоқчи бўлса, чолнинг айтган кийимларини кийиб, кўрсатган отини миниб кетарди. Уларнинг ишлаш тартиби ҳам бошқача эди. Ҳамма эркаклар Ўтемурод чолнинг буйруғи билан ишларди. Келинлар билан қизлар эса бобомиз ўлиmidан ўн йил илгари уйланган энг кичик хотини Кенжагулнинг ихтиёрида бўларди. У отамиздан кичик бўлишига қарамасдан, отамиз уни «кич-

кина» деб жуда ҳурмат қиларди. Ўзи ҳам унга қаттиқ гапирмас, бошқаларнинг ҳам хафа қилишларига йўл қўймасди.

Отамиз мол туёғини кўпайтиришга ҳам, деҳқончиликка ҳам жуда уста одам эди. Молимиз, еримиз шунча кўп бўлишига қарамай, ҳаммасини беш қўлдай биларди. Шунинг учун қайси ерга нима экин экса яхши ҳосил беришини бизга гапириб юрарди. У кишининг яна бир хусусияти шу эдики, динга ўта ишонарди. Шунинг учун уруғимизда хоҳ қиз бўлсин, хоҳ ўғил бўлсин, уни Худойназар Охуннинг мактабини битирмагунча қўймасди. Диний китоблардаги ҳамма нарсани билиш ва унга амал қилиш керак деган эътиқод билан яшайдиган отамиз «оқ подшо қулади» деган хабарни эшитиб, бизга бу ишларга мутлақо аралашмаслигини тайинлади. «Подшо худонинг ердаги вакили, шунинг учун подшога қарши чиқиш худога қарши чиқиш билан баробар» деди. У одам ўлдиришни, бировни ножўя хафа қилиб, азоб беришни жуда ёмон гуноҳ ҳисобларди. Шунинг учун инқилоб кунларида бизнинг уруғдан ҳеч ким инқилобга аралашмади.

Хўжалигимиз шундай ҳолда турганда Совет ҳукумати ўрнатилди. Отамиз аввал: «Қандай тўнтариш бўлса ҳам бари бир элни бир подшо сўрайди. Бизга кимнинг подшо бўлганининг фарқи йўқ. Ким бўлса ҳам у худонинг ноиб, шунинг учун янги подшога ҳам қарши чиқиш ярамайди» деб юрди. Кейинроқ бировлар йўлдан урдими, янги ҳукуматни ёқтирмай қолди. Бир куни ҳаммамизни йиғди-да «замоннинг ўзгариб» бораётганини «тушунтирди».

— Бу большевиклар бизни тинч қўймайдиганга ўхшайди. Уларнинг кўзи қаерда бой бўлса, ўшанга тушади. Шунинг учун ўсинглар-унинглар, ақлли бўлинглар, ўзингизга тегишли мол-мулкни мендан ажратиб олинглар-да, ўларингизча хўжалик бўлиб яшанглар,— деб бизларга жами уй-жой, мол-мулкни баб-баравар бўлишиб берди. Энг кенжаси мен бўлганим учун менга кўпроқ берди. Лекин мени ҳам тез орада уйлантириб, бўлак қилиб юборишини айтди.

Ҳаёт — кураш дейди-ку ҳозир. Шу гап жуда тўғри айтилган экан. Сабаби, одамнинг иши одамга тушадиган бўлгандан кейин, ўзинг билан бўлиб, фақат ўзингни ўйлашинг ҳам ақлдан бўлмас экан.

Ёшликдан бирга кўрпа тепишиб катта бўлган Жамий деган дўстим бўларди. Турмуши жуда оғир эди. Устига устак, инқилоб бўладиган йили отаси ўлиб, ёлғиз онаси

билан қолди. Бир оз вақт ҳар кимнинг эшигида малай бўлиб юрди-да, ўн саккизинчи йили инқилоб бўлгандан кейин қизил аскарга кириб кетди. Урушлар тамом тугаб, тинчлик бўлгач, Жамий овулига қайтмади, милиционер бўлиб шаҳарда қолди. Буни айтишимнинг сабаби, бир қизни деб иккаламиз уришиб қолиб, ўртада анча ишлар бўлиб ўтган эди. Отам билдирмай қўшни овулдан Сейтимбет отанинг қизи Нурзодани менга унаштириб қўйибди. Илгари иккови бир-бирини яхши билгани учунми, ё бошқа сабаб биланми, ҳайтовур, иккаласи бир кунда олиқ-солиқни келишишибди, эртасига эса ҳисоб-китобни ҳам қилишиб, ишни битириб қўйишибди. Нурзодани эса ҳалиги ўртоғим орқаворотдан яхши кўриб юрар экан. «Остимда от, елкамда бешотар, Нурзода бизга тегмай кимга тегаети» деб керилиб юрганда менга унаштирилганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб қолибди. Тезликда қиз билан учрашиб, кўнглидагисини айтган экан, Нурзода: «Сендан бошқага тегмас эдим, ота-онамнинг хоҳиши шу бўлгандан кейин иложим йўқ»—дебди. Шундан кейин Жамий дўст-биродарликни йиғиштириб, бизларни йўқ қилиб, Нурзодага ўзи ўйланиш пайига тушади. Бу вақт қулоқларни йўқотишнинг эндигина бошланган даври эди. Жамий эса отамизни қулоқлар рўяхатига ёздирибди. Одам бор жойда гап бор, дегандай, биров Жамийнинг бузуқ ниятини отамга етказибди. Икки қуда енг ичида маслаҳатлашиб, бизнинг бошимизни қовуштирди-ю, бўлак хўжалик қилиб чиқариб юборди. Юртга катта тўй қилиб беролмадик деган армонда қолдик...

— Манови, чоли тушмагурнинг эзмаланиб ўтирганини қара,— дастурхон кўтарган кампир эшик олдида пайдо бўлди.— Сен ҳам меҳмонларга ўхшаб ястаниб ўтиргунча, чой-пойни олиб келсанг-чи.

— Опкелавер, кампир, гап қизиб кетди,— деб бизга қараб кўз қисиб қўйди чол.— шундай қилиб, ўша Нурзодамиз ҳозир ҳеч тенги йўқ эзма, букри бир кампир бўлиб қолди.

— Яна нима бало урди сени? Энди жинниликнинг менга қилмоқчимисан?— деди кампир.

— Хафа бўлма кампир, жуда ҳам мақтовингни келтириб ўтирибман.

Бизни бошлаб келган Ўрозбой у-буни олиб келишга ёрдамлашмоқчи бўлиб қўзғалган эди, Отамурод бува ёш йигитдек дик этиб ирғиб ўрнидан турди.

— Биронтангиз қимирлай кўрманг, ҳаммаси ҳозир жойида бўлади. Раҳматлик отам меҳмонга хизмат қилиш савоб бўлади, деб қариган чоғида қўлида қумғон, елкасида сочиқ, одамларнинг қўлига сув қуйиб юарди. Меҳмон ким бўлишидан қатъий назар, уни ҳурмат қилиш ота-боболаримиздан қолган энг яхши одатлардан бири, шундаймасми болаларим? Уни бузиш катта гуноҳ бўлса керак.

Узилиб қолган суҳбатни чой ичиб ўтириб давом эттирдик.

— Шундай қилиб, отам бизни бўлак қилиб юборди,— деди чол сўзини давом эттириб,— ҳақ жойида қарор топди. Жамий бизни қулоқ қила олмади-ю, отамнинг мол-мулкани мусодара қилдириб, ўзини қаматиб юборди. Отамнинг гапига кириб, ҳеч ким бу ишга аралашмади. Ҳатто бир-икки йиғинда: «Отамизнинг қулоқ бўлгани яхши бўлди» деб ҳам айтдик. Отамиз бир нарсани тушунибми, тушунмайми ё қўрқоқлик қилибми «менинг учун талашиб-тортишманглар, қўлингиздан келганча янги ҳукуматга ишлайверинглар, мен ёшимни яшаб, ошимни ошаган одамман, сизлар ёшсизлар, келажагингиз олдинда» деб насихат қилиб турди. Шундан кейин мен унинг маслаҳатига кириб, дастлаб қўшчилар союзига кирдим. Колхозлаштириш даврида биринчилардан бўлиб колхозга кирдим. Бурунги ўқиганимнинг ёрдами тегди: тезда лотинча савод чиқариб олдим. Шу орада ҳукумат оқ-қорани ажратиб, отамизни қамоқдан чиқариб юборди. Мен бўлсам колхозда амалдорлардан бири бўлиб қолдим. Аввал омбор мудир, кейин ҳисобчи бўлдим. Колхозда очилган мактабда, кейин қишлоқ хўжалик техникумида ўқидим. Шундан кейин мени колхозга раис қилиб сайлашди. Шу лавозимда 1957 йилгача ишлаб, колхоз совхоз бўлгандан кейин, пенсияга чиқдим.

— Ҳалиги Жамий деган одам ҳозир ҳам борми?

— Бор. Шаҳарда туради. Уша ўттизинчи йиллардаёқ милициядан бўшатилган. Кўп йиллар қассоб бўлиб ишлади, ҳозир эса боғбон. Турмуши ёмонмас. Катта-катта болалари бор. Анчадан буён яна борди-келди қилиб турамиз.

— Депутат бўлганингиз, орден олганингиз ҳақида гапирмадингиз-ку?— дедик отага.

— Болаларим, бунинг айтадиган жойи ҳам йўқ. Уруш йиллари, урушдан кейин колхозимиз ёмон бўлмади. Лекин ҳозирги давр билан солиштирадиган бўлсак, у даврнинг яхшилиги ҳеч нимага арзимай қолади,— деб Отамурод бува овқатдан хабар олишга чиқиб кетди.

— Бу қандоқ бўлди? Ҳеч нарса айтмайдиганга ўхшайди-ку,— дедим Урозбойга.

— Менинг ҳам бунақа масалада у билан биринчи марта учрашишим,— деди у,— одамлар уни ўз қилган ишлари ҳақида ҳадеб гапираверишни ёқтирмайди, дейишарди, шу гап рост экан. Шошма, тагин озгина гапиртирадиган жойи бор. Бу ерга Охунбобоев келган дейишади, шу тўғрида гап очилса, эҳтимол, баъзи нарсаларни яна айтиб берар.

Шундай қилдик.

— Урушнинг дастлабки кунлари эди,— шошилмай гап бошлади чол,— колхозчиларимиз хоҳ чорвачилик бўлсин, хоҳ фронтга ёрдам бериш бўлсин, хоҳ жўхори экиш бўлсин, бир ёқадан бош чиқариб, партиянинг ҳар қандай топшириғини ўринлатиб бажариб турди. Шу сабабли бўлдими, колхозимиз «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди. Ордени топширишга Йўлдош Охунбобоевнинг ўзлари келдилар. Охунбобоев жуда камтар, ишбилармон одам экан. У бизга овулимизнинг маданий аҳволини кўтариш учун талайгина маслаҳатлар берди. Шундан кейин биз ҳам Охунбобоев айтди деб клуб, ҳаммом, новвойхона ва шунга ўхшаш нарсаларни қурдик. Овулимизнинг довруғи кетишига ҳам шу киши сабабчи бўлди.

— Ҳозир сизни кутубхонада ишляпти, деб эшитдик, шу тўғрими?

— Яширадиган жойи йўқ. Совхоз тузилган йили ҳамма нарса қўшилиб кетиб, овулимизда мактаб ва медресадан бўлак маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ишламай қолди. Шундан кейинги йили ўзимга ўхшаган пенсионерларни ишга тортдим. Ўз кучимиз билан икки хоналик уй солдик. Эшик-дераза, пол, тахта ўзимиздан чиқди. Стол, скамейкаларни ҳам ўзимиз ясадик. Эшикнинг сиртидаги бир тахтачага «В. И. Ленин номидаги кутубхона» деб ёзириб ёпиштириб қўйдик. Ўзимиз газета-журналларга обуна бўлиб, олган газета ва журналларимизни шу ерга қўя бошладик. Кутубхоначи ўзим бўлдим. Шахмат-шашка ҳам олдик. Кутубхона мунтазам ишлаб турарди. Бу ишимиз дастлаб кўпчиликка эриш туюлгандек бўлди, кейинчалик бунга ҳамма қизиқиб қолди. Айниқса, ёшлар ҳар хил китоблар олиб келиб, кутубхонани тўлдириб юборишди. Ҳозир кутубхонамиз посёлка қошидаги кутубхонага айланди, бу йил у торлик қилиб, катта ўқиш зали қурмоқчи бўлди. Шунинг асбоб-ускуналарини бермоқчи

бўлган посёлка совети ишни галга соляпти. Бугун райисполкомга бориб, шу масалани айтмоқчи эдим.

— Унда кутубхонангиз посёлка совети ҳисобига ўтдими?

— Рўйхатда бор. Лекин улар ҳеч нарсa беришгани йўқ. Мен эса кутубхоначи бўлганим учун мояна сўрамайман. Китоб бўлса халқники.

— Сизнинг партияга ўтганингизни жуда қизиқ бўлган дейишади, — Ўрозбой гапга аралашди.

— Ҳа, — деб кулимсиради Отамурод бува. — Эшитган экансизлар-да. Мен партияга яқинда ўтдим. Райком бюросида ёшгина йигит: «Партияга нима учун киярпсиз?» деб сўраб қолса бўладими? Бу сўз менга энди нимага киярпсиз, дегандай эшитилди-ю, аччиғим чиқди. Бирпас ўйладим. Ўзимни босиб олдим-да: «Эҳтимол баъзи бирларингиз бу чол ўлар чоғида коммунист бўлиб ўлмоқчи деб ўйларсиз. Ҳатто партияга ўтиб олиб, қайтадан амал талаб қилар деб гумонсирарсиз» — деб бюро аъзоларининг юзига бир-бир қараб чиқдим. Ҳалиги савол берган йигит уялиб кўзини олиб қочди. Шундай ўйлашларингиз ҳам мумкин Бировнинг кўнглида қандай хаёл, қандай орзу-истак борлигини биров қаёқдан билади. Бироқ менинг мақсадим бошқа. Мен ёшлигимда Совет ҳукуматига кўнглимдагидек хизмат қила олмадим. Сабаби, у пайтларда кўп нарсани тушунмас эдим. Кейинги даврдаги хизматларим эса, ўзимни қаноатлантирмайди. Агар мен эртароқ тушунганимда халқим учун, Ҳукуматим учун бундан ҳам каттароқ ишлар қилишга ақлим ҳам, куч-қудратим ҳам етарди, деб ўйлайман. Шунинг учун ҳозир соғлиғим яхши экан, қолган умримни коммунист бўлиб ўтказгим, партия ва Ҳукуматимизга халқ қатори хизмат қилгим келади.

Жуда гапдонлигим тутиб кетди, бюродагилар гапимни диққат билан тинглашди. Шундан кейин савол берувчи топилмади. Қайтанга ҳамма ўрниларидан туриб, партияга ўтганим билан табриклай бошлашди.

— Отаси, уйга одамлар келяпти, эшикка чиқ, — деган Нурзода кампирнинг овози унинг сўзини бўлди.

Чол ташқарига чиқиб кетгач:

— Мен ҳам чиқиб кўрай, кимлар экан? — деб Ўрозбой ҳам унинг кетидан чиқди. Кўп ўтмай қайтиб кирди-да:

— Худди ўйлаганимдай бўлиб чиқди, — деди у чолдан хурсандлигини яширолмай, — бу кишини шу овулнинг «судьяси» дейишарди. Рост экан. Бир ёш жувон қўлида

эмизикли боласи билан ҳовлида йиғлаб турибди. Эри билан жанжаллашиб қолган бўлса керак. Эшитишимча, шу атрофдаги овул одамларининг дов-жанжали ҳам, ҳатто совхознинг хўжалик ишларига алоқадор бўлган баъзи масалалар ҳам шу кишининг маслаҳати ва бевосита иштироки билан ҳал бўларкан. Айтишларича, Отамурад бува яқин атрофдаги тўрт-беш овулнинг «сайланмаган бийи» экан. Иккинчидан, шу овулнинг ишларига аралашishi ҳам шарт. Чунки у ўтган йили шу овулдан район советига депутат қилиб сайланган экан.

Чол қайтиб келгандан кейин яна Ҳар хил сўроқларни бериб, гапиртирмоқчи бўлган эдик, гапиртиролмадик. Энди гапни чўзавермай:

— Битта ва охирги саволни берсак,— дедим. Чол боши билан унсиз маъқуллади.— Сиз ҳақингизда илгари бирон мақола ёки очерк ёзилганми?

— Йўқ, ёзилмаган. Чунки бурун мендан ким ўз ҳақимда сўраса, гапирмасдим. Мана сизлар Октябрнинг 50 йиллиги деганингиздан кейин, «ёмон чинини айтаман деб сирини айтади» дегандек, кўп гапларни гапириб юбордим. Бу менинг ҳаётимда ўз сирларимни биринчи ва кўнглингизга келса ҳам айтай, охирги марта айтишим. Ҳо, кампир, овқатни опкеляпсанми, мен қарашиб юборай. Ҳалиги «доринг» қаердайди?

Бу ҳеч унутилмас учрашув бўлди. Аттанг, кўп гаплаша олмадик у билан. Шундан бери менинг энг яхши кўрадиган ва ҳурмат қиладиган одамларимдан бири Отамурад бува бўлиб қолди.

ОВДАН ҚАЙТГАНДА

(Ҳикоя)

1

Кечки пайт ов милтиғимни елкамга солдим-да, қалин майсазораро илон изи бўлиб чўзилиб ётган кенг сўқмоқ йўлга тушдим. Итим думини ликанглашиб мендан олдинда йўртиб борарди. Япроқлари тўкилиб, қизғиш тус олган, уруғдонларини осилтириб, игнадай учларини кўкка чўзган чангалзорлар ортидан олтин баркашдай ой кўтарилиб келарди. Йўлим унмасди. Оёғимнинг дармони қуриди. Кун бўйи ов овлайман деб чарчаганимни энди сездим. Овулга етишимга бир-икки чақирим йўл қолганда, орқамдан бир арава етиб келди. Соқол-мўйлови ўсиб кетган аравакаш ёнимга келиб тўхтади-да:

— Қани, мерган бола, аравага чиқиб ол!— деб имлади.

Мен аравага чиқиб, унинг ёнига ўтиргунимча, у папирос тутатиб, мени кўздан кечириб чиқди.

— Олдимиздаги овулданмисан?

— Ҳа.

— Кимнинг ўғлисан?

— Бовменнинг.

— Ҳа, танийман.

Арава юриб кетди. Кузнинг ёқимсиз совуқ шамоли манглайимга урилди. Осмонда булут йўқ. Чўгдек милтилаган юлдузлар осмон бағридан ожиз шуълаларини соча бошлаганди. Яқин жойдан дарё шовқини эшитилиб турарди.

— Сени ўқишда деб эшитган эдим,— деди у папиросини усти-устига тортаркан.

— Ҳа,— дедим мен унга ўгириларканман кулиб.—
Ўқишда эдим, каникулга келдим. Икки-уч кундан кейин яна қайтиб кетаман.

— Уқиш ҳам осон эмас, иним... Ҳар қалай, кўпи кетиб, ози қолгандир... Шунинг учун ғайрат қилиб, нима бўлса ҳам битириб келганинг маъқул.

У юришини секинлаштирган отларни қамчи билан тортиб-тортиб юборди-да, ўзини орқага ташлаб жойлашиб ўтириб олди. Қамчи зарбидан олға сапчиган отлар арава-ни бирданига юлқиб олиб кетди. Гилдираклардан кўтари-рилган чанг тумандай тарқалиб, йўлнинг икки чеккасидаги майсазорлар бағрига сингиб кетди. Аравакаш гоҳ чангга ботиб, гоҳ йўлдан чиқиб, майсазорда югуриб келаётган итга қараб илжайиб қўйди. У алланималарни ўйлагандай боши-ни қуйи солиб бир оз ўтирди-да, сўнг яна бошини кўтариб, қаддини ростлаб олди.

— Қалай, ақалли бир шўрвалик оддингми?

— Энди ўрганияпман, оға. Икки марта отган эдим, тек-киза олмадим.

— Зиёни йўқ, тажрибали мерганларнинг ҳам қуруқ қайтадиган кунлари бўлади.

— Ростданми?

— Рост айтипман. Мен ҳам донгги кетган овчилардан эдим. Бироқ бир сабаб билан овчиликни бутунлай ташлаб юбордим.

— Нега? Қандай сабаб билан?

— Шундай, бир қиз сабаб бўлди.

— Қиз дейсизми?

— Ҳа, қиз!

— Қандай қилиб, оға?

— Қистайверма, иним. Лекин тинглайдиган бўлсанг, айтиб бераман.

— Айтинг, оға. Йўлимиз қисқаради.

Арава аста юриб келарди. Отлар ўз эгасининг сўзлари-ни маъқуллаётгандек, юришни секинлаштириб, ҳадеб бош-ларини ирғашарди. Атроф жимжит. Тиқ этган товуш йўқ эди...

У шошмади. Жимгина папиросини алмаштириб чекди-да, ичига тортган тутунни оғзи-бурнидан бурқиратиб чиқар-аркан, ҳангомасини бошлади...

2

Овулимиз тоғ этагида эди. Яйлов ҳам унча узоқ эмас-ди. Шу сабабли овул одамлари чорвачилик билан ҳам шўғулланишар ва қўра-қўра қўйлар боқишарди. Мен мерган-

ликка ўша ерда қизиқиб қолиб, уни ўша ерда ўргандим. Яйловга чиқиб кийик отиш менинг энг сеvimли машғулотим бўлиб қолган эди. Кунлардан бир куни қишлоғимизга Қозоғистондан бир хўжалик келиб қўшилди. Соқолига ҳали оқ тушмаган янги ҳамқишлоғимиз келиши биланоқ қишлоқдагилар билан апоқ-чапоқ бўлиб аралашиб кетди.

Ўша кундан бошлаб қишлоқдаги қизлар сафига яна битта гўзал пари келиб қўшилганини ҳамқишлоқларим мендан олдин сезишибди. Кўп ўтмай, уни мен ҳам кўриб қолдим... Оҳ, қизмисан бир қиз экан: сутдан оқ, сувдан тиниқ экан кўрсам уни...

Уни кўрган йигитларнинг тинкаси қуриб, бир-бирларига:

— Оҳ! Қани энди шундай ёринг бўлса, дунёдан беармон ўтар эдим!— дейишарди, мен эсам уларга кулиб:

— Бундай қилиб, кетидан ҳасрат чекиб гапириб юргандан кўра, дангал ўзи билан гаплаша қолсаларинг бўлмайdim!— деб ҳазил қилардим.

— Йўқ, жўра. Кўп ҳаракат қилиб кўрдим. Лекин бари бекор кетди. У жуда ёввойи, билсанг!— дейишарди улар ҳам менга.

Ниҳоят, мен ҳам ўйланиб қолдим ва қандай қилиб бўлмасин ўша асов қиз билан танишиш йўлини излай бошладим. Бу унчалик қийин бўлмади. Ёз кунларининг бирида мен асранди бургутимга емиш отиб келиш учун ов милтиғимни олиб, овга чиқиб кетдим. Овулга яқинроқ ердаги чакалакзорлар орасидан ўтиб кетаётиб, кутмаганда, ўтин териб юрган бир қизни кўриб қолдим. Қарасам — ҳамқишлоқларим мақтаб юрган ўша қиз экан. У мени кўрмади. Мен уни қандай қилиб ўзимга қаратсам ва нима деб гапга солсам экан деб ўйлаб турганимда, бирдан тепамда катта бир қуш учиб келаётганини пайқаб қолдим. Сўнг дарҳол уни нишонга олдим-да, милтиғимнинг тепкисини босиб юбордим. Қиз қаттиқ қўрқиб кетиб: «Вой!» деб юборди ва мен томонга қайрилиб қараб, шошганидан нима дейишини ҳам билмай турган бир пайтда, ўқ теккан қуш бўйини осилтириб тап этиб ерга қулаб тушди.

— Нега отасиз?— деди у энтикиб нафас олар экан жаҳл билан ютиниб.— Нега отасиз, у сизга нима гуноҳ қилди?..

— Ҳовлиқманг, синглим. Бунинг нимасига жонингиз ачийди. Ахир бу калхат-ку, товуқларни жўжасидан айирди. Тушундингизми?..

У менга кўзларини олайтириб бир қаради-да, тескари ўгирилиб индамай кетиб қолди. Ақалли қайрилиб ҳам қарамади. Мен ҳайрон бўлиб, елкамни қисганимча қолавердим.

3

Мен, бу бизнинг ҳам биринчи, ҳам сўнгги учрашувимизга сўзлашувимиз бўлса керак, деб ўйлагандим. Лекин ундай бўлмади. Тақдир бизни овлоқда яна учраштириб қолди. Бу сафар мен уни кўришданоқ ўзимни дадил тутиб:

— Ҳа, қушларнинг ҳимоячиси, бу сизмидингиз?— дедим. Қиз жавоб ўрнига мийиғида кулиб қўйди ва:

— Сиз ҳамма вақт шундай қушларнинг жонини олиб юрасизми?— деди менга.

— Нега энди сиз менинг тўғримда фақат шундай деб ўйлайсиз? Ахир, мен ҳам баъзи бир қушларга узоқ умр тилайман.

— Йўқ. Сиз унақага ўхшамайсиз.

— Демак, сиз мени ҳали яхши билмас экансиз... Кейинчалик билиб қоларсиз.

У жилмайиб кулиб қўйди. Лекин мен унинг бу кулиши маъносини англаб етолмадим.

— Исмингиз ким?— деб сўрашга журъат этдим ниҳоят.

Қиз юзларига тушган қора сочларини юқори кўтараркан:

— Ойгул!— деди.— Сиз чўпонмисиз?..

— Ҳа, яна мерганлигим ҳам бор. Биласизми, бу ер шундай яхшики: яйлов десагиз — яйлов бор, тоғ десагиз — тоғ бор... Арқар, кийик, сайғоқ каби жониворлар югуришиб ҳушингизни олади.

— Аммо улар бизларни кўрса тура қочади... Шундай эмасми?— деди у сўзимни бўлиб.— Сиз уларни ҳам отдингизми?

Мен тутилиб қолдим.

— Кўрдингизми, отганингиз билиниб турибди. Уларнинг одамларга ҳеч қандай зиёни йўқ-ку ахир!

— Ҳамма отади.

— Шуни айтяпман-да. Биз уларни ўзимизга ўргатиш ўрнига, ҳамиша ҳуркитиб юрамиз.

— Хўш, бу гапларингиз билан менга нима демоқчисиз?— дедим мен ниҳоят тоқатим тоқ бўлиб қизга.

— Тирик жониворларни ўлдиришнинг кераги йўқ, де-моқчиман. Айбингизни юзингизга айтганим учун, кечира-сиз...

Мен ўзимнинг гапга нўноқлигимни ва у қиз билан кўн-лимдагидек гаплаша олмаслигимни пайқадим-да, хайрлаш-масдан орқамга ўгирилиб кетавердим. Лекин икки-уч қа-дам ҳам юрмасимданоқ, у мендан:

— Менга сайғоқ ушлаб беролмайсизми?— деб қолди.

— Сайғоқ?!

— Ҳа.

— Билмадим. Шу вақтгача сайғоқни ушлаш у ёқда турсин, ҳатто уни отиб ҳам кўрмаган эдим. Чунки уни уч-ратиш ҳам, отиш ёки ушлаш ҳам жуда қийин — у шунақа хуркак ҳайвон...

— Ҳаракат қилиб кўринг, балки ушларсиз. Сайғоқни жуда яхши кўраман...

— Майли, сиз учун албатта ҳаракат қилиб кўраман...

Мен яна ҳеч нарса деялмай кетиб қолдим. Лекин қал-бимни озроқ бўлса ҳам қувонч қамради. Мен буни ичимга сиғдира олмай ҳуштак чолиб борарканман, шамол қуло-ғимга яна Ойгулнинг нозик овозини элтиб келди:

— Ҳасан оғай, сайғоқ тирик бўлсин, жонсизининг кера-ги йўқ!..

4

Мен Ойгулнинг бу илтимосини бажариш мақсадида ик-ки-уч кунлаб уйга келолмай қолган пайтларим ҳам бўлди. Лекин бирорта сайғоқ мени ўзига яқинлаштирмас эди.

Бир куни уйда дам олиб ётган эдим, кўчадан қандай-дир шовқин эшитилаверди. Мен, ёш болалар бўлса керак, деб ўйладим. Лекин шовқин борган сари кучайиб, яқинла-шиб келаётгандек туюлди. Қарғиб ўрнимдан туриб, югуриб-ташқарига чиқдим. Қарасам — икки отлиқ йигит ҳай-ҳувлашиб бир қизил сайғоқни қувиб келишяпти. Мен авва-лига овул ичига бу сайғоқнинг қандай қилиб келиб қолга-нини ўйлаб ҳайрон бўлдим. Кейин дарҳол Ойгулга берган ваъдам эсимга тушиб қолди. Уйга югуриб кирдим-да, мил-тиғимни олиб, отга миндим. Уни овулдан чиқармасдан ушлаш керак эди. Ҳадемай отимни учуриб, йигитларнинг олдига тушиб олдим. Сайғоқ ҳамон қочиб борарди. Кўп ўтмай, у чаровқдан сакраб ўтиб, ўзини қалин ўтлоққа урди-

Мен отимни қуюндай учириб борарканман, сайғоқнинг ортики оёғини пойлаб отиб юбордим. Гурс этган милтиқ товуши билан бир қаторда сайғоқнинг аччиқ чинқиргани ҳам эшитилди...

Тутун тарқалган пайтда Ойгулнинг тиз чўкиб типирчиланиб жон бераётган сайғоқнинг бўйнидан қучоқлаб ўтирганини кўрдим-да. отимдан сакраб тушдим.

— Қайси оёғига тегибди, Ойгул?— деб мен ҳам ўтира кетдим.

Шу пайт орқадаги йигитлар ҳам етиб келишди. Ойгул индамади. Лекин кўзларини олайтириб қараркан, қўлидаги ипини юзимга улоқтириб юборди:

— Ма, бемехр, олиб кет!

Мен кўз юмиб очгунимча Ойгул орқасига бурилди-да, шартта кетиб қолди. Йигитлар ҳам бир оғиз бир нима дейишолмай, отларига миниб жўнаб қолишди.

— Кейин нима бўлди?— деб сўрадим мен чидамсизлик билан.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деди у нохуш ҳолда.

— Қиз билан қайтиб учрашмадингизми?

— У кузда Олмаотага кетиб қолди. Институтда ўқир экан. Бошқа кўрмадим.

Уйимизнинг рўпарасига келганда, мен у билан хайрлашиб, аравадан тушдим. Лекин унинг ҳикояси менда жуда кўнгилсиз таассурот қолдирди.

«КЕКСА МИЛИСА»

(Очерк)

I

Қор билан қопланган Қоратоғ зим-зиё тун қўйнида мудраган арслон каби қанқайиб ўтирарди. Ундан туртиб чиққан ва арслон тишига ўхшаб ақшийиб осилиб турган турлитуман тошлар, гўё, ялқов табиатнинг бепарволиги туфайли тартибсиз ҳолда сочилиб ётганга ўхшарди. «Ўғрисой»нинг эски унгуллари ҳомуза тортган афсонавий аждаҳоларнинг оғзидек, тун қўйнида даҳшат билан ҳувиллаб кўринарди...

Колхозлаштириш суронидан қути ўчган Саъдулла қўрбоши ўзи билан бирга тўртта шеригини эргаштириб, Қизилқёё кумлар даштига қочиб қолди. Чамаси, кумлоқ дашт, тақир чўл ҳам бу изгиндиларга ётсиниб қаради шекилли, уларнинг озиқ-овқатлари тугаб, ҳол-аҳволлари танг бўла борди ва ноилож эл орасига яқинроқ келиб, Қоратоғда йўл тўсарлик қилиб ўралишиб юрди.

Эл-юртдан ажралиб чиққан бу изгиндилар, қонли қармоқларига ҳеч нарса илинмай, жуда оч қолишди. Рангларидан қон қочиб, юзлари заъфарондек сўлди. Лаблари бўзариб, худди ошланган теридай пўст ташлай бошлади. Кўзлари ич-ичига кириб кетди.

Жанговар ГПУ нинг қўлига тушиб қолишдан қўрқиб, ўзларини овлоққа олиб қочган қароқчиларнинг кўрган кунни шундай кечарди.

«Эр озиғи билан бўри озиғи йўлда» деб шовқин соладиган Саъдулла қўрбошининг усти боши тутдай тўкилиб, тўзиб кетди. У юрарга мадори қолмаган шерикларига ҳам миқ этиб оғиз очмасди. Сабаби, ҳозир уларга қуруқ ваъдадан кўра бир тишлам нон бўлса — шу ортиқ эди.

Бибазордан кечга яқин йўлга чиққан икки йўловчи эшакларини «их-их»лаб йўртиб келарди. Алимбет ўтоғасининг

минган қора, оқсоқ эшаги тушкур шу қадар имирсилаб оёқ босардики, қанча урманг, ҳеч қор қилмасди. Ҳатто жингилдан қилинган халачўпни унинг елкасига аямай нуқиб-нуқиб олган пайтларда ҳам у қулоқларини чимириб, бошини қуйи солиб, бир оз диканглаб йўртиб борарди-да, яна бояги кишини Зиқ қиладиган аслига тушиб оларди...

— «Эшакка минганнинг оёғи тинмайди» дегани ҳақ гап ўзи! Их-ха, падарингга лаънат!— Алимбет шу хил не-не машаққатлар билан ўзидан анча илгарилаб кетган йўлдошига зўрга етиб олди ва қуюқ тер босган юзу кўзини қулоқчини билан артиб, бир оз дам олишни илтимос қилди.

— Шу дейман, юришимиз ҳеч унмаяпти-да!—деди йўлдоши қора эшакка кўз қирини ташлаб.— Ўзи хўб терисидан тилиб-тилиб оладиган эшагинг бор-да!..

Бу икки йўловчи Назархонга кетиб борарди. Улар янги тузилган колхозларига куч-кўлик сотиб олиб келишмоқчи. Куни эрта бозор бўлгани учун кечани-кеча демай шошилиш билан йўлга чиққан ҳам, эл кўзига эловсиз бўлсин, деб эшакка миниб олган ҳам ўзлари эди.

«Йўл устида бахт-саодат ҳам, ризқ-насиба ҳам, хавф-хатар ҳам кўп!» дегандай қилиб, Қоратоғ тепаликлари нохуш ёнбошлаб ётарди. Ҳалиги «их, чу»лар тунги жимликни бузиб, унгурларда «оҳ» тортиб ётган изгиндиларнинг қулоқларига бориб етди ва эти бориб устихонларига ёпишган гавдаларини ларзага келтирди. Гўё бир тўда болаларини ёнига тўплаб олиб, ёмиш ахтариб чиқиш олдидан ғингшиган кўк ёл қашқирдай бу ерда пинҳон ётган Саъдулла қўрбоши бир зумда типирчилаб қолди.

— Ё раббим, жиловимда бўл!—деди у, худосини йўл тўсарликка чорлаб.

— Ё боғ, ё чорбоғ!—деди унинг шериклари бир оз ранжиган ҳолда, ўзи йўқ арвоҳларига ёлвориб. Гўё уларнинг тасаввурларида худони фақат бир Саъдулланинг ўзи эгаллаб олгану булар қуруқ қолгандай эди.

Саъдулла қўрбоши тун қўйнида унгурдан чиқиб келиб, жағи тинмай «их-их»лаб келаётган ҳалиги икки эшакли йўловчига энди ташланган ҳам эдики, қари ит қора сондан олса, бари ит бирдан тармашгандек бошқа қароқчилар ҳам чекка-чеккадан чиқишиб келиб, ёпиша кетди...

Алимбет ўтоғаси эшакдан ирғиб тушиб, этигининг қўнжидаги наҳан пичоғига қўл узатди-ю, аммо суғуриб олишга улгура олмади. Афсуски, одамхўрлар унга тамом ёпишиб олишган эди. Батаван шундай пайтларда одам ғайри та-

бий бир важодат билан ғайратга кириб кетади. Алимбет ўтоғаси ҳам худди шундай кучга миниб, норғулдан келган иккитасини энди остига босиб олган ҳам эдики, нариги йўловчи билан олишаётган Саъдулла қўрбоши келиб, унинг устига ташланди ва ҳалқумидан бўғиб йиқитди. Алимбетнинг остига тушиб қолган ҳалиги икки қароқчидан бири, қургур симобдай силлиқ эканми, лип этиб сирпалиб чиқиб, яна Алимбетга ёпишди.

Шу аснода ёрдам кутиб атрофга аланглаётган Алимбетнинг кўзига иккита қароқчи билан олишаётган ҳамроҳидан бўлак ҳеч нима чалинмади.

Жон талаши қизиб кетди... Шошиб қолган Алимбет чаман эшагининг қовурғасини қайиштириб нуқиб келаётган жингил халачўпни қўққисдан қароқчилардан бирининг кўзига суқиб олди. Жонига озор етган қароқчи: «Воҳ, кўзим!» деб хириллаб, талвасалаб бориб қулади. Ғазаб ичида қони қайнаб, ҳалитдан бери милтиқ товушини чиқаришга ҳайиқиб турган қўрбоши, ортиқ чидаб тура олмай, шартта Алимбетни отиб ташлади... Кўз ўнги қоронғилашиб қулаб бораётган Алимбет ўтоғасининг қулоқларига узоқ-узоқлардан гупирлаган от туёқларининг товуши ҳамда олағовур аралаш «ура, ура!»лар шарпаси чалинди... Бу ногаҳоний товушлар қонсираб ётган колхозчининг юрагига аллақандай бир куч, чидам индирди...

Тонг отиб келаётир. Унча-мунча ҳам эмас, бамисоли девдек иккита душманни қалпоқдай учирган азим кучнинг эгаси Алимбет ўтоғаси, энди, ҳатто ўз гавдасини ҳам кўтара олмай, жон талвасасида зўрға-зўрға қимтиниб қўярди... Бир вақт у кўзини очиб, тепасида унга қараб тикилиб турган бир саршин йигитни кўрди. Унинг ёқаларига юлдуз қадалган бўлиб, тўппонча осиниб олган эди...

— Г-ПУ!..— деди Алимбет, зўрға уни чақириб. Зотан, у бу сўзни ўзига жуда яқин тутар ва кўпдан бери юрагида сақлаб юрар эди.

— Ота... Қароқчиларнинг иккитасини қўлга туширдик. Қолганларини бўлинмамизнинг жангчилари қувиб кетди... Кўзингизни очинг!..— Юлдуз таққан йигит тамом ҳолдан кетиб бораётган Алимбетнинг орзига сув томиза бошлади...

— Г-П-У!.. Қо-н-га... бў-ял-ган кўй-ла-гимни Жумағалига топ-шир!.. Кураш-лар-да... байроқ қил...— Алимбет сўнги сўзини тамомлай олмай, шилқ этиб узилди...

— Курашларда байроқ қилсин!— деди ГПУ ходими, тили тортилиб, охирги сўзини тўла айта олмаган Алимбетнинг сўзини тугаллаб.— Васиятингиз ерда қолмайди, ота!..

Тонг отди. Алимбетнинг гуноҳсиз тўкилган қони билан қизарган Қоратог тепаликларига қуёш илк шуъласини соча бошлади.

II

«Алимбетни босмачилар ўлдириб кетибди» деган шум хабар Қоратогдан отилган ўқдай ҳамма ёққа тез тарқалди.

Ўғли Жумағали йиғламади ҳам. Гарчанд, отасининг ўлими юрак-бағрини юлиб кетган бўлса-да, ёшлиқдан суягига сингиб қолган бардамлигиданми, ёки қора сочини тўзитиб мотам тутаётган онасини юпатиш учунми, ҳар нечук, Жумағалининг ёш тўкканини ҳеч ким кўрмади.

У тонг қоронғисида туриб кийиниб, белини маҳкам боғлаб, уйдан чиқиб борар экан, муштипар она:

— Қороғим, қаёққа йўл олдинг?— деб сўраб қолди.

— Тўрткўлга, пойтахтга, она. У ерга бориб кек-интиқом кийимини кийиб қайтаман!

— Сафаринг беҳатар бўлсин, бўтам!.. Тезроқ қайт, жон болам!..

* * *

1931 йил. Декабрь аёзи бетни чимчилайди. Тўрткўлнинг гўё табиат ўз қўли билан муз тўшаган тайғаноқ кўчаларининг биридан юмалоқдан келган, бароқ қош, бугдой ранг ва кун совуғидан бўлса керак, қир буруни қизарган йигирма икки ёшлар чамасидаги бир йигит яхмалак босиб юриб келяпти. Жунни ўсиқ қўнғир қўзининг терисидан тиктириб, қанқайтириб кийиб олган қалпоғи, ёқасиз чопони қўнжи кенг чарм этиги — уни кўрган кишида, шубҳасиз, деҳқон боласи экан, деган қаноат ҳосил қиларди...

— Ҳов, Жумағали!— муюлишдан эшитилган бу таниш товуш йигитнинг хаёлини бўлди.— Қороғим, қани бу ёққа кел-чи!..

Жумағали қулочини ёзиб кулимсираб келаётган лейтенант Петровни кўриб, кўзига ёш олди... Гўё қошига отаси тирилиб келаётгандек эди.

— Нимага бунча бўшашдинг, ўғлим!— Петров Жумағалини худди ўз ўғлидек бағрига босди.— Сени, жуда бардам йигит экан, ўзини тутиб ола билди, йиғламади, деб мақтаганимиз қани энди?

— Шунчаки, ўзим...— деди Жумағали, у билан қўл

беришиб саломлашар экан.— Сизни ўз отамдек кўрганлигимдан...

Лейтенант Петровнинг кабинети илиққина эди. У бир оз ўтириб танасига иссиқ югургандан кейин, чопони билан қалпоғини ечиб, Петровнинг шинели ёнига илиб қўйди. Мана, унинг улкан қора қалпоғи, гўё энди ҳеч кимнинг ҳақи қолмагандай, қозикда шалвираб осилиб турибди...

Шу кун Жумағали пахта солиб қавилган янги чопони, кийиб олса бутун бошли бир қўзини бошига ўтқазиб олгандай қанқайиб турадиган қалпоғи, сув тегса шилп-шилп этиб шалвираб, қуриса оёқни қисадиган чарм этиги билан бир умрга хайр-маъзур қилди. Буларнинг ўрнига сахтисумбати келишган совет милицияси кийимларини кийиб олиб, халқ манфаатини қўрғаш йўлига ўтди.

Осар-тақарини жойига келтириб, шай бўлиб кўчага чиққан Жумағалининг кўз ўнгида марҳум отасининг қонга беланган қўйлаги гавдаланди... Унинг тасаввурида Алимбетнинг куни бошига тушиб қурбон бўлган бошқа ҳамма колхозчиларнинг руҳи шу қўйлақда жамулжам бўлар ва қон билан буланиб алвон ранг олган бу табаррук қўйлақ кураш байроғидек жонланиб, товланиб, улуғланиб борар эди...

III

1932 йили — ютуқлар йили бўлди. Совет халқи биринчи беш йиллик планни муддатидан илгари бажариб, янги Россияни қиздай ясантирди. Бу ютуқ — қуёш нури кўршапалакка ваҳшат солгандай синфий душманларимизни эсанкиратиб қўйди. Куни битиб қолган босмачилар қўлмакка қўнган ёввойи ўрдаклардай йилт-йилт этиб, аҳён-аҳёнда у ер-бу ердан кўзга чалиниб турар ва ГПУнинг бир ҳамласи биланоқ қўлга тушиб тамом бўларди.

Мана шундай кунларнинг бирида босмачиларга қарши курашувчи отлиқ аскарлар бўлинмасининг командири лейтенант Петров Жумағали Алимбетовга биринчи бор жанговар топшириқ берди.

Жумағали ёнига иккита отлиқ аскар милиционерни олиб, йўлга чиқди.

Тун. Бибазор қишлоғи қаттиқ уйқуда. Фақат қамишзор қўйнидаги ёлғиз уйдагина чироқ милтиллайди. Бу ерда икки кимса киприк қоқмай ўтирибди. Колхозчиларнинг берган хабарларига кўра, бугун бу ерга Нуримбет босмачи келмоқчи. Айтишларига қараганда, қамишзордаги бу ёлғиз

томда кампири билан бир мулла турар экан. Уларнинг ўзларидан бошқа ҳеч кими йўқ бўлиб, бурунлари ўзи қатори кексалар: «булар бир сўққа бош чол-камбир бўлса...» дегандай қилиб, наридан-бери ёрдамлашиб туришар экан. Яқиндан бери қишлоқда: «Чол Нуриббет босмачига уйдан қўноқ беряптимиш. Ёб-ичиши шунинг бўйнига экан...» деган гап тарқалиб, ҳамма унга ҳадиксираб, нафратланиб қарайдиган бўлиб қолди.

Кундуз куни Жумағали чолникига деҳқон кийимида келиб, у билан бир оз суҳбатлашиб қайтган, лекин ҳеч қандай сир-синоат сеза олмаган эди.

Мана, ёв ангдишнинг биринчи куни ҳозирча жимжит ўтиб боряпти. Кўк гумбази ўз кўксига сонсиз-саноксиз юлдузлар тақиб кўм-кўк бўлиб кўкариб турибди. Аҳён-аҳёнда, худди босмачиларнинг қанғиган ўқи каби, юлдузлар учади...

Тун ярим кечадан оққанда ҳалиги якка томдан милт-милт этган чироқ ёруғи кўриниб, дарров сўнди. Қопагон ола қанжиқ бир йўла «ҳов» этиб ташланди-ю, таниш одамини билди шекилли, уни ўчди.

— Саъдулла қўрбошининг ҳамтовоғи Нуриббет босмачи келди!— деди Жумағали ҳамроҳларининг қулоғига шивирлаб.

Қизиги шундаки, эр йигит курашга яккама-якка тушмай туриб, хумордан чиқмайди!

— Томни қуршаб оламиз! Сизлар дарча томсидан, мен эшикдан!— деди-да, Жумағали жавоб кутиб ўтирмай, эмаклаб юриб кетди.

Бир тилиш гўшт жонингни олгур чол уни қўриқлаб юрган эканми, қанжиғи «ҳоп» этиб ташланиши билан, югуриб уйга кириб чиқди:

— Ҳайт, бос! Ким бу?.. Ҳой!..

Жумағали деворга ёпишган ҳолда эшик олдида келиб, шартта бешотарини ўқталди.

— Нима гап ўзи, тинчликми?..— чол ўзини гўлликка сола бошлади.

— Уйда ким бор!— деди Жумағали силтаб буйруқ бериб.

— Кампирим бор,— деди чол дудуқланиб. Чамаси у ҳалиги киришида «меҳмонини» қочириб юборгандай эди. Чол уй эшигини очди:— Ана, кўр. Арвоҳ ҳам йўқ...

Ҳақиқатан ҳам уйда ҳовлиққан кампирдан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

Шу пайт ташқаридан милтиқ товуши эшитилди. Дарча томондан босган милиционерлар қамишзорга қараб ўқ узишар эдилар... Шу алпозда отишма нақ тонгга қадар давом этди. Булар — уччови. Улар — номаълум... Эрталаб ўқ товушини эшитган колхозчилар ёрдамга келиб қолишди.

Сезгир милиционер Жумағали Алимбетов шумшук босмачиларнинг сирини очди: уйнинг тўрт томонидан чоҳ қазилган бўлиб, устига сандиқ қўйиб беркитилган экан. Сандиқнинг таг томони ҳам қопқоқли бўлиб, очиб юборса, тўғри чоҳга тушилар экан. Чоҳлардан эса қамишзор ичка-рисига қараб кетилар экан. Босмачилар шу чоҳлар орқали қамишзорга чиқиб олиб, буларга қарши ўқ узишаётган эканлар. Бироқ шуниси қийин бўлдики, чоҳларнинг қамишзордан чиқадиغان оғзи топилмай, буларни кўп ҳалак қилди.

Разведка, тинтув, курашнинг олтинчи куни Тўрткўлдан беш-олтита милиционер етиб келди. Улардан бири Жумағали Алимбетовга пакет топширди:

«Тезлик билан Тахтақўприкдаги Маржон кўлга етиб боринг. Сизни у ерда муҳим иш кутиб турибди. ГПУ ходими Қодиров кутиб олади.

Жанговарлик саломи билан Петров».

Жумағали Алимбетов бу ерда қолганларга бирма-бир маълумот бериб, Тахтақўприкка жўнаб кетди. Йўл-йўриғини беш кўлдай билган Жумағалига Маржон кўлга бориш шарт эди.

— Орқангга кўп қарайверма, Жумағали! Босмачиларни кўлга туширган жангчилар қаторига биринчи бўлиб сенинг номинг ёзилади. Сирни-ку калтини сен топиб бердинг, қийратишни энди биздан кўравер,— деди янги келган рус йигити унга кулимсираб.

Жумағали Маржон кўлда юрар экан: «Халқ Нуриббет қароқчини тириклай кўлга тушира олмай, Тўрткўлга калласини кесиб олиб борибди» деган хабарни эшитиб: «Унга ҳали бу ҳам оз!» деб тишини ғичирлатиб қўйди.

IV

Йиллар орқасидан йиллар қувиб ўтди. Мана, 1942 йил ҳам етиб келди. Уруш ёлқини бетга уриб турибди. Гитлер қоқаётган ўлим барабанларининг қаҳқаҳаси Саъдулла қўр-

бошидан сарқит ичган Собир қароқчини жуда еликтириб юборди. У боши янчилган илоннинг қуйруғига ўхшаб қилиқ чиқариб, биланглашга киришди.

Бунинг устига, ҳарбий хизматдан бош товлаган Улуғ Ватан уруши қочоқлари пайдо бўлди ва ҳатто уларнинг товушлари сув тагидан чиққандек аҳён-аҳёнда эшитилиб қолинса ҳам, лекин шунга қарамай, уларга чиппа-чиндан ишонадиган беқарор кишилар ҳам топилиб турди...

Қочоқлар, ивogarлар, сотқинлар ва умуман шунга ўхшаш кишиларга қарши кураш — ишончли ички соқчиларимиз — совет милициясининг гарданига тушди.

Октябрь ютуқларини қўрғаш йўлидаги ўн бир йиллик кураш ўтларида тобланган Жумағали оға Алимбетовнинг бу кезларда айна кучга тўлган пайти эди. Халқ уни «Кекса Милиса» деб ҳурмат қиларди. Уни танийдиган ёши улуғлар, кимки жабр кўрса: «Кекса Милисага югур» дейишарди. Ахир, унинг эл ичида орттирган шу лақабнинг ўзиёқ қанчадан-қанча обрў-эътиборнинг гувоҳи эмасми!

Шундай қилиб, бизнинг «Кекса Милиса»миз Жумағали оға Алимбетов Шоббозга қарашли Бибазор, Шимом қишлоқлари ён-верида таловчиликни авж олдирган собиқ қароқчи Собир қочоқни қўлга тушириш ҳақида топшириқ олди. У ўзи билан бирга иккита милиционерни олиб, қурол-яроқ, от-анжомини шай қилиб, йўлга чиқди. Нимадан ҳам қўрқсин? Ёнида иккита ҳамроҳи, орқасида суянган тоғи — совет халқи бор!

Мана, Амударёнинг жарлик ёқаси. Қалин бутазор. Милтиқларни жингилга суяб, ҳозиргина ёқилган лахча чўғ айланасида уч одам мук тушиб ўтириб олиб, оловда пишган ўғирлик гўштни бир-биридан қизғаниб, апил-тапил ямлаб ютарди. Ора-чўра гунгир-гунгир қилган товушлар ҳам келиб турарди. Орқа бетда ўтирган сур илондай совуқ, очқороқ киши, муомаласига қараганда буларнинг улуғи бўлса керак, катталиқ қилиб ўтирарди.

— Ўлганинг яхши сенинг бундай қилиб юргунингча,— деб дўқ урди у, бугун келган Жумабой болага қараб ўдағайлаб.

— Ҳўвва, сизларни топа олмай сандалиб қолдим, ўтоғасилар.

Бу нияти бузуқ қароқчиларнинг баъзи қилмиш-қидирмишлари ва бор сир-асрорларидан хабардор бўлган Жумабой боланинг буларнинг ҳаммасини милицияга билдириб

келиб, гўё ўзи ҳеч нарса билмагандай, Собир қочоқ билан Рўзимат қораларнинг ичига кириб, уларнинг юрагига қўл солиб ўтирган жойи эди...

Саҳар пайти. Қаерда учрашиш кераклиги келишиб қўйилган жойдан Жумабой болани топа олмаган Жумағали Алимбетовлар дарё бўйлаб, атрофни синчиклаб кузатиб келишарди. Дафъатан, олдиларидан даҳшат ичида чўққайиб ўтирган Жумабой бола чиқиб қолди. Қарашса... нақ миясидан отиб ўлдириб, чўққайтириб ўтқазиб кетишибди.

— Оҳ, лаънатилар!...— деди Жумағали алам тортиб ва жанговар ҳамроҳлари билан ҳозиргина Жумабойни отиб ўлдириб кетган Собир сотқин билан Рўзимат қораларнинг орқасидан қувиб кетди.

Қоқ туш пайтига келиб, қувиб келаётган из бирдан иккига ажралди. Бири — Қоратоғ томонга бурилиб, иккинчиси қалин чангалзорга кириб, кўздан йўқолди. Жумағали оға икки ҳамроҳини чангалзорни титиб кўришга қолдириб, ўзи Қоратоғ бетга бурилиб йўқолган ёлғиз изни тусмол билан қувиб кетди. Машаққатли из бориб-бориб бир ёлғиз томга кирди. Уй олдида иккита ёш бола ўйнашиб юарди. Жумағали оға секин уларни гапга сола бошлади.

— Ў-ҳў, жуда зўр йигитлар экансизлар. Мана бу минадиган отинглаarmi?— Жумағали тол ёғочдан от қилиб миниб олган болаларни алдаб мақтай бошлади.— Уйда ким бор?

— Этикдўз амаки ўтирибди...

Шу пайт бирдан уй ичидан: «Вой дод, ўлдирди!...» деган бўғиқ товуш эшитилди. Тасодифни қарангки, худди ваъдалашиб қўйгандек, тўполон устига ён-атрофдан учта-тўртта колхоз активлари ҳам келишиб қолишди. Сўнг ҳаммалари биргаликда уйни қамалга олиб, улар девор-тошлардан, Жумағали оға уй эшигидан ҳужум бошлади.

Ичкаридан маҳкам қилиб тамбалаб қўйилган эшик ўқмол билан тепилган бир-икки кучли тепкининг зўридан, тамбаси синиб очилиб кетди. Жумағали оға, қўлида бешотар милтиқ, ичкарига отилди ва деразадан чиқиб қочишга уринаётган Собирни орқа томонидан келиб маҳкам қучоқлади. «Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан шўнғийди» дегандек, Собирнинг жон ҳолатда отган ўқи бурчакда қўл-оёғи боғлиқ ётган кампирнинг бир ёқ қулоғини юлиб ўтди.

Хаял ўтмай «кампирнинг маҳсисини тикишга келган» Собир қўл-оёғи боғланиб, банди қилинди ва «Кекса Мили-

са»нинг амри-фармони билан унинг олдига тушиб, оғир, итоаткор қадам ташлаб юриб кетди... Кошки эди энди Жумағали оға унинг олдида бўйин эгиб бораётган бу машҳур бадном, марҳум отаси Алимбет ўтоғасининг жингил халачўпи билан кўзи ўйилган ўша Собир қароқчи эканини билса!..

V

Эрлик сози борҳо баланд парда билан чертила берди. Жумағали Алимбетовнинг «Хўб эр йигит экан-да!» деган овозаси бутун овулни тутиб борди.

1955 йил 5 майдан 6 майга ўтар кечаси «сирли занжир» воқеаси рўй берди.

Кўҳна Нукусдаги нонвойхонанинг девори тагидан ўтиб бораётган милиция старшинаси тун қўйнида қитир-қитир этган товуш эшитди. Қараса, биров пивохоначанинг эшигини қўпоряпти.

— Ким бу! Тўхта!— старшина унга томон дадил юриб кела бошлади.

— Ҳов, Жумағали ўтоғаси!— деди барвастан келган бир йигит унга қараб қийшанглаб келар экан. Старшина ҳам уни, чиппа-чиндан, қоровул бўлса керак, деб ўйлаб қолди.

Ҳалиги одам паншахадай узун, бақувват қўлларига ўраб олган пўлат занжирни бирдан старшинанинг бўйнига қараб серпиб солди. Жумағали оға Алимбетов абжирлик қилиб, ўзини четга олди. Куч билан ташланган ўғри ўқмоли билан муккасидан тушди. Старшина ҳам фурсатни бой бермай, унинг устига ташланди ва шартта қўлини орқасига қайириб олди. Қўлтиғидан юлиниб кетишига сал қолган мажруҳ қўл панжалари секингина ёзилиб, занжир сирпа-либ ерга тушди.

Яқиндагина норғулдан келган уч ўғрига тенглик бермаган ва курашиб таслим қилган старшинанинг олдида, мана, яна биттаси, худди ўзи серпинган занжир каби букланиб ётарди...

Сиз, бу «сирли занжир» воқеасини ҳикоя қилиб ўтирган милиция старшинаси Жумағали оға Алимбетовнинг гурур билан кўтарилган кўксига назар ташлар экансиз, йигирма беш йиллик ибратли хизматнинг жонли гувоҳлари: Қизил Юлдуз билан Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва «Жанговарлик хизматлари учун» медали ҳамда «Милиция аъло-

чиси» значоги порлаб турганини кўрасиз. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг қайта-қайта берган «Фахрий ёрлиқ»лари, партия ва совет идораларининг канчадан-қанча ҳурмат-олқишларини айтмайсизми?.. Кишининг кўзи қамашади.

Нукус шаҳар милиция бошқармасининг бошлиғи: «Аканг қарағай Жума аканг — шу киши бўлади!» деб таништирган бу хушфеъл, қувноқ, юмалоқдан келган, кенг яғринли, чаққон киши — Жумағали оға Алимбетов курашимиз жабҳасининг турли йилларида ёт унсурлар, қароқчилар, қочоқлар, ўғрилар ва муттаҳамлар билан шу хилда курашиб келяпти.

1956 йил.

ДАСТУРХОН

(Ҳикоя)

Жамила янга дастурхон кўтариб бирон ерга отланар экан, ҳар гал қўли қисқалигидан нолиб, кўнгли тўлмай бориб, кўнгли тўлмай қайтарди. Аммо бу гал унинг кайфи чоғ эди. Сабаби: бурун бир ерга борадиган бўлса — дастлаб унга дастурхоннинг ғами тушарди. Бўлмаса-чи?.. Ахир, кирови меҳмондорчиликка борганиндан кейин, бир-иккита кийимлик, нон-насиба, мева-чева, чой, қанд-қурс... дегандек, дастурхонингни тўлдириб олиб бориб, тўлдириб олиб қайтишинг керак-да... Лекин бу — айтишгагина осон бўлиб, аслида Жамила янга буларнинг бирини топса, бирини топмас, калта ип курмовга келмайди, дегандек, ҳатто топганини ҳам бир иложини қилиб бирининг бошини бирига қовуштира олмасди. Кўриниб турган гапки, шу важдан у кўпда бир ёққа чиқолмасди ҳам.

Аммо энди эса, ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, деганларидек, Жамила янганинг у муҳтожлик кунлари орқада қолиб кетди. Айниқса тўнгич ўғли Хўжамурад эр етиб, маош олиб келадиган бўлгандан буён эса, тўй-тўмалоқ, лозим-андачилик бор ердан ҳеч қолмайдиган бўлди. Дараги чиққан ерга дастурхонини тўлдириб олиб бориб, тўлдириб олиб қайтиб юрди. Баъзан ҳатто кўйлак кийиб ёки рўмол ўраб қайтадиган ҳам бўлди.

Мана, яна чақириқ дараги. Сал илгарироқ айтиб ўтганимиздек, янгамизнинг бу гал ҳам кайфи чоғ эди жуда. Сабаби... яна ҳали айтганимиздек... энди унга дастурхон ташвиши даркор эмасди: худога шукур — егани олдида, емагани орқасида...

Жамила янга кўпдан буён, тўғрироғи, шу яқин кунларгача фақат ҳалиги сабаблар билан тўркинлариникига* борол-

* Туққан-туғишган қариндош-уруғлариникига.

май юрарди. Шунингдек, тўркинлари ҳам унинг етаклаб келадиган қўйи, ёки тўлдириб борадиган дарстурхони бўлмагани учун эътибордан четда қолдирар эдилар... Аммо бу гал эса, оғасининг боласи уйланадиган бўлиб қолиб, шу баҳона «худо ёрла қолиб» дегандек, уни ҳам тўйга айтдиришиб юборибдилар. Айниқса, бу ўғли Хўжамуроднинг аини маош оладиган кунларига тўғри келганини айтмайсизми!..

Ноз-неъматлар билан тўлдирилган улкан дастурхон устига қўйилган беш метр штапель ҳар нечук Жамила янганинг есирлигини унутиб, кўнглини кўтариб юборгандек бўлди. Шу билан бир қаторда у, тўйга бориб, оғасига бурунги-сўнгги гина-кудуратларини айтиб, бир кўнглини ёзмоқчи, ҳатто, қолаверса: «оғам тўйдаги ўрнимни қуруқ қўймай, жуда бўлмаса битта шоҳи рўмол ўратиб қайтарадику!..» деб ўйлаб, рўмол ўраб қайтмоқчи ҳам бўлиб, кўнглига тугиб қўйди.

Жамила янга машинага тушиб, Чимбойга қараб йўл олар экан, бора-боргунча қошида ўтирган йўловчи аёлга кўрган-кечирган қийинчиликларидан гапириб борди.

— Э-э-э, дугона! Бу бошлар нималарни кўрмади дейсиз?.. Ҳаммасини кўрди. Кўрмаган қийинчилигимиз қолмади... Бугунгидек машинага тушиб тўй-тўйлаш бу ёқда турсин, ҳатто эртанги ейдиган овқатимизнинг ташвишини ўйлаб, нима қиларимизни билмай ўтказган кунларимиз ҳам кўп бўлган... Мана, эндиликка келиб, ҳаммаси унут бўлиб кетди. Истаган нарсангни топишга бўлади. Мен сизга айтсам, дугона, аини уруш вақти эди. Хўжайин урушга кетди. Қўлимда бир ўғил, бир қизим билан мен бу ёқда қолиб кетавердим. Колхознинг тирикчилигига чиқиш керак, болаларга қараш керак, уй-рўзғор ишларини қўлга олиш керак, хуллас... ҳам эркак, ҳам аёл бўлдик қолдик. Қариндош-уруғларингнинг ҳам, сенга ёрдам бериш бу ёқда турсин, топгани ўзига етмайдиган пайт. Ҳамманинг уйида камчилик, ҳамманинг оғзида уруш, ҳамманинг икки қулоғи, фикри-ёди фронтда, фронтдаги ота, ака-укалар ва ёри-биродарларида!..

Шундай қилиб юриб, уруш ҳам тамом бўлди. Уруш тамом бўлган йили ўғлим беш, қизим уч ёшга чиққан эди. Биз энди, ана келади, мана келади, билан ҳаммамизнинг кўзимиз отасининг йўлида бўлиб ўтирганимизда, бирдан десангиз, оҳ дугонажон, нимасини айтай: «қора хат» келиб қолса бўладими!.. Бутун умидларимиз бошига сув қуйилди. Лекин не чора! Йиғладик-сиқтадик, куйдик-пишдик. Аммо бари бир, тақдирга тан беришдан ўзга чора йўқ эди. Бироқ

мана бу ёш болаларни айтмайсизми? Овулимизга урушдан ким келса шу баҳона: менинг дадам қачон келади, опа? — деб сўрашгани сўрашган эди. Ҳаргиз, бундан менинг ёски яраларим янгиланиб, болаларимга нима деб жавоб беришимни билмас эдим. Юрак-бағрим эзилиб, ҳасратимни кўз ёшларим билан чиқарардим...

Киши нималарга кўникмайди, дейсиз, дугона? Ҳамма-сига кўникиб кетар экан. Биз ҳам кўниккан бўлдик. Лекин шундоқ бўлса ҳам болаларимнинг отасизлигини билинтирмадим. Ўзим қийналсам қийналдим, аммо болаларимнинг кўз ёшини оқизмадим. Эндиги фикр-хаёлим шуларни тарбиялаш билан бўлди...

Бу ўртада эл-юрт тинчиб, турмуш ҳам бир мунча яхшиланиб қолди. Эндиликка келиб, мана, ўғлим эр етиб, топган-тутганини қўлимга олиб келиб берадиган бўлди. Қизим ҳам бўй етиб, қўлимдан ишимни оладиган, оғиримни енгил қиладиган бўлиб қолди. Хулласи калом, ўзингиз кўриб турганингиздек, яримимиз бутун бўлиб, биримиз икки бўлди... Уйимиздан топилмаганини магазиндан топса бўлади... Шундай экан, ишқилиб бундан бу ёғига ҳам эл-юрт тинч бўлсин, илоҳим! Ҳамма гап тинчликда экан. Бизлар кўрган қийинчиликларимизни бола-чақаларимиз кўрмасин ҳеч қачон! Шундай эмасми, ахир, дугонажон?.. Тинчликка нима етсин, мана, бир ёққа борадиган бўлсак, ғир этиб машинада борамиз, ғир этиб машинада келамиз. Қўлингизда улкан дастурхон, ўзингиз ҳам хурсанд, борган ерингиз ҳам хурсанд...

— Ова, дугонажон, шундай. Ҳаммамизнинг тилагимиз ҳам — тинчлик бўлсин, илоҳим!

— Эзмалигим кўрсин менинг. «Ёмон чинини айтаман деб сирини айтади» дегандек, оғзим тўла гап билан бўлиб, Чимбойга келиб қолганимизни ҳам билмай қолибман...

Жамила янга йўл-йўлакай танишиб гаплашиб келган қурдош-дугонаси билан хайрлашиб, ўз йўлига кетди.

У оғасининг уйига етиб келганда, бахтига, узоқдаги-яқиндаги ҳамма қариндош-уруғлари йиғилишиб ўтиришган экан. Уларнинг устига Жамила янга ҳам кириб бориб, ҳамма билан опоқ-чапоқ кўришиб чиқди. Тўрт кўз тугалланиб, хурсандчилик устига хурсандчилик бўлди. Айниқса Жамила янга кўтариб келган дастурхоннинг улканлигини кўриб, оғасининг хотини бир ёқдан қайин синглисидан кўнгли тўлиб хурсанд бўлса, иккинчи ёқдан, олишнинг бериши бор. дегандек, уни нима билан тўлдириб қайтаришни ўйлаб, юраги орқасига тортиб кетди...

Тўй тарқалди. Жамила янга уйга қайтмоқчи бўлиб, оғасидан рухсат сўради. Оғаси Жамилага қараб:

— Чироғим, сенга,— деб сўз бошлар экан, Жамила ўзича «нима бўлса ҳам битта шоҳи рўмоллик бўлиб қоладиган бўлдим-ку!» деб ўйлаб, дам оғасига, дам янгасига кулиб қарайверди. Бироқ оғаси ҳадеганда шоҳи рўмолдан гап очавермади. Аксинча, гапни узоқдан олиб келиб, шундай деб айтди:— Чироғим Жамила, биз сенга бирон дурустроқ кўйлакми, бошқами кийдириб юбориш ниятимиз бор эди. Лекин айтганимиз бўлмай қолди. Укаларинг эсини йиғиб, катта-кичикни танийдиган бўлаверсин-чи, ишқилиб... Охир бир кун бўлмаса бир кун киярсан... Бироқ ҳозирча ўпкаламай кет бизлардан, тез-тез шундай келиб тур,— деб гапнинг бир учини ўғли билан келинига ҳам тегдириброқ ўтди.

— Сизларнинг жағдайларингиз ҳеч тўғри келмади-тўғри келмади ишқилиб... Қачон бўлса нолиганларинг нолиган. Бирдек дастурхонимни тўлдириб келиб, қуруқ қайтаман. Яна: тез-тез келиб тур, деганларингизга ўлайми... «Борсанг кўрасан, берсанг оласан» деган гаплар ҳам бекор экан, чамаси. Сизларга нуқул бериш бўлса, аммо сизлардан ҳеч кимга ҳеч нарса томмаса... Ёки мендан безолмай юрибсизларми? Шундай қилсак, ўзидан ўзи совуб кетар, деб ўйларсизлар, балким. Билмадим. Қайтиб келар-келмасимни энди худо билади!— деб Жамила янга «тўини тескари кийиб» олди ва аламига чидаёлмай, заҳрини ўз келини Ирисбийкага қараб сочди:— Ҳой келин, сени биров ўтирган ўрнингдан қўзғалма деб михлаб қўйдими? Кетиш хаёлингда бўлса — қўзғалмайсанми! Ёки жуда иззат-ҳурматимизни жойига қўйишгани учун кетгинг келмай қолдими!..

Жамила янга эшикдан чиқиб борар экан, кетидан: «Қайтариб олиб кетадиган бўлсангиз, нега олиб келдингиз? Нима, шуларсиз сизни киритмасмидик уйга? Киритардик. шуларсиз ҳам ҳурмат-иззатингизни қилардик!..» деган гаплар эшитилди. Бироқ Жамила янга бу гапларга эътибор бермади, қайрилиб қарамади ҳам.

Жамила янга билан келини Ирисбийка оғизларига сўк солиб олгандек, анча ергача тиш ёриб сўзлашмай боришди. Келини келинлик йўли билан ийманса, Жамила «ёт» кишининг боласи олдида ўз тўркинларини ёмонлашдан ийманиб, сўз очмай борарди. Лекин шундай бўлса ҳам тўлиб келиб, пуч қайтаётган дастурхони уни куйдирмай қўймади. Жамила янга ноилож бўлса-да, гап очишга мажбур бўлди:

— Одамнинг ичи ачишар экан-да, келин. Дастурхонни не-не умидлар билан тўлдирган эдим — нимасини айтай!.. Ундан кўра, шунча сарф-харажатнинг пулига ўзимоқ битта яхши рўмол сотиб олиб ўрай қолмасмидим?.. Лекин қаёқдан билай булар менинг пусимни қурутиб қуруқ қайтаришини?..

— Ойи, мунча ташвиш тортмасангиз?.. Келинг, бошингиз омон бўлса, пул тўплаб битта яхшироқ рўмол сотиб ола қоларсиз... Дастурхон кўтариб бориб, рўмол ўраб қайтиш шартми шунчалик?

— Наҳотки, менга ўратгудек битта рўмоллари йўқдир, деб ўйлайсан. Бор, албатта. Фақат бор туриб бермаганига хўрланасан киши. Йўқ бўлса бошқа гап эди... Лекин ҳамма гап анув бахти қора янгамда. Оғамда гап йўқ... Бўлмаса, анови келинининг бошидаги рўмолини бўлса ҳам олиб бермайдими менга? Ярашмасмиди шундай қилса? Ярашарди, албатта! Лекин шундай қилмади у. Нима, менга берса еб кетармидим, еб кетмасдим, қайтарардим ахир бир кун. Лекин у шуни билмади!— деди у оғасининг хотинини ёзғиришдан тўхтаб.— Бироқ энди овулга қайтиб борганимиздан кейин, қўни-қўшнилариинг юзига қандай қарайман... Мени келибди деб эшитиб, ҳаммаси ҳол-аҳвол сўрашгани чиқишади. «Оғангнинг тўйидан нима кийим келдинг?» деб сўрашади. Шунда мен нима деган одам бўлдим, нима деб жавоб қиламан уларга энди?.. Оҳ, шўр пешонам! Мунчаям шарманда қилмасанг мени!.. Қўй болам, шу оғайниларни қўййлик энди. Булар менга бирон ерда обрў олиб бериб-димики, энди олиб берса?..

Жамила янга дастурхонини зарда билан йўлнинг четига қўйиб, ёнига ўзи ҳам ўтирди. Сўнг дарҳол уни очиб кўришга тутунди. Лекин афсуски, дастурхон ичидан иккита кулча билан бир озроқ бўғирсоқлардан бошқа ҳеч нарса чиқмади. Жамила янга буни кўриб, бурунгисидан ҳам баттар тутоқиб кетди ва... йиғлаб юборди.

Ойисининг бу ҳаракатларини кўриб, келини Ирисбийканинг ҳам кулгиси келди, ҳам ачинди:

— Ойи, нима қиласиз йиғлаб. Ахир, ўғлингиз ҳам айтгандилар-ку, дастурхон олиб бормаи қўя қолинг, улар ҳам хафа бўлишмайди, деб. Шунда ўзингиз эмасмидингиз: майли, нима бўлса бўлар, хафа бўлмайман, деб дастурхон қилган... Энди нега йиғлаяпсиз? Қўяверинг, қайтага бундан буён дастурхон қилиб овора бўлиб юрмайдиган бўлдингиз. Ундан ташқари, оға-инини тотув қиладиган улар-

нинг ўртадаги дастурхони эмас, балки бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати эмасми!..

— Ҳой келин, сен қаердан билагон бўлиб қолдинг! Қара-я, билмабман ҳам сенинг шунчалик донолигингни... Тухумдан чиқмай туриб, мунча ақл ўргатмасанг. Нуқул ўғлингиз, ўғлингиз, дейсан. Хўш, ўғлим нимани биларди? Айтаверади-да у. Мана. масалан, мана шу дастурхоннинг ичига нималар солиб тўлдириб борганимизни у қаёқдан билиб ўтирибди дейсан? Агар шунча сарф-харажатларимизнинг сувга кетганини билса, кўрарсан мана, унинг ҳам ичи ачир ҳали. Шундоқ бўлгандан кейин, менга кўп ақл ўргатаверма сен! Сендан ақл ўрганиб, дастурхонсиз юриб юрт-элга масхара бўлишни истамайман... Худо берса, тўлдириб олиб бориб, тўлдириб олиб қайтганга нима етсин! Кўрганнинг қадрини кўрган билади, дейди, сизлар нимани биласизлар? Куруқ гапдан бошқа ҳеч нарсани билмайсизлар!— деб Жамила янга гап билан келинининг оғзига урди.— Ундан кўра, айтгин, ҳали ҳам бўлса мана бу иккита кулчаси билан бўғирсоқларини қайтариб олиб бориб, тўкиб қайтайин. Ҳа-да, шундай қилиб уларни бир шармандаи-шармисор қилайин. Токи, туғилганларига пушаймон есин!— деб Жамила янга шартта ўрнидан турди-да, орқасига қайтиб, оғасиникига қараб йўл олди. Ҳатто кетиб бораётиб ҳам ўзича бир нималарни деб саннаб, сўкиниб кетди.

Келини Ирисбийка, қўлтиғига дастурхонини қисиб, ҳеч қандай гап-сўзга қулоқ солмай вайсаб кетаётган қайин онаси кетидан анча вақтгача аянчли бир қиёфада тикилиб қараб турди-да, сўнг йўлидан қолмай, олдинга қараб юрди.

Жамила янга оғасининг уйига қайтиб келган вақтда, оғаси эшиклари олдида у ёқ-бу ёқни тозалаб, у-бу нарсаларни йиғиштириб юрган экан. У синглисини кўргани ҳамон очик кўнгиллилик билан ҳовлиқиб:

— Ҳа, чирогим, тинчлик-омонликми? Нима, бирон нарсангни унутиб қолдирибсанми?— деб сўради.

— Омонлиқ эмас, ёмонлиқ!— деди синглиси кутмаганда томдан тараша тушгандек қилиб.— Янгамнинг тугиб берган бўғирсоқларини олиб кетиб, тагин сизларга зарар келтириб юрмай деб қайтариб олиб келдим. Етмаган ерларингга етказарсизлар!— деб оғасининг юзига чопиб, тўғри ичкарига кириб кетди.

Оғаси ҳайрон бўлганича:

— Чирогим, ўпка-гина қилма!— деб синглисининг кетидан эргашди.— Оға-ини деганга бирда берасан, бирда ола-

сан... Ҳамиша бирдек бўлавермайди. Ҳамоники бизни ака-ука дейдиган бўлсанг, аччиқ-араз гапларга бормаслигимиз керак... Ундан ташқари, ҳозирги ёшларни ўзинг биласан: бировга бир нарса томизайин демайди... Шундай бўлгандан кейин, бизларни кўргинг келса, сен ҳам дастурхон қилиб овора бўлиб юрмай, шундоқ келавер. Қани, кўрайлик-чи, бедастурхон келганни ёқтиришармикин, ёқтиришмасмикин — шундан кейин маълум бўлади...

Отасининг бу зили-замбар гаплари кўпроқ кимга қарата айтилаётганини сезган ўғил, чидаёлмай гапга аралашди:

— Ота, биз Жамила опамизни бизларга берса-бермаса яхши кўрамиз. Шундай экан, Жамила опамиз ҳам бизларни берсак-бермасак ёмон кўрмаса керак. Ёки фақат берсаккина яхши кўрадиларми? — деди.

— Қароғим, сенда ҳеч гап йўқ. Гапнинг ҳаммаси мана бу янгамда! — деди у суқ бармоғи билан янгасини кўрсатиб. — Агар гап янгамда бўлмаганда, мана бу келинининг бошидаги рўмолини ечиб олиб берган тақдирда ҳам, келини ботиниб бир нима дея олармиди? — деди у чой ичиб ўтирган келиннинг бошига нуқиб кўрсатиб. Сўнг дастурхонини ечди-да, янгасининг тугиб берган бўғирсоқларини ёзиғлик дастурхон устига тўкиб солди.

Бўғирсоқлар сочилиб, бир қисми дастурхонга, бир қисми келин-қайин онанинг устига ва бир-иккитаси келиннинг ичиб ўтирган чойига тушди. Ниҳоят, келиннинг ҳам сабри-тоқати тугаб, учиб ўрнидан турди-да, Жамила янгага қараб шартта-шартта шундай деб айтди:

— Мана бу рўмолни айтяпсизми? — деди у бошидаги рўмолининг бир ёқ учини ушлаб кўрсатиб. — Буни сизга бер дейишга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Сабаби: ўзимники. Биров уни сизга бер деганда ҳам бермайман. Билдингизми? Шундоқ бўлгандан кейин, бунақа гапларни гапирманг. Ёки мен сизга: «Менга бирон нарса олиб келинг!» деб айтибмидим?.. Бунақа қиладиган бўлсангиз, нима қиласиз олиб келиб. Агар шунчалик қийналадиган бўлсангиз, олиб кета қолинг олиб келган нарсаларингизни. Бизлар қийналмаймиз... Мени фақат сизнинг гина-кудуратларингиз қийнайдиган бўлди. Тугмадек нарса олиб келиб, туядек жанжал қўзғаб кетаётганингиз бир мени эмас, ҳаммамизни бирдек оғир аҳволга солиб қўйди!..

— Оҳ, шўрим қурисин! — деди Жамила янга ҳолсизланиб, келинининг кутмаган ердан чиқиб гапирган бундай гапларини эшитар экан. — Шўрим қурисин, илойим! Мана

бунинг муштдай бошидан нималар деяпти сира? Бунда шарм-ҳаё деган нарсанинг ўзи йўқ экан-ку аслида. Наҳотки эшикдан келин бўлиб келмай туриб, кўрсатаётган ҳунари шу бўлса... Вой эсизгина келин деган ном! Ҳали қараб туриб, мана бу тўрт деворни ҳам меники дерсан, уялмай? Э-э-э, гапнинг бари бу ёқда экан-ку, ҳали!..

— Овва, гапнинг бари менда. Уй ҳам меники энди. Шундай экан, мен бу уйга бир дастурхон ўпка-гина кўтариб келиб, бир дастурхон ўпка-гина кўтариб кетадиганларга йўл қўймайман бундан буён. Бекордан-бекорга гина-кудурат қилиб юрадиган қариндош-уруғлар билан ҳам бордикелдини йиғиштириб қўяман. Тушундингизми!— деди келин шартта-шартта гапириб ва ичкарига кириб кетди.

Емакхонада анграйиб туриб қолган Жамила янга келинидан келган бу сўзларни эшитиб, тўғри йўлидан қайтганига минг-минг пушаймон еб, нима деярини ва нима қиларини билмай, турган ерида қоққан қозиқдай қотиб турди-да қолди...

...Шу-шу бўлди-ю, Жамила янга дастурхон кўтариб бордикелди қилишни бутунлай йиғиштириб қўйди.

1962 йил.

С У Ю Н Ч И

(Ҳикоя)

Муродбой оғамнинг келяпганлиги ҳақидаги хабар бирпасда бутун овулга тарқалди. Бирпасда дейишимнинг боиси шуки, Серегул янгам: «Бўкежонимнинг ўлгани ростга ўхшайди, бўлмаса эндигача бир хабарини берган бўларди»— деб йиғлаб юрарди. (Муродбой кампирнинг биринчи набираси бўлганлиги ва уни кампир тарбиялагани учун онаси Серегул унинг отини атаёлмай, «Беке», «Бўкем», «Бўкежоним» дея атар эди). Чиндан ҳам Бўкежондан келган «қора хат»ни кўриб, овулнинг ёшу қарисидан тортиб ҳамманинг ичи ачиган ва «аттанг!..» деб қайғуга чўмишганди. Бироқ буни шундоқ ҳам эзилиб юрган Серегул янгамга билдиришмаганди. «Бир мавриди келганда айтармиз. Унга-ча сал ўзини тутиб, қаддини ростлаб олсин» деб ўйлашганди... Мана бугун дафъатандан Муродбой келяпти деган қувончли хабар тарқалиб қолди. Бундай хушхабарни эшит-

ган овул болалари суюнчи олиш учун янгамнинг уйига қараб югуришди...

Болаларнинг кетидан қора йўрғасини йўрттириб бригадир Аваз оға йўлга чиқди.

Аммо Серегул янгам уйида йўқ эди. У ўтин териб келиш учун далага чиқиб кетганди.

— Янгамни мен ўзим топиб келаман!— деди Аваз оға ва йўрғасининг жиловини буриб, Серегул янгамни қидириб кетди.

Болалар эса катта арава йўл билан Муродбой оғамнинг олдига қараб йўл олишди. Уларнинг кетидан икки букчайганча бир қари кампир борарди.

— Чироғим, кўзимнинг нури, белимнинг қуввати, бормисан?.. Сени ҳам кўрадиган куним бор экан-ку!..

Кампир Муродбой оғамнинг юз-кўзларидан ўпиб тўймасди. Болалар ҳам: «Менинг оғам, менинг оғам» дейишиб қий-чув кўтаришиб, катталарнинг оёқ остида ўралашиб юришарди. Мен анграйганимча бир жойда қимирламай туриб қолдим. Муродбой оғам тўдадан ажралиб чиқиб, бизлар томонга қараб юрди. Чап қўли билан бошимдан силаб, юз-кўзларимдан ўпди ва:

— Қалай, синглим Розия, эсон-омон катта қиз бўлиб юрибсанми?— деб сўради. Ўнг қўли эса шалпайиб турарди. Шу ўртада бир бола кела солиб Муродбой оғамнинг ўша қўлини ушлаб кўрди-да: «Вой, қаттиқ-ку?» деб орқасига тисарилди. Муродбой оғам ҳалиги болага ялт этиб қаради-да, қўлидан айрилиб келялгани учунми ёки ҳалиги боланинг буни кўриб орқасига тисарилганлиги таъсир қилибми, ҳайтовур, кўзига ёш олди.

Ҳамма Серегул янгамнинг уйига келди. Муродбой кампир бувиси ўтирадиган тўрга қаради. Афсуски, доим ўша ерда ип йигириб ўтирадиган бувиси энди йўқ эди... Уй ҳувиллаб қолгандек кўринарди. Муродбой нима дейишини билмай, бошини ҳам қилганча типпа-тик туриб қолди.

Бу кўнгилсиз, дилгир ҳолатни ўртадан кўтармоқчи бўлиб, Элмурод ота деган мўйсафид киши сўз бошлади:

— Чироғим болам!— деди у Муродбойга қараб гап бошлаб.— Сизлар дастлаб урушга кетганларингизга ҳам, мана, анча йил бўлиб қолди. Бу ўртада бошимиздан кўп воқеалар кечди. Биттаси мен бўлсам, ишчилар батальонида хизмат қилиб қайтдим... Мана, ўзинг ҳам не-не оғир кунларни бошингдан кечириб қайтиб келиб ўтирибсан... Бироқ бувинг раҳматликни кўролмай қолганинг — армон бўлади-

ган бўлди, албатта. Аммо бувингнинг армони қолмади бу дунёда, чироғим. Бувинг тўқсонга кириб ўлди... Фақат бир армони сен бўлдинг — сени кўролмай қолди... Энди, бўтам, шунчалик юртингга омон-эсон қайтиб келибсан — шунинг ўзи жуда катта гап... Овулимиз ҳувиллаб қолган эди. Мана, сен биринчи бўлиб қайтиб келдинг. Энди сендан умидимиз катта! — деб у Муродбойнинг белига белбоғ боғлади.

Бироқ Элмурод отанинг бу гаплари Муродбойнинг қулоғига кирмагандек эди. Гўё унинг назарида биргина бувиси эмас, балки ҳамма ўлиб кетганга ўхшаб туюларди...

* * *

Аваз оға отини йўрттирганича «Олти ўртоқ» қамишзорига қараб йўл олди.

Қамишзорнинг «Олти ўртоқ» деб аталишининг сабаби, бу ерда бир вақтлар бир киши яшаб ўтган бўлиб, унинг олтига ўғли бўлган экан. Олтови ҳам бир-бири билан жуда иттифоқ бўлиб, ҳаётларининг охиригача баҳамжиҳатлик билан кун кечиришиб ўтишган экан. Ерларини биргаликда ҳайдаб, экин-тикинни бирга экиб, ҳосилини ҳам тенг бўлишиб олишар эканлар... Шундан буён бу жойни эл-юрт олти ака-уканинг ҳурмати ҳамон уларнинг номи билан аташиб келишаркан. Эндиликка келиб эса, бу ер қамишзор бўлиб қолган ва бизнинг Серегул янгамиз ҳам қамиш ўриб келиш учун ўша ерга чиқиб кетган эди.

Аваз оға янгамнинг қўли бўшади дегунча шу ерга келиб ҳам юрагининг чигилини ёзиб, ҳам қамиш ўриб кўнглини кўтариб қайтишлигини билиб юрар экан.

Нима қилсин? Йўқчилик ёмон нарсас. Ахир, бу уруш кимларнинг бошига кулфат солмади, дейсиз? Ҳаммани бирдек ташвишга солиб қўйди. Серегул янгамнинг ҳам қақдини букди. Эри Еримбет оға ишчилар батальонига кетиб, қазо қилди. Шундан кейин янгам бечора қўлида қолган ёш боласини чий-чипта тўқиб сотиб, оёққа турғизди ва қаторга қўшди.

Мана, бугун ҳам у туш пайтида ишдан чиқиб уйга қайтмасдан, қамиш ўриб келиш учун тўғри ўша ёққа кетганди. Аваз оға етиб келиб, отини тўқайнинг бир чеккасига боғлабди-да, қамишзорни ёриб, тўғри янгамнинг олдига қараб келаверибди. Серегул янгам ўзи билан ўзи овора бўлиб, Аваз оғанинг яқинлашиб келаётганини ҳам сезмай, ашула айтиб, қамиш ўриб юраркан:

Изларингни тополмайман,
Кўзларимга суртай десам.
Бўкежоним, тезроқ келгин,
Дийдорингга мен ҳам тўйсам...

— Янга, ҳой янга, боланг келди!— деб жон-жаҳди билан бақираётган Аваз оғани кўриб қолибди у бирдан.

— Оғзингизга мой, Мирза оға..! Илоҳим, тезроқ келсин-да, ишқилиб... Мана, кетганига тўққиз йил бўлди... Қани эди, кўзим тириклигида қайтиб келса. Мен ҳам боламни бир кўриб, дийдорига тўйиб ўлсам... Мирза оға...

— Янга, шу қачон олдингизга кўргани, ҳол-аҳвол сўрагани келсам, йиғлайдиган одатингиз ёмон-да... Болангиз ҳам, назаримда, сизнинг мана шу йиғлашингизни билиб келмай юрганмикин, дейман-да?.. Хўш, энди лоп этиб келиб қолса, суюнчига берадиган нимангиз бор?— дебди Аваз оға дангал қилиб.

— Агар болам келса, йиғламас эдим. Суюнчисига эса Еримбет оғангиздан қолган кўз деб сақлаб юрган янги бир чопоним бор — шуни бераман.

— Чинданми? Қани бўлмаса қамишингизни ташланг! Болангиз келди. Тез юринг!— дебди Аваз оға янгасини шошилтириб.

— Қўй, иним, алдамай қўя қол. Тунов кунни ҳам бир шундай алдаган эдинг. Нақ эрталабгача ухломмай чиқдим,— дебди янгаси унинг гапига ишонмай ва ҳамон қамишини ўришда давом этаверибди.

— Янга, худо урсин агар, бу гал алдаётганим йўқ ҳеч! Ишонмасангиз юринг, кўрасиз!..

— Бари бир энди сизга ишонмайман, доим алдаганингиз-алдаган... Бир орқа қамиш ўрмагунимча, қайтмайман. Кетаверинг. Ишимга халақит қилманг.

— Янга, илло-билло, алдаётганим йўқ! Агар алдасам, ўлай агар, ўзим отга мингаштириб олиб келиб ташлаб кетаман сизни мана шу қамишзорга. Тўғрисини айтяпман, болангиз келди, болангиз!.. Онт ичаман, азбаройи худо, Бўкежонингиз келди!— деб Аваз оға қасам ича бошлабди.

Серегул қайин инисига қараб туриб: «Бу сира қасам ичмайдиган эди. Бу гал қасам ичишига қараганда, бир гап борга ўхшайди» деган хаёлга келибди ва: «Келса-келган бўлиши ҳам мумкин!» деб ўйлабди.

— Қани, ундай бўлса, ўрган қамишларимни боғлаб, орқамга ортиб юбор. Бироқ билиб қўй, агар шу сафар ҳам алдайдиган бўлсанг, қайтиб гапингга ишонмайман. Шартим — шарт!

— Хўп, майли. Ишонмай қўя қолинг. Аммо шартингиздан қайтмайсиз. Ваъдангизда турасиз. Муродбой билан йиғламай кўришасиз, хўпми?

— Эҳ.. Агар болагинамни кўрсам, сира ҳам йиғламас эдим, мана кўрасиз.

— Илоҳим, сиз ҳам барака топинг, янга. Аммо йиғламанг ҳеч. Йиғлаб, сўзингиздан қайтадиган бўлсангиз, мен ҳам сиз билан қайтиб гаплашмайман, эшитдингизми?— дебди Аваз оға ҳам унга қатъий қилиб.

Шундай қилиб, Серегул янгам қамишини орқалаб, Аваз оға отини етаклаб, иккови овулга яқинлашиб келаверибди.

Бу пайт ҳовли бола-чақага, қари-қартангга тўлиб кетганди. Тўпланганлар ҳам, Муродбой оғам ҳам онасининг йўлига кўз тикиб туришарди. Уларнинг қораси кўриниши билан Муродбой оғам кўпчилик ичидан ажралиб чиқиб онаси томонга қараб югурди.

Серегул янгам бўлса боласининг қорасини кўриши билан, орқалаб олган қамишини ташлашни ҳам унутиб, шу кўйи қанот боғлабди.

— Ҳой, янга, ақалли орқангиздаги қамишингизни ташласангиз-чи?— дебди Аваз оға ниҳоят унга.

— Ҳа-я, бу савил қолгур қамишлар ҳалиям орқамда келялган экан-ку...

Серегул янгам ҳаллослаганча етиб келиб, ўзини боласининг бағрига ташлади?

— Болагинам, Бўкежоним, сени ҳам кўрадиган куним боо экан-ку. Кўзимнинг нури, белимнинг қуввати, тилаб олган фарзандим...

Серегул янгам шундан кейин эрининг боласини кўролмай кетганини айтиб, хўнграб йиғлаб юборди.

— Янга, йиғламайман, деганингиз қани энди!— деб қўйди Аваз оға кулиб.

— Хўп, Мирза оға, энди йиғламаганим бўлсин,— деди янгам кўз ёшларини артиб.— Бироқ...

У шундай деб туриб, яна йиғлаб юборди.

Серегул янгам боласи билан кўришар, «қутлуғ бўлсин»-га келган катта-кичик, ёшу қари — эл-юртга миннатдорчилик билдириб қуллуқ қилар экан, югуриб-елиб юриб, Аваз

оғага ваъда қилган чопонни топиб олиб келиб эгасига кийдиришни ҳам унутмади.

— Йўқ, янга. Мен ҳазиллашган эдим. Чопонингизни қўйинг. Чопон тугул, менга қирқ минг туя тилла берсангиз ҳам олмайман... Ҳа-да, шартимиз қатъий эмасми! Ваъдангизда туринг!.. Сизнинг кўпдан бери ғамга тўлиб юрган кўнглингизнинг қувончга тўлишининг ўзи мен учун энг қимматли суюнчи бўлди!— деди Аваз оға янгамга ва чопонни олиб бориб ўз жойига илиб қўйди.

ЛОЛА

(Ҳикоя)

Бир куни тунда қишлоғимизнинг жануброғидаги артезиан қудуғи олдига келдим. Қудуқ қувуридан зилол сув шариллаб отилиб турарди. Атрофга сочиляпган майда заррачалар ойдинда марвариддек товланарди.

Аноргул ҳали келмабди. Қишлоқ томонга қарадим. Уйларнинг орқа томонидаги молқўралар гўё гавҳарга беланиб, бамисоли бронза тусда кўринарди.

Қувурга ўтириб, хаёлга чўмдим...

Аноргул! Ҳа, ўшандан бери ярим йил ўтибди. Шунда мен яқиндагина армиядан келган эдим. Совхоз раҳбарлари менга сут ташувчи машина беришди. Машинани ҳайдаб фермага келдим. Сут соғувчилар сутларни бидонларга қуяётган эканлар. Шоферларнинг бир одати бор, улар ҳам қўллари бўш қолди дегунча, чавандозлар отларини силаб қашлагандай, ўз машиналарининг у ёқ-бу ёғини артганлари артган. Мен ҳам машинамни артиб-тозалаётган эдим:

— Ҳой, солдат! Ҳадеб машинангни артиб-тозалайверасанми, нима, уни бозорга солмоқчимисан. Ундан кўра, мановиларга ёрдамлашсанг бўлмайдими,— деди врачлардай эғнига оқ халат кийган сарви қомат бир қиз.

Қўлимдаги латтани кабинага улоқтирдиму, бидонларни машинага ортишдим.

— Сутни ачитиб қўйсанг штраф тўлайсан! Тезда уни жойига етказ,— деб буюрди у. «Қиз бола деган шунчалик шаддот бўладими, жуда ҳам юз-кўзи очилиб кетибди-ку»— ўйладим мен.

Кўнглим тинчимай ҳар куни фермага келаман. У доим икки юзи нақш олмадек қип-қизариб куйиб-пишиб юрарди. Қиладиган иши бўлмаса, газета ва журналларни ўз вақтида олиб келмаяпгани учун почтальонни койиб кетарди.

— Аҳмоқ, дунё янгиликларини ҳаммадан кейин билишимизга ҳам шу сабабчи,— деяётганини эшитар эдим.

Гоҳо менинг кетмоқчи бўлиб турганимни кўриб қолиб, худди эркаклардай қўлини чаккасига қўйиб честь берар ва:

— Тўғрига! Тез!— деб қўлини пахса қилганча буйруқ қиларди.

Ёз кунларининг бирида эрталабки сутни сепараторга топшириб қайтсам, молқўранинг олдида Элмурод Аноргулга:

— Ҳали она сутинг оғзингдан кетгани йўқ-ку, сен ниманинг маънисига тушуна қолдинг, ҳамма вақт ҳам одамнинг айтгани бўлавермайди,— деб қўлини пахса қилиб ўшқираётганини кўриб қолдим. Аноргул ҳам бўш келмай:

— Одамнинг айтгани бўлади, кўрамиз ҳали!— деб йўлига кетди.

— Гап уқмайдиган одам билан айтишиб ўтиргандан кўра...— деб унинг орқасидан қараб қолди Элмурод.

Элмурод бизлардан уч-тўрт ёш катта бўлиб, шу қишлоқлик эди. Еттинчи синфни битиргач, қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кетди. Техникумни битиргач, зоотехник бўлиб ишлай бошлади, ҳозир эса бригадир бўлиб ишлайпти, у бир сўзла ўжар йигит.

Кечки пайт машинанинг у ёғ-бу ёғини текшириб, эрталабки йўлга ҳозирлаб қўяётган эдим:

— Ўтабой,— деди ингичка, таниш овоз.

Капот тагидан бошимни кўтариб қарадим.

— Бир айланиб келмаймизми ёки қўлинг тегмайдими?

Хурсанд бўлиб кетдим. Яна бунинг устига кечаси-я. Шундай қизнинг таклифини рад қилиб, жинни бўлибманми?!

У қизил гулли чит қўйлагининг устидан қора халат кийиб олган эди. Дарҳол қўлимни латтага артдим у олдида пешвоз чиқдим.

— Машинанг билан,— дея қўшиб қўйди Аноргул. Юзига кўзим тушган эди, гўё у орзуси ушалган одамдай кўзлари чақнаб, юзлари ёниб турарди. Машинага ўтирдик. Шодлигимдан теримга сиғмас эдим. Ойдин кечада қиз болага ҳамроҳ бўлсанг ҳар хил хаёлга бериларкансан киши.

Қишлоқдан узоқлашиб, энди катта йўлга чиққан эдик, Аноргул:

— Тўхта,— деб буюрди. Машинани тўхтатдим.

— Кўл томонга юр,— дея боши билан ишора қилди у.

Яйловнинг жануб томонидаги каналнинг нариги томони кўкаламзор эди. Машинани ўша томонга бурдим.

— Эй, гўдак солдат,— деди тўсатдан ҳазиллашиб қиз.

Мен ҳам унинг олдида ўзимни йўқотмай, гап билан кўнглини кўтармоқчи бўлдим.

— Гўдак деб ҳали ёши ўн учга тўлмаган болани айтишади. Солдатликка эса ўн саккиз ёшдан олинади, тариқ ҳам кўзингизга кепак бўлиб кўриняптими дейман, синглим,— дедим.

Хуркиб турган юракни ёқимли сўзлар билан эритиб юборгим келди. Аттанг, нўноқлигим қурсин, шунча топиб гапирай десам ҳам, тилим калимага келмасди.

«Эҳ, табиат шу сахийлигини ҳам мендан аяган».

— Бари бир, солдат бамисоли гўдак. Менинг энг яқин дугонамнинг юрган йигити армияда, Москвада хизмат қиляпти. У бир хатида «солдатнинг умри бамисоли гўдакнинг умридек бўлади. Сабаби, унга камтарлик деган нарсасиз мутлақо бегона» деб ёзибди.

У бу сўзларни ўзини шундай мағрур тутиб, баланд овоз билан айтдики, аста қўяверасиз.

— Хўш, бизнингча-чи?— У гапини давом эттирмоқчи бўлса ҳам, бир нимага кўнгли тўлмагандай тўхтаб қолди,— Ишинг ишга ўхшасин деб жон ҳалак бўласану, баъзилар сенинг ишингни назар-писанд қилишмайди. Чўпон молларни кун бўйи боқиб келади. Сигир кечқурун кўп сут беради, эрталаб эса кам. Кечаси билан оч қолган сигир эрталаб қай сут беради. Шунинг десанг...

Ана-мана дегунча кўлга етиб келдик. Аноргулнинг гапи чала қолди. У ўроғини олди-да, пичан ўришга киришиб кетди. Қиз болани ишлатиб қараб туриб бўлармиди. Ўроғини қўлидан олдим. Бирпасда 30—40 боғ пичан ўрдик. Сўнгра фермага олиб бориб, Аноргулнинг сигирлари олди-га ташладик.

У менга миннатдорчилик билдирди-да, уйига кетди.

Мен иссиқ ўринда ётиб, у ҳақда ҳаёл сура бошладим. Қандай ажойиб қиз-а. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини ўзича мушоҳада қилишга ҳаракат қилади... Ҳаёт нимани тақозо қилса, шуни қилишга уринади. Бояги қилиқлари болаликдан нишона экан-да.

Эртасига яна Элмурод билан Аноргулнинг баҳслашиб турганларининг гувоҳи бўлдим.

— Элмурод ака, ахир кечаси сигирларга хашак олиб келиб солдим. Эрталаб кўп сут соғиб олдим, деяпман-ку.

— Эҳ, синглим-эй, қани энди ҳамма ҳам сендақа бўлса, кечаси ҳаммаям хашакка боравермайди-ку.— Элмуроднинг дағал товуши атрофга тарқалди.

— Кечаси хашакка борилмаса, анови «Ёлочка»ларни яйловга олиб чиқиш керак. Битта электродвижок бўлса етади. Ушанда сут соғувчиларнинг ярми ишдан бўшайди, ўшалар хашак олиб келишса бўлади.

— Хаёлпараст, наздида космосга учмоқчи,— деб Элмурод қўлини силтаганча жўнаб қолди.

Аноргулнинг кўйлаги майин эсган шабадада қилпираганча Элмуроднинг орқасидан қараб қолди.

Армияда Олатоғ этагидаги «Иссиққўл» ёнбағрида хизмат қилдим. Тоғ этагида япроқлари силкиниб лола ўсарди. Аноргулнинг ҳам ҳозирги қиёфаси худди ўша тоғ лолаларига ўхшаб кетди.

Эртасига: «Аноргул совхоз директори олдига кетганмиш» деган гап тарқалди.

Ҳалиям қувурнинг устида ўтирибман. Ана, қишлоқ устида Аноргулнинг рўёбга чиққан орзуси тантана қилгандай электр нури чарақлаб турибди. Балки сигирлар ҳам хашакка тўйиб, елинлари тирсиллаб, эрталабки соғадиган «Ёлочка»ларни сабрсизлик билан кутаётгандир.

Киши ҳаётда фойдали нарсани сезса, ишга жон-жаҳди билан киришиши керак.

Менинг хаёлимни кимнингдир келаётган оёқ товуши бўлди. У Аноргул экан.

Бугун ҳам ҳар кунгидек у билан бирга пичан ўримига борамиз.

БОЛАЛИГИМ — ПОДШОЛИГИМ

(Ҳикоя)

Парта кичик, Ҳурингул эса новча эди. У олтинчи синфимиздаги энг новча ўқувчилардан ҳам тўрт энлик баланд эди. Ҳурингул бақувват, миқти гавдали, тўладан келган қиз бўлиб, ҳамма болаларнинг диққат-эътибори ҳам унда эди. Унинг юриш-туриши ҳам ўзи тенги қизлардан бошқачароқ. Дарсни ўзлаштириши ҳам яхши. Доскага чиқса худди булбулдай сайраб кетади. Ўқитувчи: «Бўлди, яхши, кундалик дафтарингни олиб кел, баҳонг «беш» деса ҳам, темани айтиб тамомламасдан гапдан тўхтамайди.

Ўқиш янги бошланган кунларнинг бирида тўртинчи соат тарих дарси бўлди. Ўқитувчи янги келган эди. Унинг феъл-атворини ҳали яхши билмас эди. У дарсни яхши ўтарди. Унинг дарсида ҳамма жим ўтирарди. Синфда пашша учса эшитиларди. Бугун ҳам шундай бўлди. Ўқитувчи янги темани яхшилаб ўтди. Кейин яна дарсни қандай ўзлаштирганимизни синаб кўриш учун ўртага бир савол ташлади. Ҳаммадан олдин Ҳурингул қўл кўтарди. Ўқитувчи яна ким жавоб беради, деган эди, ҳеч ким индамади. Шундан кейин ўқитувчи Ҳурингулдан сўради. Ҳурингул ирғиб ўрнидан турди. Шунда бесўнақайлигидан тиззаси партанинг қопқоғини тарақлатиб юборди. Ҳамма унга бир қараб қўйди. Ўқитувчи ўзини сезмаганга солиб индамади. Ҳурингул қоида бўйича партанинг бир томонида тикка туриб сўроққа жавоб бера бошлади. Парта унинг белидан пастда қолди. Ҳурингул билан бир партада ўтирганим учун унинг бесўнақайлигидан мен ҳам ўнғайсизланардим. Дарс бошлангандан бери сиқилиб ўтирганимдан, у ўрнидан турганда, у томонга бир оз сурилиб, бемалолроқ ўтирдим.

У ҳамма сўроқларга жавоб бериб бўлиб, ўтираётганда, мени ўнг тирсаги билан туртиб, партани яна шақир-шуқур қилиб юборди. Ўтириб бўлиб, оёқларини узатди. Олдимиз-

даги партанинг Ўрингул тарафида ўтирган Асан деган бола анча тўполончи эди. Ўрингулнинг партани тасир-тусур қилиши Асанга ёқмаялган экан шекилли:

— Муаллим, Ўрингул орқамдан тепиб юборди,— деди қўшиб-чатиб. Аслида Ўрингул уни тепмаган, фақат оёғини узатаётганда, оёғи унинг оёғига сал тегиб кетган эди. Бу гапга жаҳли чиққан Ўрингул ўқитувчининг кўзини шамғалат қилиб, уни тўқмоқдай мушти билан бир нуқиб қўйди. Асан муштнинг зарбидан қапишиб қолгандай партага юзини қўйиб:

— Ана кўрдингизми, энди мени дўппослашга ўтди,— деди яна. Ўрингул уялиб, дўмбоқ юзлари қизариб кетди. Қўлини чалмаштириб, партага қўйди-да, бошини қўллари устига қўйиб олди. У қаттиқ уялганда шунақа қиларди. Синфдаги болалар Ўрингулнинг қилиқларига эмас, Асанинг бемаъни ҳаракатларига кулиб юборишди. Ўқитувчи ўрнидан сапчиб турганда, ҳамма болалар жим бўлиб қолишди. У Ўрингул билан Асан томонга аста-секин кела бошлади.

Мен Ўрингулга «бошингни кўтар, муаллим келяпти» дейин десам, ўқитувчи кўриб қолиб, мени ҳам тўполончилар қаторига қўшиб қўядими, деб қўрқиб, уни секин биқинига туртиб қўйдим. Бунини кутмаган Ўрингул менга қараб қўлини силкиб юборган эди, мен ўзимни ундан олиб қочаман деб деворга бориб урилдим. Унинг тирсаги орқадаги партага урилди-ю, кафти парта устидаги сиёҳдонни ағдариб юборди. Партадан оққан сиёҳ Ажар билан Нурсулунинг қўйлакларини булғади. Ажар билан Нурсулуннинг қўйлаклари янги эди. Улар бир хил матодан яқинда тиктиришган эди. Ўқитувчи ҳам ноқулай аҳволда қолди. Биз ҳам жим бўлиб қолдик. Дам Ажарга, дам Нурсулунга қараймиз. Бирдан қўнғироқ овози эшитилди...

Бешинчи соатда Ўрингул бўлмади. Ажар билан Нурсулун ҳам уйларига кетиб қолишди. Дарсдан сўнг бошқа синф болалари «нима гап?», «нима бўлди?» дея бериб, ҳол-жонимизга қўйишмади...

Кеча бўлиб ўтган ота-оналар мажлисида бўлган гапларни ойимдан эшитдим. Ойим мажлисдан келгандан кейин дадамга:

— Бизнинг Йўлдошбойнинг синфи жуда ҳам бетартиб синф экан,— деб бир четдан гапириб берди. Мен ичкари уйда эшикнинг тирқишига қулогимни қўйиб эшитдим.

Ота-оналар мажлисига директор ҳам қатнашибди. Ажарнинг ойиси директорга:

— Ўрингулга ўхшаган тўполончиларни мактабдан ҳайдаш керак. Бундай болаларни ўқитиб мулла қилиб бўлмайди,— дебди. Директор эса Ўрингулни мақтаб, уни ёқлаб чиқибди.

— Ўрингул мактабимизнинг энг аълочи ўқувчиси. Биринчи синфдан бери бирон марта «уч» баҳо олганини ҳеч ким билмайди. Шундай экан, уни мактабдан ҳайда дейишнинг ўзи бемаъни гап. Агар, бировнинг кўйлагига сиёҳ тўкиб юборди, деб уни мактабдан ҳайдаб юборсак, қалай бўларкин. Унинг дўстлари бор, коллектив бор, бирон ножўя иш қиладиган бўлса, тартибга чақириб қўяди,— деб Ажарнинг ойисини болади директор.

Бугун уйдан чиққандан мактабга келгунча Ўрингулни ўйладим. Мана икки кун бўлдики, ҳали у мактабга келгани йўқ. Уялиб юрган бўлса керак. Жуда уятчан қиз эди. Гоҳида бирон болага билмасдан бирор ножўя гап айтиб қўйса, у бола тугул бошқа болаларнинг ҳам юзига икки-уч кун қаролмай юрарди. Кечаги ишлар эса унинг учун ўлганнинг устига чиқиб тепган бўлди.

Унинг қадди-қомати, мулойим чеҳраси, юриш-туриши кўз олдимдан нари кетмай мактабга келдим. Бир партада ўтирганим учун уни ўзимга яқин кўраман. Синфга киришим билан, келибдими, деб партанинг тагига қарадим, китобдафтарлари йўқ. Демак, келмабди. Утирган жойимда эшик очилган сайин орқамга қарайвериб, бўйним ҳам оғриб кетди. Ҳар эшик очилганда кириб келаётган ўқувчига қарайман. Эшик паст бўлгани учун Ўрингул энгашиб кирарди. Шунинг учун эшикдан аввал боши, кейин ўзи кўринарди. Бошқа болалар эса тўғри эшикни тарақлатиб кириб келаверарди. Мен эса бўйнимни чўзиб, оёғимнинг учида турсам ҳам, эшикнинг тепасига ўша йиллари бўйим етмасди.

Ўрингулдан бошқа ҳамма ўқувчилар синфга йиғилди. Ўрингул тўғрисида ҳеч ким индамади. Мен зимдан олдимдаги Асанга, орқамдаги Ажар билан Нурсулувга жаҳлим чиқиб қараб қўйман. Улар билан ҳатто гаплашгим ҳам келмасди. Ўйга ботиб кетибман. Ҳатто тирноғим билан партанинг устини чизиб, Ўрингулнинг номини ҳар ер-ҳар ерга ёзиб ташлаганимни ҳам сезмай қолибман. Фақат ўқитувчи синфга кириб келгандагина ўзимга келиб, ҳушёр тортдим.

Дарс бошланди. Биринчи соат алгебра дарси эди. Ҳеч ким берилган топшириқни ечолмай келибди. Бу яна Ўрингулни эслатди. У ҳамма масалани ечиб келар, биз кўпинча ундан кўчириб олардик. Мана ҳозир унинг ўрни билинди.

Бир вақт эшик аста очилди. Эшикдан бир ориқ аёлнинг боши кўринди. Танидим. Ўрингулнинг тоғасининг хотини.

— Бизнинг эрка қизнинг мактаби, мактаби дебман, ўқийдиган синф шуми?— деди у ўқитувчига қараб.

Мен ҳовлиққанимдан «ҳа» деб юборибман, худди бу аёл Ўрингулни етаклаб олиб келгандай туюлиб. Ўқитувчи секин-аста юриб эшикка чиқди-да, аёл билан бир оз гаплашиб, қайтиб кириб, яна дарсини давом эттираверди.

Иккинчи дарс география бўлди. Бу фанни директорнинг ўзи берарди. Мен географиядан яхши ўқийман. Партада ўтириб ҳам синфдаги СССРнинг табиий географиясидан кўз узмайман. Бугунги дарсда эса, бутунлай мижғовланиб, худди уйқуси келган одамдай кўзимни ишқалаб ўтирдим.

— Тауманов, касал одамдай сирқовланиб ўтирибсан, нима бало, бугун дарсга тайёрланмай келдингми?— деди директор.

Мен истар-истамас ўрнимдан туриб:

— Тайёрлаб келдим,— дея минғирладим.

— Бўлмаса доскага чиқиб, ўртоқларингга дунёдаги океан ва денгизларнинг саёз ва чуқур ерларини кўрсатиб, туншунтириб бер.

Савол осон эди. Картага шундай қарасам, ҳаммасини айтиб бера оламан. Лекин нимадандир норози бўлиб, қовғимни уйиб, битта-битта қадам босиб, доскага чиқдим. Кўрсаткич таёқчани олиб, дунёдаги денгиз ва океанларнинг чуқур ва саёз ерларини кўрсатиб бердим.

— Буни қаердан билиб жавоб беряпсан?— сўради директор.

— Мана кўриниб турибди-ку, картада чуқур ерлар тим кўк, саёз ерлар эса оч кўк рангга бўялган.— Тоғлар тепаликларни ҳам айтмоқчийдим, директор айттирмай, «Ўтир, беш»— деди.

Жойимга ўтирганимда ҳам «беш» олганимга суюнмай, боғидай аҳволга тушдим.

— Тауманов,— деди директор. Аста ўрнимдан турдим.

— Бир еринг оғрияптими?

— Бошим...— дедим секин. Шундай дедиму, яна қўрқиб кетдим. Чунки боши оғриётган одамнинг танасида иссиғи бўлади-ку. Яна келиб ушлаб кўрса-я. Йўқ, у бошқа ҳеч нарса сўрамадиям, ушлаб ҳам кўрмади. Фақат:

— Ундай бўлса, уйингга кета қол. Рангинг ҳам ўзгариб кетибди, шамоллаган бўлсанг керак. Бориб, ўралиб ёт, бир

терласанг тузалиб қоласан,— деди. Қандай яхши директор, бошқалардай эмас. Бошқа ўқитувчилар бўлса шундай дермиди...

Тўғриси, бошим оғриётгани йўқ эди. Ўрингулни ўйлаверганимдан ўзимни бошқача сезаётган эди. Мактабдан чиқдим, уйга кетмадим. Папкамни мактаб яқинидаги йўл четидаги чангалзорга ўрмалаб кириб, ўтлар орасига беркитдим, мактабнинг кунчиқиш тарафидаги тупроқли йўл билан катта-катта одим ташлаб кетавердим. Қаерга кетаётганимни фақат ўзим биламан. Бошқаларнинг билишини хоҳламаганимдан орқамга қараб-қараб қўяман.

Мен Ўрингулларнинг овулига қараб йўл олган эдим. Уларнинг овули кунчиқиш тарафда, бизнинг овул эса унга тескари, мактабнинг кунботиш тарафида эди. Мактабдан узоқлашган сайин қадамимни тезлатгим, югургим келаверди. Энди югурмоқчи эдим, катта йўлдан қайрилиб, ёлғиз оёқ йўлга бурилишга тўғри келди. Чопиб келиб бунақа йўлдан бурилиб бўлмайди, ўмбалоқ ошиб кетиш мумкин. Мактабга кетаётган болалар йўллардаги ўтларни бир-бирига боғлаб кетишади. Бирон эҳтиётсиз қадам ташласанг, ўмбалоқ ошиб кетишинг ҳеч гапмас. Бу овулнинг болалари бунақа «тузоқ» қўйишни билишмас экан. Бизнинг овул болаларига буни биринчи марта ўргатган Асан эди. У агар йўлда ўт кам бўлса, майда қозиқ қоқиб, каноп ҳам боғлаб кетаверарди.

Югурганча Ўрингулнинг тоғасиникига яқинлашдим. Ўрингул тоғасининг уйида турадими? Унинг ота-онаси қарда? Бу ёғи менга қоронғи эди. Буни ўзидан неча марта сўрашга оғиз жуфтлаган эдим, бироқ сўрашга ботина олмаган эдим.

Қўрани айланиб ўтиб, ҳовлига кирдим. Олдимга Ўрингул чиқди. Бир дақиқа иккаламизнинг ҳам оғзимизга сўз келмай, бир-биримизга тикилишиб қолдик. Қайси биримиз олдин сўз бошлашга ботина олмадик.

— Ҳа, нима қилиб юрибсан?— деди у ниҳоят. Унинг киприклари узун шахло кўзларида ёш кўрингандай бўлди. Юрагини очиб, у ҳозир йиғлаб юборса керак, деб юпатмоқчи бўлиб, кўзларига мулойим тикилдим. Йўқ, у йиғламади. Бу кўзлар бурундан менга таниш бўлса ҳам, одамга тик қараганда шунчалик ҳаяжонлантириб қўйишини энди сезишим. Муңчоқдай кўзларини кўз гардишидаги икки томонга найзадай санчилиб турган киприклари яна катталаштириб юборгандай кўринди.

— Ўрингул,— сўз тополмай, нима деб гўлдираганимни билмайман,— ҳали туш бўлгани йўғ-а, тўғрими?

У қуёшга, мен эса соямизга қарадим. Бирини узун — уники, бирини бақалоқ — меники.

— Туш бўлиб қопти, мактабга бордингми?

— Бордим.

— Қўй-э.

— Ҳа, бордим, ҳозир мактабдан келишим.

— Унда бизнинг овулга нега келдинг?

— ...Сени... кўргани...

— Қўй-э.

— Рост, сени кўргим келди.

— Ундай бўлса, юр, тоғам қўрада қудуқ қазияпти, кўрамиз.

Иккаламиз узун-қисқа бўлиб қўрага югуришиб кетдик. Гоҳ у ўзди, гоҳ мен. Қудуқнинг бошига етиб келдик. Мен ичимда Ўрингулдан орқада қолмаганимга хурсанд бўлиб қўйдим. У эса буни хаёлига ҳам келтирмади.

— Тоға, ҳо тоға, мана қаранг, синфимиздан бир бола келди,— деб Ўрингул қудуқнинг ичига қараб бақирди.

— Жуда яхши!— деган гумбурлаган овоз чиқди чуқурдан.

— Тоға, сув чиқдими?— деди яна энгашиб кулимсираб турган Ўрингул. Мен ҳам ихтиёрсиз қудуқнинг бошига келиб, пастга қарадим. Янги қазилган қудуқдан сув чиққани қизиқми, ёки бирор ихлос билан юқоридан қудуқнинг тубига тикилиб турган қизиқми, ҳанузгача тушунмайман.

Ўрингул ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, мени даст кўтариб қудуқдан чиққан тупроқ устига улоқтириб юборди. Мен ҳам дарҳол ўрнимдан туриб, курашга шайланиб, «бу ҳисобмас» дедим.

— Бу ҳисоб бўлмаса, бошқатдан курашасанми?

— Курашаман,— дедим мен иштонимни кўтариб.

Икковимиз айқашиб кетдик. Мен унинг бўйнидан қучоқлаб, оёғимни унинг оёғининг орасига чалиштириб олдим. Аммо йиқита олмадим.

— Ҳой, эрка қиз,— деб чақирди унинг муқолишида кепчик ушлаб турган қора тўридан келган аёл. Мен дарров Ўрингулни қўйвориб, қизиган қумнинг устига ўтирволдим.— Ким у кап-катта бўлиб сенга осилаяпган.

Мен уялганимдан қумга кириб кетишга ҳам рози бўлдим.

— Ким бўларди, бирга ўқиймиз, кураш тушяпмиз.

Қудуқдан Ўрингулнинг тоғаси чиқди. У тоғасидан уял-
мади.

Унинг тоғаси норғул, катта-катта кўзли, хушмўйлов ки-
ши экан. Уни кўришим билан «ассалому алайкум» деб кў-
ришдим. Бақувват бармоқлари қўлимни шундай қисдики,
қўлим бирпас кесак бўлиб қолди.

— Ҳа, ўғлим, Тауман «дев»нинг ўғлимисан?— У дар-
ров мени таниди. Лекин мен ҳайрон бўлдим. Отам айтарли
гавдали одам эмас, ўрта бўйли эди-ку. Бу одам адаштира-
ётганмикин, деб ўйлаб, бошимни қимирлатдим.

— Ойинг яхши юрибдими? Тауман биз томонларга ке-
либ турарди, анчадан бери қорасини кўрсатмай кетди. Би-
рон ёққа кўчиб кетмаганми?— у ҳазиллашиб уй ичимизни
бир четдан сўраб чиқди. Мен жавоб беряпману, бир мую-
лишда кепчик ушлаб тургн аёлга, бир бунга қарайман, шу
аёл бу кишининг хотини эканлигига ишонгим келмайди.
Чунки бунинг гавдаси аёлникига қараганда икки баравар
катта эди. Бу унинг тенги эмас, хотини бўлмаса керагов,
деб ўйладим. Хотин эса кепчикда донни совуриш билан
овора эди.

У киши бир вақт:

— Қани, Тауман девнинг ўғли, бизнинг Ўрингул билан
курашишга ҳаддинг борми?— деди.

— Бор,— дедим Ўрингулга қараб қўйиб. Ўзимнинг
йиқилмаслигимга ишондим. Ўрингулга тоғасининг гапидан
куч киргандай, тура солиб мени улоқтириб юборди. Йиқил-
диму, лекин ёнбошим ерга тегмади. Ўрнимдан туриб, ку-
рашга шайланиб унга яқинлашдим. Иккинчи сафар кураш-
ганимда мен унинг белидан маҳкам сиқиб, оёғимни оёқлари
орасидан чалиб олдим. У эса, белимдан маҳкам ушлаб ол-
ди-ю, даст кўтарди. Борди-ю, йиқитаман деса, ўзи тагимга
тушади. Ўрингул йиқитмасдан кўтариб тураверди. Охири
ҳолдан тойиб, оёғимни оёқлари орасидан олганимда, яна
улоқтириб юборди-ю, устимга чиқиб миниб олди. Яғриним
ерга тегди.

— Ҳа, яна курашасанми?— дерди у.

Йиқилсам ер кўтаради, кураш тушсам тушавераману,
лекин қиздан йиқилганим ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди.

— Эрка қиз, бировнинг боласини ўлдирасан-ку,— деб
бақирди муюлишдаги қора тўридан келган хотин.— Вой, бе-
чора болам-э, эрка қиз билан нима қиласан курашиб, у бу
овулдаги туядай-туядай болаларни ҳам писанд қилмай-
ди-ку...

Кун пешин бўлди. Мана тушлик қилиб ўтирибмиз.

— Эрка қизнинг тоғаси, кун кеч бўлиб қоляпти. Боя балиқ овлашга бораман, деётгандинг, қўлинг бўш бўлса бориб кел, майда балиқ бўлса ҳам тутиб кел,— деб қора хотин эрига қаради.

— Олдиндан бичиб-тўқима, насиб қилгани бўлади, хотин,— деди эри.

— Ийе, эрка қиз, олдингда ўртоғинг бор, буни қаёққа ташлаб кетасан, шу ерда ўйнайверинглар, жоним.

— Ҳой, Оймереке, боланинг кўнглини чўктирма, уйда эрка қизга қараб қолган юмуш йўқ. Тауман девнинг ўғли бўлса, бирга бораверади.

Бу гапга Ўрингул икковимиз роса қувондик. Ҳозир экинга сув керак бўлмагани учун, ариқ кўп жойдан бўғилиб, суви оз эди. Қўли бўш одамлар бири тўр, бири санчқи билан ариқни бир кечиб чиқмаса, асло кўнгли жойига тушмасди.

Мана биз, Ўрингул, Жумамурод оға учаламиз йўлга чиқдик. Жумамурод оғанинг қўлида сопи узун санчқи. У бизга сизлар тарновнинг бошига боринглар деди. Ўрингул иккаламиз катта йўлни чангитиб чопишиб кетдик. Йўл узоқ эди. Бирпас югуриб чарчаганимиздан кейин, пахтазор четидаги ажриқда ўтириб дам олдик. Пахталар териб олинган, унда-бунда битта-яримта кўсак ва якка чаноқлар қолган, холос. Яқин орада пахта териб юрган биронта ҳам одам кўринмасди.

— Ана, тоғам келяпти,— деди бирдан Ўрингул,— ундан бекинамизми?

— Майли,— қаршилиқ кўрсатмадим мен.

Икковимиз ўтлари қуриб қолган ариқнинг ичига ёнмаён ётдик. Ён-веримиз заранг ер.

Бирпас ётгандан кейин нафасим қисилиб кетди. Жумамурод оға келиб қолмадимикин деган хаёлда тирсагимга тираниб бошимни кўтариб қарадим. Худди яқинимизга келиб қолибди. «Ёт» деб энгимдан тортди Ўрингул.

Ўрингул энгимдан тортганда Жумамурод оғанинг кўзи менга тушганини кўрдиму, тирсагим тойиб, Ўрингулнинг устига йиқилиб тушдим. Ўрингул:

— Эй, лапашанг,— деб мени туртиб юборди. Жумамурод оға ёнимизда қараб турарди. Ўрингул эса уни кўрмай, «бундай ёт, бундай» деб мени турткилайди. Мен Жумамурод оғани кўриб уялиб кетдим, охири Жумамурод оға:

— Юринглар, кетдик,— деди.

Учовимиз яна йўлга тушдик.

— Сизлар овулингизда бекинмачоқ ўйнамайсизларми?— деди Ўрингул. Мен индамадим. Мени бошқа нараса қийнади.

— Бекинишни билмас экансан. Сени қўриб қолди. Бўламаса икковимизни анча қидирарди,— деди Ўрингул индамаганимдан кейин елкаси билан туртиб.

Тарновнинг бошига келдик. Одамлар кўп. Биров тўр, биров санчқи билан ҳар жой-ҳар жойда балиқ тутяпти.

Кун ботгунча Жумамурод оға ҳар бири билакдай-билакдай келадиған ўнта балиқ тутди. Овулга қайтдик. Менинг эса ҳеч уйга кетгим келмасди.

Намозшомга яқин Жумамурод оғанинг уйига яқинлашдик. Бир вақт шу овулнинг чўпони олдимиздан чиқиб қолди. Жумамурод оға унга катта бир балиқни тутқазди. Чўпон:

— Қойилман, оға, бундай каттаси қаерда экан? Бизнинг тутганимиз бунинг олдида жимиттон бўлиб қолади,— деди.

— Оғзингга тош,— деди Жумамурод оға,— мен сенга буни индамасмикинсан деб бергандим.

— Қойил, офарин, лекин кўзим ўткир эмас, қўрқманг, тегмайди, оға,— деди чўпон йигит кечирим сўрагандай.

Уйга кирдик. Оймереке хурсанд бўлиб кетди.

— Ў, эрка қизнинг тоғаси, қойилман. Ўзим шунақа бўлади дегандим. Чўпон бола ҳам яқинда анча балиқ ташлаб кетди.

Жумамурод оға, балиқларни ўчоқ ёнидаги ўтиннинг устига қўйди-да, печка устидаги ўнинчи чироқнинг пилигини кўтариб, уни ёқди, балиқларни теппа-тенг учга бўлиб:

— Қани, болалар, энди чек ташлаймиз,— деди.

Ўрингул тоғасининг қилаётган ишларига суюниб ўйнаб иргишласа, мен ҳайрон бўлиб турибман.

Жумамурод оға узунлиги барабар учта чўп олди-да, иккитасини бизга берди. Биз ўзимизча белги қўйиб, қайтариб бердик. Жумамурод оға кўзини юмиб чўпларни балиқларнинг устига қўйиб чиқди.

— Мана, болалар, бунинг отини чек ташлаш дейишадди, чўпларингизни таниб, балиқларингизни олинглар,— деди бизга. Ўрингул иккаламиз чўпларимизни таниб, кўрсатдик.

— Оймереке, балиқни олиб, қозонингни тайёрла. Аввал Ўринжоннинг балиқларини пишир. Худо хоҳласа, бугун қизинг биринчи марта оғзимизга ош солган бўлади,— деди у.

Балиқ пишгунча икковимиз китоб ўқий бошладик.

Ўрингулнинг уч кун дарсдан қолганининг сабабини сўрамаган эдим. Тоғаси ташқарига чиқиб кетганда, Ўрингулнинг ўзи қулоғимга пичирлаб бунинг сабабини айтиб берди. Ўша куни буларнинг уйига Ажарнинг ойиси келиб, қизининг сиёҳ бўлган кўйлагини тўлаб бер деб сиёҳли кўйлакни Оймерекенинг олдига улоқтирибди.

— Ҳой опа, шу арзимаган нарса деб шундан-шунга оёғингизни оғритиб келганингизга ҳайронман. Шу қилиғингизни Жумамурод эшитса, қизингиз тугул ўзингизга ҳам тўрт сидра кўйлак олиб беради,— деб боплаб жўнатибди уни Оймереке.

Бизларнинг пичирлашиб ўтирганимизни сезган Оймереке опа:

— Тоғаси эрка қизинг кўнглини ҳеч оғритмайди. Агар ўша кунги аёл сал бўлса ҳам буни хафа қилса, унинг авлодаждоди билан юз кўришмай кетиши ҳеч гапмасди. Яхшисини ошир, ёмонини яшир, дегандай, ўша куни мен ҳам бўш келмадим-да... Ҳаммаси ҳам бир овулнинг болалари-ку...— Оймереке қозонга ўтин ёқиб ўтириб, бир талай гапларни қалаштириб ташлади.

Оймереке Ўрингулни хафа қилиб қўймасин дейдими, ё ўзининг одатими, билмадим, Жумамурод оға ўчоқ олдига келди-да, уларга қарай-қарай ҳўл кийимларини қурита бошлади.

— Йўлдошбойни Тауман девнинг олдига олиб бораёми, деб Абдининг отини сўрадим,— деди у.

— Ярим кечада-я?

— Ярим кеча дейсан, борсам Абдининг акаси энди хуфтон намозини ўқиб ўтирган экан. Отабой жуда оққўнгил бола-да. Абдининг уйига ҳам анча балиқ ташлаб кетибди,— деди Жумамурод оға.

— Аслида ўзи чўпонлар сахий бўладими дейман-да,— деди Оймереке ўртага суқилиб.

Абди Ажарнинг акаси бўлади. Менинг хаёлим Отабойнинг яхши одамлигида эмас, балки Абдининг отида эди.

— Тоға, Ажар уйдаикин?— деб қолди Ўрингул тўрт яшар боладай эркаланиб.

— Уйида экан, Йўлдошбойнинг китоб халтасини топиб олган экан, Асан деган боладан уйига бериб юборибди.

Ўрингул иккаламиз бир-биримизга қараб қўйдик.

— Тоға, китоб халтамас, папка дейди уни.

— Пахта десаям, ўзларингиз тўғрилаб айтаверинглар.

Биз роса кулишдик.

— Боламисан дегандай, ўқув қуроллари кўчага ташлаб юрганини қара, бунинг. Тағинам бегона болаларнинг қўлига тушмаганидан хурсанд бўлавер.

Жумамурад оғанинг «боламисан» дегани гўдаксан, дегандай туюлди менга. Унга Ўрингул билан тенг эканлигимни айтмай дедиму, отанг тенги одамнинг олдида бидирлаб ўтиришни лозим топмадим. Фақат бу сўзи билан мени кичкинасан дегани учун Ўрингул олдида мулзам бўлдим. Ўрингул тоғасининг «боламисан» деган сўзига, эҳтимол, эътибор қилмагандир, ишқилиб эътибор қилмаган бўлсин-да...

БАҲОР КЕЛДИ.—

(Ҳикоя)

Ҳар йил баҳор одамларнинг қалби севинч билан тўлиб-тошса, мен фигон чекиб, ҳам гирдобига маҳкум бўламан. Баҳорда мен учун сархуш еллар эсмайди, қайтанга, юрагимни юлқиб олиб кетувчи довуллар кўтарилгандек бўлади, баҳор мен учун кўзларни яшнатувчи ранго-ранг гулу дола-ларга тўлиб жилваданмайди, аксинча, мени қақроқ чўллар ўртасида саргардон қилиб қолдириб кетгандай туюлади, баҳор менинг хаёлларимни гўзал ўйларга чулғай олмайди, балки мудом нохуш воқеаларни эсимга туширади...

Уша воқеадан уч ой ўтгач, ёз пайти, бир куни мен эрта тонг пайти ўрнимдан тураётсам, эшик олдида онам менга қараб қаттиқ тикилиб турибди. Онамнинг ёши бир ерга бориб қолган бўлса ҳам, лекин қарашлари жуда ўткир эди. Мен уни кўриб нимагадир довдираб қолдим. Юзларим ловилаб кетгандай бўлди. Ҳовлиққанимдан ҳатто кўйлагимни ҳам тескари кийиб қўйибман. Онамдан қандайдир бир мушкул савол кутар ва ёш боладек бетига тикилиб қарай олмай, бошимни ҳам қилиб турардим. Чамамда, мана ҳозир ҳеч қачон эшитмаган гапларни эшитсам ксрак, деб ўйлардим. Шу пайт ташқаридан товуқларнинг қа-қақлашгани, қари кўппагимизнинг ириллагани эшитилди. Сўнг отам йўтал аралаш «ҳой!» деб онамни чақириб қолди. Севиниб кетдим. Ҳар қалай ноқулай вазиятдан қутулдим.

Ўрнимни апил-тапил йиғиштириб, ташқарига отилдим. Қуёш ҳали чиқмаганди. Ҳовлимиз олдидаги шафтолилар ҳам бошларини қуйи эгиб олган эдилар. Япроқларидаги шабнамлар худди бир гуноҳкор банданинг кўз ёшларига ўхшаб кўринар ва гўё дув-дув ёш тўкиб мендан кечирим сўраётгандек туюларди. Тонг салқини баданимни жунжиқтириб юборди. Ариқдан юз-қўлимни ювиб, далага жўна-

дим. Ёз ойларида иш куни одатдагидан эрта бошланади. Биз эрталабки нонуштани соат ўнлар атрофида қилардик. Мен кеча ўзимдан қолган жойга келиб, бегона ўтларни бир-бир юла бошладим.

— Жумагул!— қиз боланинг туйқисдан эшитилган товушидан чўчиб тушдим ва ялт этиб товуш чиққан томонга ўгирилдим, аммо ҳеч ким кўринмади. Сўнг ўтириб яна ўз ишимни давом эттиравердим. Яна ҳалиги товуш эшитилди. Лекин бу гал мен эътибор қилмадим. Бир вақт бориб қўш-нимизнинг қизи Жонгулнинг кулиб келаётган овозини эшитиб қолдим. Мен ҳам кулиб юбордим. Бироқ Жонгулдай жаранглатиб кулиш қаёқда дейсиз? Ундай шўх кулги энди менга насиб қилмас ҳам балки?!

Жонгул билан ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Сени бир қўрқитайин деб эгат оралаб энгашиб келаётгандим,— деди чиройи гул-гул яшнаб турган ўн олти яшар Жонгул.

Дарвоқе, ҳали ҳамон унинг лабларидан кулги излари ўчмаган эди.

— Қўрқмадинг-а, сени қара-я..

— Қўрқдим!— дедим ясама жилмайиш билан.

Лекин у менинг нимадан қўрқиш-қўрқмаслигимни қаёқдан билсин... Аммо мен хаёлга берилиб, Жонгулдан узоқлашганимни ҳам сезмай қолибман. Кўйлақларим шабнамдан ҳўл бўлиб кетибди. Нима учундир олдинга қараб ҳеч оёқ босгим келмасди. Ахир келажагим ҳам мана шу — томчи-томчи шабнамлардай кўз ёшлари билан тўла-ку. Йўқса, нега яшаяпман, қаёққа қараб кетаяпман?! Кўп ўтмай офтоб кўтарилиб, шабнамлар ҳам қуриб қолади. Аммо менинг ҳам кўз ёшларимни қуритадиган офтоб топилармикин? Менинг умр қуёшим қаёқда экан?..

Уйга кечқурун қайтдим. Мана, яна онамнинг эрталабки таъқибига маҳкум бўлиб ўтираман. Қалбимни «сезиб қолмадимкин?»— деган шубҳалар тимдалайди. Мен ўзимни безовта қилаётган ўй-хаёллардан қутулмоқчи бўлиб, уй юмушларига аралашаман. Отам билан онам чой устида аллакимлар тўғрисида сўз очишди. Кўп ўтмай уйимизга:

— Ассалому алайкум!— деб иккита йигит кириб келди. Мен меҳмонларга кўрпача тўшаб, ичкари хонага кириб кетдим ва ичкарида уларнинг ҳамма сўзларини диққат билан тинглаб ўтирдим. Отам уларнинг ота-боболарини суриштиргач:

— Э-э, ўзимизнинг йигитлардан экансизлар-ку,— деб очилиб гаплашиб ўтирди. Меҳмонлардан бири сўзамолроқ экан, бир чойнак чой устидаёқ қанчадан-қанча гапларни гапириб ташлади. Отам бўш келмас эди. Иккинчиси — чиройли йигит бўлса, кўргазмага қўйилгандай қимир этмасди, ўзини мудом сипо тутиб ўтирарди ва ҳар замон-ҳар замонда менга ер остидан бир қараб қўярди. Онам ичкарига кириб:

— Меҳмонларга овқат қилайлик, қизим,— деб шивирлади ва ўтин олиб келиш учун буюрди. Сиртга чиқсам ҳалиги чиройли йигит папирос чекиб турган экан.

— Синглим...— дея йигит мен томон бир қадам ташлади. Мен эса тўхтаб қолдим. Йигит иккимиз бир-биримизга жуда яқин турардик.

— Танишиб қўяйлик, менинг отим Холмурод.

Мен ҳам отимни айтдим. Йигит институтда ўқиркан. Менга совчи бўлиб келибди. Уй-жойли, ота-онаси бор йигит экан. Мен унинг ҳамма гап-сўзларини диққат билан тингладим. У сўзини охирлар экан:

— Шундай қилиб, сиз нима дейсиз?— деди.

— Қўйинг, мен кирай,— дедим-да, ўтин олиб уйга кириб кетдим. Бошқа нима ҳам дея олардим? Майли десам бўлмаса, йўқ десам кўнгли ранжиса, ўйлаб кўрарман десам, орқамдан колмаса.

Меҳмонлар чой ичиб ўтиришганда, мен ёш тақдиримнинг захрини ютиб ўтирардим...

Улар кетгач, отамнинг ташқарига чиққанидан фойдаланган онам:

— Қалай, маъқул бўлдим, қизим?— деб сўради мендан.

— Хоҳламайман.

— Нега?

— Мен уни танийман, ароқхўр йигит,— деб алдадим мен дафъатандан онамни.

— Ҳали шундайми?— дея онам ҳам ҳайрон бўлиб қолди.

Куз келди. Ҳаммамиз пахта теримига киришиб кетдик. Куз оқшомларидан бири... Йўқ, эсласам юрагим орқамга тортиб кетади. Пахта хирмонидан ҳаммадан кеч қайтардим. Ҳаво очиқ, осмон юлдузлар билан тўла эди. Куз шамоли эндигина қовжирай бошлаган ўт-ўланларни юлқиб ўйнарди.

Чироқлари қоронғиликни ёритиб, орқадан бир машина келарди. Менга яқинлашиб, таққа тўхтади. Шофёрнинг овозидан танидим.

— Жумагул, машинага чиқ, уйингнинг олдида тушиб оласан,— деди Марат. Уйим олисда эди, мен кабинага чи-иб ўтирдим.

Машина сал юргандан кейин бошқа йўлга бурилди. Мен адиксираб Маратга қарадим. Унинг афт-ангори қоронғида ўрқинчли тус олганди. Чурқ этмайди. Мен дарров рул-и ёпишдим. Марат машинани тўхтатадиган эмасди. жаб, нима қилмоқчи ўзи? Еки сўла бошлаган бир гулни утунлай янчиб ташламоқчимми?.. Қалбимда ор-номус исси туғён ура бошлади. Йўқ, мен бунга... Шу пайт ма-ина ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Бўлак ҳеч нарсани эслол-айман...

Бир вақт кўзимни очсам, оппоқ чойшабларга ўралиб, асалхонада ётибман. Тилим калимага келиши билан Ма-атни сўрадим. Унга ҳеч нарса бўлмабди. Ўзим ҳам бир имани сезувдим... Марат эл-юрт олдида қилмишига яраша-газо берилишини сўрабди. Касалхонада узоқ ётдим. Ёғимни операция қилишди. Касалхонада руҳан эзилиб-си-илиб кетдим. Оламда яна баҳор бошланиб, мен яна аввал-идан ҳам баттарроқ зориқа бошладим.

Онам ҳар келганида бошларимни силаб эркалар, Ма-атни бўлса қарғар эди. Отам ҳам тасалли бериб, тақдир-ан қочиб бўлмас экан, қизим, хафа бўлма, деб юпатгани-патган эди.

...Касалхонадан чиққан кунимнинг эртасига онам мени оса пиширди:

— Жувонмаргни яхшилаб жазолатгин. Сени адо этди-у, қирилгур! Ҳаммасини айтиб бер.

Отам ҳам шу фикрни маъқул кўрди, бошқа ҳеч нарса емади.

...Район марказидаги клуб одамлар билан тўлиб кетган. Мен кириб келишим билан катта зал сув қуйгандай жимиди олди...

Мен олдинги қаторга келиб ўтирдим. Айбдорлар ўтир-ан томонга қараб, Маратга кўзим тушди. Раҳмим келиб етди. У анча изтироб чекканга ўхшарди. Боши эгик, кўз-ари ерда эди.

Очиқ суд бошланди. Менинг эсимда қолган сўзлар ақат шу бўлди:

— Маратда айб йўқ!

Одамлар «гур» этиб менга қарашди. Бирдан олаговур ўтарилди.

— Ўзим айбдорман! Ўзим!

Марат мен томонга толпинган эди, милиционерлар уни қўйишмади. Шунда у бутун зални бошига кўтариб, ҳўнграб йиғлаб юборди...

Мен ҳам йиғладим...

Ҳар куз келса Марат ёдимга кўпроқ тушади. Яқинда ундан яна хат олдим. Келгуси баҳорда бўшаб қайтармиш. Марат мен учун бу баҳор — янги баҳор олиб келармиш. Қайғули кунларимни, ғам-ҳасратли баҳорларимни унуттириш ниятида эмиш. Қайдам, лекин унинг юзига қандай қарарканман. Ё, шу-шу!..

К И Й М А Ч А К

(Ҳикоя)

1

Табиатнинг гоҳо сўз билан ифодалаб, рассом қалами билан ҳеч қачон тасвирлаб беролмайдиган сеҳрли онлари бўлади. Бугун, анчадан буён орзу қилиб юрганим — бир табиат манзараларини тамоша қилиб, чизиб келмоқчи бўлдим-да, рассомлик халтамни бўйнимга осиб, шаҳар ташқарисига чиқдим. Қуёшнинг ботиши олдидаги гўзал манзарани менчалик севадиган одам эҳтимол йўқдир. Ростини айтсам, кун ботиш олдидаги гўзалликни чизишга менинг маҳоратим ҳам етишмади, турли хил бўёқларимнинг берган жиолари ҳам сохта бўлиб чиқаверди. Бундай пайтда одам ўзининг табиат олдида қанчалик хом, ожиз эканлигини эътироф этмай иложи қолмас экан. Борлиқ дақиқа сайин ўзгариб, шунчалик тез ҳаракат қилишимга қарамай, ўзининг фусункор гўзаллигини мендан бир чимдим бўлса-да, яшириб қолишга уринарди. Бундай пайтда рассомнинг аҳволини рассом тушунади, холос. Қўлимдан келганча чиздим. Ҳиссиётимни суратда тўлиқ беролмаган бўлсам ҳам, суратни кўрган ҳар бир кимса мени мафтун қилган, қалбимни ҳаяжонга солган гўзалликни ундан сезиб олади. Ҳадемай коинотни ҳаёлий гўзалликка чулғаган қуёш ботиб кетди. Мен эса кўкракдан айрилган боладай термилиб қолавердим. Бўёқларимни йиғиштириб, уйга қайтдим. Катта машина йўлдан шахдам қадам ташлаб келяпман. Кўнглим қандайдир ички завқ билан тўла. Икки томонимда кўкка бўй чўзган мирзатераклар қатор туриб шитирлашиб мен билан хайрлашиб қолаётгандек эди. Уйга яқинлашдим. Албатта, бугунги ҳаяжонимни, чизган суратимни бировга кўрсатиб, у билан ўртоқлашмасам юрагим ёрилиб кетади. Шу ниятда рассом дўстимнинг уйига бурилдим. Ҳайтовур,

у уйида бир ўзи ўтирган экан. Дўстим халқ қўл ҳунарининг гўзал намуналарини йиғишга жуда ишқибоз эди. Шунинг учун уни ҳаммамиз ҳурмат қилиб, қўлдан келгунча унга ёрдам бериб турардик. У ҳозир юзлаб киймачак¹, жегда, басқурлар² босилиб ётган катта сандиғини очиб, ундан бир неча қизил киймачақларни ажратиб олиб, ўшалар устида оғир хаёлга ботиб ўтирган экан. Назаримда, зерикиб, бирон улфат тополмай ўтирган эканми, мен боришим билан хурсанд бўлиб кетди. Унча гапирмай менга жой кўрсатди-ю, яна ўйга толди. Бир вақт бориб, десангиз, мен ҳам киймачакка тикилиб, оғир хаёлга ботиб кетибман. Яна ҳалиги табиат гўзаллиги кўз олдимда жонланди. Ҳар турли кўк, кўкимтир ранглар... Куннинг баркашдай қизариб ботиши... Хилма-хил ранглар бир-бири билан қўшилиб-чатишиб кетган. Ана мўъжиза! Ҳақиқатан табиат ҳаётни жонжонидан севган рассомнинг қўли билан яратилгандай. Рассом ҳам ҳаётни севмаса, унинг фусункор сеҳрини мутлақо тасвираб беролмайди. Табиат гўзаллигининг бирон ерида суъий, қандайдир ёпишмай турган ранги борми?.. Хаёлимни дўстимнинг:

— Қани, қайси гўзални хоҳлайсан, қайсинисига уйланасан,— деган ҳазили бўлиб юборди. Мийиғимда кулдим, индамадим. Унинг бу гапи ниятни билгандай берилган сўроқ эди. Олдимда чўғдай яшнаб турган киймачакдан аллақайси гўзал қизларнинг бўлажак севгилисига аталган чексиз муҳаббати эсимга тушиб, яна хаёлга ботдим. Илк севги, муҳаббат. Бу худди шунинг рамзи-ку. Ёш қизнинг соф қалби, гўзалликини ҳис эта бошлаши, бунинг устига биринчи марта ишқ ўтида ёниши — бундан ярим аср муқаддам севганига атаб тикилган мана бу гўзал кашталарда акс этган бўлса ажаб эмас. Балки булардан биронтасининг тарихи шундай бўлгандир.

2

Нигор бир нарсадан қаттиқ қўрққандай катта кўзлари қинидан чиқиб, олайиб кетди. Болаларнинг қийқириғи нақ оёғининг остидан чиққандай шартта орқасига қаради. Қайтиб бормоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ назарида ҳамма болалар унга қараб кулиб тургандай туюлди. Тез бурилди-да, уйига қараб югуриб кетди. Эшикни секин очиб ичкари кирса, уй

¹ Бош кийим.

² Миллий кийимлар.

ўртасида ёниб бўлган оловнинг чўғи қизил шуъла сочиб турган экан. Деразадан тушган ой нури эса, уйни яна ҳам чароғон қилиб юборган.

— Шу вақтгача қаёқда юрибсан, қизим, овқатинг ҳам совиб қолди-ку,— деди ойиси аста.

— Майли,— у ётишга ҳозирланди.

— Қизим, бирон нарсa емайсанми, ахир қорнинг оч-ку?

— Ҳеч нарсa егим келмаяпти, ойи,— деди Нигор тил учиди.

Онаси бир нима демоқчи бўлган эди, қизининг феълини билгани учун индамади. Нигор кўрпага кириб, кўзини деразадан кўринган осмонга қадади. Қоронғи уйдан кўринган бир парча осмон унинг кўзига марварид сочилган дастурхондай кўринди. Нимагадир ич-ичидан хурсанд: «Қандай ажойиб, жимирлайди, қимирлайди, худди жони бордай толпинади... Лекин нега бир-бирига етишолмайди». Бирдан кўз олдига ўзига тикилиб турган Расберган келди. Одамлар юлдуз учса: «Юлдузим юқорида, юлдузим юқорида» дейишади. Бўлмаса унинг эгаси ўлармиш... Нигорнинг хаёлига ҳар хил нарсалар келавериб, уйқуси қочиб кетди. Узоқда учган юлдуз бирдан деразадан кўриниб турган осмон парчасини ёритиб тилиб ўтди. Нигор:

— Ойи!— деб бақириб юборди.

— Нима гап!— ҳовлиқиб сўради ойиси.

— Ҳа, ҳа!— деб отаси ҳам ирғиб ўрнидан турди.

— Юлдуз учди, дада!

— Ҳовлиқишинг қурсин, бир нима бўлибдими дебман-а!—отаси гудраниб, кўрпани бошига буркаб, нариги ёнбошига ағдарилиб олди.

— Нима қилиб ухламай ётибсан? Жин-пин уриб кетганми сени ўзи?— деб тўнғилади онаси ҳам. Ойиси отасининг гапларидан кейин Нигорнинг хаёли бўлиниб, кўз олдидигилар йўқолди. У ширин бир сўлиш олди-ю, аста-секин киприкларини туташтирди.

3

Ташқаридаги шовқин-сурон Нигорни уйғотиб юборди. Кимдир уй орқасида товукларни қийқиртириб қувлаб ўтиб кетди. Кун чиқай деб қолибди. Қуёш коинотни кумуш нур билан ёритиб, чиқиб келмоқда. Очиқ деразадан қирган субҳидамнинг салқин шамоли Нигорнинг манглайига сочилиб ётган сочларини елпиб, ёноқларини силаб ўтди. Қандай

роҳатбахш шамол! У ўрнидан туриб, уй ичига назар солса, ўзидан бошқа ҳеч ким қолмабди. Ўчоқда чойгум биқирлаб қайнабпти. Ташқаридан сигирни қарғаяпган ойисининг товуши келди. Ҳар куни бунчалик ухламайдиган Нигор ўрнидан эриниб турди. Бошидаги кўйлагини эғнига солди-ю, ташқарига йўналиб, эшикка чиққунча кийиб олди.

— Турдингми, қизим. Манови савил қолгур бир ўзимга бош бермаяпти,— ойиси сигирни ечиб, олдига солиб берди,— олиб бориб подага қўш, берган сути ордона қолсин,— деб тўнғиллаб қолди. Нигор йўғонроқ қамишни илдизи билан суғуриб, калтак қилиб олди-да, овулнинг ўртаси билан сигирни ҳайдаб жўнади. Овул четида моллар йиғилиб қолибди. Подачи бўлса бир чеккада туриб: «Ҳайда-а!.. Ҳайда!» деб бақиряпти. Нигор сигирини подага қўшди-да, жўхориполиз томонга югуриб кетди. Кун ҳам кўтарилиб қолибди. Жўякларига ошқовоқ палаги ўралиб кетган қовун аригидан ўтиб, жўхоризорга кириб кетди. Осилиб турган жўхори барглари юзларига шарт-шарт урилар, уни сийпалаб, кечиккани учун худди дашном бераётгандек туюларди. Қийшиқ-қинғир йўлдан югуриб келиб, қийшайиб, қимирлаб турадиган чайласининг устига чиқиб, атрофга кўз югуртирди. Тикка қадалган қуёш нури кўзини қамаштириб, пешонасига қўлини соябон қилиб қаради. Чор атрофга назар ташлаб, кўнгли ёришиб кетди. У бундай манзарани ҳар куни кўриб юрган бўлса ҳам, бугун негадир жуда гўзал ва латофатли кўринарди. Овозининг бориचा қичқиргиси келди.

Майин шабада танга ором бағишлайди. Унинг юпқа кўйлагини елпиб, баданига ёпиштиради. Жўхори майдони шабадада ниҳояси йўқ денгиздай мавжланарди. Эрталаб тушиб, ҳали тарқамаган туман ҳали кўтарилмаган.

— Ҳал-гаа-ақ. Ҳал-ақ!..

Қизил, яшил кўйлак кийган қизларнинг ҳар ер-ҳар ердан чўзиб-чўзиб қийқиришлари узоқ-узоқларда экс садо бериб, худди ёқимли куйдек кўнглига ҳузур бағишляпти. Бу овозлар ичидан фақат милтиқдай тарсиллаб отилган паллахмоннинг товушигина ажралиб турарди. Бундай аҳволга ўрганиб қолган қарғалар чўчимай, бир ердан иккинчи ерга қўниб, ялпайишиб ўтириб олишарди. Жўхоризор ўртасида турган қадди-қомати келишган, шаҳло кўз қизининг чеҳраси бундай манзарада гулдай яшнаб кетди. Ҳаёлга берилиб кетган қизни «Нигор» деган овозгина чўчитиб, ўзига келтирди. Ялт этиб орқасига қараса — Расберган турибди.

— Жўхорини қарғалар талаб кетди-ку, нима қилиб қаққайиб турибсан!— деб қойиб берди. У отган сопқоннинг кесаклари узоққа бориб тушмай, майдаланиб кетарди. Нигор хаёлпаршонликдан ўзига келиб, хижолатдан қизариб кетди. Олдиндаги бир тўда кесаклардан сопқонига солиб, мўлжалсиз ҳар томонга отаверди. Лекин бугунги манзарага берилиб кетганидан, агар атрофидаги қарғалар учиб кетса, бутун гўзаллик йўқоладигандек туюлди унга. Расберганнинг тоқати чидамади. Ўз ерини қўйиб, Нигорнинг еридаги қарғаларни учира бошлади.

Туман тарқалиб, кун аста-секин исий бошлади. Қизлар ва йигитлар жўхоризор ўртасидан ўтадиган катта ариқ бўйига йиғилиша бошлашди. Ариқнинг нарироғида тўғон бор эди. Тўғоннинг олд томони сокин ва тип-тиниқ, нариги томонида эса йўғон қувурдан тушган сув кўпириб-қайнаб қирғоққа урилиб турарди. Бир қиз қўнғироқдек жаранглаган овози билан «Янги баҳор» ашуласини айтганда, борлиқ янграб кетгандай бўлди. Ўйин-кулги авжига чиқди. Расберган жўхори пояларни ёра-ёра Нигорнинг олдига келди. Нигор ундан юзини ўгириб, чайланинг ёғочига суяниб олди.

— Юр сув бўйига, ўйин-кулги қизиб кетганга ўхшайди,— деди Расберган. Нигор унсиз унинг кетидан эргашди.

— Кеча кечқурун нега кетиб қолдинг, анча ўйин-кулгидан қолдинг.

— Жим,— деди Нигор эшитилар-эшитилмас. Расберган унинг гапига кирмай, кулиб, сўздан тўхтамади:

— Қизлар Қарлибойни ерга йиқитиб олишди-да, бошига тупроқ, сепиб, роса жиннисини чиқаришди.

Нигор аввал секин, кейин барала кулиб юборди. Иккови ариқ бўйига келганда болалар сувни чапиллатиб чўмилишарди. Қизлар чўмилаётганларнинг баъзиларига сўз қотиб роса кулишяпти. Улар ўртасида бошга уриб қочадиган сув ўйини қизиб кетди. Қарлибой кални енгил жуда қийин. У сузишга ҳам, сувга калла уришга ҳам жуда уста. Қизларнинг ёрдамлашишига қарамай болалар Қарлибойдан қочиб қутулолмаяпти.

— Мана сенга бўлмаса, лапашанг...— Қарлибой Мавутани тортиб кетганда ҳам Мавута ўрнидан қўзғалмади. Яна олдидан келаётган Мавута уни бор кучи билан сувга итариб юборди. Жўхоризор ичидан қизларнинг қаҳ-қаҳ кулгиси эшитилди.

— Сувга тортиб туширолмайсан, дегин-чи,— Қарлибой сувда туриб гердайди.

— Агар мен сувга тушсам, сувга босиб димиқтириб ўлдираман сени.

Қизлар жўхоризордан чиқиб, яна йиғилишди. Кун исиб кетди. Сув сепилган тупроқдан аллақандай ҳид тараларди. Ариқ бўйига чағалайлар йиғилиб, ўғил-қизларнинг қийқириғига улар ҳам ўзларининг ғағир-ғуғури билан қўшилишди. Улар сувга ўқдай урилиб, бир нималарни талашिशарди. Кун бўйи ўйин-кулгига қизиқиб кузатиб турган Расберган бирдан:

— Юринглар, балиқ тутамиз,— деб қолди.

— Юринглар, юринглар,— дейишиб ҳаммалари тўғоннинг суви лойқа тарафига югуришиб кетишди. Болалар келишса, балиқларнинг ҳам «ўйини» қизиб кетган экан. Улар сув кечиб, уни баттар лойқалатиб юборганларидан кейин осмонга сакраган балиқлар кўпайиб кетди. Расберган ҳам ечиниб, ўзини сувга отди. Расберган тутган балиқларини қуруқликка ота бошлади. Тупроқда патирлаётган балиқларни кўриб турган қизлар ҳам қизиқиб кўйлақларини ҳам ечмай сувга тушиб кетишди.

Сувга тушмаган фақат Нигор қолди, холос. Расберган эса тутган балиқларимни «кўрдингми» дегандай, унинг олдига отарди. Тўсатдан бир тўда ёш болалар келиб қолишди. Булар орасида Расберганнинг укаси ҳам бор эди. У қорнини тарвуздай қилиб акаси отган балиқларни худди биров олиб қўяётгандек бир жойга йиға бошлади. Нигор кўнгли озиб, энди қорни очганини сизди. Расберган унга қараб кулиб қўйди. Нигор унинг қарашига тоб беролмай, юзини тескари бурди-да, бир лаҳзада дўнгликлар орқасида ғойиб бўлди. Бирпасда қовун полизга етиб келди. Палакда туйнаклар ёқимли ис таратиб ётарди, у битта шакарпалакни узиб олди-да, ерга бир уриб тарс этиб ёрди, сўнг уни еб, уйига қараб кетди. Ёилдай эшикни зўр-базўр очиб, ичкари кирди. Уйда хумор кўзларига тўрдаги каттакон сандиқ ёнида ғинғиллаб ашула айтиб, бир нарса тикиб ўтирган онасидан бошқа ҳеч ким кўринмади. Онасининг бунақа ёқимли ашула айтиб ўтиришини жуда кам кўрарди. Кўзи қоронғига ўрганиб, онасига яқинлашгач, онаси қизил шоҳидан тикилган қизил киймачакни олдига ёзиб, уни силаб-сийпаб ўтирганини кўрди-ю, унинг ёнига чўкка тушди. Онаси ҳамон қўшиқдан тўхтамасди. Унинг нигоҳидан қалбини қандайдир ҳис-ҳаяжон, дард чулғаб олганини сезиб олиш мумкин эди. Эҳтимол, аллақачон ўтиб кетган ёшлик йилларини эслаётгандир. Арзимаган нарсага тўнғиллаб юради-

ган ойисининг бугунги ўтиришида қандайдир бир сир бор-дек эди. Кўзни қамаштирадиган киймачакка бутун вужуди билан тикилиб ўтирарди у. Гўё бутун борлиги, бахти, юрагининг дарди-ғами шу киймачакка гул бўлиб тикилгану, у билан тамоша қилиб ўтиргандай эди. Нигор бунга севи-ниб кетди: «Онамдан азиз, онамдан меҳрибон ким бор мен-га» деб қўйди ичида. Уни маҳкам қучоқлаб олмоқчи бўлди.

— Сенга кўрсатаман деб олиб ўтиргандим, болам, ано-ви тугунчакдаги сен учун олиб қўйган игна ва ипларим... Бўйинг чўзилиб қолди, ўзингга киймачак тикиб олишинг керак,— деди ойиси киймачакдан кўз узмай. Нигор онаси-нинг бу гапига эътироз билдириб: «Ойи, ахир, менинг қў-лимдан келмайди-ку» демоқчи эди, онаси буни тушунган-дай:

— Мана сенга андаза, гули каттароқ, кўнглингга ёққан ранглар билан тикаверасан, мен ёнингда бўламан, бир бош-лаб олгунингча, болам, кейин қийналмай тикиб кетавера-сан.

Онаси қўлидаги киймачагини қизлигида қандай бошлаб, қандай тамом қилганини қисқача ҳикоя қилиб берди. Ни-гор жим ўтириб тинглади.

— Манови тугунчакни ечиб кўр.

Нигор чандиқлаб боғланган тугунни ечди. Ҳар хил рангдаги иплар билан қизил шоҳилар кўзни қамаштирарди.

Нигор онасидан:

— Буларни қачон тиккансиз?— деб сўради.

— Сендай чоғимда, болам,— онаси ўйланиб индамай қолди.

4

Ойлар ўтди. Куздаги йиғим-терим, қишдаги сирғанчиқ ўйнашлари, баҳордаги экиш даври ўтиб, саратоннинг жазира-ма кунлари бошланди. Жўхорилар ҳам ўсиб, одам бўйи бўлган. Ўтган ёзнинг ойдинли бир тунидаги Расберган би-лан сирли кўз уриштиришлар, эртаси кунги табиатнинг фусункор гўзаллиги ва унга Нигорнинг боқиб тўймагани, онасининг унинг қўлига игна бериб, кашта тикишга ўрга-тишлари Нигорнинг кечагидек ҳамон кўз олдида. Ушандан буён анча ишлар бўлиб ўтди. Булар ичида энг асосийси Расберган билан Нигорнинг бир-бирларини чин қалбдан севишиб қолганлари бўлди. Улар бир-бирини кўролмаса туролмайдиган бўлиб қолишди. Нигор кашта тикишга жон-

дили билан берилди. Қўлига кашта олмаган кун йўқ. «Чой-халта»сини битириб, киймачакни тугатай деб қолди. Она-нинг Нигордан кўнгли тўқ. Уйига ким келса қизини мақтаб, унинг тиккан кашталарини кўз-кўз қиларди. Улар қизга офарин дейишарди. Нигорнинг чеварлиги бутун овулга ёйла бошлади. Каштанинг бундай гўзал, одамни мафтун қиларли даражада яратилаётганлигини фақат Нигорнинг ўзи биларди холос. Бунга Расберган сабабчи. Каштадаги бутун жозиба, бутун гўзаллик Расберган ишқида ловиллаб ёнаётган юрагидан нусха олиб тикилган қип-қизил гуллар эдида. Чунки севганига атаб тикилган каштада юрак ёлқини бўлишини Нигор ҳам яхши билади.

Мана, бугун ҳам у кун оққандан кейин хурсанд бўлиб, жўхоризордан кашта тикишга уйига келди. Уйига яқинлашганда эшиги олдида бир-икки отнинг бойлоғлиқ турганини, онасининг эса ташқаридаги қозонда югуриб-елиб бирор нарса пишираётганини кўрди. Бир-икки хотиннинг эса қозон бошида хамир қораётгани уни ҳайрон қолдирди. Эшик олдида яқинлашганда унинг кетидан қолмай югуриб юрадиган қоп-қора жажжи қўзичоғининг ерда қонга бўялиб, тилини тишлаб ётган калласини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Нигорга кўзи тушган ойиси:

— Айланай қизим, келдингми, ичкари кир, акаларинг билан сўрашиб чиқ,— деб ичкарига етаклади.

— Дадаси, мана Нигор ҳам келди,— деди у уйга кираркан.

— Нигоржон, келдингми қизим, акаларинг билан кўриш,— деди дадаси ўртадаги дастурхондан бошини кўтармай. Нигор ясаниб, савлат тўкиб ўтирган бир нечта кишилар билан башараларига қарамай саломлашиб чиқди. Дастурхоннинг бир четида айқаш-уйқаш бўлиб ётган кашталари кўзига худди ҳалиги қўзичоғининг калласидай ғариб кўринди-ю, уни ердан ола, тезда бағрига босди.

— Буларинг ҳаммаси бут, болам,— деб маъноли йўталиб қўйди оқ саллала мўйсафид.

— Ҳа, тўғри!— дейишди қолганлари ҳам. Нигор кашталарини бағрига босганча уйдан чиқди. Рангидан қони қочиб, юраги музлаб кетди. Ошхонага кирди-ю, кашталарини бағрига босганича, ўзини олача устига ташлаб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Демак, ҳаммаси равшан: совчилар келибди. Лекин қачонлардир юрагининг бировга берилганини, ҳеч қандай куч ундан айириб ололмаслигини булар билармикин.

«Онамга нима бўлди, қани оналик меҳри унинг. Фарзандининг бахтли бўлишини хоҳлайдиган бўлса, мен билан бир оғиз маслаҳатлашмайдими?». — Нигор нима қилишини билмай довдирарди. Онаси келиб секин унинг ёнига ўтирди-да, пешонасидан силади.

— Ҳа, дўмбоғим, нега ўзингни бундай койитиб ўтирибсан, ҳали ҳеч гап бўлгани йўқ, хунибийрон бўлиб ётганинг нимаси, — енг билан унинг кўз ёшларини артди. — Болам, ақлинг бор, ишқилиб бизнинг юзимизни ерга қаратмасанг бўлгани. Бизнинг мақсадимиз сени яхши ерга узатиб, бахтли қилиш.

Нигор кўнглидаги бор гапларни онасига тўкиб солмоқчи эди, бироқ назарида онаси ҳозир ҳеч нарса тушунмайдигандек кўринди. У ҳозирги вазиятда Расберган ҳақида бир оғиз сўз эшитса, сўзсиз юзини юлиб, ўзини ерга отарди. Шунинг учун онасига у ҳақда нинг деб оғиз очмади. Онаси қизининг жим бўлиб қолганидан, кўнди шекилли, деб ўйлади-да, уни юпатган бўлиб, манглайдан ўпиб-ўпиб:

— Ишингни шу ерда тикиб ўтиравер, болам, — деб чиқиб кетди. Нигор ёлғиз ўзи узоқ ўтиролмади. У бу гапларни Расберганга етказиши керак эди. Нимчасини кийди-да, «чойхалта»сини қўйнига тиқиб, кўзни шамғалат қилиб, уйнинг орқаси билан жўхоризорга қараб чопди. Расберган жўхоризор четида молга ўт ўриб юрган эди. Югуриб келаётган Нигорни кўриб, унга томон юрди. Нигор ҳарсиллаб етиб келганда, унинг авзойидан қандайдир нохуш хабар борлигини сезд. Нигор:

— Расберган, — дея ўзини унинг қучоғига отди. Расберган у ёқ-бу ёққа қаради, ҳеч ким йўқлигини билгач:

— Нима гап, айт, — деди ташвишланиб.

— Расберган, сенсиз яшаш менга ўлим, бизни ҳеч ким ажрата олмайди, тўғрими?

— Уйингга кимлар келибди?

— Билмайман, турқи овулимизнинг одамларига ўхшамайди. Ойим, дадам елпилаб хизмат қилишиб юришибди. Бир балоси борга ўхшайди. — Бир оздан кейин Нигор қўйнидаги «чойхалта»сини олиб, аввал ўзининг, кейин Расберганнинг юрагига босди. Расберган юрагига тегиб турган Нигорнинг момиқдай қўлларини маҳкам қисиб, кўкрагига қаттиқроқ босди. Иккиси бир лаҳза бир-бирига термилиб қолишди, кейин юзларига табассум югурди. Бир оздан сўнг қўл ушлашиб, қулишиб, жўхоризорда гойиб бўлишди.

ҚОРА ҚУЛОҚ

(Ҳикоя)

Ҳар бир даврнинг халқлар эсидан чиқмайдиган алоҳида бир пайти бўлади. Лекин, шунга қарамай, бундай пайтлар эътиборига қараб тарихга кирмай қолиши, шунингдек унутилмаслиги ҳам мумкин. Бироқ гапнинг ўрни келиб қолса, одамлар бош чайқаб, ҳалигидек даврни хотирлай бошлайдилар. Бу ўринда, аҳтимол, ёзувчи ҳам шунга ўхшаган ҳодисаларнинг бирини айтмоқчидир. Ҳурматли ўқувчим, ўзингиз ечинг, тарозининг тоши сизнинг қўлингизда.

Автор.

Лақаб кишига тасодифан берилмас экан.

Полвонниёз тиртиқнинг уйи шаҳардаги тўрт йўлнинг қўшилишадиган жойида эди. Ундаги гузар бамисоли бошга қўнган бахт қушининг худди ўзи эди. Полвонниёз олти орти ёшининг ўттиз йилини шу дарбандда ўтказди. Бу ер унга ота уйидай бўлиб қолган. Ҳамма ёққа доврғи кетган катта чойхона ҳам шу ерда. Ундан куну тун чойхўрлар аримайди. Йўлда машиналар тирбанд. Тушдан кейин Тўрткўл, Бируний, Амударёдан чиққан йўловчилар ҳам шу ердан ўтиб, республиканинг бошқа тарафларига жўнаб кетадилар.

Кўпинча кечга қолган йўловчилар чойхонадан жой тополмай, Полвонниёзнинг уйида тунаб қолишарди.

Эрталаб Полвонниёз меҳмонни жуда мулоимлик билан кузатарди.

— Дўстим, келсанг-кетсанг мана шу кулбаи вайронамизнинг эшиги сенга доим очиқ. Яна биз томонларга келсанг, бизникига кирмай ўтсанг, сендан қаттиқ хафа бўламан.

У гапни ана шундай ширин суҳанлик билан бошлаб,

шундай тамом қиларди. Сўз орасида меҳмоннинг афт-ангориға қараб, унинг кўзларидан қандайдир маъно англашга ҳаракат қиларди. У меҳмони мардми, қаттиққўлми, ширин сўзга ийиб кетадиган одамлар тоифасиданми, йўқми, деб, унинг ички дунёсини билишга интилар эди. Унинг қандай одам эканлигини обдан билиб, муайян бир қарорга келгандан кейин, ётиғи билан сўз бошларди.

— Иним, нима қилай, жўжабирдай жонман, уларни боқиш осон эмас экан. Тирикчилик ҳамманинг бошида бор. Бу ёғи ўзингизга маълум,— деб қимтиниб турарди. Мезбоннинг тилидан бол томиб сайраб турганини кўрган сахий одам ҳам, сариқ чақасини тилининг тагида асраб юрган хасис одам ҳам беихтиёр чўнтағига қўл солиб юборганини ўзи билмай қоларди. Полвонниёз шундай сердаромад жойни насл-насабига қандай қилиб мерос қилиб қолдиришни ўйлаб юрарди: у уйига келган меҳмонларнинг кўнглини овлаб, ёдлаб олган ҳар хил ёлғон-яшиқ гапларни бидирларди. Бунини эшитган меҳмон эртасига келган ўзига ўхшаш меҳмонга бунини оқизмай-томизмай бўрттириб айтиб берарди. Баъзан бу гаплар тўғри чиқиб қоларди.

Полвонниёз бугун меҳмонларни жўнатгандан кейин бозор-ўчарга бормади. Уйда ивирсиб юриб кунни пешин қилди. Қўшниси Қалбека билан ҳазилашиб, эшигининг олдидаги супага бориб ўтирди. Улар даврасига Оллониёз парихта ҳам қўшилди.

— Лочиним, ке, чарчаб келганга ўхшайсан, бирпас дамингни ол,— деди Қалбека чолига ёнидан жой кўрсатиб. Оллониёз қўлидаги тугунини супанинг бир четига қўйди-да, ўзи Полвонниёз билан Қалбеканинг ўртасига ўтирди.

— Кампир, эҳтиёт бўл, бу унчалик ишончли одам эмас, уни сен лақабни анча вақтдан бери кўтариб юрганидан яхши одам бўлса керак деяпсанми?— деб Оллониёз кампирини туртиб қўйди.

— Нималар деяпсан, бетайин, кампирингнинг ўзи билади мени,— деб Полвонниёз Қалбекани туртиб қўйди.

— Кўрдингми, бунинг бемазалигини,— деди Оллониёз,— ё икковинг энди учрашиб қолдиларингми, иякларингми иякларингга тираб олибсизлар.

Бу қўшнилари орасидаги беғараз ҳазил эди.

— Хўш, Оллониёз, бу яқин орада шаҳарга бордингми?— деди Полвонниёз гапни бошқа ёққа буриб.

— Бордим, қора қулоғим,— дангал гапирди Оллониёз.— Сенинг қора қулоқлигинг уч пул экан. Бу сафар ях-

шилаб жар сололмабсан. Шаҳарда бозор оралаб юрсам, ёғи чак-чак томиб турган гўшт-ёғ, дўконларда серёғ сут-қатиқ тўлиб ётипти. Нима хоҳласанг бари бор. Анув куни жа ваҳима қилиб, ерни осмонга чиқариб, осмонни ерга тушириб қўйгандинг.— У носқовоғини қўлига олиб, тиззасига уриб-уриб қўйди.

— Гапингнинг маза-матраси борми, нима деб валдира-япсан ўзи,— деди Полвонниёз. Унинг миқти гавдаси, катта боши силкиниб, сарғиш ва чақчайган кўзлари ўйнаб кетди.

— Қани сенинг бир ҳафтадан кейин бозордан гўшт-ёғ топилайди, нарх-наво ошади, қатиқ-сутга қирғин келади, деганинг! Ҳаммаси дўконларда тўлиб-тошиб ётипти-ку, нарх-наво ўзгармаган, қайтага арзонлашган.— Оллониёз кафтидаги носни тилининг тагига ташлади-да, белбоғининг бир учи билан пешонасидан чиққан терни артиб қўйди.

— Юртга ваҳима солиб, ҳаммани қўрқитиб юргунча, ўлганинг яхшимасми?— гапга аралашди Қалбека.

— Сен жим ўтир, гапга аралашма,— деди Оллониёз кампирига.

— Нукул ўтирик гапирганинг гапирган, бирор тутуруқли гапинг йўғ-а, нима деб бидирлаяпсан асти,— деди Полвонниёз.

Мол оласи сиртида, одам оласи ичида, деганларидек, Полвонниёз сиртдан қараганда дўлвар кўрингани билан ичидан пишган одам эди. Ҳар бир хабарга қулоғи диккайиб, бир оғиз сўзни минг оғиз, нинадай нарсани туядай қилиб, бир зумда элга ёядиган одам эди.

У мол-дунё кетидан қувиб, бирни ўнга, ўнни мингга зарб қилиб юрган одам эди. Агар бозорга мол олиб бориб, ўз нархидан икки баробар қимматга сотмаса, ўзини камситилгандек биларди. Мол-дунё деб танглайи қотган Полвонниёзга Оллониёзнинг ҳалиги гапи унчалик ботмади. Така соқол, гавдали, ялпоқ юзли Оллониёзнинг заҳарли гапни гапириб қўйиб, яна керилиб ўтириши неча йилдан буён бир-бирининг феъл-атворини яхши билишларига қарамай, унинг жинини баттар қўзғатди. Ўзи унча-мунча гапга қизишмас эди. Бозорда молини харидор арзон сўраса ҳам жаҳли чиқмай ширин сўзлар билан кўнглини овлар, савдо пишгунча бошимга минса ҳам майли, деб тилидан бол томар, ниҳоят, у қилиб, бу қилиб унинг бошини айлантириб, шартта чув туширарди. Сўнг ҳеч нарса кўрмагандай кўзи олазарак бўларди. У пешонасини тириштириб, лабини ялаб,

яна ўлжа қидирарди... Шундай одам ҳозир умрида айтмаган аччиқ-тизиқ сўзларни айтармикин.

Бундан бир неча йил илгари унга «қора қулоқ» деган лақаб қўйишди. У вақтларда Полвонийёз Амударёдан пароходга ўтириб, Чоржўйга, ундан поезд билан Тошкент, Москвага бориб, савдогарчилик қиларди. Унга Қозон шаҳри худди ўз уйидек бўлиб қолган эди. Азалдан унинг ёр-жўралари кўп бўлган. Чунки у бир вақтларда Эрон, Афғонистонга сафар қилган, Хитой, Миср йўлларида сарсон-саргардон бўлган, шундай қилиб, кўп жойларни кўрган эди.

Полвонийёз молларини Хоразмда, Тўрткўлда пулларди. Ўтмай қолган молларини эса дарёнинг бу томонига олиб келарди. Лекин унинг тижоратга қачон кетиб, қачон келишини уйидагилардан бошқа ҳеч ким билмасди. Агар одамлар ундан қаяқдалигини сўраб қолишса, «ҳа, энди, бир қариндош-уруғларни зиёрат қилиб келдим-да» деб жавоб берарди. Ҳар қанча уринманг, ундан бошқа жавоб ололмайсиз. Бинобарин, у савдо-сотиққа ҳар бориб келганида албатта бирор янги хабар топиб келарди. У ўзининг мана шу «билагонлиги» билан элга машҳур эди. Айтган гапи хоҳ тўғри чиқсин, хоҳ тўғри чиқмасин, ўз нафси учун йўқ ердаги нархни ўйлаб чиқариб, ундоқ бўлади, бундоқ бўлади, деб ваҳима тарқатар эди. Бу гап эл ўртасида оғиздан оғизга ўтиб, кўпириб, зўрайиб борарди. Шу йўл билан эл-юртда ҳар хил миш-мишлар тарқалиб кетарди.

Бир вақтлари Полвонийёз (бунга анча бўлди) Тошкентга бориб, пул алмаштирилармиш деган гап топиб келди. Ҳақиқатан, бир-икки кундан кейин пул алмаштирилди. Шундан кейин менинг гапим доимо тўғри чиқади, деб ҳар хил ёлғон-яшиқ гапларни тарқатаверди. Тилидан бўлиб ҳатто бир-икки йил қамалиб ҳам чиқди. Бари бир яна «ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» дегандек, эски қилиғини ташламади. Бироқ у энди бурунгидай ваҳимали гап тарқатишдан ўзини тийди. Бунинг ўрнига, қандай бўлмасин, бозорда нарх-навони ошириш йўллариини ўйлади. Полвонийёзнинг ёлғончилигига ўрганган одамлар уни «қора қулоқ» деб атай бошладилар. Полвонийёзни таниган-билган одам борки, уни қора қулоқ деб чақирадиган бўлди. Бу унинг исми-жисмига жуда мос тушди...

«Қизиқ, Оллонийёзнинг оғзидан чиққан гапнинг маза-матраси йўқ, ҳамма гапи бемаъни, ё одам қариса шунақа бўлармикин? Ундай десам, рўза ойида намозини ҳеч қанда қилмайди. Шунча йилдан бери у билан сирдош бўлиб

қолган дўстмиз» деган хаёлга борди у. Полвонниёз сўзига жавоб ололмагач, носқовоғини олди-да, беш-олти отимини бир қилиб кафтига солди-ю тилининг тагига ташлади.

«Паррихтанинг қисилиб-қимтиниб гапиролмай тургани, назаримда, кечаги газетадаги ва одамлар орасида тарқалиб юрган гаплар сабаб бўлганга ўхшайди,— деб қўйди ичида у.— Бу баччағарнинг бояги гапини қара, гапиряпти-ю, бироқ гапида бир нарсани яширяпти. Қачон қарасанг бўйинини ҳам қилиб, оғзидаги гапини ҳам уддалаб гапиролмайдиган, фалон ерда ҳўкиз туғибди, деса чиппачиндан ишонадиган одам эди. Энди бу нима дегани бўлди... Ҳе, бурунгининг одами-да»— деб Полвонниёз ўзига ўзи тасалли берди-да, Оллониёзга ёвқараш қилди.

Уларнинг айтишиб тургани устига Ўрозгул кампир келди-ю, Полвонниёзнинг ўйи бузилди, гапи оғзида қолди.

Ўрозгул қотмадан келган, новча, қорамтир, мункиллаб юрадиган кўримсизгина кампир эди. Ўрозгул гапирганда ёниб-куйиб гапирарди, доимо тажанг, қаттиқроқ жаҳлига тегсанг, уришиб беришдан ҳам тоймасди. У бу атрофдаги кампирларнинг каттаси бўлганлигидан уни «куланкир кампир», ё «куланкир» дейишарди.

— Йўлиям ордона қолсин, у йўлдан машина юрмас экан, машина кута-кута сабрим тугади, охири бўлмагач, яёв жўнайвердим, етиб келдим ҳамки, ундан дарак йўқ,— деб Ўрозгул кампир Полвонниёзнинг олдига ўтирди.— Ҳо, ўлим бергур, бундай оёғингни тортсанг-чи,— деди унинг тиззасини итариб юбориб.

— Сенга биров машина кут дедими, ё биз сендан шуни сўраяпмизми? Мунча зарда қиласан,— деди Оллониёз,— ё Қора қулоқда дов-жанжалнинг борми?

— Тавба, худди менда отангнинг маҳри бордай нега тиззамни туртасан, намунча тутақасан,— деди Полвонниёз.

— Билмадим, дўстим Қора қулоқ, бунинг сени турткилаши ёмон, ё сени ёқтирмай қолдими?— деб Оллониёз Полвонниёзни гижгижлади.

Булар ёшликдан бирга ўсиб, бирга катта бўлганликлари, бир-бирлари билан кўча чангитиб юрганликларини эслаб, бир оз гаплашиб ўтиришди. Оллониёз бояги гапининг охирини унутмаган экан, яна шу тўғрида сўз очди:

— Эртадан бошлаб шаҳарга қорамол киритишмасмиш. Шаҳар халқига қорамол асраш ман қилинибди, деган гапни эшитдим,— деди.

— Ҳозир мен ҳам эшитдим,— деди Ҳрозул кампир. У бошқа гапирмади.

— Боядан бери менинг миямни қоқиб қўлимга бериб, айтмоқчи бўлаётган гапинг шумиди,— деди Полвонниёз Оллониёзга.— Одамнинг кўнглини хира қилиб, топган гапинг шу бўлдими. Бу миш-мишнинг тарқалганига анча кун бўлди, дўстим, Қораканг бундай миш-мишларни эшитавериб қулоғи кар бўлиб қолган. Ол деса — ол, бос деса — бос, дейдиганларданмиз. Сен ҳам ҳалигидай... бемаҳал қақақлайверма,— деб икковига оғирроқ гап қилиб қўйди у. Ҳрозул бундай пайтда тутатиб, ўзини тутиб туролмасди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

— Сен менга ақл ўргатма! Гап уриниб келганда, эшитганимни айтяпман, ҳадеб жиғимга тегаверсанг нақ қозиқ қилиб ерга қоқиб юборишга ҳам қурбим етади. Ўшанда қақақлаш нима эканлигини биласан,— деб Ҳрозул кампир узун, ориқ қўлини мушт қилиб, унинг энгагига тиради.

— Ҳой! Мановининг эс-ҳуши жойидами ўзи?

— Мен сенга қозиқ қилиб қоқиш нима эканлигини кўрсатиб қўяман. Олса молимни олади, жонимни олмайди-ку. Кечаги урушда омборингда донинг чириб ётиб, менга бир қадоқ бердингми? Молни ҳукуматнинг ўзи берибди, ўзи олади. Мен асло нолимайман. Бу кўпга келган тўй, агар оладигани рост бўлса, ўзим обориб бераман,— катта гапириб юборди у.

— Шўр пешона, бир оёғинг гўрда, бир оёғинг тўрда бўлиб турганда, гўр-кафаним бўлар деб асраб юрган ёлғиз ғунажинингни топшириб, ўлигим кўмилмай қолсин демоқчимисан,— деди Оллониёз.

— У билан сенинг ишинг бўлмасин! Ўлганлар кўмилмай қолмайди. Моли борлар кўмилиб, жаннатга тушадиган бўлса, менга ўхшаган моли йўқларнинг ўлиги кўмилмай, дўзахга туша қолар.

— Тавба!..— деди Оллониёз ҳансираб.

— Ҳа, нега тавба дейсан, ҳамма жаннатга тушса, дўзах бўш турадим.

Оллониёз гавдали одам бўлгани билан табиати енгил одам эди. Ҳрозулнинг гапига фақат «туф, туф, бетинг қурсин» дейишдан бошқа сўз тополмай, анграйиб қолди. Ҳрозул сал пасайган вақтда, у гапни илиб кетди:

— Ҳой, қисқароқ қилсанг-чи, худди дунёнинг ташвиши сенинг бошингга тушгандай, намунча вайсайсан, сал гапни билиброқ гапирсанг-чи.— Оллониёз ҳам қизишди. У оғ-

зидан нима кириб, нима чиқяпганини билмасди: оғзига келган гапни гапираверди. Бу боядан бери тирноқ орасидан кир қидириб, ижирганиб ўтирган Полвонниёзга қўл келди.

— Йўқ, Оллониёз пулнинг бетига қарамай сарфлайдиган, унга мол-дунёнинг нима кераги бор,— деди Полвонниёз ўзига дилкаш топгандай бошини кўтариб.— Дунёда мол-дунё кетидан қувмаган одам борми? Ҳой, менга қара, мунча куйиб-пишмасанг, биз-ку бола-чақали одаммиз, сен-чи, еганинг олдингда, емаганинг кетингда бўлса, худогашукур қилиб ётмайсанми? Сўққа бош бўлсанг. Нимангга етишмайди, қачон қарасанг, югурганинг югурган, тиниб-тинчимайсан.— Полвонниёз заҳарханда қилиб, Ўрозгулни узиб-узиб олди.

Унинг бу гаплари Ўрозгулни ўртаб юборди. Ўтирган жойида тили калмага келмай, қотиб қолди. Ғазабидан титраб, қуруқшаган лаблари кўкариб кетди. Бирдан кўз ўнги қоронғилашиб, ҳеч нимани кўрмай қолди... «Сўққа бош...» Кейин у шартта ўрнидан туриб, шундай деб айтди:

— Мен ёлғиз эмасман. Сўққа бош деёлмайсан. Азаматларим мен учун жанг майдонида жон берди. Мен халқ учун қурбон бўлган фарзандларимнинг ўлимини ўлим демайман. Худогашукур, болаларим мендек онасининг юзини ерга қаратмади. Сендек пасткашлар олдида юзимни шувут қилмади. Фарзандларим душман олдида тиз букмай мардларча ҳалок бўлган, бунга қайғурмайман, балки фахрланаман. Сенга ўхшаган ор-номуси йўқлар эса буни кўролмайди. Юрагинг ўртанияпган бўлса — туз яла! Ўртан! Сенга ўхшаган бир қора қулоқ йўқ бўлса дунёни сел олиб кетмайди. Қайтага ер юзи бир беномусдан тозаланади. Сен, дўзақи танангга бундай ўйлаб кўрсанг, менинг фарзандларим қариганингда оппоқ соқолинг билан зор-зор йиғлаб юрмаслигинг учун ҳалок бўлди. Шуни билмасанг, бу кунингдан ўлганинг минг марта яхши.— Ўрозгул йиғламади, оқариб кетган қорамтир юзларига қизил югурди-ю, чуқур нафас олди. У бутун кўнглидаги бор гапни тўкиб солган эди. Ўрозгулга раҳми келиб ўтирган Оллониёз билан кампири унинг мардлигига қойил қолишиб, юраклари ачиб, кўзларига ёш олишди. Чунки бу бечоралар ҳам бир тирноққа зор-да. Уларнинг кўнглига «бизларнинг ҳам боламиз бўлиб, фронтга жўнатганимизда, боламиз халқ учун ҳалок бўлди, дермидек» деган ўй келди, ҳар ҳолда, қуйилиб келган кўз ёшларини тийишолмади...

Ўрозгул кампир қаддини ростлаб, ердаги тугунини елкасига илди-да, деди:

— Сен, унагур, қайси юзинг билан мени сўққа бош деяпсан. Ҳали нима бўлишимизни ким билади. Ким айтади сени манаман деган азаматларнинг отаси деб, айт, ким?! Ёлғон гапириб, оғу ялаб топган бойлигининг ҳаммаси бировларнинг кўз ёши, бировларнинг пешона тери тўкиб топган луқмаи ҳалоли эмасми? Сенинг фарзандларинг борми, яшшамугур? Имонинг-чи? Имонинг борми? Кези келса имонингни сариқ чақага сотиб юборасан. Йўқ, бурнингни кўтариб кеккайма! Мен сенинг фарзандларингга тил теккизмайман, улар омон бўлишсин. Лекин сендай очофат, пулмол учун муккасидан кетган отани тия олмаган фарзанд фарзанд бўпдими? Бўзчининг мокисидай бозорма-бозор изғигандан кўра, беш вақт намозингни ўқиб, худодан умр тилаб, тинчгина ётсанг бўлмайдими? Ё болаларингнинг топиш-тутиши камми?— У Полвонниёзни узиб-узиб олиб, Оллониёзга ўқрайиб қараб қўйди. Унинг бу қарашига Оллониёз тоб беролмай, худди гуноҳи бор одамдай ерга қаради-да: «Юр кампир, кетайлик» дегандай имо қилди. Буни кўрган Ўрозгул кампир ҳам индамади. Салмоқли қадам ташлаб Полвонниёзнинг уйи муюшидан ўтиб, қўшни ҳовлисига кириб кетди.

Оллониёз Қалбекани қиз олган бўлса ҳам, бечоранинг бахти чопмаган эди. Улар узоқ йиллар фарзанд кутишди. Фарзанд дардида қанчадан-қанча тунларни бедор ўтказишди. Ҳатто баъзан аччиқлашиб-аразлашиб қолган пайтлари ҳам бўлди. Бироқ, начора, вақт ҳам ўтаверди. Сочларига оқ оралади, қариб қолишди. Бири олтмишдан ошди, бири эллик еттига қадам қўйди. Энди фарзанд кўришдан умидлари узилди. Армон армонлигича қолиб, юраклари увушиб қолаверди. Ёшликдаги хаёллар, ҳаётдаги ширин дамлар, фарзанд доғида ўтказилган кунлар — ҳамма-ҳаммаси ортда қолди. Ватан уруши йиллари бир бола асрашган эди, уруш тамом бўлгандан кейин, отаси бор экан, ўғлини олиб кетди. Бу уларга яна оғир бўлди, кўнгиллари чўкди, хафа бўлишди. Энди яна болалар уйидан бола олиб асрашга юраклари бетламади, асрамай дейишса яна бўлмади. Бинобарин, бир қарорга келолмай, икки ўт ўртасида қовуртлашди. Яқинда Оллониёз Қалбекага болалар уйидан бир бола олиб асрашга қарор қилганини айтди. Бола деса Қалбекада жон борми. Бу ҳам шунини ўйлаб юрганини айтиб, розилик бил-

дирди. Майли, бола кимники бўлса ҳам, катта қилсак, қаторга қўшсак, дейишди.

Ўрозгул кампир девдай-девдай азаматларнинг онаси эди. Ўрозгул шу ўғилларини Ватан урушига юборди. Улардан «қора хат» келди. Тўнғич ўғли уруш бошланишидан сал олдин уйланган эди. Ўртанчасини эса энди уйлантирмоқчи бўлиб туришганда, уруш бошланиб қолди, учаласи барабар фронтга кетди. Қайин она-келин аҳил-тотув турмуш кечирishaётганда, келин (ҳомиладор қолган эди) туғди-ю, жон берди. Данғиллама ҳовлида чириллаган норасида гўдак билан кампирнинг бир ўзи қолди.

Ўрозгул кампир дўст-душманга сир бермай деб ўзини тетик тутди. Катта ўғлидан «қора хат» келганда, икки яшар невараси ўлим тўшагида нари бориб, бери келиб ётарди. Баъзи қўни-қўшнилари, Ўрозгул болаларига куйиб жинни бўлиб қолса керак, дейишди. Лекин онанинг кенг юраги, ҳар қандай қайғуга бардош бераман, дегандай, маҳкам эди. Ҳатто ҳалигидай деганларга: «Аҳмоқ ақлли бўламан деса, яхшига яқин юради. Ақлли аҳмоқ бўламан деса, ғамни кўтаролмайди. Фарзандларим менинг бўйнимни ерга қаратадиган ўлим топишгани йўқ. Улар сизлар учун, мен учун, юртимнинг пок тупроғи оёқ ости бўлмасин, деб ҳалок бўлди» — дерди. Қуда томон ҳам ўзига тўқ хонадон бўлиб, одамгарчилик нима эканлигини биладиган одамлар эди. Улар вақти-вақти билан келиб, кампирнинг ҳолидан хабар олиб, кўнглини кўтариб туришди. Бола шу ётгандан ўрнидан турмади, дунёдан ўтди. Маърака ўтгандан кейин, қудалар кампирни овулимизга олиб кетамиз, деб туриб олишди, бироқ кампир бунга кўнмади.

Унинг якка-ёлғиз овунчоғи — уйининг олдида бир парча ери бор эди. Баҳор келиши билан ерни чопиб, у-бу экишга киришарди. Қиш кириши билан уйига бир талай болаларни йиғиб олиб, эртак айтиб бергани берган эди. Бундан қўшнилари ҳам, ўзи ҳам хурсанд бўларди.

Полвонниёз калтакланган одамдай ўрнидан туролмай, бир нуқтага тикилганича қотиб қолди. Унинг кўзига ёруғ дунё торайиб, ҳамма ёқни қоронғилик босиб кетгандай бўлди. Хотини Тозагул Ўрозгул кампирнинг товушини эшитиб ташқарига чиққан эди, эрининг бир ҳолатда ўтирганини кўриб, бир хил бўлиб кетди. У чурқ этмади. Аввал бошдан гапнинг тагига етмай аралашишни муносиб кўрмади. Сабаби, эрининг феъли унга маълум эди. Ўрозгул кампир айтадиганини айтиб, қўшни уйига кириб кетганича, Полвон-

ниёзининг роса пўстагини қоқиб қарғади. Тозагул ҳеч қачон Ўрозгул билан сан-манга бориб, бир-бирларига тик қарашмаган. Мана энди у вақти келди деб эрига қаратиб:

— Биров дўппослаб кетгандай нима қилиб шумшайиб ўтирибсан,— деди. Полвонниёз миқ этмади.

— Жиллақурса юртдан уялсанг бўлади-ку! Ўғлинг йигит бўлди, қизинг бўйига етди, неvara кўрай деб турибсан. Уйга кир, болалар келди, бу қандай шармандалик, бозор қилиб ўтирибсан,— дея бидирлаб кетди.

— Гапни калта қил, сен қолган эдинг менга ўргатмаган.— Полвонниёз кампирини жеркиб берди.

— Худо сенга умр берибди-ю, ақл бермабди. Болаларимнинг етти номусини ерга букиб, кўкрагини кўтартирмадинг-кўтартирмадинг. Соқолинг оқарганда ҳаммага шарманда бўлиб юргунча, ўлиб қўя қолганинг минг марта яхши. Қачон қарасанг юртнинг оғзидасан. Оғзингга тупроқ тўлмади, биз қутулмадик. Вой-вой... Бу қандай шармандалик... Болаларимнинг бўйи чўзилибдям, бети ерга қараган. Бечоралар бу сассиқ чолнинг дастидан уйга биронта ўртоғини ҳам бошлаб келолмаса. Болалар ўлиб қўя қолса-ю, ўзинг сўққа бош бўлиб қолсанг, кўрардим ўшанда ҳолингни.— Кампирнинг гаплари Полвонниёзнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Тура солиб тарсаки уриб юбормоқчи эди, ичкаридан:

— Ассалоуму алайкум, ота,— деб қўл ёзиб чиқиб келган ўғлини кўриб, шаштидан қайтди. Ўғли билан кўришиб, тескари қаради. Нима қилишини билмай, белбоғини тузатган бўлди. Ҳансирарди.

— Ҳм. Асомиддин, омонмисан? Бу йил кеч келдинг, чироғим. Ҳар йили шу вақтда уйда бўлардинг,— деб ўғли билан ҳол-аҳвол сўрашган бўлди. Қовоғи солинган Тозагул ичкари кириб кетди.

— Бу йил пахта ўтоққа бориб, озгина кечикдим, ота.

— Қалай, Тошкентлар тинчликми?

— Ҳа, нима бўларди дейсиз, ота, тинчлик.

— Ҳа, илоҳим тинчлик бўлсин, ўғлим. Бирга келган ўртоғинг ҳам борми?

— Ҳа, чимбойлик йигит, бирга ўқиймиз.

— Омон-эсон кепсан, шунисига шукур, болам. Қани, ичкари кирайлик.— Уйга кириб дастурхонга ўтиришди.

Полвонниёз қўлидаги гулли пиёлани олдига қўйиб, қандондан битта қанд олиб, оғзига солди. Сўнг чой ичиб ўтирган меҳмон йигитга қараб:

— Болам, Чимбойда ким деганининг ўғлисан?— деб сўради. Йигит чой ҳўплаётган пийласини дастурхонга қўйиб:

— Ниёзбойнинг набирасиман. Бобомизни жуда бой одам бўлган дейишади,— деб кулди. Негадир Полвонниёз тўсатдан саросимага тушди... «Полвоннинг ўғлимасмисан» деб юбормоқчи эди, тили калимага келмади. Йигит худди шуни билгандай:

— Полвоннинг ўғлиман, отамиз мен дунёга келмасданоқ кўз юмган эканлар,— деди. Полвонниёз яшин ургандай ерга кириб кетаёзди. Фақат сир бой бермаслик учун:

— Баракалла, болам, бу замонда бой, камбағал йўқ, ҳамма баробар бўлиб кетган,— деди.

* * *

Чимбойда Ниёзбойни билмайдиган одам йўқ эди. Унинг карвонининг бир чети Эрон билан Афғонистонда юрган бўлса, бир чети Москва — Макария, Оренбург ҳамда Қозонни оралаб юрарди. Чимбойнинг марказида катта пахта заводи бор эди. Афанасий бой билан бирга электростанция қурмоқчи бўлганини ҳозир ҳам Чимбойнинг қариялари эс-лашади. Унинг мол-дунёсини санаб, тамом қилиб бўлмас эди.

Бу воқеа илгари вақтларда бўлган эди.

Чимбой халқи Ниёзбойни билгани билан Полвонниёз-нинг кимлигини билишмас эди. Нима бўлди-ю, Ниёзбой карвонбошисининг шогирдини уйлантирармиш, унга Жумабойнинг қизини олиб берармиш, деган миш-миш гап чиқиб қолди. Шунда биринчи марта Полвонниёз деган йигитнинг номи ҳам чиқди. Бора-бора Ниёзбой ҳам, карвонбошининг шогирди Полвонниёз ҳам унут бўлиб, одамларнинг эсидан чиқиб кетди.

Сўлим баҳор кунларидан бири. Хуфтон. Бутун ер-сув ҳукумат қўлига ўтиб, бойлар ваҳимага тушиб қолган. Шунда Ниёзбой олисдаги карвонбошиларига чопар билан хабар юбориб, ўзи ҳам кўчинга тайёрлана бошлади. Улар беҳисоб мол-дунёни нортуюларга юклаб, кўплаб навкарлар билан бир кечада Тахтақўприқдан ўтиб кетди. Ниёзбойнинг мақсади Қизилқум орқали чегарадан ўтиб кетиш эди.

Ниёзбой катта ўғли Полвонни хотинининг ой-куни яқин бўлгани учун уйда қолдириб кетди. Унга бир оз вақтдан кейин қолган мол-дунёни олиб кетишни тонширди. Орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Бир кун Полвоннинг уйига

Полвонниёз кириб келди. У отасининг саломатлигини билдириб, тезда етиб келсин, деб тайинлаганини айтди. Мен бир-икки кундан кейин келаман, тайёрланиб тур, бирга кетамиз, деб ташқарига йўналди. У эшикка яқинлашган эди, эшикнинг ўнг томонида «Зингер» машина устида бир чети юпқа атлас билан ёпилган катта олтин ойна кўзини чақнатиб юборди. Бир вақтлар бу ойна умрининг шам чироғи бўлиб порлаган эди. Юрагида кек қўзғалди. Очкўзлиги тутди. Ойна эс-хаёлини олиб қўйди. Каттароқ бўлиб, қўлидан иш келадиган бўлганда отаси уни бой қўлига олиб келиб берди. Шундан бери бойнинг карвонини етаклаб қанчадан-қанча жазирама чўлларда кезиб келмоқда. У йигит бўлиб дунёда нимани кўрди. Тўй-маъракаларда қатнашолмас, қизлар билан ҳазиллашиш нима эканлигини ҳам дурустроқ билмас эди. Кўргани отасининг беш-олти туясига юк ортиб, шундан чиққан фойда демаса, дунёга келиб бундан бошқа нарсa кўрмади. Неча марта отасига, бойнинг олтин ойнасидақа ойна олайлик, деса, у кўнмади. «Болам, аввал завод қуриб олайлик» дерди яккаш. Энди отаси қаерда. Бойнинг олиб берадиган хотинига қўшадиган дунёси шу олтин ойна эмасмиди асли. Ойна Полвонниёзники бўлса, нега энди бой уни боласиникига ташлаб кетди экан? У оғир хўрсинди. Бойнинг ваъдаси қуруқ эканини сезиб, уйдан чиқди.

— Сен индинга эмас, эртагаёқ кела қол,— деди Полвонниёз билан изма-из уйдан чиққан Полвон.

— Хўп. Ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдингми? Мен кутиб қолмай тагин.

— Хотиржам бўл. Ҳаммасини уйга олиб келиб, тайёрлаб қўйганман. Нарсалар кўп эмас. Икки хуржунни икки отга ортамыз, холос,— деди Полвон орқасига қараб қўйиб.— Хотинни бўлса, онасиникига юборганман.

Полвонниёз ҳам хотинини сўрамоқчи эди, эшитиб, индамай отга миниб жўнади. Эртасига Полвонниёз Қандийлетнинг заводи билан Минжирдан бир тепа беридаги Абдал қассобнинг қўрғони ўртасида отини тушовлаб юбориб, ўзи кеч бўлишини кутиб ётди. Кеч бўлиб, қоронғи тушгач, отига минди-да, орқасига қарай-қарай Полвонниёзникига жўнади. Белидаги тўппончасининг тепкисини босиб қўйиб, керак бўлганда шошиб қолмай деб камарига қистириб қўйди. Узун чакмонининг икки барини тиззаси устидан ўтказиб, тақимига босиб олди. Шаҳарга киришда унинг кўзига остидаги агарнинг қошига қуйилган олтин

кўриниб кетди. Ниёзбой бир вақтлари шу эгарнинг қошига олтин билан қумуш қўйдирган эди. Шунга ярашир қиммат-баҳо материалдан тўқим, жазлиқ қилдириб, отни чиройли қилиб миниб юрарди. Қўлидаги яхши қамчи ҳам ўша пайтдан қолган. Мана энди замоннинг зайли билан ўша олтин қошли эгарнинг устида Полвонниёз ўтирибди. Унинг бунга ҳам кўнгли тўлмади. Олтин ойна... Унинг учун ҳозир бутун борлиқ олтин ойнадан иборат бўлиб қолди.

Осмонда йилт этиб учган юдузлар бир лаҳза шуъла сочарди-да, тезда зимистонлик қаърида йўқоларди. Яқин орада ёғингарчилик бўлмаса керак. Шундай бўлса ҳам, ҳаво намга ўхшарди.

Полвонниёз етиб келиб, отдан тушиб, тўппончасини қўлтиғига қистириб қўйди-да, Полвоннинг эшигини қоқди. От туёғининг тасир-тусур овозини эшитиб, югуриб бориб, отининг жировини ушлади.

— Қўрқма, мен — Полвонман. Унинг қаердан келгани номаълум эди.— Нима қилдинг? Тайёرمىсан?

— Кетдик,— деди Полвонниёз. Ҳовлидан икки от етаклаган бир киши келиб, Полвоннинг олдида тўхтади.

— Хуржунларни отга маҳкамлаб боғладингизми?

— Хотиржам бўл, ҳаммасини ўзинг айтгандан зиёд қилдим, болам, бор, сафаринг беҳатар бўлсин,— ҳалиги киши бетига фотиҳа тортди.

— Омин. Уйнинг калитлари машинанинг устида қолди,— деб Полвон отга минди, иккинчи отнинг жировини Полвонниёзга берди:— Кетдик!

Булар Танга сочганга етганда, тун яримдан оққан эди. Шунда Полвонниёзнинг ичидаги сиртига тепди — нияти бузилди. Ханжарининг сопида ушлади. Девдай Полвонга кучи етадими, йўқми, буни ўйламади. Кўз олдини олтин ойна қоплаб олди. Олтин ойнани олса, мурод-мақсадига етдигандай бўлди. Лекин бу нарса хуржунларда борми, йўқми, ҳаёлига келтирмади.

Полвоннинг оти билан бирга одимлаётган отининг жировини секин тортди. От сал орқада қолганда Полвоннинг чап томонига ўтди-да, белидаги бир қаричдан узунроқ ханжарини қўлига олиб, Полвоннинг чап елкаси билан бўйни орасига бор кучи билан санчди. Оти эса унинг эпкини билан қоқилиб, бир четга чиқиб кетди, пичоқ Полвоннинг елкасида қолди.

Уст-устига отилган тўппонча овози сокин тун бағрини ёриб, кенг даштни янградиб юборди.

Полвон қанча чаққонлик қилмасин, уч марта ўқ узолди, холос, лекин ўқлари зое кетди. Елкасидаги пичоқнинг оғригига чидолмай, отдан йиқилмасликни ўйлаб, отнинг бошини қўйиб юборди.

Полвонниёз ҳам чап қўлига теккан ўқни писанд қилмай, етаклаган отини қўйиб юбориб, Полвоннинг қораси билан чопиб кетди. Кетаётиб бир неча ўқ узди. Полвон ҳам орқасига қараб бир марта ўқ узолди, ўқ Полвонниёзни ялаб ўтди. Полвонниёзнинг ўқи Полвоннинг отига тегиб, уни ағдарди.

Полвонниёз етиб келиб Полвоннинг типирчилаб ётган отини кўрди-ю, отидан сакраб тушиб, Полвоннинг бошига келди. Чалқанча икки қўлини икки томонга чўзганча ётган Полвон қимирламас, оти эса типирчилаб, жони узилмай ётарди. У Полвоннинг бошларини ушлаб, энгакларини қимирлатиб кўрди, жим, жони йўқ. Яна отиш учун тепкини ушлаб турган қўли тепкини қўйиб юборди. Ўлганлигига ишонгач, елкасидаги ханжарни суғуриб олиб, қинига солиб қўйди. Типирчилаб ётган отдан хуржунни юлқиб олди-да, бирпасда уни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Ойна йўқ. Аттанг, деб пешонасига бир урди. Лекин ойна йўқ бўлгани билан хуржундаги шунча мол-дунёни ташлаб кетармиди, зўрға кўтариб отига ўнгарди-да, орқада қолган отга қараб жўнади. От қоронғиликда бошини энгаштириб битта-битта қадам ташлаб келаётган экан, осонгина уни ушлаб, устидаги хуржунни титкилаб чиқди. Бундан ҳам ойна чиқмади.

Полвонниёз ойнадан умидини узди-да, бу хуржунни ҳам отига ташлаб, тақимига босиб олди. Отни эса ўлган отнинг туёғига боғлаб қўйиб, ўзи йўлга равона бўлди. Тонг отарда Қорақўл ёқасига етиб келди. Кунни шу ерда кеч қилиб, қоронғи тушгач, тоғ ичкарисини билан Кегайлига қараб кетди.

Мана, орадан кўп йиллар ўтди ҳамки, бу воқеа унинг эсидан ҳамон чиқмасди. Сабаби, орадан бир мунча вақт ўтгандан кейин ойнани излаб Чимбойга борганда тўполонда қолиб кетган эди. Унинг тўриқ отининг овозаси ҳамма ёққа кетган эди. Шунинг учун бир нечта от ишқибозлари унинг келаётганини кўриб, отини тортиб олмоқчи бўлишди. Улар бир бурчакда биқиниб туришиб, яқинлашганда отнинг жиловидан ушлаб, отдан тушишини талаб қилишди. Буларку, ҳеч гапмас, булардан ҳам катта қароқчиларни кўравериб пишиб кетган Полвонниёз қарайдики, бўлмайдиган, ҳийла ишлатди. «Хўп, тушаман» деди-да, отдан тушмоқчи

Полвонниёз ўтган ҳафта Чимбой, Тахтақўприк тарафларга бориб келди. Қайси қўчага кирса тўда-тўда ҳайдаб келишяпган молларни кўрди. Бозорда ҳам қорамолнинг нархи айтарли ошмаган. Буни кўриб у ёқасини ушлаб, бу ё яхшиликка олиб боради, ё юртга офат келтиради, деб қўйди ўзича. «Ёпирай, минг йиллардан бери ота-бола-римиз эчки сути билан олтимиш-етмиш йил яшашган, энди нима бўлди? Ё эчки зоти қуриб кетмоқчими? Наслимизга эчки зоти афсона бўлиб қоладиганга ўхшайди-ёв... Кел, таваккал, нима бўлса бўлди, буни ҳам бир кўрай-чи» деб бир талай эчки олиб келди. Полвонниёзга хуш келган нарсаси уйидагиларга хуш келмади. Жаңжал кўтарилди. Унча-мунчага эътибор бермайдиган Полвонниёз индамай, ўз билганини қилаверди. Келаси ҳафта қорамол бозорига борди. Битта-яримта одамнинг қорамол сотаётгани бўлмаса, кўпчилик қорамолларини ҳукуматга топширяпганини ўз кўзи билан кўрди. Савдо суст. Харидор кам, ҳеч хаёлга сирмайдиган воқеа. У ўзига ўхшаган баъзи бировлар билан гаплашиб кўрган эди, улар ҳам ишимиз синадиганга ўхшайди, дейишди. Баъзи одамларга эчкиларини мақтаб, олишга ундаган эди, улар ҳам тескари қараб кетишди.

Полвонниёз умрида биринчи марта: «Ёпирай, ростанам эчкиларим ўтмай қолармикин-а» деб қўрқди. Эсини таниб, савдо-сотиққа аралашибдики, моли бунақа сансалор бўлмаган. У шундай деди-да, ёқасини ушлаб, тавба, деб қўйди. Кейин бир нарсасини йўқотган одамдай бошини ерга эгиб, молларга қиё ҳам боқмай, бозордан чиқиб кетди-да, тўғри гўшт дўконлари томон одимлади. Қайси дўконга бормасин, иш пачава. Ҳаммасида бир хил нарх эшитди. Таниш қассобларнинг: «Ҳа, қора қулоғим, ишлар қандоқ?» деган гаплари яна энсасини қотирди. Қовоғи уюлиб, ваҳима босди. «Тавба, рости билан дунёнинг иши чаппасига кетди-ми? Ё охир замон бўлганмикин?» У нимадандир ҳавфсиранди.

Эрталаб келини:

— Ота, бозорга бормай қўя қолинг, моллар сув текин эмиш, ундан кўра эчкиларни сўйиб еяверайлик,— деди кулиб. Энди иши ўнгидан келмаганини келини билан хотинидан кўриб, ғижинди. Кампири: «Сигирларни шу бозордан қолмай, ҳукуматга ўтказ, Ўрозгул кампир ғунажинини ҳукуматга ўтказганига анча бўлди, сен касофат бу қилиғинг билан элга шарманда бўласан»— деб энсасини қотирган эди...

Полвонниёз ҳар куни шаҳар оралаб, ғўшт дўконларини бирма-бир текшириб чиқадиган одат чиқарди. Баъзи кунлари дўконлардаги серобгарчиликни кўриб ҳафсаласи пир бўлар эди. Шундай бўлса ҳам, уйда ўтиравериб юраги сиқилиб, шаҳар айланиб кетар эди, ундан яна руҳи тушиб, баттар эзилиб уйига қайтарди. Бора-бора мижозлари билан гаплашиб, ўзини бир оз овутадиган бўлиб қолди. Бу ҳам бўлмади. Ўски шаҳар билан янги шаҳарни бир айланиб келмаса, кўнгли асло жойига тушмасди. Начора. Серобгарчилик...

— Кеча Чимбойдан олиб келдим,— деди Полвонниёз олдидаги одамга.

— Ҳаммаси ҳам эчкими?— деди у одам бир гапни яширгандай ўйланқираб. Бир оздан кейин:— Қора қулоқ дўстим,— деди Полвонниёзга тик қараб ҳалиги одам,— энди мен бундай ишни ташладим. Соқолни қара, оқарди, пайғамбар ёшидан ҳам ўтдик. Партимиз кетиб, шартимиз қолди. Бу ёғига энди бизга ярашмайдиганга ўхшайди, қўййлик. Қайси куни олган пулингни қайтариб бер. Фойдасидан ҳам кечдим. Ҳатто ўз фарзандларингнинг юзига қарашга уяларкансан киши. Юзингга қараса ҳам, худди, ота, нимангизга етишмайди, деяётгандай жон-жонингдан ўтиб кетаркан. Уларнинг ҳам раъйига қарамасак бўлмайди. Замон шуларники. Биздан кўпроқ нарсани тушунишади ҳам билишади. Бизлар-чи, кўзи очиқ кўрмиз.

— Майли, ўзинг биласан, пулингни кечга томон бериб юбораман, лекин эчкилар заб яхшийди-да,— Полвонниёз эсанкираб қолди.

— Э, оғайни, бўлди энди, ташладим, деб айтдим-ку,— деди ҳалиги киши сал асабийлашиб.

— Хўп, пулингни кечқурун бериб юбораман дедимми, юбораман.— Иккови унсиз ажралишди.

Полвонниёз бу одамга худога ишонгандай ишонарди. Энди бунинг ҳам айнаганини қаранг. Бундан олдин ҳалиги одам Полвонниёзга бир ярим минг сўм бериб, ўзингга ёққан моллардан менга ҳам олиб кел, деган эди. Энди ўша пулни сўраб турипти-я, номард, лафзини ютганини кўр бунинг. Унинг бояги гаплари Полвонниёзнинг уй ичи ва унга тегишли бўлса ҳам, Полвонниёз бу гапни сиртига юқтирмади. Лекин «ўз фарзандларингнинг юзига қарашдан ҳам уяларкансан» дегани у ёқ-бу ёғидан ўтиб кетди. Аммо отаси бир вақтлари бошқа томонлардан олиб келган қимматбаҳо молларни бозорнинг ўртасида харидорларни йўқ

ердаги мақтовлар билан чорлаб, одамларнинг кўз ўнгига метрга таранг тортиб, ҳар метридан бир-икки энликдан уриб қолиб сотганини, ўзининг эса, отасини ёмон кўриб, унга нафрат билан қараб турганини эслоллади. Эҳтимол, эсласан бўлса ҳам, сир бой бермаслик учун индамади. Полвонниёз пул сўраган оғайнисининг қораси кўринмай кетгунча унинг орқасидан қараб турди-да: «эҳтимол, у бу ишлардан қайтгандир» деб қўйди. Кунлар ўтаверди...

Ниҳоят бу бозор унинг юрагига умид учқунини ёқиб, уйига чеҳраси очилиб қайтди. Бозорга тушган молларнинг нархи бир оз кўтарилди. Кечга томон ўзининг юз сўмга олган эчкиларидай эчкиларнинг нархи даллолнинг хизматиданми, ё охир бозор бўлгани учунми, ҳайтовур, икки юз сўмга чиқиб кетди. Бу Полвонниёзнинг оғзини қулогига етказиб, анча вақтдан буён қочмаган оғзининг танобини қочирди. «Хайрият, эчкиларимни олиб келмаганим, олиб келганимда кечки бозорнинг бундай бўлишини билмай, эрталабданоқ арзон-гаровга бериб юборардим,— деб қўйди ичида.— Йўқ, яна озгина сабр қилай, сабр таги олтин, дейишади. Бекорчи миш-миш деб бор молларидан айрилиб ўтирадиган анойи мен эмас».

Полвонниёз ўз одати бўйича эртасига азонда яна шаҳарга кетди. Тозагул кампир невараларини боғчага олиб борди-да, қайтишда нон дўконга кириб, бир оз ушланиб қолди. Уйга келса қўрадаги эчкилар чанқаб, қорнилари очиб, қўрадан бошларини чиқариб маърашяпти.

— Булар қуримади, мен қутулмадим,— деб қўранинг эшигини очиб юборди.— Бу жониворлар ҳам ўз оёғи билан ўтлаб келишсин-да.— Эчкилар эшик олдидаги қалин теракзорга кириб кетишди. Кампир уй-рўзгор ишлари билан бўлиб, эчкилардан хабар олишни унутиб қўйди. Фақат келини уйга тушликка келиб:

— Ойи, отам эчкиларни ҳукуматга топширишга олиб кетдими?— дегандагина эсига келиб, далага чиқариб юборганини айтди. Пешинда уйга келган Полвонниёз бу нохуш хабарни эшитди.

Намозгарга яқин Оллониёз паррихта кириб келди. У ҳовлидаги супада янги олган қавуш-махсисини ечиб, сарпойчан ўтирган Полвонниёзнинг олдига келиб:

— Нега қовоғингдан қор ёғилиб ўтирибсан?— деди даб-дурустан.

— Эчкиларим йўқ...

— Шу гапми? Ўзинг ҳам арзимаган нарсага куйиб-пи-

шаверадиган бўлиб кетибсан-да, бу дунё кимлардан қолмаган. Ё Қорун бўлмоқчимисан? Худодан, агар жонимни олсанг, шунинг гўридан ўн чақирим наридан гўримни ковла, деб сўраб юрибман. Лекин сен ўлганингда ҳам гўрингда жим ётмасанг керак, нимангга етмайди-а, айт, нимангга?

— Оллониёз, нималар деяпсан? Гапингнинг орқа-олдини ўйлаб гапир, иш бошқа, ҳазил бошқа. Кўп шақиллайвермай, дурустроқ гапириб, кўнгилни кўтарсанг-чи.

— Қора қулоғим, кўп хафа бўлаверма, эчкиларингнинг пулини олиб қўй. Ҳукумат сенинг ҳақингни емайди. Бундай ишга раҳмат десанг ҳам арзимаёди,— деб Оллониёз Полвонниёзнинг қўлига бир сиқим пул қистирди.

— Нима деяпти бу ўзи.— Полвонниёз бир пулга, бир Оллониёзга қараб ҳайрон бўлди.

— Шошма, қулоқ сол, бундай пайтда ёлғон билан ҳазилни жиним суймайди. Бугун эчкиларимни ҳукуматга топширгани олиб кетаётсам, бир одам тўқай ёқалаб бир тўда эчкиларни уриб-сўкиб ҳайдаб кетяпти. Суриштирсам, тўқай қоровули экан. «Манови эчкиларни,— дейди у,— теракларни гажиб ташлаётган жойидан ушлаб олиб ҳайдаб келянман. Олиб бориб ҳукуматга топшириб юбораман. Агар эгасини топсам, жарима ҳам солдирардим» дейди. Мен эчкиларни кўрибоқ, сеники эканини билдим. Билдиму, унинг авзойини кўриб, айтишга қўрқдим. Ҳийла ишлатдим.

— Шошма,— дедим унга,— эгасининг ўзи ҳам бу эчкиларни топширишга олиб кетаётувди. Йўлда боласи касал бўлиб қолди-ю, эчкиларни ташлаб, боласини дўхтирга олиб кетди. Сен бечорага бунақа жабр қилма, мусулмон одамсан, қайтага эчкиларни менинг эчкиларимга қўшиб юборгину, мен уларни ҳукуматга топшириб, пулини олиб бориб берай.

Уям оқ кўнгил экан, чиппа-чин ишонди қўйди. Тезда жаҳлидан тушиб, «унақа бўлса қўшиб ол, бечорага пул керакдир» деди.

— Манови ақлдан озганми? Уялмай-нетмай шундақаям ёлғон гапларни гапирасанми?

— Эй, таги тешик челақдай шақирлайверма, гап деганни бўлмай, бундай, охиригача эшитгин-да ахир. Ё бўлмаса қўлингдаги пулдан ҳам айрилмоқчимидинг? Шундай деб алдамасанг анови пул сенга қаердайди? Ҳалиги қоровул эчкиларингни қишлоқ советига олиб бориб топширгандами, кўрардинг кўрадиганингни. Шундай қилиб, эчкиларинг-

ни қўшиб олиб ҳайдаб жўнадим. Ҳайдаб жўнадиму, бундай қарасам, ҳаммаси бир қўра бўлибди. Кўриб эсим чиқиб кетди. Шунча эчкини оборсам, ҳаммаси ўзингникими, ичингдан пишган одам экансан-ку, деса нима дейман деб ўйладим. Кейин шундай қарорга келдим. Агар шундай деб сўраб қолишса: «Йўқ, ярми қора қулоқ деган савдогар қўшним бор, ўшаники. У кечаги бозор кuni буларни Тахтақўприқдан арзон баҳо билан олиб келди, қимматга пулламоқчи, экинimgа тушавергандан кейин жаҳлим чиқиб ҳайдаб келдим» деб айтаман, дедим.— У кўз қири билан секин Полвонниёзга қараб қўйди.

— Бу дўзақи нима деб валдираяпти ўзи!

— Сен кўп тутатмай, гапимнинг даромадини эшит. Шундай қилиб дегин, ҳайдаб бордим. Тарозибон йигит: «Ҳаммаси ўзингизникими?» деб сўраб қолса бўладими. Нима дейман тагин, раҳмим келиб сен учун ёлғон ишлатдим: «Кўпи қўшнимники, бугун эгаси ўлди, кампири пулга муҳтож бўлиб қолди, шунинг учун уларга ёрдам тариқасида бирга қўшиб ҳайдаб келдим»— дедим. Бошқа ҳеч ким сўрамади. Эчкиларни тарозига тортиб, пулини ҳисоблаб берди. Мана бўлган-турган гап шу, қора қулоқ оғайни. Касал бўлмаган болангни касал деб, ўлмаган сени ўлди деб қўлдан кетган эчкиларингни ўтказиб, пулини олиб келдим. Раҳмат десанг ҳам, демасанг ҳам ўзинг биласан. Энди яна битта маслаҳатим бор — обрўйинг борида сигирингни ҳам ҳукуматга топшир.

— Бу ёғига ишинг бўлмасин. Қиладиганингни қилиб бўлибсан, энди йўлингдан қолма.

— Кўрдингми бuni. Яхшиликка яхшилик йўқ экан-да ўзи. Энди, сигирларимни ҳам ўтказиб бер, дегин, нақ онангни Учқўрғондан кўрсатиб қўяман-а.

— Мен ҳали кўраман! Ватанпарварлигингни ўзингга қилавер.

— Нимани кўрасан? Сен энди фақат худонинг ўлимини кўрасан, холос.— Оллонийёз индамай чиқиб кетди.

Полвонниёз ўтирган ерида ақлдан озгандай қотиб қолди. Қанча вақт ўтди, номаълум, бошини кўтариб қараса, олдида ҳеч кимни кўрмади. Фақат кун уфққа қизил жияк тортиб ботиб кетганини кўрди. Қазо қилган намозларини хуфтондан кейин ўқийман ҳам демади. Қоронғилик тушди. Икки хуфтон бўлди ҳамки, миқ этмади. Кўз олди тун қоронғисидай. Назарида кенг дунё торайиб, оёқ қўядиган ҳам жой қолмагандек туюлди. Яна атрофга аланглади, зим-

зиё тун. Тун қоронғилигидан бошқа ҳеч нарсa кўрмади. Уйга кирмади. Супада оёқларини чалмаштирганча чалқанча чўзилди. Юлдузлар жимирайди. Улар йиғилишиб, бир тўп кўздай уни мазах қилишяпганга ўхшарди. Яна бир юлдуз учди... «Эҳтимол, куним битгани ростдир. Тирикчилик деб ўзимни ўтга уриб, чўққа уриб, не-не азоблар билан оғу ялаб топган мол-дунёмни кимларга олиб бориб беряпман?.. Менга лақаблар тақияпти... Нега, қандай қилиб?..»

* * *

Республика газеталаридан бирида Полвонниёз деган одамнинг молларини ўз ихтиёри билан ҳукуматга топширгани ҳақида бир мақола босилди. Эҳтимол, бу ўз йўлини топиб олган бизнинг қора қулоқ Полвонниёздир.

ФАРЗАНД ЮРАГИ

(Хикоя)

Кун бўйи ёмғир остида гишт териб, қаттиқ чарчабман шекилли, уйга келдим у чкари хонага ўтиб, ўзимни каравотга ташладим. Дарров уйқуга кетибман. Кимдир тасиртурсур бостириб кирди-ю: «Дадангиз келди!» деб қичқирди. Кейин бошимдан туртди. Худди бирор еримга чўғ теккандай, сакраб ўрнимдан турдим. Каравотдан оёқларимни шалвиратиб, кўзларимни уқаладим олдимга қарадим. Рўпарамда хотиним турибди. Чеҳрасида таажжуб ва ҳайратланиш ифодаси.

— Нима дейсан?— дедим унга тик боқиб.

— Отангиз келди,— деди у овози қалтираб,— кўчада турибди!

— Отам?!— мен товушимнинг борица беихтиёр бақириб юбордим.— Отангиз дейсанми? Ростданми? Тирик эканми ўзи?!

Ўрнимдан ирғиб турдим. Елкамга костюмимни ташлаш-ни ҳам унутиб, эшикка қараб югурдим. Юрагим қинидан чиққудек ҳаприқар ва бутун аъзойи баданимдан ўт чиқиб кетаётгандай эди. Лекин...

Лекин қандайдир номаълум бир куч мени йўлдан қайтариб, яна каравотга михлаб қўйди. Мен бошимни икки қўллаб ушлаганимча, каравотда мадорсиз ўтириб қолдим. «Ёпирай, бу ёғи қандоқ бўлди энди?! Мен уни қандай қилиб кўраман? Йўқ, бунга менинг қурбим етмайди!»

«Йўқ, йўқ, йўқ!»

...Бирданига ўлик хотиралар жонланиб, бирма-бир кўз олдидан ўта бошлади...

Халқда «Кўнгил — дарё» деган гап бор. Мундоқ ўйлаб қарасам, бу икки сўзда ҳикмат кўп экан. Чиндан ҳам ғаддорликдан холи бўлган соф кўнгил — вазмин, ёйиқ ва осуда оқиб ётувчи теран дарёга ўхшаркан. Эгри дил эса —

навбаҳорда ўйноқилаб, буғи осмонга чиқиб ётган шалди-роқ, енгилтак ўзанни эслатаркан. Шунга ўхшаб, мен ҳам уйимизда бўлиб ўтган баъзи бир воқеаларни эслаганимда, юқоридагидай теран, тинч оқар дарё ёдимга тушарди...

Биз тинч-тотув яшар эдик. Аммо ивиган қатиқдай оёйишта оиламиз қўрғони ёздан ёз ўтиб аста-секин ачий бошлади.

Орага ўт тушди. Бу ўт бирдан лоп этди-ю, атроф-теварagini қамраб, ёвуз ва улкан ёнғинга айланди. Бу ёнғин дадам билан ойимнинг орасига совуқчилик солди, бора-бора уларни бир-биридан жудо қилди. Дадам ойимнинг олдида одам орзига олишга ор қиладиган айб — кечирилмас гуноҳ қилди. Мен бундан беҳабар эдим. Лекин оғиздан чиққан гапни қулоқ эшитмай қолади дейсизми?

Бизнинг Қўнғиротбой қора соқол деган ёш қўшнимиз бўларди. Унинг Жалғас деган ёлғиз ўғли бор эди. Ўзи мен билан тенгдош, иккаламиз апоқ-чапоқ эдик. Ҳамма вақт бирга юрардик. Мактабга борсак ҳам, ўйнасак ҳам, чўмилсак ҳам эгизак қўзидай доим бир-биримиздан айрилмас эдик. Мен мўмин-қобил бола бўлиб, Жалғас эса сал бошқачароқ эди. У йўқ ердаги баҳонани топиб, бошқа болалар билан ёқалашгани ёқалашган эди. Бой-бадавлат туришадиган бу хонадоннинг ўғли ҳам, қизи ҳам жуда эрка, тантиқ бўлиб, сиркаси ҳеч сув кўтармас эди. Тутаб турган сомонга ўт теккандай, бирпасда ловиллаб ёниб кетарди. Мен ҳам отамнинг калтагини еб, онамнинг қарғишини эшитиб катта бўлган эмасдим. Шунинг учун ҳам агар Жалғас тўполон бошламоқчи бўлса, ҳақимни қўймасдим. Шундай, биз иккаламиз кунига неча марталаб уришиб, неча марталаб ярашар эдик:

Бир кун мен Жалғас билан яна ёқалашиб қолдим. Биз дарёга қармоқ солиб ўтирардик. Жанжал чувалчангдан чиқди. Жалғас бу сафар қўлини эмас, балки офтобда жингиртоб бўлиб ётган бир таёқни ишга солди. У шу таёқ билан тўпғимни мўлжаллаб урар экан, кўзларимдан ўт чиқиб кетди. Мен ҳам қараб турмадим. Бир қўлим билан унинг томоғидан бўғиб, бир қўлим билан бурнига икки марта айлантириб солдим. Жалғас отаси ўлгандай дод солиб йиғлади. Икки қўллаб бурнини босганича, қирғоққа қадаб қўйган қармоғи билан чимда ётган шимиға ҳам қарамай, бақириб, уйлари томонга югурди.

Биз илғарилари мана шундай уришиб қолсак, уйимиздагилар иккаламизни ҳам чақириб олиб яраштириб юбори-

шар эди. Сал ўтмай икковимиз яна бурунгидек бирга ўйнаб кетардик.

Бироқ бу сафар ундай бўлмади.

Мен ҳалиги жанжал пайтида бошимдан тушиб қолган қалпоғимни қайта кийиб, қармоқларимни тўғрилаб ўтирар эканман, дод солиб йиғлаётган Жалғаснинг товуши уйи томондан ҳамон эшитилиб турарди. Бирдан, ора-чўра шангиллаб гапирётган аёл товуши ҳам эшитилиб қолди. Диққат қилсам, бу Жалғаснинг ойиси Ширингулнинг овози. «Қизиқ, у нима қилиб шангиллапти экан? Чунки бизнинг орамизга тушадиган одати йўқ эди-ку?» Шундан кейин юрагим катта бир жанжалнинг шарпасини сезиб «шув» этиб кетди. Мен ўтирган ўрнимдан сакраб турдим-да, уйга қараб чопдим. Етиб бориб, ён-ёғимга аланглаб, тўғри ойим ўтирган уйга кирдим.

Бир вақт бирдан уйимизнинг орқаси дупурлаб қолди. Сўнг шитоб билан эшик очилиб, ичкарига Ширингул кириб келди. Рангида ранг йўқ. Ўғлини елкасидан ушлаб судраб олган. У тўғри кириб келди-ю, гўё бу жанжал учун онам айбдордек, Жалғасни ўнинг олдига итариб юборди.

— Ма, итдай талаб ўлдир! Жувонмаргингга сўйдир боламни!

Онам:

— Ҳой, овсин,— деб оғиз очган эди, Ширингул гапиришга ҳам қўймади:

— Кучим етади деб ураверасизларми? Болагинамни тириклай гўрга тиксам қутуламанми сизлардан?!

Онам қараса, бу хотин уришсиз-жанжалсиз чиқадиган эмас. Шунинг учун у:

— Боланинг орасига тушиб, бошингни оғритиб нима қиласан?— деди мулојимлик билан.— Уришадиган ҳам, ярашадиган ҳам ўзлари...

Бунини эшитиб, Ширингулнинг баттар қони қайнади:

— Нима қил дейсан? Кўчага чиқариб ташла дейсанми? Керак бўлса ўз болаингни саватавер ҳар кимга!

— Ҳой, овсин, чинини айтганда, ўғлингнинг ўзи ҳам тўполончироқ бола-ку...

Боятдан бери сўзини бермай турган Ширингул бир зум гезариб турди-да:

— Уялмай-нетмай менинг боламни тўполончи дейсан!— деб шангиллаб берди.— Ўзингнинг туядай айбинг бўла туриб, бировнинг тугмадай камчилигига кулишга номус қилмайсан! Агар сен шунчалик яхши экансан, нега бўлмаса

эрингни эплай олмайсан. Ҳа, ақлли бўлсанг, эрингни тийиб ол, кейин мен сен билан гаплашаман! Ҳар йили бир хотинга хуштор бўлиб, эринг кўчада юрсину, сен яна уйда ўтириб насиҳатгўйлик қилганингни қара-я, бечора! Сенда мия бўлса, эндигача эрингни анови Ақмаралдан ажратиб олардин!

Ширингул, гўё ойимга худди шу гапларни айтиш учунгина киргандек, шартта орқасига ўгирилди-ю, чиқиб кетди ва йўл-йўлакай ўғлига:

— Иккинчи унга тега кўрма! У икки карбазнинг эркаси!— деб жавраб ҳам кетди.

Илон пўстидай совуқ, илон заҳридай ўткир бу сўзлар юрагимга ўқдай санчилди. Тасалли излаб, онамнинг юзига зеҳн солган эдим, онам ҳам бўздек оқариб кетибди. Мен ўзимни йиғидан зўрга тийиб турардим. Чунки ойимга жуда жоним ачиб кетган эди.

— Ойи, ҳалиги хотинга нимага индамадингиз? Нега гапларини қайириб ташламадингиз?— дедим ниҳоят тилга кириб.

Ойим шунда менга:

— Нима дейман, қароғим?— деди қадоқ қўллари билан бошимни силаб.— Сен ҳали ёшсан. Кейин тушунасан...

Ойим гапиряпти-ю, кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш думалаяпти.

Энди мен бундоқ ўйлаб қарасам, ўша маҳал онамдан катта кишидай савол сўраган эканман. Онам шўрлик эса менинг мурғак қалбимга заха туширгиси келмай, бу жумбоқни фош қилмаган экан.

Кейин билсам, онам бу шум хабарни элдан бурун эшитиб, юрагига чўғ тушгандек изтироб чекиб юаркан. Аммо шундай бўлса ҳам тишини тишига қўйиб, сабр қилиб келаркан. Ҳатто шу воқеадан кейин ҳам у баъзи бир жанжалкаш аёлларга ўхшаб уйда шовқин кўтармади, сочини юлиб, айюҳаннос ҳам солгани йўқ. Аксинча, бор гапнинг тагига етиб, чин-ёлғонлигини билмагунча индамай юрди.

Орадан кўп вақт ўтмади. Сир фош бўладиган кун ҳам етиб келди. Якшанбадан бери сувга чўккандай дом-дараксиз кетган отам олти кун деганда қорасини кўрсатди. У худди айби йўқ одамдек ўзини ғоз тутиб, уйга эмин-эркин кириб келди. Кўйлагининг енгини шимариб, костюмининг билагига солиб олибди. Одати бўйича даҳлиз эшигини секин очиб, бўсагадан ҳатлади-ю, негадир қоқилиб кетди.

— Соғ-омон ўтирибсизларми?— деди кейин сарғиш мўйловини пирпиратиб.

Онам ўчоқ бошида ип йигириб ўтирган эди. Индамади. Кўзлари саксовул чўғидай бир ялт этди-ю, отамга боқди. Қўллари титради. Совуқ уриб гезарган олмурутдай қовоқларидан бирдан кўкариб кетди. Аммо отам буни сезмади. Балки парвойи фалак ҳолда бароқ қошларини чимириб, хонага кўз югуртириб чиқди. Сўнг нимагадир ғашланиб, билагидаги костюмини улоқтириб юборди. Кейин бирдан:

— Нега индамайсанлар, ё танимаяпсанларми?!— деб шовқин солди.

Онам яна жавоб бермади. Отам, онамнинг кўзларига қарашга ботинолмай, довдираб турди-да, тўсатдан кетига тисарилди. Қарасам, онам ўрнидан даст туриб, нафрат ва алам билан отамга тикилиб турибди. Елкасидан рўмоли ҳам тушиб кетибди. У бир қадам олдинга босаман, деганди, кўйлаги оёғига ўралашиб, йиқилиб кетай деди. Аммо шундоқ бўлса ҳам, аламини ютиб, босиқлик билан:

— Шу вақтгача қаерда бўлдинг?— деб сўради дағ-дағ титраб.

— Меҳмонда!— деди отам ҳар бир сўзини салмоқлаб.— Бунинг нима кераги бор сенга?

— Керак!

— Сабаб?

— Сабабини ўзинг билмайсанми?!

Онам, азбаройи қони қайнаганидан, столни қарсиллатиб урди. Улкан чойнак, отдан йиқилган чавандоздек, учиб тушиб, пачақ бўлди. Отам турган ерида қотиб қолди. Кейин улкан гавдаси тол чивикдай эгилди-ю, беихтиёр ҳолсизланиб, ўтириб қолди. Тахтанамо, текис, кенг яғринлари ва мағрур, ёйиқ кўкраги мўъжазгина бўлиб қолгандай, чеҳрасида балқиб турадиган шафақ ранг жилваси ҳам сўнггандай туюлди менга. У ночор ер тиззалади-ю, шошганиданми, қўрққаниданми, ишқилиб, қоп-қора, силлиқ сочларини ҳадеб сийпайверди. Киссасидан папирос олиб чекди. Сўнг бир-икки қур босиб-босиб тортди-ю, бурнидан тутун қайтара туриб «ҳа-а!» деб қўйди хўрсиниб. Билиб турибман: отам чуқур изтироб ичида қовурилар эди...

«Эҳтимол, отамнинг айби йўқдир?— деб хаёл сулардим мен ўзимча.— Балки бу овулимиздаги айрим ғийбатчи хотинларнинг миш-мишидир?..»

Бироқ кейин билсам, бу миш-мишларнинг жони бор экан. Отам гуноҳини бўйнига олди:

— Кечир, Гулжамол!— деди онамга дард чекиб.— Одамгарчиликка кирмайдиган уят иш қилиб қўйдим. Чин

сўзим шу. Қандай қилиб ўтга тушганимни ўзим ҳам билмайман. Кечир мени...

Онам боятдан бери бир қизариб, бир бўзариб, ўз ёғида ўзи қовурилиб ўтирган эди. У бирдан фарёд чекиб дод солди:

— Адо бўлгур, беномус! Бетинг булк этмай, бировнинг қўйнида ётиб келиб, тагин менга кечир, дейсан-а?! Сендай саёқ ҳаромининг нима кераги бор менга?!

Отам миқ этмади. Эгилган бошни қилич кесмайди, қабилда ун чиқармай ўтираверди. Онам эса, ҳамон ғазаб отидан тушай демасди.

— Чиқ уйдан!— деди у қўли билан эшикни кўрсатиб.— Чиқ! Кет, кет! Кўзимга кўринма, юзи қора!

Отам ялт этиб қаради-ю, сўнг онамга бақириб берди:

— Менга осон деб ўйлайсанми, а, менга осон деб ўйлайсанми?

Отамнинг юз-кўзлари бўзариб, гандираклаб ўрнидан турди. Кўм-кўк томирлари бўртиб чиққан бақувват қўллари қалт-қалт этиб титрай бошлади. Тез-тез нафас олиб, қутурган нор туядек важоҳат билан аста-секин онамнинг олдига яқинлашиб кела бошлади. Келаётиб, идиш-товоқ турган курсини бир тегиб юборди-ю, сўнг онамга рўпара бўлди. Мен қўрқиб кетдим. Ўрнимдан югуриб туриб, олдини ўрамоқчи бўлдим улуғролмадим. Отам қошларини кериб, чўяндай мушти билан онамнинг ёқасидан олди-ю, қисиб туриб, итариб юборди. Онам гандираклаб бориб, орқаси билан йиқилиб тушишига сал қолди. Отам кечирилмас катта айб қилиб қўйганини сизди шекилли, илдам бориб онамни суяб қолмоқчи бўлувди, онам қўлини силтаб ташлади ва жаҳл билан:

— Бари бир, мен энди сен билан турмайман, йўлинг очиқ!— деди.

— Айтганинг айтганми! Қайтмайсанми-а, шу сўзларингдан?!

— Ҳа, қайтмайман. Кет!

— Кетаман!— деди отам бошидан тушаёзган шапкасини тўғрилай туриб. Кейин полни тарақлатиб, эшикка юзланди.

Даҳлиз эшиги жаҳл билан очилиб, яна қаттиқ ёпилди. Секин-аста оёқ товуши тинди.

— Дадам энди қайтиб келмайдими?— деб сўрадим мен ҳадиксираб.

— Ҳа,— деди ойим,— энди қайтиб келмайди у.

Қўрққанимдан тап этиб ўтириб қолдим. Ханжар тигидай бир ўткир нарса кўксимни тилиб ўтгандай бўлди. Манглайимни муздек тер босди. Ақлу ҳушим энди ўзимга қайтгандек:

— Ота-а-а!— деб бақирганча уйдан отилиб чиқдим. Гўё нафасини ичига ютиб, сукут сақлаб турган теварак-атроф бир сония акс садо берди-ю, яна жим бўлди. Мен дарё соҳилига қараб югурдим. Илон қуйруғидай буралиб ётган эгри сўқмоқ оралаб чопганча дарё бўйига келдим.

Кўкни қора булут босган экан. Пайқамабман. Олдин осмонда алланарса гумбурлаб кетди, кейин шошмай, сариқ ипдай эшилиб, ёмғир ёға бошлади. Аста-аста ҳавонинг турқи бузилди. Юзларимга мунчоқдай-мунчоқдай совуқ томчилар келиб урила кетди. Оёқ остим бир зумда сирпанчиқ бўлиб, дум-думалоқ дўл билан тўлди. Ер бағирлаб аччиқ, кузак шамоли эсарди. У яккам-дуккам бўлиб қолган ярим яланғоч тўқай кўйинини бир онда ҳувиллатиб ялаб чиқарди-ю, тагин ҳуштак чолиб изғишга тушарди. Баланд-баланд бой-терақлар дармонсиз инграрди. Дайди шамол эса, сўнгги мадор ила осилиб ётган заъфарон япроқларгача чирт-чирт узиб олиб, учириб кетарди. Боши солиқ эманлар ҳам мунгли чайқаларди. Бутун тўқайзор интиқом кутгандай, хунук бир оҳангда фиғон чекиб, ҳувиллаб ётарди.

— Ота-а-а!..

Яна жавоб бўлмади. Дарбадар япроқчалар пилдираб учиб келиб, юз-кўзларимни саваларди. Кўзларим тиниб кетгандай бўлди. Бироқ мен ҳамон отамни чорлайвердим. Назаримда, отамни топадигандек эдим. Усиз мен учун ҳаётнинг маъноси йўқдек кўринарди.

— Ота-а-а!

Мен югургилаганча қирғоққа етиб бордим. Тўлқинлар тўш уриб, яланғоч соҳил ҳувиллаб ётарди.

Этим увушди. Юпунроқ кийинганим энди эсимга тушди. Мен нариги қирғоққа тикилдим. Кўзимга майда-чуйда дўнгликлардан бошқа нарса кўринмади. «Дарёдан ўтиб кетибди-да...» деб ўйладим мен ўзимча. Сўнгги умидим ҳам сўнггандек бўлди. Лекин шунга қарамай, бор кучимни йиғиб:

«Ота-чи! Ота-а-а!» деб қайта-қайта қичқира бошладим.

Совуқнинг заҳрими ёки ҳолдан тойдимми, ишқилиб, чалқанча ағдарилиб тушдим. Шунда ҳам, зах қум устида ўтириб олиб, «отамлаб» бақиравердим...

Менинг нола-ю фиғонимга ҳеч ким қулоқ осмади. Ниҳоят, умидимни узиб, шумшайиб уйга қайтдим.

Кун ботиб, қош қорайиб қолган эди. Овулга зим-зиё тун чўкарди. Ёмғирдан ҳосил бўлган жилғалар кокилдай таралиб, ён-ёққа оқиб ётарди. Беозор шамол эсарди. Қатор-қатор сумбатли уйларга қараб қўяман. Деразалардан сўник умид учқунидай бўлиб хира чироқлар милтирайди. Жим-житлик. Итларнинг ҳам товуши ўчган. Менинг ҳам кўнглимга овулимизнинг сукунати кўчгандай эди. Аммо бу сукунат бўлакчадай эди: кимдир ичак-бағримни суғуриб олиб, вужудимда тубсиз ўпқон қолдириб кетгандай туюларди...

Шалаббо кийим-бошимни даҳлизда сиқиб олдим-да, меҳмонхонага кирдим. Онам йиғлаб ўтирарди. Мени пайқамади ҳам

— Ойи, отам йўқ...— дедим мен зўрға. Онам мени бағрига босди. Юз-кўзимдан ўпди-ю, секин туриб, челақ кўтариб сувга кетди.

Меҳнат — кўнғил ярасига малҳам, дил қайғусига ҳамдам экан. Онам энди ўчини ишдан ола бошлади. Саҳар туриб, далага кетадиган, кеч қайтиб, рўзғорга қарайдиган бўлди... Хуллас, ўзини юмуш билан овутиб юрди. Қиладиган иши қолмаганда эса, ўтириб олиб, бир нуқтага тикилганча, кўзларидан беихтиёр ёш тўкаверар эди...

Гоҳ мени тиззасига ўтқазиб эркалаган бўларди. Аста, маънос қўшиқ бошларди. Бироқ қўшиғи ярмига етар-етмас, узилиб, томоғига бир нарса келиб тиқилгандек, тўхталиб қоларди. Дув-дув ёш қуйиларди шундай кезларда яна менинг бошимга.

— Ойи!— дердим мен шундай пайтларда ойимнинг юзига ҳайратла боқиб.— Ўзингиз қўшиқ айтиб туриб, нега йиғлайсиз?

— Э-э, болам, қаердаги гапни сўрайсан-а...— деб кулимсирарди ойим. Бироқ кулгиси ярашмасди ўзига. Киприкларини очилиб-юмиларди-ю, филт этиб иссиқ томчи узилиб тушарди ёноғига.

Мен у пайтлар, фақат қалби шодлик билан тўлган кишиларгина қўшиқ айтади, деб ўйлардим. Билсам, дунёда ҳасрат қўшиқлари ҳам оз эмас экан. Одамлар, ғам-аламни бир оз бўлса-да енгиллаштирармикин, деган ниятда мунгли, ҳазин қўшиқларни ҳам яратар эканлар.

Ойим ҳасратли ашуласини бошлади дегунча, мен оғир ўй ичида қоладиган бўлдим. Унинг ингичка, дардли товушини эшитсам, дарҳол отам ёдимга келарди. У ҳозир деразамиз тагидан гурс-гурс одим ташлаб ўтадигандай, кел

ўғлим, сени жуда соғиниб кетдим, дейдигандай бўлаверарди. Гоҳ-гоҳ кўчага чиқиб, кўприк устида кунни кеч қиладиган бўлдим. Зора шу ердан ўтиб қолса дадам, деб ўйлардим мен шунда. Аммо кўзимга сур ранг, бепоеъ далаалардан ўзга ҳеч нарса чалинмас эди. Отам шу кетганча қайтиб уйга бош суққани йўқ...

Шум хабар тез тарқалади, дейдилар. Уч-тўрт кун ўтиб, отамнинг бизни ташлаб кетгани овулнинг ҳамма ёғига ёйилди. Фаросатли кўни-қўшнилариимиз бизга кўнгил билдирган бўлишди: «Кўчадаги бир қаланғи-қасанғини деб, гулдай боласи билан ойдек хотинидан безган эркак ҳеч ҳам барака топмайди, ахир бир куни қора бошини ейди». Биз шунга ўхшаш гаплардан салгина овунган бўлардик. Лекин беш бармоқ баробар эмас. Бировнинг бошига ёмон кун тушганини кўрса, дарров сўзамол бўлиб кетадиганлар ҳам топилади. Бизнинг овул ҳам ана шундай одамлардан холи эмасди. «Бари Гулжамолнинг ёмонлиги. Яхши бўлса, эри ўт тўла ўчоғини ташлаб кетармиди?»— деганлар ҳам бўлди.

Бир куни мен ранги ўнгиб кетган қора жилдимни қўлтиқлаб, мактабга бораётган эдим, кенг кўйлагини елвиратиб жийдалар орасида юрган семиз бир хотинни кўриб қолдим. У менинг йўлимни кесиб чиқди. Танидим. Бу — ғийбатдан жағи толмайдиган Олмаҳон деган келинчак эди. Бирни ўн қилиб гапиришини куёви Кароматдин оға ҳам биларди. «Бизнинг Олмаҳоннинг орзини елимлаб қўйсанг ҳам гапираверади. Қулогим қар бўладиган бўлди»— дерди у гап келганда тўғрисини айтиб.

Ўша Олмаҳон янга ҳозир менинг рўпарамда турарди. Мен унга ёқтиринқирамай қарадим. Палапартиш кийиниб олибди. Мендан кўзини узмасди. Сал нарида эса яна учта хотин кўринди. Олмаҳонни менинг олдимга гижгижлаб юборган ўшалар бўлса керак, деган хаёл келди бошимга бирдан.

Мен яқинлашиб борар эканман, Олмаҳон филт эткизиб тупук ютди-ю, тилини калимага ҳозирлаб:

— Яхши юрибсанми, сариқ йигит?— деди.

— Шукур.

— Бу йил нечанчи синфда ўқийсан?

«Билиб туриб сўрайди-я»— деб ансам қотди. Бироқ уялганимдан:

— Олтинчида,— дедим.

— Бугун мактабда ота-оналар мажлиси бўлганмишми? Қалай, нима дейишди?

— Нима. хисобот ёзай деганмидингиз?

— Вой, қайингинам-эй, дарров жаҳлинг чиққанини қара-я!..

— Ҳа, бўлди мажлис... Нимаиди?

— Мажлисга сенинг отанг ҳам бордими?

— Йўқ, бормади!

— Нега? Қаёққа кетибди экан?

— Билмайсизми?

— Ҳа, йўқ... Чиндан ҳам билмайман... Наҳотки ўша кетганича қайтиб келмаган бўлса?

— Йўқ!

— Нима, бутунлай кетдимикин энди?..

— Билмадим...

— Лаҳадда чиригур, гўрсўхта! Шундай азамат ўғлидан ҳам кечиб кетадими ҳеч замонда?!

Қараб турсам, Олмаҳон янга гап халтасининг оғзини очяпти. Очиғи, кимда-ким отамни ёмонлай бошласа, мен уни хуш кўрмас эдим. Отамнинг номини эшитсам, лоп этиб ўзи кўз олдимга келарди. Қўлларимдан етаклаб, боғ ора-латиб юргандай бўлаверади. Афсуски, мен ўша пайтлар бундай сайр-саёҳатларнинг қадрига етмас эканман. Энди эса...

...Бир куни эрталаб уйимизга Зулфиқор оға келди. У қишлоқ советининг раиси бўлиб ишларди. Бизникидаги жанжални эшитиб, қаттиқ хафа бўлиб юрган экан. Бугун вақт топиб, биздан хабар олгани келибди.

Зулфиқор оға қуюқ қора соқолли, катта-катта кўзлари чақнаб турадиган, бир қарашда қадимги юнон файласуфларига ўхшаб кетадиган киши эди. Унинг кенг пешонасини ажинлар босганди.

У ўчоққа ўт ташлаб ўтирган ойимга қараб:

— Ор-номусингни букиб, ўзингни оёқ ости қилган бир ярамасдан ўч олмай, қандай чидаб юрибсан?— деб қолди. Бароқ қошлари эса қуёнга панжа солаётган бургут қанотидай керилиб кетди.— Мен у нонкўрни эсидан чиқмайдиган қилиб жазолатаман. Қўлтигинга кирадиган мана бу болани тарбиялаш ўрнига суюқлик қилиб ўтирса... Юзсизлик бу!

— Бир камим энди судлашиб ўтирайми?— деди онам маъюс тортиб.— Нима кераги бор жанжаллашиб юришининг...

Шу билан гап-сўз тамомдай эди. Лекин ойимнинг кўк-сидаги жароҳат тезда битадигандай эмасди. Мен буни анг-

лар эдим. Баъзан, кечалари ухлаб ётиб уйғониб кетсам, ойим тўшак устида ўксиб йиғлаб ўтирган бўларди. Шундай пайтларда менинг ҳам кўнглим бузилиб, киприкларимга беихтиёр тирқираб ёш келар ва уйқум қочиб кетар эди...

Онам бир кун бетобланиб қолди. Шамоллади шекилли, тўсатдан иссиғи кўтарилди-ю, томоғидан овқат ўтмай ётиб олди. Лаҳзада уйимизга одам тўлиб кетди. Биттаси ойимнинг томирини ушлаб кўрди-ю:

— Иссиғи баланд,— деди, кейин менга қараб:— Чоп, касалхонага хабар қил!— деб буюрди.

— Қўй, унга тегма,— деди онам элас-элас, сўнг озғин, сарғиш бармоқларини қимирлатиб мени имлади. Олдига бордим.— Асқаржон, ўғлим... Айтжонни чақириб кел, Айтжонни,— деб ингради онам дадамнинг номини тилга олиб. Сўнг яна ёстиққа бош қўйди.

Мен дадам яшаётган уйни суриштириб олиб, отга миндим-да, чопа кетдим. Излаган ерим — дарёнинг қуйилиш жойига яқин... «Дилеуҳабақ» деган қишлоқ экан. Мен тушга яқин усти кўк тунука билан ёпилган уй ёнига келиб, отдан тушдим. Баданимдан совуқ бир нарса жимирлаб ўтди. Овулимизда ўн бармоғидан ҳунар ёғилиб юрган уста отам бу уйни ҳам безаб ташлабди. Нақшинкор деразаларга ҳамда янги, сариқ эшикка ўйилган гуллар менинг дадамнинг санъати эканлиги шундоқ кўриб турарди.

Мен ҳовлиқиб ичкарига кирдим:

— Ота!— деб бақирдим.

Узунчоқ хона тўрида катта тош ойнага тикилиб ўтириб, сочини тараётган ёшгина бир аёлга кўзим тушди. Бағбақали, оппоқ, семиз болдирларини қалин тук босган бу жувон менга парво ҳам қилмади.

— Отам қаерда? Шу ерда турадимиз?!— деб сўрадим мен югуриб унинг ёнига бориб. Шундагина у салгина бўйинини буриб қаради ва елкасига рўмолини ташлаб, сузилиб ўрнидан қўзғалди. Сочлари қоп-қора, ўзи тўладан келган бу сумбатли келинчак менга жуда сулув кўриниб кетди. Демак, отамнинг кўзини «тиндириб» юрган Ақмарал деган официантка аёл шу экан. Худди биров бошимдан совуқ сув қуйгандек, аъзойи баданим жунжикиб кетди.

Ақмарал мулойим овоз билан:

— Кел, яқинроқ кел-чи!— деди менга кулиб. Товуши тошга урилган тангадай жаранглаб кетди.— Кел, ахир мен ҳам ойингман-ку! Даданга келдингми?

— Ҳа, дадам қайда?

— Дадангни яхши кўрасанми?

Ақмарал ялтироқ узуклар билан тўла ингичка бармоқларини менга чўзди. Мен, қиздирилган темир калтақдан чўчигандай, ортимга тисарилдим.

— Ҳа, яхши кўраман!— дедим. Ақмарал кўзларини ғалати сузиб:

— Мени-чи?— деб сўради яна.

— Йўқ! Сизни ёмон кўраман!— дедим мен шартта унга.

Аёлнинг рангида ранг қолмади. Киприклари пирпиради. Чуқур хўрсинди. Ғазаби келди шекилли, шартта тескари ўгирилди. Рўпарадаги уйдан отам чиқиб келди. Ўша-ўша. Ўзгармабди. Ҳозиргина соқолини олган шекилли, ҳали ювиниб ҳам улгурмабди. Аскарий кўйлаги устидан чиройли энлик камар боғлаб олибди. Мени кўрди-ю:

— Асқар!— деб югуриб келиб қучоқлаб олди. Мен бўйнига ёпишдим. Сира ажралгим келмайди.

— Юринг, ота, кетайлик!— дедим ниҳоят овозим қалтираб.— Ўзимизнинг уйга кетайлик! Ойим қаттиқ бетоб. Бормасангиз бўлмайди. Мени сизга юборди. Юринг, ота?.. Ўзимизникига кетамиз...

У мени қучоқлаганча кўзлари ёниб:

— Юр, кетдик!— деди.

Қозиқдаги ёмғирпешини олишга ўгирилган эди, боятдан бери бизга лол бўлиб қараб турган Ақмарал чайқалиб отамга яқинлашди. Оппоқ момиқдай билакларини дадамнинг бўйнига солиб, нозланди:

— Мениям ола кет... Сени соғиниб қоламан, ахир...

Дадам аста-секин мени бағридан бўшатди. Ақмарал унинг бўйнига илондай чирмашиб олди. Чирмашди-ю, чўлпиллатиб ўпа бошлади...

Мен бўзлаб кўчага отилдим. Отга сакраб миндиму овулимизга қараб чопиб кетдим. Бошим айланар, еру осмон бир бўлиб қўшилиб кетаётгандек туюлар ва бетимга аччиқ шамол урилар эди. Кўзларимдан тинимсиз оқаётган ёш томчилари юзларимдан юмалаб тушиб борарди...

Отамга нафратим ошиб кетди. Энди уни бир умрга эсдан чиқаришга уриндим. Дадамнинг номи тилга олинса, алланечук бўлиб кетадиган ойимнинг ҳам кўнгли бутунлай совиди. Унинг кўз ёшлари фақат қабрда тинди...

... Мана, ҳозир ўша битаёзган ярам қайта очилиб, безиллаб турибди... Отам... ўша отам — бизни ташлаб кетганига тўққиз йил бўлибди... Мактабни тугатиб, етуклик шаҳодатномаси олганимда ҳам, қурилиш билим юртига

кирганимда ҳам отам ёнимда бўлмади. Тўй-тамошалар билан уиланганимда ҳам отам юзини кўролмадим. Бироқ дўст-ёрларим отам билан онамнинг йўқлигини билдиришмади... Эндиликка келиб эса, отамни касалмиш, деб эшитардим. Бунинг устига яна — Ақмарал ташлаб кетганмиш... Мана, у ҳозир менинг остонам олдида турибди. Ўз фарзандининг уйига киришга ботинолмай, кўчада изн сўраб изтироб чекади, кўзлари ногирон қийналади.

Рафиқам ҳам ҳайрон. Дадамнинг қайлардадир тентираб юришини биларди. Лекин қайтиб келар, деб ҳеч хаёл қилмасди чамаси. «Нима қиламиз?» дегандай менга жавдираб боқади. «Гапни чўзмайман! — дейман ичимда. — Онамни номусларга ўлдириб, ёлғиз боласини ташлаб кетган одам... Унга ҳар қанча аччиқ гапирсам арзийди. Лекин мен қаттиқ гапирмай, қисқагина қилиб: «Кетинг бу ердан! Менга ҳеч керагингиз йўқ!» деб қўя қоламан онамга ўхшаб...»

Айтадиган гапларимни қайта-қайта ўйлаб олиб, ўрнимдан турдим.

Кўчага чиқишимни биламан, кўримсизгина бир одам шошиб ердан кўтарилди-ю:

— Болам! Ўғлим, ўғилгинам! — деб менга қараб толпинди. Аъзойи баданимдан дармон аригандай лол, қарахт туриб қолдим. Отам эса: — Оҳ, бўйингдан, менинг фарзандгинам! — дея жон-жаҳди билан қучоқлади.

Шунда кўзларимдан беихтиёр ёш қуйилиб кетди. Музлаб ётган юрак ҳиссиётларим ўша қайноқ ёшлар тафтидан исиб, эриб кетгандек бўлди. Мен ҳам отамнинг бўйнидан қаттиқ қучоқлаб олдим у кўксига юзимни босдим ва ёш боладай ҳўнграб йиғлаб юбордим.

ЙУЛДА

(Ҳикоя)

Шағал ортган бир самосвал машина рўпарамга келиб тўхтади. Жингалак сочли шофёр йигит кабинадан бошини чиқариб, менга им қоқди.

— Қаерга кетяпсан?

— Тахтага.

— Ундай бўлса, машинага чиқ! Қарга боласидай нега у ёқ-бу ёққа аланглайсан? — деди шофёр.

Гапидан ансам қотиб, унга совуққина тикилдим-да, ёнига ўтирдим. Машина ўрнидан қўзғалди.

«Тазғара»га етгунимизча иккаламиз ҳам чурқ этмадик. Шофёр юнг босган йўғон билакларини рулга қўйганча миқ этмай борарди. Билагининг уч ерига олисдан отилган ўқ тешиб ўтган юрак сурати солинган эди. Онда-сонда деворга ёпишган қалдирғочнинг қанотидай ингичка муртига бош бармоғини олиб борар, тўлқинсимон қалин сочини сийпаб қўярди. Рўпарадан келялган машиналар кўпайган сари у икки кўзини йўлдан узмай тикиларди. Эгри-бугри асфальт йўл машина гилдираклари остида поёни йўқ лентадай ўтиб борарди...

Бир неча кун илгари ёққан қор худди кечагина тўшалган кўрпадек ҳамма ёқни қоплаб ётарди. Тушга бориб қор эриб, ер балчиқ бўлди. Эрувгарчилик бошланди. Бамисоли январь ўрнини эрта келган март ойи эгаллагандай эди...

Мени эрталабданоқ баҳорги эринчоқлик қамраб олган эди. Айниқса бу эринчоқлик иссиққина кабинага кирганимда баттар авжига чиқди. Бамисоли сувдан янгигина чиққан одамдай тинка-мадорим қуриб, уйқум келаверди. Уйқу элтиб, икки-уч марта қалқиб кетганимни ҳам билмай қолибман.

— Ҳой, сенга нима бўлди, худди мардикордан қочган одамдай аранг ўтирибсан!— деди шофёр қошларини чимириб.

— Э, асло сўрама, дўстим, уйқу деган зорманда жудаям ёмон бўларкан.

— Ёнгилроқ кийиниш керак-да. Шундай иссиқда ёқалик пальто кийишнинг нима кераги бор?! Мени қара, кўрдингми, кўйлақчангман, уйқум ҳам келмайди.

Уйқунинг фойда ва зарари ҳақида бир оз суҳбатлашдик. Гап орасида медицина техникумида ўқиётганимни, ҳордиқ куни бўлгани учун Тахтакўприкдаги тоғамникига ўйнагани кетялганимни айтдим. У шолиторлик совхозида қурилялган клуб учун шағал ташиётганини гапириб берди. Сўнг шофёр гапни бошқа мавзуга бурди.

— Исминг нима?

Мен исмимни айтдим. У олдида кетаётган автобусни қувиб ўтар экан:

— Менинг исмим Жабборберган,— деди.

— Ундай бўлса Жаке деяверсак ҳам бўлаверар экан-да.

Йигит устидан муздек сув қуйилгандек сесканиб кетди.

— Мени нима деб атасанг атайверу, илло Жаке дея кўрма, дўстим.

— Нега?

— Эсимга бир кўнгилсиз воқеа тушади.

— Қандай воқеа? Ишқилиб авария эмасми?

— Йўғ-э! Шунчаки бир воқеа-да...

— Уни сира ҳам...

— Қандай?

— Айтишга ҳам арзимайди, шунинг эсласам ўзимдан ўзим уялиб кетаман. Айтсам, мазах қилиб юрмагин тағин.

— Агар мазах қилсам тил тортмай ўлай! Оғайни, айтавер.

— Шу вақтгача ҳали биронта одам мени Жаке деб атамаган эди. Биринчи марта бир одам мени «Жаке, Жабборчик» деганини эшитиб қолдим. Шу гап бошимга битган бало бўлди. Шунинг касофатидан уйланганимдан бери мени Жабборберган деб чақирадиган хотиним ҳам Жаке дейдиган бўлиб қолди. Бунинг билан аччиқ-араз бўлган вақтларида айтарди. Енгил табиатлигим туфайли бошимга ортирган ўша кўнгилсиз воқеани таъна қилмоқчи бўларди. Энди мени Жаке деб атайдиган одамнинг учинчиси сен бўласан, оғайни! Бориб-бориб шу исмим сингишиб кетмаса гўрга эди.

— Нима қилибди, оғайни, шунга ҳам ҳам ейсанми, бунинг учун сени ҳеч ким судга бермайди-ку.

— Нимасини айтасан, ошна, ўшанда судлангандан кўра баттарроқ ташвиш тортганман. Қани энди шу топда ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсам дердим ўшанда.

— Бу воқеа қачон бўлган эди?

— Ўтган йил кузакда. У вақтда самосвал эмас, юк машина ҳайдардим.

Жабборберган муҳим бир воқеани эсламоқчи бўлгандек анчагача индамади. Моторнинг гувиллаши эшитилди. Икки томонимиздаги қизғиш қум тепалар буралиб-буралиб тобора ортимизда қоларди. Йўл четидаги ёлғиз теракка жон киргандай, тобора бизга яқинлашиб келарди.

— Ўша куни эрталаб,— деди Жабборберган ўрта бармоғи билан мўйловини силаб.— Автобаза инженерининг буйруғи билан боғдорчилик совхозига борадиган бўлдим. Совхоз шаҳардан қирқ чақиримча эди. Йўл ёмон. Йўлнинг ярми ўйдим-чуқур, ундан нарёғи эса, тупроқ йўл. Қўроқчилик бўлсаям гўрга эди, аксига олиб, ўша куни ёмғир ёғган эди. Ботиб қолдингми, тамом-вассалом, биронта машина

келиб тортиб чиқармаса қўзғалиб бўпсан. Шу гапни ётиги билан бош инженерга гапирган эдим, у жеркиб берди.

— Картошка билан карам ейишни биласанми?— деди уйқудан эндигина уйғонган қарчиғайдай башарамга тикилиб.— Ёки билмайсанми?

— Албатта биламан,— дедим мен.

— Билсанг, ана шу сабзавотлар транспорт бўлмагани учун далада чириб ётибди дейишяпти. У томонга сен ёлғиз бормайсан. Тушдан кейин яна бешта машина жўнатилади. Гапни кўпайтирмагин-да, йўлингдан қолма.

Мен йўл-йўлакай уйга кириб, ҳали бир-биримизга тўймаган хотиним Жапаргул билан наридан-бери хайр-хўшладим, йўлга равона бўлдим.

«Совқотмаган одам тўннинг қадрини қардан билсин» деганлари ҳақ гап. Шаҳардан чиқмай юрган кишига асфальт йўлнинг қадри ўта бошлади. Ёмғир зўрайган сари жоним ҳалқумимга келарди. Бора-бора қатқалоқ йўл қорамтир балчиққа айлана бошлади. Қийин аҳволга тушиб қолишим аҳтимол эди. Шу пайт бошига плашини ёпиниб, йўлнинг бир четида шумпайиб турган одамга кўзим тушди. Уст-бошидан аёл киши эканлигини пайқадим. Раҳмим келди. Бунга бир одамгарчилик қилишга аҳд қилдим. Машинани секинлатдим, ёнига боргач, тўхтатиб, кабина эшигини очдим-да:

— Машина кутяпсизми?— дедим.

У тўхтаганимни кўриб «ҳа» дегандай бўлди-ю, сакраб кабинага ўтирди.

— Дунёда меҳрибон йигитлар ҳам бор экан-ку!— деди бошидаги плашини олар экан.

Жиққа ҳўл бўлган рўмоли бошидан сирғалиб тушди. Уни олаётиб қизнинг очиқ тиззаларига кўзим тушди. Оп-поқ болдирларига ёмғир томчилари сачрабди. Нечукдир ийманиб кетдим.

— Кечирасиз,— дедим қизариб.

— Нимани?— деди у ҳайрон бўлиб.— Ботқоқлик ўрта-сида тўхтатганим учун мен сиздан кечирим сўрашим керак?!

У сочидаги сувни сиқар экан, менга қараб жилмайди. Кулгиси шундай нозли эдики!

— Сиз бўлмаганингизда йўлда қолиб кетган бўлармидим,— деди юмшоқ елкасини елкамга текказиб.

— Э-э, нималар деяпсиз, бунинг ҳеч зарари йўқ, синглим!

— Синглим дейсиз... Айтгандай, сиз мендан каттами-

сиз? Кўринишингиз ёш болага ўхшайди-ку... Сизни савлатли қилиб турган нарса фақат мўйловингиз-да...

Машинани тўқай орасидан кесиб ўтадиган йўлга бурган ҳам эдим, қиз яна савол берди.

— Сиз шу ерликмисиз?

— Нима эди?

— Авваллари бу томонларда юрган одамдай кетяпсиз!

Икки чақиримча юрганимдан сўнг билмаган киши бўлиб зимдан унга яна бир назар ташладим. У йўлдан кўзини узмай ўтирарди. Мўрча-миён, писта даҳани тагидаги билинар-билинмас бағбақаси, қайрилма узун киприги ёндан қараганда жозибали кўринарди. Зулукдек тим қора чилвир сочларини тароқ эмас, шамол тарагандай эди...

Бошда, куз тушмай туриб куннинг совий бошлагани ҳақида суҳбатлашдик. Об-ҳаво ҳақида билганларимни ўзимча сўзлаб бердим. Гапга тушиб кетиб йўлнинг ўртасидаги чуқурликка келиб қолганимни ҳам билмай қолибман. Машина дафъатан қаттиқ чайқалди. Унинг кўкраклари дириллаб кетди. У: «Вой!» деганча менга ёпишиб олди. Чилвир сочлари чаккамга текканда электр токи ургандай ҳис қилдим ўзимни.

— Исмингиз нима?— деб сўрадим.

— Сора,— дея жавоб қилди у.— Ўзингизники-чи...

— Жабборберган.

— Исмингиз жудаям узун экан,— деб кулди Сора.— Жаке ёки Жаббор дейиш осонроқ. Қайтанга бу от яхши эшитилмайдими?

Менга нозу карашма қиялганини сезиб турардим.

Шундан кейин тортинмай, бемалолроқ гаплаша бошладим. Сора пединститутнинг охирги курсида бўлиб, опасининг уйига кетяпган экан. Ёмғирдан деворлари нураб қолган почта олдида у машинадан туша ётиб:

— Мен бу совхозда ўн кун бўламан,— деди.

— Бир-икки кундан кейин соғлигингиздан хабар олгани келсам қалай бўларкин?

— Нега ундай дейсиз?

— Ахир, бугун анчагина ёмғирда қолиб кетдингиз... Шамоллаб қолмасангиз яхши эди деб қўрқяпман!

— Дори олиб келасизми?

— Касалингизга қараймиз-да?!

— Ундай бўлса конфет олиб кела қолинг!

Сора садафдек тиниқ тишларини кўрсатиб кулди ва мен томонга ўгирилиб, бир нафас юзига тикилиб қолди.

Сора билан учрашганимдан кейин ўзимда қандайдир ўзгариш рўй бергандай сездим. Унинг кулгиси, ёқимли овози ҳамон қулоқларим остида қўнғироқдай жаранглаб, юрагим ҳовлиқарди.

Ёшгина хотиним Жапаргулни Сора билан солиштирганимда у кўзимга бамисоли алвастига ўхшаб кўринарди. Катта акам: «Йигит кишининг боши иккита бўлмагунча, моли ҳам иккита бўлмайди» деб ҳадеб қистайвергач, шоша-пиша унга уйланганим эсимга тушиб кетди. Ушанда ҳам ёш, ҳам ғўр эканман. Ўрта мактаб, армия... Ундан кейин шофёрлик... Ҳаётнинг аччиқ-чучугини мутлақо тотиб кўрмаган эканман! «Бу нима қилганим ўзи? Нон тепкиликми ёки бўлмаса йўлдан адашишми?— дея ўйлаб қолдим.— Уй-жойим, рўзгорим кимникидан кам?! Нега ношукурчилик қиялман!» Лекин бошимда ўралишиб қолган бу тутуруқсиз ўйлар ҳадеганда ҳаёлимдан кўтарилмади. Сорани уч-тўрт кунгача учрата олмадим. Опасининг уйи қаердалигини ҳам сўраб қолмаган эканман. Бу кечириб бўлмайдиган суюқлик эди. Кечга яқин ишдан кўнглим хира бўлиб қайтдим... Турадиган ерим узоқ эди. Гузарга борадиган йўл ҳаммомнинг ўнг томонидаги сойликдан кесиб ўтарди. Йўлнинг икки чеккасига қатор қилиб тол экилганди. Толлар сарғиш япроқларини тўкиб, яланғочлана бошлаган эди. Кун совуқ бўлганидан бўйнимни ёқамга тиқиб, аста одимлаб келардим. Бетўхтов уст-устига рейс қилиб жуда чарчагандим. Ҳаёлимга овқат билан уйқудан бўлак ҳеч нарса келмасди.

Орқадан шамол урди. Тол новдаларида зўрға илиниб турган япроқлар шамолда дувдай тўкилди. Бир япроқ юзимни сийпаб ўтди. Юзимга бегона одамнинг муздек қўли теккандай этим жунжикиб кетди. Шу пайт қулогимга Соранинг таниш овози эшитилди.

— Ҳаво бунчаям яхши-а!

У бошқа битта-яримта билан гапиришиб келаётган бўлса керак, деб ўйладим. Орқамга қарамадим. Ёқамдан совуқ шамол киргандай бўйним совқотаверди.

— Саломатмисиз?— деди Сора яқинлашиб келар экан.— Нега қарамайсиз?

— Қалайсиз, яхшимисиз? Кечирасиз, мен сизнинг ёлғиз эканлигингизни ҳозиргина билиб турганим.

— Ростдан-а! Ие-е, машинангиз қаерда!

— Дам оляпти...

— Айтганча, олиб келаман деган конфетингиз қани?!

Индаганим йўқ. Қизнинг бетига бир қараб қўйдим. Ҳазиллашаётганини сиздим.

— Сизни энди қайтиб кўролмасам керак, деб ўйловдим,— деди Сора.

— Кеча клубда ҳам кўринмадингиз?

— Шундай... Қўлим тегмади...

— Ҳо-о!

«Сора мен билан тўсатдан учрашиб қолганлигидан иложсиз мен билан бирга келяпти» деб ўйладим мен. Бевозта бўла бошладим. «Хўп, саломат бўлинг! Мен бу томонга юришим керак» деб шартта бурилиб кетса нима қиламан?! Қизни қандай қилиб аврашни, гапни нимадан бошлашни билмай гангиб қолдим. Бамисоли худди тилим танглайимга ёпишиб қолгандай эди. Ўзимдан ранжидим. Бир вақт қарасам, ётоқхонадан ҳам ўтиб кетибман. «Тўхтамаганим яхши бўлган экан-да?!» Совхоз билан шаҳарни бирлаштирадиган кенг йўлга чиқдик. Уч-тўртта машина ёнимиздан ғизиллаганча ўтиб кетди.

Ўтин ортган яна бир машина бизга яқинлашиб қолганди. Мен сир бой бермай сиполик билан:

— Эҳтиёт бўлинг,— дедим-да, унинг қўлидан ушладим. Йўлнинг четроғига ўтдик. Машина аллақачон кўринмай кетган эди. Лекин унинг қўлини ҳамон ушлаб турардим. Утган-кетганлар худди бизга қараб тургандай эди назаримда.

Мен Сорага:

— Сизни биринчи марта кўрганимда ҳойнаҳой артистка бўлса керак деб ўйлагандим,— дедим. У эса ноз ила кулиб:

— Машинангиз бўлмаса кўрган одам сизни ҳам артистга ўхшатади,— деди.

— Доирачигами?

— Йўғ-э!

«Бу қиз мен билан фавқулодда учрашганидан бирга келётган бўлмаса керак. Ҳар қалай мен унга ёқиб қолган бўлсам керак» деган фикр келди бошимга. Кўнглим кўтарилиб, шофёрликнинг ҳам ёмон касб эмаслигини сўзлай бошладим. Икки юзи қип-қизил Сора гапларимни берилиб тинглади. «Демак, нима демоқчи эканимни сезганга ўхшайди чамамда!»

Сорани бир синамоқчи бўлдим. Беш-олтита терак экилган хиёбондан кесиб ўтар эканмиз:

— Шу ерда бир оз ўтирмаймизми?— дедим. Қизнинг қўлини қўйиб юбордим-да, терак остига қўйилган скамейка томон юрдим. Сора ҳам индамай орқамдан келаверди.

Елкамиз елкамизга тегиб ёнма-ён ўтирдик. Мен унга.

— Чекаверсам майлими?— дедим.

Сора:

— Майли,— дея бирдан сансирашга ўтди. Ёқамга ёпишган оппоқ низомни қўли билан олиб ташлади.

— Раҳмат!

Гапни нимадан бошлашни билмай, бир оз индамай ўтирдик. Ёнимиздан йўловчилар ўтиб турарди. Ёшроқлари бурилиб Сорага қараб қўйишарди. У эса хижолат бўлганидан менга қарарди.

Сора ота-онасининг якка-ёлғиз эркатой қизи экан. Мактабда қандай ўқиганини, институтга киришда бир фандан уч баҳо олиб, конкурсдан зўрға ўтганини яширмай айтиб берди. Бамисоли мени эски танишидек билиб гапирди. Гапни маъқуллатгиси келгандай ора-сира қўлимдан ушлаб қўярди. Қуёш нурида киприклари қизғимтир товланаётган кўзларида ёш болага хос соддалик, самимийлик аломати барқ урарди. Мен хотиним борлигини айтмоқчи бўлиб бир неча марта оғиз жуфтладим. Лекин ҳис-туйғуларим бунга йўл қўймади.

— Анчагина дам олдик, энди турсак ҳам бўларди?— дедим мен. У ўрнидан турди-да, менга бўйсунгандай ортимдан юрди.

Кун ботай дерди. Бунга аҳамият бергим келмасди. Сора ҳам шундай, билиб билмаганга оларди ўзини. Қўлтиқлашиб юриб роса сайр қилдик. Бундай вақтларда гапни нимадан бошлаб, нима билан тамомлаганингни ҳам сезмай қоласан киши. Бир вақт қарасам, Соранинг опасининг уйи олдида турибмиз. Индамайгина хайрлашдик. Қизнинг момикдай юмшоқ қўлларини қадоқли панжаларим орасига олиб, узоқ ушлаб турдим.

* * *

Шундан кейин Сора билан тез-тез учрашиб турдим. Уни икки марта машинанинг кабинасига ўтқазиб, район марказига олиб бориб келдим. Ётоқхонага ҳам жуда кечикиб қайтадиган бўлиб қолдим. Бирга хизмат қиладиган оғайниларим: «Бу дейман, сенинг йигитчилигинг қўзиб кетдими? Дам олишни ҳам унутиб қўйдинг!» дейишиб куладиган бўлиб қолишди. Бу ёғини улар қардан билишсин.

Сора билан юряпганимни ҳали ҳеч ким билмасди. Сирасини айтганда, битта-яримтага билдирмасликка ҳаракат қилардим. Менинг қиялпанг ишларим баайни қалин қорда қуённинг изидан қувиб юрган мерганнинг ишига ўхшарди...

Бир марта, лекин қайси кунлиги ҳозир эсимда йўқ, клубда икки серияли фильм қўйилди. Сора опаси ва поччаси билан келган экан. Аҳён-аҳёнда ўтирган еридан менга қараб-қараб қўярди. Ёнимга келай деса кўпчиликдан ийманарди. Чироқ ўчганидан кейингина сурила-сурила яқинроғимга келиб ўтирди.

— Бу фильмни илгари ҳам кўрган эдим,— деди секин шивирлаб.— Уйга кетаман. Сен-чи?

— Ундай бўлса, олиб бориб қўяй?

— Кетдик бўлмаса!

Ташқари совуқ эди. Осмонда парча-парча булутлар сузиб юрарди. Тулин ой булутлар орасида гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай кетарди.

— У ҳам совқотяптими дейман-а?!— деди Сора ойга қараб. Қўлларини ҳуҳлаб пинжигга тикди. Билаклари кўкариб кетганди.

— Қўлқопинг қаёқда?— дедим.

— Боя йўқотиб қўйдим!

Унга қўлқопимни ечиб бердим. У миннатдорчилик билдириб, менга қаради. Пилорама томондан хўрознинг қичқирган овози эшитилди.

— Соат неча бўлдийкин?— дея сўрадим мен.— Хўроз чақиряпти!

— Чақираётган бўлса, бориб кела қол!— деди Сора.

Икковимиз ҳам кулиб юбордик. Йўлнинг чанг эканлигини ҳам, куннинг совуқлигини ҳам унутдик. Қоронғи тун икковимизни янада яқинлаштириб юборгандай бўлди. Гапга берилиб келиб, опасининг уйига келиб қолганлигимизни сезмай қолибмиз. Бегона уйга киргим келмай, эшик олдида туриб қолдим.

— Бу ёққа кир!— деди Сора.— Бир оз исиниб олгин! Совқотгандирсан?! Кейин кетарсан!

Уйлари жуда ҳашаматли бўлиб, ундаги асбоб-анжомлар ҳам кўп эди. Шкаф, сандиқ, стол-стулларнинг орасидан зўр-базўр ўтиб олдим.

— Уйинг магазинга ўхшайди-я!— дедим устига гилам ташланган диванга ўтирар эканман.

— Бу уй меники эмас. Нима, бу ерда опам туришини унутдингми?

— Э, эсим қурсин!

— Чой ичасанми?

— Йўқ!

— Ундай бўлса, музыка эшитасанми?

— Майли.

Сора «Астра» маркали магнитофоннинг қопқоғини кўтарди. Ҳижронда юракка ором берувчи араб музыкаси янгради.

— Яқинроқ ўтириб эшит!

Мен стол томонга яқинроқ бордим. Бечора қизнинг ғам-андуҳга тўла мунгли овози қўшиқнинг ҳар бир қатори охирида беихтиёр «Эльхеббийбун.. Лақалбун, хебийбун!» деган сўзларни такрорларди. Сора кўзларини бир нуқтага тик-канича қимирламай ўтирарди. Сочларининг учини қайта-қайта ўрарди...

— Ҳар бир куй халқнинг юрак дардини ифодалайди. Шу куйни эшитсам юрак-бағрим эзилиб кетади! Куй аянчли турмушни эслатади: у томонларда қанчадан-қанча йигит-қизлар қирчинидан қийиляпти. Назаримда, мана шу нотавонлар қўлларини чўзиб, инграяпгандай бўлади.

Соранинг киприкларига гўё шудринг ингандай йилти-раб, кўзлари ёшланди. Магнитофон ҳамон «Эльхеббийбун ваалбун!» дейишни қўймасди. Шоду хуррам турмушнинг ўрнини ғам-ташвиш эгаллагандек бўлди.

— Сора!— дедим мен унинг сочларини аста силаб.— Қалбун дегани нима? Ашуланинг мазмуни қанақа?

— Қалбун — юрак деган сўз, Жаббор!— деди Сора елкамга бошини қўяр экан.— Ашуланинг мазмуни: «Муҳаббатнинг тили йўқ, унда фақат тинч юраклар ўйнайди» деган маънони англатади. Энди тушундингми?

Унинг яна нималар деганини англамадим. Қуёш бетини булут қоплагандай бўлди, кўзларим тиниб, атроф қоронғилашиб кетди. Фақат Соранинг бўлиқ кўкраклари-ю, лорсиллаган болдирларини сезардим, холос. Вужудим ҳароратли бўса олишдан жимирлар эди...

...Унинг энтикиб-энтикиб нафас олаётганини сезиб турардим. Сира кетгим келмай, унинг юзларига суйкаланардим...

Ҳовли эшиги ғиқ этиб очилди. Аста одимлаб келаётган оёқ товушлари эшитилди. Сорани қучиб турган қўлларим аста бўшалди. Сора шоша-пиша сочини тузатар экан:

-- Кино шунчалик тез тугадими-а?— деди хўрсиниб.—

Эртага соат олтиларда учрашамиз?! Ҳозир боғ томон билан билдирмай чиқиб кет! Йўқса...

Унинг сўзларини бўса аралаш ютиб юбордим-да, икки сакраб боққа чиқдим...

Эртасига бу томонга йўлим тушмади. Картошка билан қовун экилган бўлимдан қайтиб келаётганимда машинам лойга ботиб қолди. Совхоз марказига бир амаллаб етиб олдим. Машинани лой-пойи билан гаражга қўйдим-да, ҳеч қаёққа қарамай, зинғиллаганимча ётоқхонага югурдим. Ювиниб-тараниб кийингунимча ярим соатча вақт ўтди. Пишиб турган овқатга ҳам қарамай, Соранинг уйига йўл олдим.

Эшикни тақиллатган эдим, унинг ўзи чиқди. Ҳамиша кулиб турадиган Соранинг юзида ўпкаланиш аломатлари қўриниб турарди. Ичкарига кир ҳам демади. Тузуккина саломлашмади ҳам. Икки қоши ўртаси сунъий чимириларди. Бу бир нимадан қаттиқ кўнгли ранжиганда пайдо бўларди. Лаблари пирпираб учиб турарди. Енимдан индамай ўтиб кетди. Орқасидан етиб олиб, ёнма-ён кетавердим. Лекин у киё боқай демасди.

— Сора, бу нима қилганинг, нимадан хафа бўлдинг?

— Нега кечикдинг. Кутавериб кўзларим тўрт бўлди. Кўп куттирадиганларни ёмон кўраман.

— Мен ҳам бекордан-бекорга бақирадиган одамларни ҳуш кўрмайман,— дедим аччиғим қистаб. Шундай дедим-да, ундан илгарилаб кетдим. Ётоқхонага келиб ечинмасданок ўзимни ўринга ташладим. Бу гина-кудурат узоққа чўзилмади. Сорадан кечирим сўрадим. Яна қайтадан ярашдик. Шу воқеадан кейин унинг феъл-атвори жуда ўзгариб қолди. Энди мен билан ётиғи билан гаплашадиган бўлиб қолди. Кўпинча қўлимдан ушлаб индамай юрарди. Ишхонамга ҳам бориб турадиган бўлди. Сиртдан қараган одамга биз эндигина бир-биримиз билан топишган ёшлардек кўринадик.

Уч кундан кейин тушга яқин шаҳарга қайтиш учун тайёрландим.

— Автобаза директори чақиртирибди,— деган эдим, Сора:

— Кетяпганга ўхшайсан,— деди қовоғини солиб.— Эртага мен ҳам кетмоқчиман. Шаҳарда қандай учрашамиз.

— Агар иложи бўлса, марказий почтага хат ташлаб кетгин. Хўп, хайр бўлмаса!

Машина ўрнидан қўзғалиши билан қиз подножкага сак-
раб чиқиб олди. Кабинага бошини тикиб, менга жавдираб
қаради. Бу қарашида қандайдир чуқур маънони, яъни кўп
интизор қилма деган маънони уқиш мумкин эди. Мен унинг
лабларидан, ўнг кўзидан анчагача ўпиб турдим. Сора:
«Жаббор, мен сени... Сенга... Жаббор!» деган бир-бирига
қовушмаган гапларни шивирлаб, нозик бармоқлари билан
сочларимни силарди.

Директорга учрашгач, уйга келдим. Хотиним Жапаргул
каравотда кўрпачага бурканганча мукка тушиб ётарди. Шо-
шиб қолдим.

— Нима қилди, мазанг йўқми?

Сал нарсага йиғлаб юборадиган Жапаргул:

— Келдингми?— дея кўзларини ишқалади.— Ун кун-
ча бўлди, бошим айланиб, кўнглим айнайди. Врачнинг га-
пига қараганда...

Нозик гавдали, сочлари қалин Жапаргул уятчан эди.
Қизариб ерга қаради-да, ўрнидан турди.

— Кўйлагингни ечиб берсанг, юиб берардим. Шифонь-
ерда шерсть кўйлагинг осиглиқ турибди, ўшани кийиб ол.

У ошхонага кетди. Овқат тайёрлай бошлади. Хотиним-
нинг юришига, қоматининг ўзгарганига яхшироқ разм со-
либ, ич-ичимдан суюниб кетдим. Яқинда хонадонимизда
учинчи одам пайдо бўлади.

— Жапаргул!

— Нима дейсан?!

— Бу ёққа кел-чи!

Уялганига қарамай уни тиззамга ўтқазиб, қулоғига пи-
чирладим.

— Врачлар нима деди?

— Менгами?! Менга...

Жапаргул доғ тушган юзларини юзимга босиб, бўйним-
дан қучоқлади. Ҳеч вақт ўзимни бундай бахтиёр сезмаган
эдим.

«Шундай хотиним бўла туриб бошқаларга кўз олайти-
риб юришим инсофдан эмас-ку,— деб ўйладим.— Бу йўлдан
қайтишим керак». Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас,
деганларидек, буни марказий почтадан Сора ёзган хатни
олганимда сездим. «Жаке,— деб ёзарди у,— Жабборчик!
Ҳозир сенга узоқдан-узоқ хат ёзишга вақтим йўқ. Мени
унутмаган бўлсанг, бугун соат еттиларда театр олдига кел!
Кутаман!» Шу сўзларни ёзган қўл бир вақтлар сочимдан
силаб, бўйнимдан маҳкам қучоқлаган. Юрагим тез-тез ура

бошлади. Соранинг сиймоси кўз олдига келди. Унинг хипча белларидан қучиб тургандек ҳис қилдим ўзимни!.. Тўппа-тўғри театр томон йўл олдим. «Кечикиб қолмасам яхши эди-да?!» Соатимга қараганимдагина ўзимга келдим. Соат энди беш бўлибди. Бунинг устига, иш кийимида эканлигимни ҳам энди пайқадим. Соқолим ҳам ўсган экан. «Уйга кириб чиқмасам бўлмайди!» Уйга келиб янги костюмимни кийдим-да, кечагина олган галстукни тақдим. Ёқаларимга атир ҳам сепдим. Шифоньердан «репейное масло» деб ёзилган шишани олиб, сочимга суртдим.

— Сенга нима бўлди?!— деди ҳайрон бўлиб Жапаргул.— Ясаниб олибсан?!

— Мажлисга кетяпман!

— Мажлисга?

— Билмадим... Директор мени, тезда етиб келсин, дебди...

— Овқатингни еб кетгин ундай бўлса!

— Майли, олиб кела қол!

Жапаргул олдимга овқатни олиб келиб қўйди-да, ўзи даҳлизга чиқиб кетди. Соранинг мактубига яна бир карра кўз югуртирдим. Бошқача бўлиши мумкин эмас, ўшанинг қўли. «Соат еттида театрнинг олдида кутиб тураман, кел!» деб ёзилган эди.

Соатга қарадим. Ҳали қирқ минут вақт бор экан. Пальтомни кийдим. Яна аввалгидек кечикиб, Сорани куттириб қўймай, дедим. Ундан олдин бориб кутиб турмоқчи бўлдим.

Кўчага чиққанимда қош қорайган эди. Кенг кўчадан машиналарнинг кети узилмай ўтиб турарди.

Тез-тез юриб пивоҳонанинг олдига энди етувдим ҳам-ки, биров менга салом берди.

— Ассалому алайкум, Жабборберган!

Овозидан танидим. Универмагда сотувчи бўлиб ишлайдиган Шокир экан.

— Қалай, оғайни, ишларинг жойидами?

— Ёмон эмас! Айтгандек, яқинда бизга модний пальто келди. Биттасини олмайсанми, шунақанги зўрки, асти қўявер!

Шокир ширакайф экан шекилли, қаёқдаги бўлмағур кийимлар ҳақида роса йигирма минутча вайсади. Қўлимдан маҳкам ушлаб олиб, сира қўйиб юбормайди. «Шулардан биттасини нима қилсанг ҳам ол!» деб қистайверди.

— Хўп, хўп!.. Эртага албатта олганим бўлсин.

Шокирдан бир илож қилиб аранг қутулдим. Лекин юз қадамча юрар-юрмас, у яна орқамдан қувиб етиб олса бўладими.

— Шошма, шошма, Жабборберган! Бир нарсани айтаман деб ёдимдан кўтарилибди!..

— Хўш, нимани?

— Тўхта, айтаман?!

— Нима гап ўзи!— дедим мен орқамга қайрилиб.

— Ма, папиросдан чек!— дея Шокир папирос узатди.— Пивохонага кириб бир отамлашсак қандай бўларкин.

— Вақтим зиқ, гапингни шу ерда айтавер?!

— Яқинда зўр костюмлар келадиған. Шундан ҳам биттасини олсанг, демасқийдим-да, дўстим.

Юрагим сиқилиб кетди.

— ...

Югурганимча театрнинг олдига бордим. Соат еттидан беш минут ўтибди. Нарироқда турган Сорага кўзим тушди. Мени кўрди шекилли, орқасига бурилиб, кетаверди. «Яна хафа қилиб қўйдимми! Энди унинг олдида субутим қолмади!»— деб ўйладим мен.

— Сора!— дедим унга етиб олиб.— Кечирасан, хафа бўлма. Атиги беш минут...

— Нима дейсан?— дея тўсатдан орқасига қаради Сора.— Жак!

«Жоним ҳалқумимга келди» деган гапнинг маъноси шундай бўлса керак-да!.. Турган еримда ҳайкалдай қотиб қолибман. Қаршимда хотиним Жапаргул турарди. «Қўрққанга қўша кўринади» деганларидай, шошганимдан ўз хотиним кўзимга Сора бўлиб кўринган экан! Боя, шошилинича Соранинг хатини столнинг устида қолдирганим лоп этиб эсимга тушди. Юрагим орқамга тортиб кетди. Шундай бўлса-да, сир бой бермай:

— Ҳой, нима қилиб турибсан бу ерда?— дедим.

— Сорани кутиб турибман, Жакежон!..

Қопқонга тушган тулкидай юрагим така-пука бўла бошлади. Шу орада Сора ҳам келиб қолди. Зиёфатга бораётгандай росаям ўзига оро бериб кийинибди. Учи найза туфлида тақ-туқ қилиб юриб олдимга келди-да, нафасини ростлаб:

— Келдингми?— деди.

Унинг қарашларига бардош беролмай:

— ...Сора!— дедим аранг тилим айланиб.— Бу менинг...

— Таништирмай қўя қол! Жапаргул иккимиз ҳозиргина танишдик,— деди Сора.— Сен тўғрингда гапиришдик. Сен ўзи...

— Кечир мени!— дедим зўр-базўр.— Кечир мени?!

— Шуям гап бўпти-ю?!— Соранинг овози қалтираб кетди:— Ўзингнинг ким эканлигингни яхшилаб билиб ол,— дея бетимга тикилди.— Эсингдами, менга: «Сизни биринчи марта кўрганимда артисткага ўхшатдим» деган эдинг. Мен эса: «Машинангиз бўлмаса, сизни ҳам кўрган одам артистга ўхшатади!» дегандим. Ҳақиқатан ҳам шундай экан!.. Сен зўр артист экансан! Артист бўлганда ҳам турмушдаги ролни ўйнамоқчи бўлган артист экансан!..

Сора кўз ёшларини дастўрмолчасига артиб, тескари ўгирилиб олди.

— Яхши қол, Жабборчик!

— Ҳ-м-м,— деди Жапаргул менга тешиб юборгудай тикилиб.— Сен ҳали шунақа одаммидинг?! Қани, уйга юр! Олдимга туш!!!

«...Ўлмай туриб гўрга киришнинг маъноси мана шунақа бўлар экан»— дея тамомлади Жабборберган сўзини.

ҚИЗИЛҚУМ ЛАВҲАСИ

(Ҳикоя)

Ёз ойларининг иссиқ кунларидан бири. Тиккага келган қуёш чексиз кенгликларни аёвсиз куйдирарди. Қизилқумнинг шундай кенг қучоғида нафас олишга ҳаво етишмас, қилт этган шамол йўқ эди. Онда-сонда саксовулардан-саксовуларга учиб-қўниб юрган олатўғаноқларгина кўзга кўринар ва улар ҳам ўзларига салқинроқ жой тополмай сарсондек туюларди. Сичқонлар ҳам инларига кириб олишган эди.

Узоқ-узоқлардан Қизилқумнинг мана шу мангу, қўрқинчли тинчлигини бузмоқчидай бир карвон яқинлашиб келарди: оёқларини санаб босаётган туялар инграниб олға силжишарди. Карвон олдидаги ёлғиз отлиқ киши қалқиб-қалқиб келар, чамаси, карвоннинг охири етиб келишини кутаётгандек кўринарди.

Лекин шундай улкан карвоннинг келиши, Қизилқумдек такаббур чўлга олатўғаноқларнинг учганича ҳам сезилмади: чўл ўзининг сукут уйқусини бузмади — тилсим тилсимлигича тураверди.

Карвон гўё ёмғирдан кейинги кечадек жимжит эди. Йўловчиларни қандайдир ғам, қайғу босгандек туюлар, чўл азоб-анғизларига ўрганиб қолишган туялар ҳам бир маромда қадам ташларди. Уларнинг гоҳ-гоҳ бурунлари пишиллаб қолар, ора-сира пишқиришиб ҳам қўйишарди. Бу сўзсиз фарёдлар, гўё, ҳамманинг ғам-аламини орттириб, юракларида сирли бир тўлғаниш қўзғатарди. Лекин барибирам уларни Қизилқумга курашиш учун тушган шаштларидан қайтаролмасди.

Бироқ афсуски, бу карвон одамларни мол ўрнига қўшган Уроз номли ёвуз бир бойнинг савдо карвони эди. Улар Қозонга, Оқмачитга, Оренбургга, қисқаси, савдолари қаерда яхши ўтса, ўша ерга боришмоқчи. Карвоннинг олдидаги ёл-

ғиз отлық кимса — Ұроз томонидан карвонбоши қилиб тайинланган Қосимхўжа деган одам эди. Бу ҳам зулм ўтказиш борасида ўз хўжайинидан асло қолишмасди.

Карвон ўттизта юкли туядан иборат бўлиб, Қосимхўжа эски пилтали милтиқ, қолганлари чўқмор кўтариб, ҳаммалари кўзларидан бошқа жойларини рўмол билан ўраб олишганди. Булар, шафқатсиз Ұрознинг таъбири билан айтганда, қуллар эди.

«Қуллар»нинг ичида эндигина йигирма беш ёшга тўлган, мўйлови баҳор майсалари каби кўрина бошлаган, кенг яғринли, новча, ўткир қора кўзли Сафарнинг бундай олис, машаққатли йўлга биринчи бор чиқиши эди. Ёвуз Ұроз сафарга чиқиш олдидан унинг ёлғизгина эчкисини сўйдириб, «жонлик» ато қилдирганди. Бундан ташқари, Сафарнинг уйланганига атиги бир йилгина тўлган бўлиб, ёш хотини уйда зор-зор йиғлаб қолганди.

— Бораётган йўлингиз узоқ ва хатарли, — деган эди у, Сафарнинг бўйнига осилиб туриб, хўнграшдан ўзини босолмай. — Бу йўлга чиққанларнинг кўплари қайтмаган, ному нишонсиз йўқолиб кетган. Начора... омон бориб, сиҳат-саломат қайтишингизни эгамдан туну кун сўраб ўтираман... Бунинг устига, яна... оғир оёқлиман... Наҳотки пешонамга жудолик...

— Йиғлама, жоним, хафа бўлма, — деди Сафар, хотинининг пешонасидан силаб. — Яхши ният қил. «Таваккалчининг ишини худонинг ўзи ўнглайди» дейишади...

Мана энди Сафар жазирама поёнсиз қумликлар ўртасида кетаётиб, хотинининг «бунинг устига... оғир оёқлиман... наҳотки...» деган сўзларини эслар экан, «ҳадемай болалик бўламан» деб шивирлаб, мийиғида кулиб қўйди. Бироқ бу шунчаки, бир неча дақиқалик ўзини-ўзи овутиш, юпатиш эди, холос.

У олдиндаги сув ортилган туяга термилиб қараб, етим бола каби ютиниб қўяр эди.

— Сувдан ичинглар, бироқ олди-кетига қарамай шимираверманглар. Бундан бу ёғига чанқайверасизлар, томоқларингизни шунчаки бир ҳўллаб олсаларингиз бўлди, — деди Қосимхўжа сийрак қошларини тириштириб.

Бечора Сафар ташналикка чидай олмай, ўзига тегишли икки коса сувни ичиб қўйиб, эвазига ҳақорат ҳам эшитиб олди.

Милтиллаб оқаётган сувни кўриб, кўзинг тўймасдан қайта-қайта ичганинг каби, Сафар ҳам ҳамон терлаб-пишиб,

ташналығы қонмай, ұпкасы тўлиб, қосага ялт-ялт қарар әди. Сув ёнгинагда бўлса-ю, ичолмасанг, э худо!..

Сув ичиш учун фақат Қосимхўжанинг чўллашини кутиш керак әди. У бўлса икки чойнак чойни қайнатиб ичиб оларди-да, сўнг кечгача юраверарди. Шўринг қургур «қулар»га эса фақат икки қосагина сув тегарди.

— Бу қандай ёвузлик!— деди Сафар ёнидаги дўстига тўнғиллаб.

Лекин дўстининг тили калимага келмади. Чунки оғзингни очгудек бўлсанг, ўпканга отнинг ёлидек иссиқ уриларди.

Иссиқ сувсаб келаётганларни баттар ҳолсизлантира бошлади. Ун беш кундирки карвон йўлда. Олдинда эса — яна ўн кунлик йўл бор.

Карвон унсиз имиллаб келар ва гўё бу унсиз имиллаш ҳар дақиқа тиниб қолаётгандек, йўловчиларнинг ташналиклари ҳам тобора ортиб борарди.

Ниҳоят, улар қум барханларидан бирини айланиб ўта бошлар экан, бирдан чап томондан, гўё осмондан тушгандек, бир тўда отлиқ пайдо бўлиб, карвон томонга қараб юрди. Улар милтиқ, ойболта, эски қилич ва найзалар билан қуролланган бўлиб, юзларини ўраб олганликларидан кимлар эканлигини таниб бўлмасди. Қароқчилар унсиз отларини чоптириб келишар ва қўлларидаги қуролларини у ёқ-бу ёққа силкитишар әди.

Карвон аҳли саросимага тушиб қолди. Гўё шу дақиқа уларга осмон узилиб ерга тушгандек ва иссиқлик ўрнини совуқлик эгаллагандек бўлди. Кутилмаганда юз берган бу воқеадан улар эсларини аранг йиғиб олишди.

Бу ерларда карвон аҳлини бир томондан йўл сиқса, иккинчи томондан ташналик сиқади. Лекин ғойибдан пайдо бўлиб қоладиган қароқчиларнинг сиқуви ҳаммасидан ҳам даҳшатлироқ эканлиги уларга равшан әди.

Карвончилар чўқморларини қўлларига олишди, ханжарларини ўнглашиб тайёрлана бошлашди. Қосимхўжа милтигини ўнглаб, пилтасига ўқ қўйди ва тўғрилаб туриб, тез келаётган қароқчиларга қараб отди. Олдинда келаётган икки кишидан бири отнинг жоловини бўшатиб юбориб, ойболтаси қўлидан тушиб кетди ва ўзи ҳам даҳшат билан қичқириб, эгардан оғиб тушди. Бир оёғи узангида қолиб, отга шатак қилинган бўридай, судралиб кетаверди. Хўркиган от боши оққан томонга қараб қоча бошлади. Тўда орасидан икки отлиқ чиқди-да, ҳалиги от кетидан чопиб кетишди. Қолганлари эса, карвонга ёпишдилар.

Карвон аҳли билан қароқчилар ўртасида олишув бошланди. Агар шу пайт одамларнинг олов саҳросидаги мана шу шовқинларини, отларнинг ора-сира кишнашлари-ю, узангиларнинг шақир-шуқурларини ҳамда ҳали у томондан бирига, ҳали бу томондан бирига «кирт-кирт» этиб санчилаётган найзаларнинг унсиз товушларини ҳисобга олмаганда, атрофда ҳамон аввалгидек жимлик ҳукмрон эди.

Сафар ўзини ўнглаб, чўқмор билан ён томонидан келаётган отликқа қараб урди, лекин у чўқморининг теккан-тегмаганлигини билолмай, ўзи чакагига келиб тушган ойболта зарби билан отдан учиб тушди. Шундай қилиб, у бу олишувнинг нима билан тугаганини ҳам билолмай, ҳушидан оғиб, узоқ ётиб қолди. Ҳатто кеч кириб, тун чўққанда ҳам ўзига келмади у.

Ў, ўлим билан ҳаёт юзма-юз келиб, ҳар иккаласи голиб келиш учун курашаётган бир паллада кўтарилган бу даҳшатли фарёдлар тилсиз саҳрода ақалли товуқ қақоқлашидек ҳам сезилмади. Сув каби оққан қонларни оч қум шимиб юборди. Кундузлари кўринмайдиган ҳаккалар, кечки пайт қаерлардандир етиб келишиб, мурдалар устида чарх уриб ўйин тушишарди ва:

«Хўп лаззатли емишлар устидан чиқдик-да!»— дейишаётгандек бўлишарди.

Ниҳоят Сафар кўзларини очиб, пешонасига қўниб турган битта ҳаккани кўриб қолди.

«Бу нима экан?— деб ўйлади у, ҳакканинг тумшуғидан кўзларини узолмай.— Мен бундай нарсани ҳеч қачон кўрмаган эдим-ку?...»

У ҳалиги ҳаккани ушлаб кўрмоқчи бўлиб, қўлини кўтаришга уринган эди, гўё танаси ўзиники эмасдай, хоҳишига бўйин эгмади. У нима гаплигига тушунолмай, қичқирмоқчи бўлди-ю, бироқ лаблари қимирламади.

«Менга нима бўлди экан сира? Ёки касал бўлиб қолдиммикин?...»

Ниҳоят у ўзларининг қароқчилар қўлига тушганлигини эслади. Лекин ойболта зарбидан қай аҳволда йиқилгани, отларнинг оёқлари остида қолиб кетганлигини хотирлай олмади.

— Мендан бошқалар қаерда экан?— деб эслай бошлади у.— Ҳамроҳларим тирикмикин, уларга нима бўлдийкин? Ё раббим!.. Қаерларда ётибман?..

У ўрнидан туришга уринди. Лекин ётган ерига ёпишиб

қолгандай, қўзғала олмади... Ичи-бағрининг куйиб ётганини, томоғининг қақраганини сезди ва зўр-базўр тамшаниб:

— Сув-в...— деди. Лекин овози чиқмади. Шу пайт бирдан яна кўз олдидаги қора парда кўтарилиб, унинг ўрнида чексиз, мовий денгиз кўринди-да, айлана бошлади.

«...Суви қандай экан? Тузли бўлса керак албатта? Қосимхўжа мешдаги сувдан бир қултум қуйиб беришга қизганган эди. Мана энди денгиздан истаганимча ичавераман...»

У кўм-кўк сувга интилар ва гарчи танасидаги қувватсизлик уни қўйиб юбормаса-да, назарида, у денгизни икки қўли билан маҳкам ушлаб олгандек сезарди ўзини.

— Сув... сув-вв!— деди у денгизга оғир термилиб.

Мана, бирдан денгиз ўрнида севгилиси жонланади: қўлида бир коса лиммо-лим сув...

— Манг, ичинг. Тузсиз сув!— дейди севгилиси уни эркалаб.

— Ўрнимдан туролмайман, кўтариб юбор,— дейди Сафар аламли бир вазиятда.

— Бир қўлимда коса, бир қўлимда болам бор. Қандай қилиб турғизсам экан энди сизни?

— Болам дейсанми? Менинг боламми? Қани у? Уни менга бир кўрсат: юзидан бир ўпай.

— Мана, худди ўзингизга ўхшайди...

Начора, у боласини кўролмади. Сувдан ҳам ичолмади, унга қаттиқ ёпишиб олган ер уни қўйиб юбормади.

«Бу нима ўзи? Ажаб, наҳотки ер шунчалик ёпишқоқ елимга айланиб кетган бўлса?..»

— Сув-в. Бир... бир қултумгина, атиги бир...

Яна унинг кўз ўнгиде ўша чексиз, мовий денгиз намоён бўлди. Лекин бари бир унга шундай катта денгиздан ақалли бир қултумгина сув ичиш насиб бўлмайди.

У яна ҳушини йўқотди... Қайтадан ҳушига келганда эса юзини ҳаққа чўқиётган экан... У энди қанча уринмасин, ҳақкани ҳайдашга қуввати етмас ва бутун борлиғи билан фақат бир қултумгина сув... сув... сув ичишни истар эди. холос.

Қани энди ўша сув!

У бу гал кўзларини очар экан, яна ўша чексиз, мовий денгизни кўрди... Кўрди-ю, англадики, бу чексиз, чайқалиб ётган мовий денгиз ҳақиқий денгиз эмас, балки осмон экан...

Нихоят у сўнгги қил устида туриб қолган ҳушини ҳам йўқотди ва... ва... кўзларини юмди, юмди-ю, шу кўйи индамай мангулик уйқусига толди ҳамда қайтиб уйғонмади...

Сафарнинг ён-вериди ўзига ўхшаб яна еттита ҳамроҳи ётишар эди. Саккиз ўликнинг устида қора қузғунлар ҳамон чарх уриб учиб ўйнашарди.

Қизилқум аввалгидай бўзариб, кундузги мудроқдан кечки сукутга толди. Мурдаларни кўришга юзи чидамагандай қуёш ҳам уфқ томон оғиб, булутлардан юзига парда тортди.

Тўсатдан кўтарилган қуруқ шамол олтин ранг қумларни учириб, ўликларнинг устини беркитишга бошлади.

* * *

Узоқ-узоқларга қулоч ёзган Қизилқумнинг устида қуёш ёғдуси шуълаланарди.

Қўй, эчкилар овул орасидаги сояликка йиғилиб олишган, улар шу қўйи узоқ ётишиб, у ердан кун оққач чиқишди.

Экспедиция отардаги овулга тушди етиб келди. Бибижон опа уларни ҳар галгидек шодлиги терисига сиғмай кутиб олди. Олтига бўлинган катта уйнинг эшигигача турли рангдаги наमतлар, олачалар солинган бўлиб, эшик олдида иккита самовар қайнаб турарди.

Юзлари офтобда қорайган меҳмонлар машиналардан тушишиб, юз-қўлларини муздай қудуқ сувига ювишиб роҳатланишди.

Меҳмонлар ичкарига киришди. Дастурхонда турли хил таомлар, оқ буғдойдан ёпилган нонлар, сариёғга пиширилган бўғирсоқлар ва яхна қўй гўшти... Ўтирганлар Бибижон онанинг атрофидаги овуллардан бой туришини, олижаноб меҳмондўстлигини мароқ билан гапиришиб, чой ичишга тутинишди.

Кўпчилик ичкарига кирганда, Тилов билан Ольга Сергеевна иккаласи ташқарида қолган эди. Улар бир-бирлари билан сув сепишиб ўйнашар, ювиниб-артинишар эди. Бунин Бибижон она ҳам ҳавас билан кузатиб турарди.

«Бир-бирларини топишибди,— деди она, шодлигидан катта очилган кўзларини уза олмай.— Илоё бундан ҳам бахтли бўлишсин».

— Опа,— деди Тилов ёноқларида туриб қолган сув томчиларини артиб.— Биласизми, келинингиз сизни ўзи билан Москвага олиб кетмоқчи.

— Нимаси бор?— деди Бибижон она енгил тортиб.— Москва бормаи юрган жойимми?

— Кўрдингизми бизнинг кампирни?— Тилов гап ора-сида Ольгага кўзини қисиб қўйди.— Ўтган йили овул хўжалик кўргазмасига боргани ҳақида мақтаняпти.

— Онамизнинг мақтанса арзигулик иши бор.— Ольга ишонч билан таъкидлади.— Сиз ҳам ахир кандидатлик диссертациянгизни битириш борасида юрибсиз.

Тилов ўринсиз гапириб қўйганлигидан хижолат чекди. Ольга суҳбатни бошқа ёққа бурди. Бибижон она билан яна бир оз гаплашиб, ичкарига кирди.

Экспедиция устига юкланган иш аллақачон тўлиқ текширилиб бўлинган ва эндиги навбатдаги иш — артезиан қудуқларини қазिशга киришиш керак эди. Улар бу ишни шу бугунданоқ амалга ошириш учун бел боғламоқдалар...

...Экспедиция қисқа муддат ичида артезиан қудуқларини қазиб битиришди. Ҳар бир яйлов, ҳар бир отар қудуқлар билан таъмин этилди.

Бибижон онанинг шодлиги олам-олам. У Қизилқумнинг бекиёс ўзгарганлигини ўз кўзлари билан кўриб турибди. Яқиндагина мудраб, қақраб ётган шипшийдам Қизилқум, ҳозир роҳатбахш бўстонга айланиб келяпти. Овуллар ўрталаридан қазилган артезиан қудуқлари фақат молларнигина суғориб келмай, мангу сув кўрмаган чўлларни ҳам суғоряпти.

— Болам,— деди Бибижон она ўйчан.— Шу ерга экин эксак қандай бўлар экан?

Тилов онасини қучди.

— Қандай доносиз, онажон! Ҳақиқатан ҳам шу ерларни суғориб, экин эксак, молларимиз йил бўйи тўқ бўларди.

— Ҳа, болагинам, молларимиз тўқ бўлса, бойлигимиз ҳам мўл бўлади.

— Яқинда шу ерларда шаҳар бунёд этамиз,— деди Тилов отарларга боқиб.— Ҳа, боғ-роғли шаҳарлар яратамиз бизлар бу ерларда...

Бибижон она экспедиция аъзоларига ҳавас билан боқиб, кўнгли ўртаниб гап бошлади:

— Менинг акам Ўроз бойнинг карвонини тортиб шу йўлдан кетган. Кетгану, лекин қайтиб келмаган. Ҳамроҳлари ҳам ному нишонсиз йўқолган. Улар балки сувдан толиб ўлган бўлсалар ажаб эмас. Ёки қароқчиларнинг қўлига тушишганмикин?.. Бироқ ундай десам, бойлар ўзларининг молларини ва қулларини қаровсиз ташлаб қўймасдилар, бир-бирларини қароқчилардан ҳимоя этардилар. Бас, шун-

дай экан, ҳар қалай сувсизлик сабаб бўлган бўлса эҳтимол... Эндиликка келиб эса, биз ана шу ташна чўлларга сув чиқармоқдамиз. Болаларим, сизлар қалдирғочсизлар. Ҳаммаси сизларнинг ишингиз!..

Бибижон онанинг гапи тугаши билан шу яқин орадан бир ёш чўпоннинг қўшиғи янгради:

«Умр қизиқ ва гўзал!..»

Асрлар оша юзи бўзариб, қилмиши ваҳшийлик бўлиб келган ташна Қизилқум ҳозир сув, инсон меҳнати туфайли ёш келин мисоли кундан-кунга ўзгариб, тўлишиб, гўзаллашиб бормоқда.

ИККИ МҮЙСАФИД СИРИ

(Ҳикоя)

Ёзининг узун кунларидан бири эди. Икки мўйсафид Нукусдаги «Ғалаба» боғида учрашиб қолишди.

Бири сўфинамо кийинган, оёғида кавуш-махси, бошига оқ салла ўраган, яланг қават чопон кийган, башараси ялпоқ, кўзлари йилтираб турган, ўрта бўйли, гирдигумдан келган мўйсафид эди. Иккинчиси эса бошига қора қалпоқ, эғнига оҳори тўкилган замонавий макинтош кийиб олган бўлиб, ўзи ориқдан келган киши эди.

Мўйсафидлар бир-бирларини кўрган вақтда ғойибдан учрашиб қолишган кишилардек, ағрайиб қолдилар.

Дастлаб янгича кийинган мўйсафид гап бошлади.

— Тўрабек, дўстим, омонмисан? Қаерларда юрибсан? Юр, мана бу боғга кириб, бирпас ҳангомалашайлик бир...

«Тўрабек» дейилган чол қаршилиқ билдирмади. Сўнгра икки мўйсафид боғга кириб, соядаги ўриндиқлардан бирига келиб ўтиришди.

— Хўш, Тўке*, — деди яна дастлабки мўйсафид, — ҳолаҳволларингдан гапир.

— Тирик бандасининг куни бир амаллаб ўтаверар экан, Худога шукур, ишқилиб, бир кунимизни кўриб келяпмиз... Аммо сенингдек дурустроқ одам бўлолмай қолдик. Бўлардик ҳам-ку, бироқ сенга дунё торлик қилгандек, йўл қўймадинг...

Тўрабек ҳазил аралаш бор гапларини айтиб солди.

— Бизда нима айб, ўзларингиз-ку камбағалларга теккан, биз фақат ўз номус-оримизни ёқладик, — деди Давлатбой қария кулиб ва: «бечорани энди жонига тегиб, эғзиламай қўя қолай» деган қарорга келиб, сал ён бериб

* «Тўрабек ака» дейилган сўзнинг қисқартирилган шакли.

гаплашган бўлди:— Биродар Тўке, хон тахтдан ағдарилиб, камбағаллар рўшноликка чиққанига мана эллик йил бўлди. Иккаламиз ҳам етмиш ёшни уриб қўйдик... Бир вақтлар сен бойнинг, мен эсам камбағалнинг боласи эдим. Қани кел, биродар, мана шу изли-қутли боғда юрагимиздаги бор дардларни бир сиртимизга чиқариб, гаплашиб олайлик. «Эр одам сирлашмай синашмайди» дейди. Шунинг учун ҳалол гапингни айт! Менинг отамнинг қотили ким?

Тўрабекнинг қути ўчди. «Наҳотки бу мендан отасининг қасдини олмоқчи бўлаётган бўлса!..»— деб хавфсираб, Давлатбойга тикилди.

— Айтавер, жўра,— деди Давлатбой унга тасалли берган бўлиб,— менинг энди даъвоим йўқ, ўтган ишга саловат. Тўрабек чуқур нафас олди.

— Бизнинг мўйсафиднинг иккита хотини бор эди,— деб бошлади у ҳангомасини.— Бир куни шайтон қози келиб: «Шариат тўртта хотин олишгача рухсат беради» деб насиҳат қилибди унга. Шу кезларда сенинг онанг бир камбағалнинг қизи экан. Отам уни тўқол хотинликка сўратибди. Қизнинг ота-онаси ҳам бунга рози бўлибди. Кейин бир оз қалин ҳам берилибди уларга. Бироқ, шундан кейин кўп ўтмай, қиз сенинг отанг билан қочиб кетибди. Шундай қилиб, шу воқеадан кейин, отам сенинг отангга қарши бўлиб қолибди. Қандай қилиб бўлмасин, отангдан ўч олиш пайига тушибди. «Куёвининг кўзини ўйсам ҳам, хотинини тўқолликка олсам бўлгани...»— деб ўйлаб, кечаю-кундуз шунинг режасини чизиб юрибди. Ниҳоят, кунлардан бир куни отам қирдан мол олиб келяпса, сенинг отанг дарё бўйида балиқ тутиб ўтирган экан. Отам отдан тушиб, отангнинг олдига келибди-да, уни тўлиб музи оқиб турган дарёга итариб юборибди.

Тўрабек шундай деб Давлатбойга қараган пайтда, унинг аъзойи баданига қалт-қалт титроқ туриб, ранги-қути ўчиб кетганди.

— Ваъдамиз қани?— деди Тўрабек бурнини тортиб.— Унда гапни тўхтатамиз.

— Йўқ, айтавер!— деди Давлатбой бошини ҳам қилганча кўз ёшларини артиб.— Айтавер, жўра, армон билан кетган отам эсимга тушиб кетди шу топда...

— Онанг бечора ор-номусли одам экан. Отангнинг ор-номусини сақлаб, сени бағрига босди-да, «Итқир» тарафдаги қариндош-уруғлариникига кўчиб кетиб қолди. Орадан бир неча йиллар ўтгач, онанг: «шўрлик боламни эл-юрти-

дан бегона қилиб ўстирмай» деб ўйлаб, яна қайтиб элга кўчиб келди. Сен шунда ўн олти ёшгина йигит экансан. Орадан бир йил ўтмай, мардикор чиқди. Барча камбағаллар қатори сен ҳам мардикорликка олиндинг.

— Сен нега олинмадинг мардикорликка?— деб кулди Давлатбой.— Ёки сен шу пайтларда касалмидинг?..

— Вой, дўстим-эй, одамни жинни қиласан-а... Бўлмаса у пайтлар мардикорликка қайси бойнинг боласи олинбди экан дейсан.

— Ҳақ гапни айт, шу ҳам инсофданми энди?

— Инсоф-диёнат қайда. Кечаги урушда Армияга менинг боламни олиб, сенинг болангни қолдирса, биз ҳукуматни одил ҳукумат дермидик?.. Шунга ўхшаган гап-да... Лекин бу ҳукуматнинг одиллигига тараф йўқ... Шу вақтда, десанг: «оқ подшо қулади!»— деган хабар етиб келди... Бой, бий, оталиқнинг шўри қуриди. Бир куни Мўйноқдан Фильчев деган бир киши келиб, большевиклар билан урушиш учун отряд тузупмиз, деб айтди. Отам шунда:

— Пулдан ёрдам берай, бироқ боламни сўрама,— деди. Бу гап Фильчевга маъқул тушди. Бироқ, ўзинг биласан, у рус ҳам бойларни қўллаб-қувватлай олмади. Россия томондан сизлар келиб, Фильчевнинг режаларини кунпаякун қилиб ташладинглар. Шундан кейин, отам яширин ишга ўтди. Совет ҳукумати ўрнатилишига бойларнинг ҳам, камбағалларнинг ҳам кўзи етди. Шу йиллари амалдорликка ўқиш учун болалар керак деган гап-сўз чиқди.

— Жон болам,— деди отам,— ўзинг кўриб турибсан, замонлар ўзгариб кетди. Шунга қараб, йўл-йўриқ ҳам ўзгарди. Менинг бўларим бўлди. Сен энди илм олишнинг пайига туш. Янги ҳукуматга содиқдек кўринган киши бўлиб, ишга аралаш. Шу йўл билан уни ичдан нуратиб, камбағаллардан ҳам, уларни ҳимоя қиладиган ҳукуматдан ҳам ўчингни ол...

Шу маслаҳат бўйича: «биз ҳам камбағалнинг боласимиз» деб бизлар Тошкентга ўқишга отландик.

— Отангнинг ўлими қандай бўлди?

— «Бировга чоҳ қазима, ўзинг йиқиласан» деган нақл тўғрига ўхшайди. Отам ҳам шундан кейин тезда қазо топди... Сенинг отангни-ку суяги топилди, лекин менинг отам Сибирга сургун қилиниб кетяпганда, йўлда қўзғолон кўтарилиб, отишма бўлибди. Отам шу отишмада ўқ тегиб ўлибди...

Ўз отасини ким ёмон кўради дейсиз! Тўрабек шу гап-

ларни айтиб, отасининг қисматига ўқингандек оғир хўрсиниб қўйди ва бир оздан кейин:

— Энди сен гапир, жўра!— деди.

Бу вақтда Давлатбой қария гарчи хомуш кўринса-да, лекин отасининг ўчини олгандек бемалол ўтирарди.

— Чигирткадай ёпирилган душманлардан Совет ҳукумати сақлаб қолиш осон бўлди... Бизлар жанг қила-қила душманларни тозалаб бордик. Бизни йўқотиш учун улар қандай ҳийла-найранглар ишлатмади... Куз кезлари эди. Ёмғир савалаб ёғиб турарди. Биз озиқ-овқат ҳамда ўқ-дори ортиб, бир овулга келяпган эдик. Овулга яқинлашиб келиб, четки бир уй олдида бизлар томонга қараб турган бир келинчакни кўриб қолдик. У ҳам бизни кўриб, дарҳол олдимизга келди. Омонлашдик.

— Сизлар қайси тарафнинг одамлари бўласизлар?— деб сўради аёл ийманиб.

— Сизга қайси тарафнинг одами керак эди?— дедим мен уни синамоқчи бўлиб.

— Менга хотин-қизларга тенглик берадиган қизиллар тарафи...

— Бизлар шу қизилларданмиз.

— Сизлар босмачиларни излаб юрибсизларми?

— Худди шундай, босмачиларни излаб юрибмиз.

— Мени ўзларингиз билан бирга олиб кетсаларингиз, сизларга ёрдам берардим. Бўлмаса мени отиб ташлашади.

— Албатта олиб кетамиз!— деб ваъда бердим.

Бу хотин бир бой боласининг тўқоли экан. Яқинда эри босмачиларга қўшилиб кетибди. Аёлнинг битта иниси ҳам бор бўлиб, босмачилар уни батраклар уюшмасига аъзо бўлдинг деб отиб кетишибди. Шундоқ ҳам қийналиб юрган аёлга инисининг ўлими қаттиқ таъсир этибди ва унинг қалбида босмачиларга қарши кек ўти ёна бошлабди. Ниҳоят у, қизиллар келишяпти, деган хабарни эшитиб, уларни кутиб олишга шайланибди.

— Уйингизда ҳозир кимларингиз бор?— деб сўрадим мен ундан.

— Бойвучча бор,— деди у ёқ-бу ёққа аланглаб.— Сизлар уйга борган вақтларингизда ўзларингизни Жунаидхоннинг юборган навкарларимиз деб танитинглар ва Қурбон юзбошининг уйи шуми деб тўғри ичкарига кириб бораверинглар.

Биз босмачиларни излаб топдик. Улар анча бўлиб, чиндан ҳам Жунаидхондан навкарлар келишини кутишяпган

экан. Кечаси биз хотинларни босмачиларнинг олдиларига юбориб, уларни «меҳмон»га таклиф этдик... Шундай қилиб, бир камбағал қизининг ёрдами билан биз бутун овулни муваффақият билан советлаштиришга эришдик.

— Тўқолнинг тақдири нима бўлди?

— Бир вақтлар «тўқол» деб аталган ўша Умидхон, ҳозир эл-юрт олдида қилган ҳалол хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон билан тақдирланган...

— Епирай!..— деб Тўрабек ёқасини ушлаб қолди.

— Шундай, жўра, элни душманлардан тозалаб бўлганимиздан кейин, сизлар ўқиган Тошкентда бизлар ҳам ўқиб қайтдик. Шундан кейин мени Тўрткўлга ишга юборишди.

— Мени сенга ким айтди?

— Сенинг қаерда эканлигингни, гапнинг тўғриси, мен илгари билмас эдим. Тўрткўлга прокурор бўлиб келгач, бир районга командировкага бордим. Ҳукуматимиз учун ўша пайтларда қон билан тер тўккан фаоллардан баъзилари қамоқда экан.

— Нима учун?

— Лекин нима учунлигини ҳеч ким билмайди. Волость судида олтмиш-етмиштacha ариза бор. Биров у деб шикоят қилган бўлса, биров бу деб шикоят қилган... Ўғрилар билан босмачиларнинг кўпайиб кетганлиги айтилган... Ҳулласи калом, кўпчилик аризаларнинг мазмуни шу хилда эди. Сабоби, бир гуруҳ аксилинқилобчилар эндигина барпо этилган ёш Совет давлати тўғрисида шундай бемаъни уйдирма гап-сўзларни тарқатиб, унинг обрўйига путур етказмоқчи бўлишган... «Хўш, агар шундай бўлса, нега аризаларни текширмайсизлар?»— деб сўрасам, активлар менга шивирлашиб:

— Вой-вуй, Қобилбеков Тўрабек оғадан қўрқамиз!— дейишди.

— Тўрабек деганларинг ким?— деб сўрадим мен яна.

— Волость ижроия комитетининг раиси-да. Ўзингиз ҳам қўрарсиз. Билмадим-ку, лекин билиб қолса, сизни ҳам тинч қўйишмаса керак... У шундай зўровон чиқиб қолди. Олдига ариза кўтариб борсак, ё калтаклайди ёки ўша заҳотиёқ қамаб қўяди.

— Қаерлик бўйни йўғон экан шунчалик?— деб сўрадим.

— Ҳеч сўраманг, бурунги қозилардан ҳам ёмон чиқиб қолди бу — худди бекнинг ўзи!..

— Фамилиясини ким дедингиз?..

«Қобилбеков Тўрабек!.. Анови Тўрабек бўлганда, унинг отасининг исми Имоматдин эди. Унда буниси ким бўлди экан? Кел, таваккал қилиб, бориб кўрайин...»— деб, папкамни қўлтиғимга қистириб, Волость ижроия комитетига бордим. Борсам, қабулхонада иккита чиройли қиз ўтирибди. Уларга келишимнинг сабабини айтдим.

— У киши канал бошида. Папкангизда бир нарса борга ўхшайди. Нима, ариза олиб келдингизми? Агар шундай бўлса, ташлаб кетаверинг — бериб қўямиз!— деб мени айлантира бошлашди. Мен кўнмадим. Лекин чиқиб кетаётиб, уларнинг ҳеч қандай истиҳола қилмай ўзаро шундай деб гаплашаётганини эшитиб қолдим:

— Эшитдингми, кеча Собир батракни ҳам қамашибди.

— Баттар бўлсин. Қилмишига яраша бўпти. Отамни қаматтирган шу ярамас камбағал бўлади. Тўрабек ака уларнинг кўзини очяпти...

— Мана ўша эгри оёқ фаоллардан бири,— деб ҳатто менинг орқамдан ҳам кулиб қолишди. Лекин мен улар билан у-бу деб айтишиб ўтиришни ўзимга эп кўрмадим.

Ижроия комитетдан чиқиб, тўғри қазув бошига келдим, қарасам, иккита ўтов тикилган. Нима бўлса-да говур-гувур овоз келялган жойга борай, деб четги ўтовга бурилдим. Кимдир тўқиб-бичиб ўлан айтяпти...

Хой белсанди, белсанди*,
Кўрдик қийшиқ кенгсангни.**
Бурунги замон бўлганда,
Ўзар эдик энсангни.

Униси эса: ҳой, нима деяпсан, деб бунинг оғзига қоқиш ўрнига, талтайиб кулиб ўтирарди. Мен уларни кўриб, ичимда, тоза буларнинг уясидан чиқиб қолибман-ку, деб ўйладим.

Кириб борсам, тўрда икки оёғини икки йигитга уқалатиб, Тўрабек ўтирибди... Ҳалиги «Қобилбеков Тўрабек» эмас, балки ўзимизнинг қадимги Имоматдин бекнинг ўғли Тўрабек...

Мени кўргач, сал-пал иржайиб саломлашган бўлдинг. Лекин нега илжайдинг — мен билолмадим.

Биз сен билан қазувнинг бошига бордик. «Мени кўриб қўйсин» дедингми, бир йигитга дағдаға қилиб, қамчи билан

* Белсанди — фаол, активист.

** Кенгсангни — идорангни демоқчи.

бошига тортиб-тортиб юбординг. Бу ҳам етмагандек, кейин уни авра-астарини ағдариб сўка бошладинг. Шунда мен сенга:

— Ҳой, Тўке, уят бўлади. Бундай деб ҳақорат қилишни қонун қўтармайди!— дедим. Сен шунда менга ёмон қараш қилиб:

— Қамчи билан таёқ бўлмаса, қорақалпоқ ишламайди, орага тушма!— деб айтдинг.

Ҳолбуки, биз бечоралар мана шу қамчидан қутулайлик деб ёв билан ёқалашиб, ёруғликка чиққач, ярамиз ёзилиб, елкамизга офтоб теккан бир пайтда, фавқулодда яна бошимизда қамчи ўйнай деб турсал..

Мен, бу балодан қандай қилиб қутулсак экан, дедим-да, шошилишча равишда юқори органга хат ёздим. Юқоридан махсус комиссия келди. Халқ сени суд қилди. Камбағаллар ҳукумати номидан суд сени қамоққа ҳукм этди. Мен эса ана шу камбағаллар ҳукуматининг ҳукмини ижро этдим, холос.

Лекин шунга қарамай, бир куни сени кўрмоқчи бўлиб борсам, сен ҳамон тавбангга таянмаган экансан шекилли, ҳали-ҳанузгача «биз енгамиз» деган ишонч билан менга:

— Шошмай тур, сен гадо ҳали,— дединг жеркиб.— Бир кун келадики, сенинг ўзингни худди шу ерда ёндириб ўлдираман!..

Мен «кўрармиз» деб қўя қолдим.

Кўрдик ҳам. Тўғри, сенинг ҳам озми-кўпми тарафдорларинг бор экан. Биз улар билан гоҳ очиқдан-очиқ, гоҳ яширинча кураш олиб бордик. Биз енгдик, аммо енгилмадик...

Хулласи калом, тақдир менга қамоқни раво кўрмади.

— Сабаб?..

— Сабаб дейсанми?.. Сабаби шуки, бир куни мен Тўрткўлга келсам, ғира-шира оқшом пайти олдимдан худди сенга ўхшаган бир киши чиқиб қолди. «Бу ким бўлдийкин?» деб мен анча вақтгача унга тикилиб қараб турдим. Яқинроқ келгач, қарасам, сен экансан. «Ие, бу қандоқ бўлдийкин энди?»— деб ўйладим-да, худди сени кўрмаган кишидек анқовсираб, ўзимни дарҳол бошқа томонга қараб урдим. Ва... ва тезлик билан бориб, тегишли жойга хабар қилдим. Афсуски, бу айнан сенинг ўзинг бўлмасанг ҳам, лекин сенинг тарафдорларингнинг қилган найрангги экан. Шундай қилиб, булар ҳам ошкор бўлди... Мана, менинг билганларимнинг ҳаммаси шу...

— Тўғри айтдинг,— деди Тўрабек,— ҳақиқатан ҳам бизлар ўша пайтда янглишган эканмиз. Мен ўзимнинг йўл қўйган ана шу гуноҳларим олдида ҳамон изтироб чекаман...

— Агар шунчалик қилмишларингни бўйнингга олиб, чин қалбингдан эътироф этяпган бўлсанг, демак, мард экансан!..

Икки мўйсафид қайтадан қўл сиқиб кўришиб, боғдан бирга чиқишди.

ҲАЁТ ЙЎЛИ

(Ҳикоя)

«Йиқилган курашга тўймас» деганларидек, Қобил «бу йил ҳам бир деҳқончилик қилиб кўрай-чи» деб, бугун тонгда ота-бобосидан мерос бўлиб қолган бир парча ерининг бошига келди.

Қобил дўнгликка чиқиб Амударёга тикилди, дарё қирғоғига сиғмай тўлиб-тошиб оқарди. Холака деган бойнинг мардикорлари қўш чиғириқни қирғоққа ўрнатиб, дарёдан сув чиқаришарди. Айниқса улардан биттаси «бир томчи ҳам сув зое кетмасин» деб жонини жабборга бериб ҳаракат қиларди. Қобил бўлса бир қултум сув деб тинка-мадори қуриб ўтиб кетяпти. У ўзича: «шунча сув бўлгани билан менга заррача фойдаси тегмаса-я, бу қандай тенгсизлик!» деб оғир уҳ тортиб қўйди.

Қобил кун бўйи белкурак билан бир амаллаб ариғига сув чиқариб турган бўлди. Кечга яқин, ҳойнаҳой экин-тикиним сувга қонгандир, деб ер бошига келиб қараса, сувни ўпқон тортиб кетибди. Қобил қўлидаги белкурагини отиб юборди-да, ғазаби тошиб ўтириб қолди ва шу ўтиришида хуфтонгача ўтирди.

Хафа бўлиб қанча ўтирмасин, манови шўрликни кун бўйи қилган меҳнати бекор кетди, деб биров унга бир бурда нон берармиди? Йўқ, албатта.

Қобил роса ўйлаб ўтирди-ўтирди-да, охири ҳалиги бойнинг уйига бориб, ерини сотди, пулини чўнтагига солиб, уйига келди. Хотинига:

— Мана бу пулни мен келгунимча рўзгорингга яратиб тур. Менга ҳозир супрани қоқиб, йўлга патир қилиб бер, мен иш қидириб бошқа томонларга кетаман,— деди.

Қобил йўлга тушди. Бироқ қаёққа боради? Қайси овул-

га бормасин, бари бир бирон шунга ўхшаган бойнинг хизматини қилади. Ниҳоят у: «кел, нима бўлса ҳам руслар бор томонга борай, пароходга ишга кириб, юк туширай» деган қарорга келиб, Учсойга келди.

Денгиз ёқасида иш қидирганларнинг сон-ҳисоби йўқ. «Хон пароходи келяпти, юк туширамиз» — деб бир қанча йигитлар енгларини шимариб туришибди. Қобил ҳам шуларга қўшилиб, рўмоли билан пешонасини танғиб, пароходни кутди.

Бир вақт:

— Ўринларингдан туринглар! — деган овоз эшитилди. Қобил ҳам ўрнидан туриб, одамлар кетидан эргашди.

Пароход хизматчиси юк ташишга яроқли одам танлагани келган экан. Ўйин бўлишини эшитган қиморбоздай, Қобил ҳам ийманиб, навбат кутиб турди.

Шоп мўйловли, қорачадан келган, ориқ бир одам иштаблар гавдасини, кўкрагини ўлчаб кўрарди-да: «сен ярайсан, сен ярамайсан, кетавер» деб, мол танлагандай бир алпозда муомала қиларди.

Қобилнинг ориқ гавдаси сараловчининг аршинига тўғри келмади. Қобил унинг олдидан хафа бўлиб чиқди. Энди нима қилиш керак? Қобил ерга тикилганича ўтириб қолди.

Шу вақт:

— Пароход келяпти, пароход келяпти! — деган овозлар эшитилди.

Бироқ Қобил бунга парво қилмади. Ҳатто у пароходнинг олисдан чинқирган овозини ҳам ёқтирмагандек нохушлик билан эшитди.

— Ана кўринди! — деган овоз эшитилиб, одамлар шу томонга қараб юра бошлади. Қобил эса ақалли бошини кўтариб қарамади ҳам...

Пароход қирғоққа яқинлашган пайтда бирдан: «ура, ўртоқлар!» деган баланд овоз янграб кетди ва узоқ-узоқлардан акс садо бериб қайтди.

Қобил ҳанг-манг бўлиб, атрофига қаради ва қўлида қизил байроқ кўтариб пароходдан тушиб келган солдат формасидаги бир йигитни кўрди. Йигит қўлидаги байроғи билан ўртага чиқди-да:

— Ўртоқлар, Октябрь тонги отди. Советлар ҳокимияти ўрнатилди. Сизларни янги ҳокимият — камбағаллар ҳокимияти билан қизғин табриклайман, ура! — деди.

Шу пайт тўрт-беш одамни олдига солиб пароходдан қизил аскарлар тушиб келишди.

— Булар ким?— деб сўрарди Қобил дуч келган одамдан.

— Кўрмаяпсанми, куни кеча бошимизда ёнғоқ чаққан хўжайинлар-ку!

— Епирай!— деб Қобил аста-аста одимлаб пароходга яқинлашди.

— Эй Қобил, бу ёққа кел!— деган овоз чалинди унинг қулоғига.

«Бу ким бўлди экан? Мени бу ерда танийдиган одам йўқ эди-ку! Еки мендан бошқа ҳам Қобил деган одам бор-микин?..»

— Ҳой, гаранг бўлиб қолганмисан, нима бало!— деди яна ҳалиги товуш.— Бу ёққа кел, деяпман сенга, ҳой Қобил!

Қобил синчиклаб пароход томонга қаради. Тўладан келган бир йигит Қобилга қараб қўлини силкитиб турарди.

— Эржон, Эржон, Эржон!— деган сўзлар Қобилнинг оғзидан чиқиб кетганлигини унинг ўзи ҳам сезмай қолди. У пароходга чиқаман деб оёғини зинага қўйган эди, тойиб кетди. Сал бўлмаса сувга тушиб кетаёзган Қобилни Эржон ушлаб қолиб, палубага тортиб чиқарди.

Эржон мардикорликдан қизил аскарликка ўтиб, Хоразмда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун юртига қайтиб келяпган эди.

* * *

Қобил биринчи совет пароходига матрос бўлиб кирди. Бу пароход подшо саройидаги бир амалдорнинг номи билан аталар эди. Матрослар бу ном энди тўғри келмайди дейишди.

— Ҳа, майли, ундай бўлса пароходга ўзларингиз ном топинглар,— деди Орол ревкомидан келган бир комиссар.

Қобил пароходга қўйиладиган номни айтгиси келиб, оғиз жуфтлади-ю, лекин яна: «менга ким қўйибди гапир-ишни» деб ўзини тутиб қолди. Бироқ унинг бир нарса демокчи бўлиб айтолмай турганини сезган Эржон:

— Қобил айтсин, ўртоқлар, яқинда бизга қўшилган меҳмон! Айт, Қобил!— деди. Бу гап ҳаммага ёқди.

— Айтсин, айтсин...— дейишди одамлар.

Қобил қизариб-бўзариб, ўртага чиқди-да, бошидан кийимини олиб:

— Билмадим, ўртоқлар, сизларга маъқул бўлармикин?— деди гапининг даромад қисмини бошлаб.— Айтсам

айта қолай, подшоликдан ўлжага олинган мана шу пароходга бизнингдек камбағал деҳқонларнинг ҳам меҳнати синган. Шу сабабдан унга «Деҳқон» деб ном қўйилса деган эдим...

— Овва, маъқул ном...

— Тўғри, шундай деб аталгани дуруст.

— Жуда мос ном.

— Тўғри, тўғри. Янги ҳукумат ишчилар билан деҳқонларнинг ҳукумати эмасми? Жуда тўғри қўйилган ном!— деди ҳамма бир овоздан маъқуллаб.

Қобил кечқурун матрослар ётоғига келди. Янги замон хабарини эшитган матрослар ўзларини бардам ва қувноқ сезишарди. Қўнгилларини тоғдек кўтарган бу қувончли хабарни ғойибдан тушган бахтдек сезган матрослар янги ҳукумат ҳақида кўрган-эшитганларини тўлиб-тошиб гапиришардилар...

Рўшноликка чиқолмай юрганларнинг бири — Қобил эди. Тун алла-палла бўлиб қолган бўлса-да, унинг асло уйқуси келмасди. Нега уйқуси келсин ахир. Энди унинг ҳам пешонасини силайдиган мураббий топилди. Ишга кирди, бунинг устига-устак, катта пароходнинг номини ўзи қўйди. У севинмай ким севинсин энди!

Қобил овулга қайтиб, ўзи тенгги ўртоқларини кўргиси ва юрагидаги севинчини улар билан бирга баҳам кўриб қайтгиси келди. Сўнг ўртоқларидан рухсат сўраб, йўлга тушди.

Зим-зиё тун. Учсой устида Орол денгизининг изғирин шабадаси эсиб турарди. Қобил изғиринга ҳам парво қилмай, қум устида одимлаб келарди. Шу пайтда бирдан у кимларнингдир ўзаро сўзлашаётганларини эшитиб қолди. Кейин тўхтаб, уларнинг гапларига қулоқ сола бошлади...

— Фақат биргина йўл қолди, холос. У ҳам бўлса — дарҳол пароходни қўлга тушириш керак!— деди улардан бири.

— Унда нима бўлади. Мен эрта тонгда отда уларга хабар берсам нима дейсизлар?— деди иккинчиси.

— Жуда яхши. Эрта саҳардаёқ йўлга туш! Уларга салом айт! Бизни «Қизил жар» ёқасида кутишсин.

— У ерга қай вақтда етиб борасизлар?

— Булар, менинг билишимча, эртага жўнашади. Индинига тун ярим кечадан оғганда шу ерга етиб борамиз. У ёғини менинг ўзимга қўйиб бераверинглар. Пароходни тўқайга бурдираман. Худди шу пайтда ўраб олишсин бизни.

— Маъқул! Яхши!

Қобил бу гапни эшитиб, аста орқасига қайтди. Эржонни топиб, эшитган гапларини айтиб берди.

— Уша бўлса керак?— дерди Эржон ўйлаиб.— Бироқ гуноҳини бўйнига қўймагунча, бирор нарса дейиш қийин... Чунки пароходда капитан, дарга, ёрдамчи капитан, руль бошқарувчи каби одамлар бўлади. Пароходни ўшалар бошқаришади. Шуларнинг қайси бири сен айтган одам эканлигини аниқлаш — бу жуда мушкул иш... Лекин шунга қарамай, биз гафлатда қолмаслигимиз керак. Бунинг учун эса, Қалака*, ишга ўзинг киришасан!— деди Эржон Қобилга қараб.— Ҳа, бу иш билан энди ўзинг шуғуллан. Менимча, шундай қилганимиз маъқулроқ бўлар... Бунинг устига, сен энди большевиксан. Большевик деган довюрак бўлиши керак.

— Балшабек дегани нима, Лениннинг тарафдорими?

— Ҳа, Лениннинг тарафдорлари дегани.

Қобил тушундим дегандай бошини қимирлатиб қўйди.

Қуёш ярқираб чиқди. Пароход йўлга тушди. Қобилда тиним йўқ. Икки кўзи дарёнинг ўртасида, икки қулоғи даргада. Эржон қизил гвардиячиларни ҳужумга шайлаб қўйди.

Кеч кирди. Пароход хоналари ёпилиб, аскарлар билан матрослар ухлашга ётишди. Қобил руль ушлаган кўк кўзли, мўйловдор йигитнинг олдига келиб ўтирди.

Иккови бир-бирига зимдан қараб-қараб қўйишарди.

Мўйловдор йигитнинг исми Арслонбек бўлиб, ўзи Учсойдаги завод эгасининг укаси эди. Ревком вакили унинг ижтимоий келиб чиқишини билса-да, лекин уни пароход капитани вазифасидан бўшатиб юборишнинг ҳеч иложини тополмай юрарди. Чунки у, биринчидан, дарё йўлларини яхши биларди, иккинчидан эса, агар уни шартта бўшатиб юборса, бошқа бир қатор кишиларни ҳам ўзи билан бирга эргаштириб кетиб қолиши мумкин эди. Ундан ташқари яна: «Сен янги ҳукуматга қандай қарайсан?»— деб сўраганларида, у шартта: «Мен Советлар ҳукуматига жон-дилим билан хизмат қиламан!»— деб ваъда берган эди. Шунинг учун унга нисбатан жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур эди.

Арслонбек Қобилдан шубҳаландими, ҳар қалай, унга ўгирилиб қараб:

* «Қобил ака» дейилган гапнинг қисқартирилиб айтилгани.

— Сен бу ерда нима қилиб ўтирибсан, ётсанг-чи, ё мени синаяпсанми?— деб сўради.

Қобил Арслонбекдан худди шу сўзларни айтишини кутиб ўтиргандек, дарҳол жавоб қайтарди:

— Ётармиз ҳали, жўра, уйқу бир ёққа қочиб кетар, дейсанми?.. Шунчаки сенинг дарғалигингга ҳавасим келиб, ўрганмоқчи бўлиб ўтирибман!— деди Қобил.

— Ҳа, келганингга беш кун бўлмай туриб, дарғаликни ҳавас қилиб қолдингми? Ўнгмаган экансан-эй...

Пароход дарёнинг чуқур еридан сувни қоқ ёриб сузиб келмоқда. Бу соҳиллар Қобилга ҳам олдиндан таниш эди. Шунинг учун ҳам у пароходнинг қаердан сузиб бораётганини кечаси ҳам, кундузи ҳам сувнинг оқимига қараб ажрата олар эди.

Пароход дарёнинг бир бурилишидан ўтгач, икки томони қамишзор бир тўқайлик ўртасидан сузиб кетди. Арслонбек Қобилни: «Дарёни билмайдиган бўзнинг гўл одами-да» деб ўйлаб, пароходнинг тумшугини қўлтиқдаги саёз ер томон бурди. Қобилнинг кўзи ўйнаб кетди. Нима қилиш керак? Агар пароход тўқайдаги бу саёз ерда ботиб қолса, сўнг чиқиши амри маҳол бўлади. Шунинг учун тез ҳаракат қилиш керак.

— Пароходни ўнгга бур!— деди Қобил амирона товуш билан дарғанинг олдига бориб.

— Нега?

— Олдиндаги қўлтиқ саёз ер эканлигини кўрмаяпсанми ёки билмайсанми?

— Кўп валдирама!— Арслонбек Қобилга ўқрайиб қаради-да, орқасини ўгириб тураверди.

Саёз қўлтиққа оз қолган эди. Қобил йўлбарсдек рулга ўзини отди ва забардаст панжалари билан уни ўнгга бурди. Мўйловдор унга тенглик бермай, рулни яна чапга бура бошлади. Шу пайт кимдир биров, чамаси Арслонбекнинг шерикларидан бўлса керак, уни бир нарса билан қаттиқ урди. Қобил шалп этиб ерга йиқилиб тушди. Сўнг у зўр-базўр ўзини ўнглаб, ўрнидан турди. Бор кучи била мўйловдор одамни бир урди-да, яна рулга ёнишди. Аммо мўйловдор яна бўш келмади. Қобил рулни қўйиб юбориб, жон ҳолатда:

— Эржон!— деб бақирди-да, Арслонбек билан муштлаша кетди. Буни эшитган бир матрос ўрнидан сапчиб туриб, пароход ётоғида ётган аскар йигитларга хабар берай деб югуриб кетяпган эди, бир жуфт қўл унинг бўйнидан

гиппа бўғиб олди. Шу вақт эшикни зарб билан тегиб буюзиб, Эржон бошлиқ бир нечта солдатлар кириб келишди.

— Кўтар қўлингни,— деди Эржон Қобилни Арслонбекнинг қўлидан ажратиб оларкан. Қобил қонга беланиб, қолдан тойиб қолган эди. Мабодо Эржон сал кечикиб қолганда, Арслонбек Қобилни дарёга ташлаб юбормоқчи бўлиб, оёқ-қўллариini боғлаб ётган экан... Энди, Эржонларнинг кечикиброқ келишининг сабаби эса, бу қора ниятли кишилар тунда солдатлар ётган хонанинг эшигини маҳкамлаб тамбалаб қўйишган экан.

Пароходнинг команда составидан тортиб Арслонбеккача — тўрт-беш одам қамоққа олинди. Эржон янги буйруқни эълон қилди. «Дехқон» пароходининг вақтинча капитани қилиб азамат Қобил Сержонов белгиланди.

Бу пайтга келиб Қобил калтак зарбидан эсини ўнглаб, анча ўзига келиб қолган эди. Кўп калтак еган бўлса-да, душманини енгиб, пароходни эсон-омон қутқариб қолганига севинди. Сўнг у бир матросга дарға таёғини тутқазиб: «Сувни чамалаб, менга хабар бериб тур!»— деди-да, ўзи руль бошқаришга киришди.

Эржон бир қанча урушларни кўриб чиниққан, душман билан юзма-юз олишган одам эмасми? Дарҳол аскар йигитлар билан матросларни тўплади.

— Ўртоқлар!— деди у кўпчиликка қараб.— Олдимизда яна бир хатар бор. Мен ҳозир сизларни қилажак операциямиз билан таништириб чиқаман. Сизлар менинг буйруғимни аниқ бажаришга киришинглар...

Эржон жангчиларни тез қуrollанишга буюрди.

— Қобил, сен пароходни анови қирғоққа бур! Сиз иккалангиз,— деди у иккита аскар йигитга мурожаат қилиб,— тезликда Арслонбекни олиб келинглар!

Қобил пароходни қирғоққа томон бурди. Аскар йигитлар Арслонбекни олиб келишди. Капитан Арслонбек оёқларини зўрға судраб босиб, Эржоннинг олдига келиб турди.

— Арслонбек!— деди Эржон қиличини яланғочлаб.— Мана бу қилични танийсанми? Бу камбағалларнинг қиличи бўлади. Ҳозиргача сизларнинг қиличларингиз ўйнаб келган бўлса, эндиликда камбағалларнинг қиличи ўйнапти. Сизларнинг қиличларингиз оз эди. Бизларники эса кўп, у ҳар бир камбағалнинг уйида, қўлида бор. Камбағалларнинг кўпчилигини сен ўзинг ҳам яхши биласан. Шундай бўлгач, нима учун сен бизга қарши чиқдинг? Қани, айт-чи!

— Мен адашдим!— деди Арслонбек ва ҳўнграб йиғ-

лаб юборди.— Кечир мени, ука. Мен матрос бўлиб, сидқидилдан ҳукуматга қора хизмат қиламан!

— Камбағални бир марта алдадинг, тагин алдамоқчимисан? Йўқ, кетмайди! Биз сени бир марта синаб кўрдик. Энди сенинг бизга керагинг йўқ. Сени отиб ташлаймиз.

Арслонбекнинг кўз ўнгидан подшо одамлари ўқидан қурбон бўлган не-не большевиклар ўтди. Чирқиллаган гўдаклар билан зор-зор йиғлаб қолган хотин-қизларнинг аянчли фарёдлари эшитилиб кетгандек бўлди.

«Хе,— деди у ўзича,— энди большевиклар ўша аламлини олмасдан қўймайди...»

— Чироғим, гуноҳимни яна бир марта кечир! Агар яна йўлдан тойсам, унда ўз қўлинг билан итдай отиб ташла, ўлимимга шундан кейин рози бўламан. Ҳозирча армон билан ўлиб кетмай, ука!

— Шундайми?— Эржон бир оз ўйланиб қолди.— Унда сенга бир шарт қўямиз. Агар сен шу шартимизни бажарсанг, шундан кейингина сени кафилликка олишимиз мумкин. Йўқса, ҳеч қандай шафқат йўқ сенга. Бироқ, агар яна йўлингдан адашсанг, унда айб ўзингда, биздан омонлик кутма!

— Майли, розиман, шартингни айт.

— Шарт бундай: ҳозир сен ўзинг билан бирга уч-тўрт одамни олиб, анови ерда бизни кутяпган босмачиларнинг олдига борасан ва уларни бизнинг олдимизга бошлаб келасан. «Анови кундаги ваъдага мувофиқ пароходни саёз тўқайга солдим. Энди у ердан бир ойсиз чиқиб кетишолмайди. Аскарларни бўлса қамоққа олдим. Шуни айтгани келдим. Бориб пароходга эгалик қилинглар!»— деб ишонтирасан уларни. Биз сени кутиб турамиз. Мабодо қўрқиб, айтганимни қилмасанг ёки ўзингни у ёқ-бу ёққа ташлаб, гапни чалғитадиган бўлсанг, унда турган ерингда беш отарнинг ўқи пешонамга тегди деявер. Ҳа, шуни бир билиб қўй!

Арслонбек икки аждарҳо қаршисида тургандек оғир тин олди.

— Яхши, кетдим!..

«Камбағаллар билан бойларнинг ҳаёт-мамот учун олиб бораётган бу курашларидан нечун беҳабар қолайин?...»— дегандек, кўкда Чўлпон юлдузи кўринди.

Ерда эса ўт-ўланлар бошини тебратиб, салқин шабада эса бошлади.

Кўп ўтмай Арслонбек бир тўда одамларни эргаштириб келди. Шу пайт «ура!» деган овозлар янграб, қамишлар

орасидан чиққан қуроли қизил аскарлар дарҳол пароходни ўраб олишди.

— Золимлар, кўтар қўлларингни!— деган буйруқ эшитилди.

Эржоннинг амирона товушини эшитиб босмачиларнинг эхонаси чиқиб кетди. Оёқ остидан чиққандек бир тўда қуролланган аскарларни кўриб, босмачилар лом-мим ҳам деёлмай қолишди.

— Қобил, пароходни шитоб билан олға сур!— деди Эржон пароходни ҳайдашга буйруқ бериб, Қобил ҳам дарҳол ҳайдовчиларга буйруқ берди:

— Пароход, шитоб билан олға!

«Дехқон» пароходи Аму сувини кўпиртириб, олға сузиб кетди. Дарё қирғоғида қолган босмачилар ўлжасини олдириб қўйган қашқирлардек у ёқдан-бу ёққа югуришганча қонсираб қолавердилар.

* * *

Йиллар кетидан йиллар ўтди.

Қобил «Дехқон» пароходида ўз ҳокимиятига роса ўттиз йил хизмат қилди. Ҳаёт ўзгарди, эл-юрт қўниш топди. Бироқ бир куни эл орасида «яна уруш бошланибди» деган хунук хабар чиқиб қолди. Орадан бир-икки ой ўтгач, мен район ҳарбий комиссариатидан келяпган Қобилни кўриб қолдим. Унинг қовоқ-тумшугидан қор ёғиб келар эди.

— Биз, ҳаммасини қуритдикми, десак, ҳали ҳам дунёда бойларнинг тухуми кўп экан-да!— деди у ғазаб билан.— Ҳали ҳам пайимизга тушганлар бор экан-да. Энди мен шулар билан урушишга бораман. Лекин сен менга айт: ўша томонларда ҳам пароход бўладими-а?

— Пароходнинг зўри ўша ёқда-да.

— Демак, қарорим қатъий, мен урушга бораман!..

* * *

...1957 йил. «Дехқон» пароходининг қирқ йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлди. Пойтахт жамоатчилиги вакиллари билан бирга менга ҳам ушбу кечада иштирок этиш nasib этди.

Матрослар клубига Совет ҳокимияти учун дастлабки йиллардан бошлаб хизмат қила бошлаган «Дехқон» пароходининг макети қўйилган бўлиб, унинг ён-атрофи пароход

фаолиятини акс эттирувчи фотоқўргазмалар билан безатилганди. Қўргазмалардан бирида пароходда хизмат қилган дастлабки матросларнинг суратлари осилганди. Мана, улардан бирида Аму тўлқинларини кўпиртириб сузиб бораётган «Дехқон» пароходининг дарғаси Қобил оға Сержонов кулиб қараб турарди...

Бир вақт бориб клубга қўлида таёқ тутган бир мўйсафид оқсоқланиб кириб келди. Бу — ўзимизнинг бояги Эржон оға эди...

Эржон оға хотиралари билан ўртоқлашар экан, сўзининг охирида қўлидаги таёгини урушдан олиб келганлигини ва «Дехқон» пароходининг кўргазмалари тўридан боқиб турган мана бу жанговар дўсти Қобил оғанинг эса урушдан қайтмаганлигини чуқур қайғу билан эслатиб ўтди.

Шу дам қорачадан келган бир йигит бизларнинг олдимизга келиб, бир-бир саломлашиб чиқди-да, Эржон оғага юзланиб шундай деб айтди:

— Мен сизларга отамнинг шу пароходда хизмат қилгани учун олган орденини олиб келган эдим. Шунинг топширсам дейман...

— Топшир, болам, топшир! — деди Эржон оға унга. — «Отадан бола» дейди. Отаннинг жанговар руҳи қўлласин. Ҳамиша бахтли бўл! — Сўнг Эржон оға менга қараб қўшиб қўйди. — Танимаяпсан чоғи. Бу йигит — Қобилнинг ўғли бўлади. Ўшандан қолган ёдгорлик. Исми — Дехқонбой бунинг...

Қобил дехқоннинг ҳаёт йўли эди бу йўл.

ХУРЖУН

(Ҳажвий ҳикоя)

Бу ҳикоя кутилмаганда шундай бошланди...

Мен, эл-юртимни кўриб, элатларимни бир зиёрат қилиб келай, деб сафарга отланиб, «Шеге»¹га бордим. «Шеге» Оқ дарё соҳилига жойлашган овуллардан биридир. Бу пайтлар Амударё сувлари қирғоқларидан ошиб-тошиб оқадиган, баъзан соҳил бўйларидаги овулларни ваҳимага солиб, қўпгина ўтовларни оқизиб кетадиган пайтлар эди.

Бир вақтлар телба Амунинг мана шундай ғазабига учраган бу қишлоқ, одати бўйича кўч-кўронини кемасига ортиб,

¹ Шеге — қумлоқ жой.

шу жойга кўчиб келади-да, ери қумлоқ жой бўлгани учун унга «Шеге» деб ном беради.

Мана шу Шеге қишлоғида бошқаларга нисбатан ёши анча ўтиб қолган Кенжамурод деган бир киши бор. Шу кунларда у соқоли қордай оқариб, қариликни бўйнига олган. Бироқ, мен ҳар гал ана шу Кенжамурод оғани кўрар эканман, «киши қариса ҳам, кўнгли қаримайди» деган гапнинг ростлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламан.

Чунки у қишлоқда ота деб номланиб юрса ҳам, ёш-ялангни кўрганда йигитлик даврлари эсига тушиб, гапнинг жиловини шу томонга буриб юборганини ўзи ҳам билмай қолади. Қарилик пўстини елкасидан босиб турган кишига, аслида, бу осон эмас албатта. Лекин шунга қарамай, у ҳар гал дўпписини қайтоқи қилиб юрган ёшларни кўрса, дарҳол ўзининг ёшлигини эсларди. Биз унинг мана шундай одатини билганимиз учун ҳам қишлоққа борганимизда, албатта унга салом бериб ўтмай кетмас эдик. У ҳам бизларни кўрганда ёшариб кетар, ҳар қандай зарур иши бўлса ҳам тўхтатиб, овулига бошларди.

Кун пешиндан оққан пайт, биз отанинг ҳайҳотдай уйида чой ичиб ўтирардик.

Тўсатдан кўзим кераганинг бошида илиб қўйилган ғалати бир хуржунга тушиб қолди. «Наҳотки шу хуржун бирор ҳикояга сабаб бўлмасикин?»— деб ўйлаб, мен шу тўғрида гап бошладим:

— Кенжаке, чамаси, манови хуржунда кўпгина овулларнинг қиз-жувонларига чойнак ташиган бўлсангиз керак-а?

У хуржунга қараб бир кулиб қўйди-да, анчадан кейин бошини кўтариб:

— Бу хуржун бир вақтлар мени ҳам ўлдириб, ҳам тирилтирган хуржун эди,— деди.

— Демак, сирли хуржун экан-да? Бўлмаса, нега ўлдириб тиритиради?..

— Ҳовва, бу хуржунда синоат кўп. Бунини мен илгариларини жуда яхши кўрардим. Сабаби, бундай хуржун ҳамманинг ҳам қўлига тушавермас эди. Бундан ташқари, эр йигитга бунақа нодир хуржундан ташқари, шунга муносиб чопқир от, мол-дунё керак бўларди. Аммо буларнинг иккови ҳам менда йўқ эди.

Кунлар бир-бирини қувиб ўтар, менинг ҳам бўйим чўзилиб, йигит бўлиб қолган эди. Фақир отам вафот қилишидан олдин:

— Болам, мана шу хуржунни яши ният билан сенга атаб сақлаб юрган эдим. Буни эгарга солиб, сени ўз қўлим билан отга миндирсам, деб орзу қилардим. Бироқ камбағалчилик ниятимга етказмади. Бахтинг кулиб, отли бўлсанг, йигит кишига мана шундай хуржун керак бўлади. Шунинг учун буни қўлдан чиқарма!— деб васият қилган эди.

Нега ҳам уни қўлдан чиқарар эканман? Ҳолбуки, онам ҳам умидини шу хуржунга тикиб ўтирибди. Мен бўлсам ҳали иқболи олдинда турган йигитман. Бир куни кўнглимга: «Шу хуржунга муносиб бир от топиб олишим керак экан-да...» деган фикр келди. Онам мени кўз олдидан жилдиргиси келмаса ҳам, кейин, кенгаш, маслаҳатлардан сўнг розилик берди. «Эр озиғи йўлида» дедим-да, онам ёпиб берган кулчаларни белимга тугиб, йўлга тушдим.

Амударё тўлқинланиб оқиб ётарди. Мен икки этагимни қайириб жадаллаб юриб борардим. Туш пайтларида бир овулга етиб келдим. Дарё ёқасида бир мўйсафид пичан ғарамлаб турган экан. Мен ундан иш бор-йўқлигини сўрасам, у жавоб бериш ўрнига менинг элдан нима учун чиққанлигимни ва насл-насабимни сўраб-суриштириб кетди:

— Болам, элдан бирор зарурат билан чиқдингми ё маччойи сайил қилиб юрибсанми?.. Бўлмаса, ҳозир бировдан иш ортадиган вақтми?— деди.

«Бу қария нималарни вайсаяпти ўзи?» деб жаҳлим чиқди. Бироқ ёши улуғ кишига гап қайтармай, деб ўзимни босдим. Қария ҳам менинг авзойим бузилганини кўриб, ишга киришиб кетди. Унинг бошқа сўзлари хотирамдан кўтарилиб кетган бўлса ҳам, бир гапи ҳали-ҳали эсимда қолган:

— Осмондан сўрагунча, ердан сўрасанг-чи, жон болам!..

Уйма-уй шўнғиб юриб, кечга яқин бир оқ ўтовга кириб бордим. Япасқи бурун, юзлари ялпоқ, йўғон-йўлпи бир киши тўрда талтайиб ўтирарди.

— Иш топилади,— деди у мени кўздан кечириб,— бироқ хизмат ҳақингга нима сўрайсан?

— Уйланмоқчи эдим, ота. Ишқилиб шунга етадиган мол-дунё йиға олармикинман, дейман-да?..

Бой чўчиб тушди.

— Сен ҳали қараб туриб бир қизнинг қалинини сўрайпасанми? Овулдан чиқаётганингда эс-ҳушинг жойидамиди ўзи?.. Қайси қизнинг қалини қанча бўлишини сен қаердан биласан?..

— Биламан, бой оға. Менга битта той берсангиз бўлади...

— Беш йил ишлашга рози бўлсанг, майли, бераман.

— Маъқул!— дедим мен.

Шу пайт бирдан ҳадемай от бўлиб қоладиган бир той кўз олдимга келди. Мен ўшанда иримчи эдим. Ўнг қовоғим учгандек бўлди. Ваъда қилинган тойни тулпор бўлиб ўсаётгандек ҳис этдим. Хўш, энди хизматни мен қилмай ким қилсин?..

Бойнинг ўтидан кириб, қулидан чиқиб, роса икки йил ишладим.

Бир куни бойнинг қовоғидан қор ёғилиб қолди. «Бунга нима бўлдийкин?» деб суриштирсам, бўйи етган қизи бир йигит билан қочиб кетибди. Бой қалин ололмай доғда қолибди. Шу туфайли у заҳрини сочиб ўтирган экан. Мен бундан сира хафа бўлмадим, аксинча, хурсанд бўлдим... Қани энди ҳамма қизлар ҳам қалинга кучи етмайдиган камбағал йигитлар билан шундай қочиб кетаверса... Чунки, агар шундай бўлганда, биз сингари молсиз йигитларнинг мушқули жуда осон бўларди-да.

Бироқ қизининг қочиб кетгани бошимга бало бўлди. Бир куни бой мени чақириб ёнига ўтқазди. Юзи ҳам аввалгисига қараганда иссиқроқ кўринди. Тилидан бол томиб, «болам!», «бўтам!»лаб гапирди. Мени лақиллатишига қаранг. У қизининг қочиб кетганига хафа эмас экан. Аксинча, тенгини топганига хурсанд экан. Ундай бўлса, нега хафа кўринади? Гап фақат қалин молда экан. Қизни текиндан-текинга берса шариат бузилар эмиш. Шунинг учун, қандай бўлмасин, йигитдан бир нарса олиш керак экан. Суриштириб кўрса, куёв бола «бир нарса» тўлаш у ёқда турсин, ўзи аранг кун кечириб юрган ширяланғоч йигит экан. Бу муҳаббат деганини қўяверинг сира... Қанчадан-қанча бой-бадавлат кишиларнинг болалари турганда, уларнинг қизларини қандайдир оч-яланғоч йигитларнинг кетидан эргашиб кетаверадиған қилиб қўяркан... Мардликни қаранг-а... Бойнинг қизи Ўғилой ҳам шундай мард қизлардан эди.

«Бой-бадавлат» деб кўнгли севмаган эр билан ноилож турмуш қургандан, севган йигити билан оби ёвғон ичиб, тинч яшаганга нима етсин? Ким билади? Эҳтимол, бу муҳаббатнинг ҳукмидир?.. Аммо масаланинг бу томонини тан оладиган ота-оналар у пайтларда камдан-кам учрарди... Шунинг учун ҳам бойнинг қизи Ўғилой отаси билан тортишиб ўтирмай, ўз билганича иш қилган эди. Ана энди ма-

нови молпараст ота нима деяпти... Қизини олиб қочиб кетган йигитнинг оти Эржон бўлиб, пешонасида биттагина ҳўкизи бор экан. Бутун бошлиқ оила ўша ҳўкизга кўз тикиб ўтиришаркан. Қиши билан топганларини шунинг оғзига тутиб, ёз бўйи деҳқончилик қилишаркан. Бой менга: «Шу ҳўкизни олиб келиб берасан» деб турибди... Анамана деб икки кун ўйладим. Тўғриси, ўйлаганим йўқ, наҳотки бой ниятидан қайтмаса, деб кутдим. Бўлмади. Бой ҳадеб қисталанг қилаверди.

— Қандай бўласин шу ҳўкизни олиб келиб берасан!— деб туриб олди.

Бўйин товлай десам, меҳнат ҳақимни бермай қўярмикин, деб қўрқдим. «Нима қилсам экан?» дейман. Ёки бойнинг кўнглини совутиб кетиб қолсаммикин? Унда икки йил фақат овқат учун юрган бўламанми? Уйга нима деб бораман? Ё куёвининг ҳўкизини етаклаб олиб келиб берсаммикин?.. Йўқ, наҳотки ўзлари битишиб кетмаса?.. Ахир, Эржон ҳам, Ўғилой ҳам ўз фарзанди-ку... Бу сўнгги фикрим ўзимга маъқул тушди. Бошқа илож қолмади. Бойни синаб кўргим келди...

Бой агар ҳўкизни кўриб раҳми келса, йигитга қайтариб беради. Қариндош-уруғлар орасида бу айб ҳисобланмайди, ўғирлик ҳам бўлмайди. Мен шу фикрга келиб, белимни маҳкам боғладим.

Аммо... аммо ҳўкизни етаклаб келгани бориб... қуруқ қайтиб келдим. Нима учундир шундай қилишга юрагим дов бермади. Мен бу ишчи жиноят деб билдим ўзимча... Қопқора зимистон тунда Эржоннинг эшиги олдига икки марта бориб, икки марта қайтиб келдим...

Эржон ҳўкизни тулпордай ювиб-тараб, кеча-ю кундуз шунинг ғамида бўларкан... Ахир бутун бошлиқ бир оиланинг ризқи рўзи шунга қараб тургандан кейин, бунга ажабланмаса ҳам бўлади-да.

Икки марта бориб ҳўкизни олиб келмаганимни сезган бой, эрталаб устимга қамчи ўйнатиб келди ва захрини сочиб:

— Ҳой сумалак, нималар қилиб юрибсан ўзинг? Ҳўкиз қани?— деб сўради.

— Ҳеч иложи бўлмади. Эгаси кечаси ҳам ундан кўз-қулоқ бўлиб чиқар экан. Бу иш менинг қўлимдан келмайдиганга ўхшайди... Мени энди қийнаманг, оға!— деб ёлвора бошладим мен.

— Ундай бўлса, ҳозироқ бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол!— деди бой қамчиси билан эшикни кўрсатиб.

— Майли, кетаман оға. Фақат... икки йиллик ҳақимни беринг...

Бой «ҳақ» сўзини эшитиб, ўйланиб қолди ва менга сездирмай ўзича гудраниб ҳам қўйди. Иккаламиз ҳам бир-биримизга ҳўмрайиб жим туриб қолдик. Бизларнинг бу туршишимизни кўрган киши ит билан мушукнинг бир-биридан ҳадиксираб туришига ўхшатар эди. Бироқ, у бу йўл билан обрў ололмаслигини пайқади шекилли, бирдан бўшашди.

— Йигит мард бўлиши керак, болам,— деди мулоимлик билан.— Мен сенга бегона одамнинг молини олиб кел деяётганим йўқ... Ундай йўлга юрмаслигингни мен ўзим ҳам биламан. Мен фақат уларга ўзимнинг кимлигимни бир кўрсатиб қўймоқчи эдим, холос. Бўлмаса, ҳўкизига ҳўкиз қўшиб бераман... Менга фақат «қизининг қалинига ҳўкиз берипти» деган овоза бўлса кифоя. Одамларнинг таънасига қолмасам дейман. Хотиржам бўл, сен уятга қолмайсан. Бор, болам, бор. Яшуллининг гапини қайтарма...

Мен ҳам бўшашдим. Ширин гап тошни ҳам эритади. деганларидек, мен доғули бойнинг гапига лаққа учиб, яна лўкиллаб жўнадим. Ўз қилмишимга ўзим ҳайрон қоламан. Чиндан ҳам шундай эмасми, ахир... Бўлмаса, мен уларга етти ёт бегонаман... Демак, уларнинг қуда-андачилик даъволари билан менинг неча пуллик ишим бор? Мен бу ишга нега аралашаман? Бундан ҳам уятлироқ иш борми ўзи?.. Аммо хизмат ҳақимни берса, ҳозироқ кетар эдим.

Икки қишлоқ ораси унча узоқ эмасди. Тонг отар пайти мен ҳўкизни етаклаб келардим... Оҳ, ўша пайтдаги юрагимнинг гурсиллаганини эшитсангиз... Дунёда ўғирликдан қийин нарса бормикин? Ахир, ота-боболаримиз ҳам «ўғирликнинг туби — хўрлик» деб бежиз айтишмаган-да... Ҳалол меҳнат билан топилган бойликка нима етсин. Менинг авлоддан авлодга айтадиган насиҳатим ҳам шу: ўғирликдан сақланиш керак!

Оёғим ерга тегиб-тегмас эди: мен шу қадар ҳовлиқиб, шошилиб келардим... Назаримда, худди бировлар кетимдан қувиб келишаётгандек туюларди... Гурсиллаган оёқ товушлари эшитиларди... Йўқ, ҳайтовур, тонг отар атрофида ҳўкиз бойнинг қўрасига кирди.

Баҳор пайти эди. Орадан ярим ойча вақт ўтгач, бир куни молларга қараб турган эдим, бирдан Ўғилой келиб қолди. Бой уйда йўқ эди. Бу иш отасининг буйруғи билан бўлгани учун, у менга фалон-пистон деб гина-кудурат қи-

либ ўтирмади. Фақат ялиниб-ёлвориб аҳволини тушунтирди:

— Отам ҳўкизни сотиб юборадиганга ўхшайди. Кўз тикиб ўтирган қўшчи молимиз эди. Ака, қайтариб беринг ҳўкизимизни.

Кўп ўйлаб ўтирмадим. Яхши дедим. Орадан икки-уч кун ўтгандан кейин, эрталаб, бойнинг энг яхши отларидан бирини миндим-да, ҳўкизни олдимга солиб, Ўғилойнинг тушган овулига келдим. Молни эгасига топшириб, дуоларини олдим. Кейин... кейин бойнинг отига миниб, ўз овулимизга йўл олдим. Онам қайтиб келганимни кўриб, терисига сигмай йиғлар эди...

— Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда ултон бўл, деган гап бор, болам. Ўз ризқингни шу ердан териб еб, бахт-иқболингни ҳам шу ердан изла!— деди.

Шундан кейин мен онамга гапнинг тўғриси айтиб бердим.

— Ёишт қолипдан кўчибди, болам!— деди онам хафа бўлиб.— Ўзинг қилган айбингни ўз оёғинг билан бориб оқлаб келганинг яхши бўлибди. Якка ҳўкизга кўз тикиб ўтирган бир оиланинг ризқи насибаси қирқилса — сен уларнинг қарзидан сира қутулолмас эдинг...

Ўйламай қилган ботирилигим учун ҳам онамдан анчагина нордон гаплар эшитиб олдим.

...Шундан кейин у қишлоққа қайтиб бормасликка аҳд қилиб, ўз қишлоғимда меҳнат қилиб юравердим. Бир куни уйимизга Айтжон оқсоқол келди. Биз унинг келишини яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам йўйишни билмай, шошилиб қолдик. Чунки, қамчисидан қон томган оқсоқол ва қора соқол бийлар биз сингари камбағалларнинг уйига бекорга йўламас эди. Шундай бўлса ҳам онам «ҳол-аҳвол билгани келган бўлса ажаб эмас» деган хаёл билан топган-тутганини оқсоқолнинг олдига тўкиб, елиб-югуриб хизмат қила бошлади.

Оқсоқол дастлаб чарви еган мушукдай ҳурпайиб ўтирди-да, кейин оч мушукдай дастурхонга аланглаб қарай бошлади.

Бир вақт қовоғини осилтириб туриб:

— Фариза!— деди онамга қараб.— Ўғлинг борган жойида ҳунар кўрсатиб келибди. Ундан кўра аравасини жимгина судраб юргани яхши эмасмиди?..

Оқсоқол онамнинг ялиниб-ёлворишларига қулоқ солмай, ўрнидан турди-да, менга қараб:

— Қани, халта-ўқлоғингни йиғиштириб, олдимга туш, бола!— деди.

Оқсоқол буюргандан кейин жон қоладими. Она-бола латтадай бўшашиб қолдик. Онам боёқиш «ўзингдан кўр» дегандек, менга қарайди, мен нима қилишимни билмай, ерга қарайман. Бир маҳал онам оҳиста ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб кетди. Бундай қарасам, оқсоқолнинг уйига кетаётган экан. Мен телбаланиб кетаётган онамни кўриб, эзилиб кетдим. Нима қилиш керак?..

Ў, меҳрибон она! Дарё соҳилига урилиб, кетга қайтган тўлқин сингари бошимиз тошга тегиб қайтмагунча, сентинч, бемалол ўтира олармидинг?.. Қанчадан-қанча бало-қазоларга балогардон бўлган ўзинг эмасмисан?..

Онам оқсоқолнинг уйига уч кун сурункасига қатнади. Тўртинчи кун туш пайт оёғи ерга тегмай хурсанд бўлиб келди.

— Оҳ, болам!— деди кирган заҳоти,— аввало худо, қолаверса оқсоқол бизга раҳм-шафқат қилди. Бир балодан қутуладиган бўлдик. Кейингисини яна кўраверармиз. Ўзи келсин, деди. Ҳозир бор, чироғим. Бор, тезроқ!..

Оқсоқол уйда экан. Саломимга алик олиш ўрнига, совуққина қилиб:

— Ҳа, кел, қароқчи!— деди тўсатдан. Гап қайтарсам онамга жабр бўлишини билиб, ўзимни босдим.

— Гап бундай,— деди оқсоқол менга ғазаб билан қараб.—«Ундай одам бу овулда йўқ!» деб қасам ичиш билан сени олиб қололмайман. Шу сабабдан мен сенинг ҳақингда: тўғри, шундай одам бор эди, бироқ яқинда ўлди, деб гап тарқатаман. Ана шундагина омон қоласан. Қани, шунга нима дейсан?..

— Раҳмат дейман.

— Раҳматингни бувингга айт!— деди оқсоқол.— Қуруқ дастурхонга ҳеч ким фотиҳа ўқимайди. Бориб уйингдаги хуржунни олиб кел бу ёққа!..

Мен хуржундан ажралгим келмаса ҳам, онам: «Болам, берайлик» деб қўймади. Шундай қилиб, бу хуржун ўша кун оқсоқолга пора бўлиб кетди...

Кейин билсам, оқсоқол уни яна бир бойга сотиб юборган экан. Аммо инқилоб бўлиб, замонлар ўзгариб кетди-да, ҳалиги бойнинг мол-мулки мусодара қилиниб, камбағаллар комитети хуржунимни яна ўзимга қайтариб берди...

«Шундай, болам, бу хуржуннинг тарихи...» деб тугатди Кенжамурод ота ўз ҳикоясини.

ҚЎЛТИҚТАЁҚ

(Ҳикоя)

Бу воқеа юз берганига анча вақт бўлиб кетди. У нақ кўз ўнгимда бўлиб ўтганига қарамай, худди тушимда кўргандай, ҳалига қадар ҳайрон бўламан ва ҳамон ишонгим келмайди унга... Лекин... лекин шунга қарамай... яна ўша иккита йигитнинг дилозорлиги, автобусга ёпирилиб чиқаётган одамлар билан ерда чалқанчасига йиқилиб ётган қўлтиқтаёқли киши — хуллас, ҳаммаси-ҳаммаси ҳаёлимда тез-тез гавдаланади-да, яна ишонмасликка илож тополмай қоламан. Сўнг ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят ичимда: «Епирай, юрсанг саёқ, ерсан таёқ, дейишининг маъноси шу экан-да, чамаси» — деб қўяман.

Унутмаган бўлсам, баҳор ойларининг қайси ҳам бир куни эди. Қуёш олис-олислардаги яшил тўқайзорларнинг устига ботиб, кенг Аму бўйларига сафобахш оқшом қўнганди. Мен ҳамроҳим билан қишлоқ томондан қайтиб келаётиб, дарё ёқасида автобус кутиб турардим. Билмайман, одамлар ишдан қайтишган пайтмиди, ҳайтовур, йўловчилар жуда кўп эди. Кўп ўтмай, автобус келиб тўхтади. Болали оналар олдинги эшикдан автобусга чиқа бошладилар. Менинг қўлимда ҳам ёш бола бор эди. Навбат билан машина эшиги томон яқинлашиб борар эканман, шу пайт протезли оёғини билтанг-билтанг босиб, ўрта ёшларга яқинлашиб қолган бир қўлтиқтаёқли одам терлаб-пишиб етиб келиб қолди ва менга яқинлашди-да:

— Айланайин, рухсат этсангиз. Анча жойдан юра-юра зўрға етиб келдим. Бирон жойга илиниб, ўтириб кетмасам, оёғимда оёқ қолмади! — деб ўтинди.

— Майли, кира қолинг, оғажон, — дедим мен ва орқага бир қадам чекиниб, унга йўл бердим.

— Умрингдан барака топ, раҳмат, қарагим! Кўп яша! —

деди ҳалиги одам миннатдорчилик билдириб ва машинага чиқмоқчи бўлиб, қўлтиқтаёғининг биттасини энди унинг олдинги эшиги зинасига қўйган ҳам эдики, шу пайт бирдан пароходдан тушиб, югуриб келаётган иккита йигит орамизга келиб суқулишди ва бизни наридан-бери туртибсуриб, ичкарига лип этиб кириб кетишди. Уларнинг заптидан қўлимдаги болам билан йиқилиб тушишимга сал қолди. Ҳалиги қўлтиқтаёқли одам бўлса, мувозанатини йўқотиб қўйиб, қўлларини ёзиб юборди ва чалқанчасига ағдарилиб тушди. Тепасига одамлар уймаланишиб, бири қўлидан, бири кифтидан, бошқа бири бошидан суяб турғизишиб, кўплашиб ўтиргизиб қўйишди. Ногирон оёғи қаттиқ лат еди чамаси, у оёғини қучоқлаб олган ҳолда, юзларини буриштириб, инграна бошлади...

Унинг ўша юракларни тирнайдиган аянчли ингроғи ҳамон қулоғимдан нари кетмайди...

Шундан буён, мана, орадан анча вақт ўтиб кетган бўлса-да, ҳамон ўша ноҳуш воқеа эсимга тушса, кўнглим бузилиб кетади, қўлимдан келса-ю, бирон иш қилсам, ёки қандайдир мўъжиза юз бериб, ўша қўлтиқтаёқли одамни қадимги аслига қайтарсам, дейман... ва шундай теран хаёлларга берилиб кетиб, унинг шу аҳволга тушишига сабаб бўлган қаттол урушга лаънатлар айтаман!..

Сўнг ҳаммамиз уни суяб, ўтирган еридан тургаздик. У қўлтиқтаёғига суяниб, ҳар биримизнинг юзмизга бир-бир қараб чиқди. Эҳтимол, у шундай пайтда ўзига меҳрибонлик қилган бу одамларга миннатдорчилик билдириш учун шундай мўлтилаб боқаётгандир! Бўлмаса, ҳалиги иккита дилозор йигитни изламасмиди? Йўқ, у атрофини ўраб турган одамлар орасидан уларни изламади. Аммо дилозор йигитлар эса, гўё ҳеч гап бўлмагандай, парвойи-палак, ўзларига қулай жойни танлаб, лоқайд ўтириб олган эдилар.

Оёқлари ногирон оғай ана шунисига чидолмади шекилли, уларга тегизиб бир-иккита гап гапирди:

— Бу барака топмагурлар билишмайди. Биз бўлсак, худди мана шуларни деб урушда оёқни бериб келдик. Лекин ўшанда булардан шундай «оқибат» кўрамиз деб ҳеч ўйламаган эдик...

Оғайнинг хўрлиги келиб, ўпкаси тўлди, киприкларида ёш ҳалқаланди, белбоғи билан кўз ёшларини артди-да, машинага чиқиб ўтириш учун унинг эшиги томон юрди.

Биз ичкарига кирдик. Олдинги қатордаги ўринларнинг деярли ҳаммасига болали оналар, чоллар, кампирлар ўти-

риб олишганди. Учинчи қаторда эса ҳалиги иккови ойнадан ташқарига қараб, без бўлиб ўтиришарди. Ўрта ҳам тик турган одамларга тўла эди.

Қўлтиқтаёқли оғай кўпчиликнинг ёрдами билан бир амаллаб ичкарига кириб олди.

— Амаки, бу ёққа ўтинг, жой бор, — деб чақирди кимдир орқа томондан унга мурожаат қилиб.

— Э, чироғим, у ерга ўтиб бориш осонми менга...

У аланглаб атрофига қаради. Буни рўпарамизда кузатиб турган сочлари оппоқ бир кампир ўрнидан туриб жой берди.

— Йўқ, йўқ, йўқ. Сиз безовта бўлманг, она. Бир илож қилиб етиб оларман, борадиган ерим ҳам унча узоқ эмас, — деб эътироз билдирди оғай, ўзини тетик кўрсатишга ҳаракат қилиб. Аслида, у оёғида зўр-базўр турарди. Ундан ташқари, оппоқ сочли онани ҳам сийлаш керак эди-да, ахир.

Мен чидаб туролмадим:

— Йигитлар, без бўлиб ўтирмасдан, жой берсаларинг, бирон нима бўладими? Оппоқ сочи билан она жой беряпти, сенлар-чи, итариб йиқитиб кетганларинг етмагандай, яна юзларингга чарм қоплаб ўтирибсанлар. Ҳайф-э сенларга йигит деган ном! — деб юбордим.

— Камроқ сўзлаган маъқул, — деди бериги томонда ўтирган бирови салмоқлаб. — Мажруҳ бўлса, ана ўрни, ўтирсин! — У олдинги қатордаги қари-қартанглар ўтирган жойга ишора қилди. — Бизга нега дағдаға қиласиз шунчалик?..

Унинг қовоғи уйилди.

Мен индай олмай қолдим. Сирасини айтганда, бундай одам башара нусхаларга нима дейишингни ҳам билмай қоларкансан киши.

— Қарғиш теккан болалар экан, қўйинг, сатқайи гапингиз кетсин! — деди қўлтиқтаёқли оғай менга, иккинчи томондан бўшатишган жойга ўтираётиб.

Ҳалиги йигит ҳам паст тушмади:

— Қарғиш теккан сенми, менми? Қарғиш тегмаса шу аҳволга тушармидинг!

Йўловчилар унинг бундай юзсизлигидан ёқаларини ушлашди ва кўпчилик «аҳмоқ!» деб юборди.

Мен бу воқеани анча вақтгача унутолмай юрдим. Лекин вақт ўтган сари, у ҳам хотирамдан секин-аста ўча борди. Бора-бора, худди тушимда кўрганимдек, таъсирини йўқотди. Шуниси ҳам борки, орадан уч-тўрт йил гизиллаб ўтиб

— Унга раҳмингиз келмай қўя қолсин. Ўлгудек саёқ йигит экан. Одамлар уни, феълидан топган, дейишади. Эшитишимга қараганда, бир кун тўйгунича ичиб олиб, тунда аллақандай йўловчини ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўлардай калтаклабди. Нима бўлибди-ю, бундан милиция ходими хабар топиб қолибди. Қараса, қўлга тушиб, шарманда бўладиган, шундан кейин у кўп ўйлаб ўтирмай, мотоциклга минибди-да, қочиб қолибди. Маст эмасми, мотоциклини жуда тез ҳайдаб кетаётиб, бориб машинага урилибди ва ўнг оёғидан қаттиқ шикаст топибди. Касалхонага олиб келишгач, врачлар унинг оёғини кесиб ташлашдан бошқа чора топиша олмади... Ичкиликдан орттирган фойдаси, кўриб турганингиздек, мана шу бўлибди. Бўлмаса, ёшгина йигит-а ҳали ўзи.

Қизик, мен уни шундан буён кўчаларда тез-тез учратиб тураман. Ва ҳар гал уни кўрганимда тўхтаб, ҳайрат билан ёқамни ушлайман. Ўша автобусдаги гаплар беихтиёр эсимга тушаверади ва мен унга: «Эҳ, қарғиш урган! Сен ўша пайтда отанг тенги келадиган одамга нима деган эдинг, ёдингдами? Агар билсанг, у одам оёғидан урушда — Ватан учун, сен билан бизнинг бахт-саодатимиз учун жудо бўлган эди... Қай ерларда, қайси окопларда, қандай ҳолатда яраланди, худо билади. Ҳар қалай, эл бошига келган балони даф қилиш учун қон тўкди... Хўш, сен-чи? Бир куни келиб одамлар сендан: «Оёғингга нима бўлди?» деб сўрашса, сен шунда нима деб жавоб берасан? «Қаҳрамонлик кўрсатдим» дейсанми? Ёки: «Ватан учун жангда йўқотдим» дейсанми? Нима дейсан, айт, ахир сен ҳам одамсан-ку!..» — деб аччиқ-аччиқ гапиргим келади.

1966 йил.

10 12

КЕНГ ҚЎНИШ

(Очерк)

Кеч куз. Қизилқум яйловларига барвақтроқ туша бошлаган қишки совуқ атайлабдан қаҳрига олиб, ҳадеганда ёзилиб кетавермади. Ақсинча, кундан куннинг раъйи ўзгариб, тобора совутиб борди ва кўп ўтмай қор ёгинини бошлаб келди.

Эрта тушган қор ёғини далалар билан битта бўлиб ўтлаб юрган ўтар-ўтар қўйларни ҳам, қишнинг бунчалик эрта тушиб қолишини кутмаган чўпонларни ҳам анча эсанкиратиб қўйди.

Бунинг устига-устак, ўтар жойлашган ён-атрофдаги яйловларнинг ҳам ўт-чўплари товсилиб, илон ялагандек қип-яланғоч бўлиб қолганди.

Кўриниб турган гапки, чорвадорлар фақат яйловлардаги ўт-чўпларагина тикилиб ўтиришмасдан, қиш ғамини ёзда еб, минг-минг тонналаб пичан ўриб, ғарам қилиб, силос тайёрлаб, кунжара, янтоқ... дегандек — ҳамма керакли ем-хашакларни тўплаб қўйишганди, албатта. Бироқ бу ўт-чўп билан ем-хашаклар қирчиллаган қиш кириб, қўйлар оғзи кўкка илинадиган пайт — баҳор келгунча етадимийўқми — гап ана шунда эди. Аслида эса — албатта етиши керак! Йўқса, аҳволлари чатоқ бўлади. Аммо ўт-чўпларимиз кўп, ем-хашакларимиз мўл, деб ўтар-ўтар қўйларни далалардан қўраларга ҳайдаб, қамаб боқишнинг ҳам фойдаси бўлмайди. Шунинг учун бир қатор қўйларни, кам деганда, тахминан мингга яқинини, совуқдан омон олиб ўтган ҳолда, олис бўлса ҳам ўт-чўпи кўпроқ ва кенгроқ яйловларга ҳайдашга тўғри келарди.

Қизилқум чорвадорлари шу хусусда ўйлашиб-кенгашишар экан, биринчи бўлиб энг тажрибали чўпон Қодир оға шундай деб маслаҳат берди:

— Ҳар қалай, чирогим, бизнинг бу ердан энди тезроқ кўчганимиз маъқул,— деди у ферма мудир Елибойга қарата гапириб.— Бўлмаса, аҳволимиз тангроқ бўлиб қолади. Кўпроқ зарар қўришимизга тўғри келади. Бунинг олдини олиш учун эса биз албатта янги қўнишга кўчишимиз ва қишлоғни кенгроқ яйловларда ўтказишимиз керак.

— Қодир оға, сизнинг гапигиз жуда тўғри,— деди унга Елибой.— Чиндан ҳам яқин ён-атрофимиздаги ўтлоқ ерларнинг ўт-чўпи товсилиб, яйловларимизнинг ҳаммаси тап-тақир даладек бўлиб қолди. Шунинг учун биз албатта қишлоғни бошқа ерга кўчириб боришимиз ва тузукроқ қўниш жойи топиб, қўйларимизни бамайлихотир қўзилатиб олишимиз керак.

— Эски қўнишимизга эса, баҳор келгандан кейин қайтиб келганимиз маъқул,— деди Қодир оға кенгашга яқун ясаб.— Бўлмаса, тезлик билан кўчиш тайёргарлигини қўришимиз керак!..

Кўп ўтмай Қизилқум яйловларидаги қўй ўтарларини янги қўнишларга кўчириш бошланди. Дастлаб кўчганлардан бири — Қодир оғанинг ўтари бўлди.

Бироқ, шуниси ёмон бўлдики, Қодир оға ўтарини ҳайдаб йўлга чиққан куннинг эртасигаёқ, пешин пайтига яқин, кутмаганда бирдан куннинг турқи ўзгариб, бирпасда еру кўкни булут қоплаб кела бошлади ва орадан салгина ҳам фурсат ўтмай, япроқдек-япроқдек қор бўралаб, бу ҳам етмагандек, кетидан шамол қўзғалиб, қуюн туриб берди...

Қодир оға шитоб билан қўйларини шамолдан панароқ бир ўзан ўрнига уюриб, бешафқат табиатдан «шафқат» кута бошлади. Бироқ, қасқда дейсиз? Аксинча, кеч кира борган сайин қор-бўрон кучайиб, табиат қаҳрига миниб олди ва ён-атрофдан қуюқ туман бостириб кела бошлади...

Оқшом чўкиб, қош қорайди. Ер бетига кўрпадек ёпинган оппоқ қор шамол қўйнида тугён кўтариб, ҳатто Қодир оғанинг миниб бораётган отининг қулогини ҳам кўрсатмай қўйди...

Қодир оға умри бино чўпон бўлиб ишлаб келарди ва бунингдек қийинчиликларни не-не марта бошидан кечирганди. Шунинг учун ҳам у бу ола-тўполон пайтида ўзини йўқотиб қўймади. Балки аксинча, тадбир билан иш кўришга киришди. Унинг фикрича, энди қўйларни унғурда кўп ушлаб турмай, дарҳол аста-секин ҳайдашга тушиш керак эди. Чунки қор устида ётиб қолган қўйларнинг аҳволи нима кечишини у яхши тушунарди.

Чиндан ҳам шундай бўлиб, агар ўтар қор устида тунаб қолса, уларнинг ўпкасини совуқ чалиши мумкин эди. Ундан ташқари, тинмай юриб турган қўйларни совуққа олдириб қўйишдан омон сақлаб қолиш ва уларни йўл-йўлакай ўтлатиб бориш ҳам мумкин бўларди. Шу важдан у қўйларини бу ердан тезроқ силжитишга ва ҳеч бўлмаганда бир амаллаб қорларини шамол учуриб кетган бошқа бирон тузукроқ маконга етиб олишга шошилади.

Қодир оға қўйларини ҳайдаб борар, қор эса, гарчи энди шамолсиз бўлса-да, лекин ҳамон бир меёврда тинмай ёғиб турарди. Шу алфозда бир оз юриб борилгач, секин-аста қор ёғиши сусайиб, аксинча, совуқ тобора кучайиб борди. Аммо шунга қарамай, Қодир оғанинг йўли ўнгидан келди. У ўтарини ҳайдаб қорларини изғирин ялаб кетган аллақандай бир сайхонлик бағрига келганда, табиат у билан ортиқча ўчакишмай, қор ҳам «майли!» дегандек, бирдан тина қолди.

Қодир оға ўтарининг олдини ўраб, сайхонлик ён бағрига уюрди. Бироқ афсуски, қор ёғини тинган билан, аммо бўрон ҳамон бўраб турарди.

Кун қутуриб, совуқ кучая борган сайин, усти-бошин ивиган Қодир оғанинг ҳам мазаси қоча бошлади. Совуқ заҳри унинг суяк-суягидан ўтиб, аъзойи баданини титроқ қамраб олди.

Қодир оға ўзининг совуққа қота бошлагани устига қаттиқ қорни очганини ҳис этди. Шундан кейин у нон-сувини олиб, тамадди қилишга тутинди. Сўнг, баданимга сал иссиқ югурармикин, деган ўй билан қўйларни оралашга киришди. Лекин бундан ҳам унча наф бўлмади. Энди нима қилиш керак?..

Қодир оға ўтарини оралаб юриб-юриб, охири, ғуж бўлиб ётишган бир гала қўй орасига суқулиб кириб ётишдан ўзга чора тополмади ва айни шундай қилди...

Тонг энди сарғайиб отиб кела бошлаган бир пайтда Қодир оға уйқудан кўзини очиб, кечаги ва туни билан уни қийнаб чиққан қаҳрли қор-бўрон совуғидан асар ҳам қолмаганлигини кўрди.

Ҳаво очилиб кетганди. Ер юзидан туман кўтарилиб, кўкда ҳам ҳеч қандай булут кўринмасди.

Мана, дастлаб сарғиш шоҳи парда ўраган, сўнгра эса уни оппоқ либос билан алмаштирган ажойиб тонг ҳам отди. Қодир оға қўйларини бир қатор кўздан кечириб чиқиб, яна йўлга равона бўлди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач эса, йўл-йўлакай қўйларини совуқ тушса чалдирмай, йиртқич чопса олдирмай омон олиб ўтган Қодир оға, эл орасига етиб келиб, кенг қўниш топди ва қўйларини ўт-чўпи мўл яйловлар сари ҳайдаб солди...

* * *

Чўғир кўл сиртдан қараган кишига дафъатандан ўйдим-чуқур жойлардангина иборат бир манзилдек кўрингани билан, аслида, кафтдек текис ўтлоқларга, шишадек тиниқ сувлари тинмай оқиб ётадиган ажойиб сайхонликларга ҳам бой бир макондир. Айниқса у чўпонлар учун жуда қулай жой бўлиб, турли-туман ўт-чўпларнинг ҳам ҳеч ҳисоби йўқ эди бу ерда.

Омадни қарангки, гўё ўжар табиат ҳам фақат Қодир оғанинг Қизилқумдан Чўғир кўл бағрига кўчиб келиб, қўниш топишини кутиб тургандек, кун сайин ёзила бориб, тез фурсатда баҳор нафасини уфура бошлади.

Қўйлар кечқурун илиқ қўраларда ётиб, кундузи билан кенг қўнишдаги кўм-кўк ўтлоқлар узра бодраб, тўйиб ўтлашга тушди.

Аммо, қўниш кенг, қўралар бут, яйловлар мўл, ўт-чўп сероб бўлгани билан, бари бир, чорвадорлик касбини ҳам ҳеч осон тутиб бўлмайди. Аксинча, у сендан ҳамаша тажриба талаб қилади ва мудом кунт билан иш олиб боришингни ҳамда ҳаргиз кўз-қулоқ бўлиб туришингни тақоза этади.

Масалан, мана бир мисол.

Бир куни Қодир оға совхоз марказида бўладиган қандайдир бир мажлисга кетди. Йўл узоқ бўлганлиги учун, мажлисдан кейин кечаси билан юриб ўтар бошига етиб келишнинг ҳеч иложи йўқ эди, албатта. Шу сабабдан совхоз директори узоқ яйловлардан келган чўпонларни ўз вақтида ўтар тепасига етиб келишини таъминлаш мақсадида, уларни машина билан элтиб қўйишни уюштирди. Бироқ афсуски, Қодир оға тушган машина бир оз юргандан кейиноқ, бир ери бузилиб, «тирр-тирр» этди-да, тўхтади қолди.

— Иним, бу ишинг ярамади!— деди Қодир оғанинг кўнгли хижил бўлиб шоферга.— Бизни қандай қилиб бўлса ҳам тезроқ олиб бориб ташлашнинг иложини қил. Бўлмаса, ишимиз чатоқ бўлади. Ахир, бутун умидимиз шу

яйловда қолган қўйларда-я!.. Айниқса, жониворларнинг айни қўзилаётган пайти эканлигини айтмайсанми...

— Кўриб турибсиз-ку, ўтоғаси, жўрттага тўхтатиб қўйганим йўқ,— деди шофер ноқулай аҳволда.— Бузилиб қолса нима қилай? Бирпас сабр этинг...

— Қандай қилиб сабр этай? Қўзилаётган қўйларим далада қолди!..

Қисқаси, Қодир оға қўниш тепасига мўлжалдагисидан анча кечикиброқ етиб келди.

Эрталаб ўрнидан туриб, қўра-қўра қўйларини бир қатор кўзидан ўтказиб чиқди. Қараса, битта қўй етишмайди. «Қашқир тортиб кетгандир!..»— дейин деса, бу атрофда у газандалардан дарак йўқ эди.

Қодир оғанинг юрагига ғулғула тишди. У ўтарни яйловга чиқариб юборди-да, бола-чақасидан кеча қўйларнинг қайси атрофда ёйилганлигини сўраб-суриштириб кўрди. Кейин ўша томонларга бориб, ўт-ўлан, жингилларнинг таглари ва бошқа пана жойларни бир қатор синчиклаб қараб чиқа бошлади. Назарида, қўй бечора қўзиламоқ учун холироқ жой ахтариб қолиб кетгандек туюларди...

...Мана, Қодир оға йўқотган қўйини панароқ бир жилга бўйида эгиз туғиб, қўзилари устида парвона бўлаётган бир пайтда топиб борди. У, қувонганидан чарчоғини ҳам унутиб, қўзиларни дарров икки қўлтиғига олди-да, онасини кетидан эргаштириб, қўш бошига қайтди. Келса, ферма мудир Елибой уни кутиб ўтирган экан.

— Ў-ў, ҳорманг Қодир оға, ҳорманг... Қўзилар қутлуғ бўлсин энди!..

Ҳол-аҳвол сўрашганларидан кейин, мудир унга қўраларнинг бир оз ифлосланиб қолганлигини айтиб, дарҳол яхшилаб тозалаб қўйиш зарурлигини илтимос қилди.

— Маъқул, чироғим!.. Совхоз марказидан кеча кечаси кечикиброқ келган эдим. Икки куннинг ичида дарров шунчалик бўлиб қолганлигини қарамайсанми,— деди Қодир оға изох бериб.— Мен буни шу бугунданоқ тозалаб қўйишга киришаман... Энди, сендан бир илтимос: бизга тезроқ ем-хашак етказиб беришнинг иложини қилинглар. Чунки қўйлар текис қўзилай бошлади: бир оз қўшимча ем-хашак бериб турмасак бўлмайди энди. Ахир, ўзинг биласан-ку бу ёғини!..

— Билганда қандоқ! Бироқ қўйларни кўпроқ қўрада қўзилатишга эътибор берсангиз экан!..

— Мен ҳам шундай қиялман, чироғим. Мана, маса-

лан, илгариги куни оқшом тўрт-беш қўй қўрада қўзилади. Бугун ҳам учта-тўртгаси қўзилайин деб турибди. Буларни яйловга ҳайдамай олиб қолдик. Бизга фақат тезроқ ем етказиб берсанг бас!

— Ем-хашагимиз мўл, Қодир оға. Мен уларни бу ёққа отланишим олдидан ортиб-тортиб, тайёрлатиб қўйган эдим. Эҳтимол, ҳозир йўлда келаётган бўлса... Хўш, энди, сиз менга айтинг-чи: ёлғиз қўзилайдиган қўйларингиз кўпми ёки эгиз қўзилайдиганлари кўпми?

— «Юздан югурик, мингдан тулпар» дейди, болам. Шунга ўхшаб, ёлғиз қўзилайдиганлари ҳам кўп, эгиз қўзилайдиганлари ҳам кўп...

— Яйловларингиз қалай? — деб сўради Елибой яна.

— Яхши. Бу атроф бизга жуда қулай келиб қолди. Қўнишимизнинг кенглиги, яйловларимизнинг кўплигини айтмайсанми? Қўйларимизга ҳам анча жир битиб қолди. Қишловимиз қутлуғ келди, болам, энди биз бу ердан баҳоргача қимирламаслигимиз керак...

Бу фикр ферма мудирин Елибойга ҳам маъқул тушди. У кенг қўнишдан макон тутган чўпон оғага бундан бу ён ҳам муваффақиятлар тилаб ҳамда бир қатор зарурий тадбирларни буюриб, ўзи ферманинг бошқа ўтарларини оралагани кетди. Қодир оға эса яйловга ҳайдалган қўйларидан бирров хабар олиб қайтиб, қўй қўраларини чиннидек қилиб тозалашга киришди.

* * *

Чўғир кўлнинг бериғи ёнбошидаги тепалик бағрига жойлашган қўранинг битта хонасида туни билан чироқ ўчмай чиқарди ва у гўё қир бағридан кўтарилиб келаётган чўлпон юлдузидек эрталабгача ён-атрофга ёғду таратиб турарди.

Бу — Қодир оға Ирғизбоев жойлашган қўш боши бўлиб, бу ерда куни билан ҳам, туни билан ҳам қўша-қўша қўйлар қўзилаб чиқарди...

Қодир оға бу йил ҳар юз бош совлиқ қўйдан юз йигирма беш бош қўзи олиш учун тун уйқусини тўрт бўлиб, қўзилайдиган қўйлар билан бирин-кетин янгидан дунёга келаётган жажжи қўзичоқларини олақонида ардоқлаб чиқарди.

Кенг қўнишдаги кенг яйловларга қўй ёйган Қодир оға учун азамат етти йилликнинг бу иккинчи йили — қутлуғ йил бўлиб келди.

1960 йил.

«Чуқурсой» бўйи сув сепгандай жимжит.

Ҳақиқатда унинг номи шундай аталгани бўлмаса, аслида ундан тўпикқа ҳам етар-етмас сув оқарди. Сойнинг иккала қирғоғи ҳам тик жар эди. Бу жарлар худди бир-бирларига интилишаётган ошиқ-маъшуқлардек туришарди. Жарлик ўртасида серқатнов йўл бор эди. Сал нарироқда иккита овул бўлиб, улардан бири сойнинг ўнг тарафига, иккинчиси эса чап тарафига жойлашганди. Илгарилари бир-бирлари билан борди-келди қилиб турган бу овуллар ҳозир ўзаро ёвлашадиган бўлиб қолганди. Бирор тинч кун йўқ эди: ҳар куни бўридай қутурган босмачилар бостириб келиб, кўзларига кўринган кишиларни қон қақшатиб ўлдириб кетишарди.

Одатда сойни кесиб ўтган қишлоқ йўли ҳар доим серқатнов бўларди. Ҳозир эса бу йўлдан одам тугул, ҳатто ғақ этган қарға, чурқ этган чумчуқ ҳам учиб ўтмасди. Жониворлар ҳам ўзларига тинч жой қидириб, бошқа ёқларга кетиб қолишганга ўхшарди.

Жимжитлик уч кун чўзилди. Босмачилар аҳолини шу қадар қўрқитиб қўйган эдики, овулларда чурқ этган товуш эшитилмасди. Ҳатто моллар ҳам маърашга қўрққандек, тинчгина кавш қайтариб ётардилар. Бу жимжитликни Чуқурсойнинг қибла томонига келиб чодир қурган қизилларнинг бўлинмаларигина бузиб юборди.

Бўлинма ҳолдан тойган эди. Шунинг учун ҳам аскарлар кела солиб отларга ем беришди-да, уйқу ғолиблик қилиб, дуч келган жойга таппа-таппа ташлашиб, уйқуга кетишди. Фақат ошпаз қизгина сергак эди. У бошқаларга қараганда ўзини анча тетик тутарди. Қадди-қомати келишган, юзлари нақш олмадай қип-қизил эди. У билакдек йўғон, қўш ўрим, калта сочларини яхшилаб турмаклаб олганди. Бошидаги будённовкаси бежирим қадди-қоматига қуйиб қўйгандек ярашиб тушган бўлиб, манглайдаги беш қиррали юлдуз ярқираб турарди. Қиз хатти-ҳаракатидан бўлинмага яқинда қўшилганга ўхшарди.

Орадан бир оз ўтгач, гавдали, мўйловдор, тўладан келган командир дурбинини кўтариб чодирдан чиққан пайтда,

баҳайбат жарлар ортидан зар кокиллари~~ни~~ ёйиб, қуёш чиқиб кела бошлаган эди.

Командирнинг қалин ва узун қоши, тикилиб қараганда ўтдай чақнаб турадиган кўзлари уни бошқаларга қараганда кучли ва иродали қилиб кўрсатарди. Унинг кенг пешонаси, манглайдаги ажинлари, онда-сонда оқ оралаган олтиндай сап-сариқ сочлари ва кўкиш кўзлари унга ўзгача чирой ва айниқса суйкумлилик бахш этиб кўринарди.

Командир дурбинида уфққа узоқ тикилди-да, кейин чодир томонга қараб юрди.

— Чой тайёрни, Биби?— деб сўради у кираётиб ошпаздан.

— Тайёр, командир.

— Эҳ, у келмади!.. Нима бўлсаям энди ўзимиз бирор иложини топишимиз керак,— деди командир ва ухлаб ётган йигитларига қараб:— Буларнинг қорни тўқми дейман, нега чойга ҳам туришмаяпти,— деди.

Аскарлар худди бир нарсадан чўчигандек уйғониб, кўзларини ишқалай-ишқалай ўринларидан туришди ва ювинишиб келиб, чой ичишга тутинишди.

Жангчилар чой устида бундан уч кун бурун разведкага юборилган дўстларининг ҳалигача келмаганлиги тўғрисида гапиришиб, қайғуриб ўтиришди:

— «Тилчимиз» келмади-ку... Мард йигит эди. У ё қўлга тушган, ёки бошқа бирор фалокатга дучор бўлган,— деди командир хафа бўлиб.— Биз энди тинчгина қараб ўтира олмаймиз... Босмачилар бўлса оч бўрилардек халқни талаб туришибди... Шунинг учун қандай қилиб бўлса ҳам у ерга яна бир одам юборишимиз керак. Аммо бу гал ҳийла ишлатмасак бўлмайди...

Командир ўйланиб, бир оз жим қолди. Босмачиларнинг ёвузлиги кўз олдига келди. Улар халқни хўрлаб, чексиз азоб-уқубатларга дучор қилмоқдалар, хотин-қизларни зўрлаб, ота-оналарни, болаларни ўлдирмоқдалар. Шуларни ўйларкан, унинг газабга тўлган юраги тошиб, ўрнидан туриб кетди.

— Сенлар шошмай турларинг ҳали, газандалар!— деди у босмачиларни назарда тутиб.— Сенларни тор-мор қиламиз. Келажак бизларнинг қўлимизда!..— Қани энди ким боради?— деди у яна жангчиларига мурожаат қилиб.

— Мен!— деб жавоб берди Иванов.

— Йўқ, мен бораман!— деди Холмурод фақир ҳовлиқиб.

— Мен ҳам тайёрман!— деди Қаюм ўқдай өтилиб чиқиб.

— Биз ҳам борамиз, биродарлар!— деди бир туркман йигити, ҳар бир сўзини дона-дона қилиб гапириб.

— Ўртоқлар, шу ишга мени юборинглар!— деди Ғиззат бел боғлаб.

Командир мийиғида кулимсираб қўйди.

— Топшириқ жуда масъулиятли. Эҳтиёт бўлиш керак. Биламан, ҳаммангиз ҳам қийинчиликдан қўрқмайсизлар. Лекин бу ишга хотин-қизлардан бўлса жудаям яхши бўларди-да!— деди командир жангчиларга бир-бир қараб.— Пийда бориш керак. Ундан ташқари, бу ерда бошқа сир бор...

Командир сўзини тамомлагандан кейин, Бибигул ўрнидан туриб:

— Бўлмаса, мен тайёрман, ўртоқ командир,— деди қатъий қилиб.

Командир рози бўлди.

Бибигул командирнинг буйруғи билан эғнига жулдур-жулдур эски бўз қўйлак, ёқаси ва этаги йиртилган узун қорақалпоқча чопон, бошига пахтаси чиқиб кетган пилтали тақия кийди. Оёғига эски, ямоқ солинган кавуш кийиб, белини тизимча билан боғлаб олди. Сўнг елкасига тўрва осиб, командирнинг қўлидан кичкина байроқни олиб, унга бир оз қараб турди-да, қўйнига тикди.

Биби йўлга чиқар экан, командир жангчиларига:

— Ҳозир бизлар бир-иккитадан бўлиб бўлинишимиз керак... Иккитамиз овулнинг кунботиш томонидаги тўқайга, яна бир-иккитамиз орқага, бошқа бир-иккитамиз эса олдинга ўтамиз... Қисқаси, байроқ овул устида ҳилпиради дегунча, ҳаммамиз тўсатдан ёпирилиб, овулни қуршаб оламиз!— деб тушунтирди ва ҳаммага ўз вазифасини белгилаб берди.— Мен, шахсан, тўқайликдаги жангчилар билан бирга бўламан. Эшитишимга қараганда, босмачиларнинг қўрбошиси Тайман қора руҳий касалликка йўлиққан одам. Шунинг учун байроқ мумкин қадар кундузи тикилсин. Душманлар биздан анча кўп. Лекин шунга қарамай, агар бизлар руҳан тетик туриб ҳужум бошласак ва кутмаганда чор аτροφни ўраб олсак, улар бизга дош беролмайди, деб ўйлайман. Сабаби, улар байроқни кўриб, ҳужум қилишга улгура олмай, шошиб қолишади... Сизлар нима дейсизлар бу режага? Агар маъқул бўлса, буйруқ шу. Тарқалинлар!..

Жангчилар ўз ўринларини эгаллаш учун шошилдилар.

Жулдур кийинган Бибигул елкасига тўрвасини осганича, илон изи сўқмоқ ёқалаб овулга яқинлашиб келаркан, йўлда унга биронта ҳам жонзот кўринмади. У диққат билан қулоқ солиб, теварак-атрофга синчиклаб кўз югуртириб чиқди. Гўё овул одамлари бир ёққа кўчиб кетгандек, ҳамма ёқ жимжит эди. Бибигул босмачиларни «нариги овулга кетишганмикин?» деган хаёлда Чуқурсойнинг нариги бети-га қаради. Лекин у томонда ҳам ҳеч зот кўринмасди. Шундан кейин у яна бир оз юриб овул ўртасига етиб келди ва дарвозасига нақш ўйилган катта ҳовли олдидан чиқди. Ҳовлининг чор атрофи очиқ бўлиб, дўнгликка жойлашган эди. Кунботиш томонида куз бўлишига қарамай, барглари ҳали тўкилмаган бир туп азим садақайрағоч ўсиб ётарди.

Бибигул ён-верига аланглаганча дарвозага яқинлашар экан, орқа томонидан ўн икки ёшлар чамасидаги бир бола югуриб келиб, унинг олдини тўсди.

— Яқинлашманг!— деди у бунга секин гапириб ва биров эшитмаяптимикин дегандек, ҳадиксираб дарвоза томон-га қараб қўйди.

— Нега?— деди Бибигул боланинг қўлини ушлаб, уни сал чеккароққа тортаркан.

— Ёмон одамлар бор...

— Улар кимлар ўзи?

— Тайман қоралар... Ҳеч кимни аямайди, отиб ташлайди!— деди бола аланг-жаланг қилиб.— Юринг, бу ердан тезроқ кетайлик.

— Ҳм!.. Бу кимнинг уйи?

— Мулла Ҳожибой аканинг уйи...

Бибигул ўйланиб қолди. Нияти холислигини қарангки, худди босмачиларнинг уяси устидан чиқиб қолибди! Энди байроқни тезроқ осиш керак. Агар билиб қолишса, унда ёруғ дунё билан хайрлашавер!

— Нарвон-парвон борми бу ерда?— деб сўради Бибигул ҳовли ичкарасига кўз югуртириб. Бироқ унинг кўзига ҳеч нарса кўринмади.

— Дарвозанинг...— деб бола орқасига қараган эди, бир нарсанинг шарпасини сезгандай бўлди ва... шу заҳотиёқ жуфтагини ростлаб қочиб қолди.

Бибигул бола кетган томонга қайрилиб қарашга ҳам улгурмай, дарвоза ичкарасидан бошига чўғирма телпак кийган, бадбашара бир киши чиқиб келиб, унинг чап билагидан ушлади. Бибигул йиғламсираганча:

— Қўйиб юборинг, оғажон! Мен бир етим қизман. Хайр-садақа сўраб юрибман,— деб ялиниб-ёлвора бошлади.

— Оҳ-ҳо-ҳо!— деб кулди ҳалиги киши телпагини силкитиб.— Етим бўлсанг, худонинг ўзи ҳайдаб келипти. Кўзларинг ҳам магиздай қоп-қора экан... Юзларингдан бўлса қон томиб турибди... Оҳ-ҳо-ҳо!.. Ўзинг ҳам бир қултум сув билан ютиб юборгудек ҳурилиқо экансан... Айни бизнинг Тайманга лойиқ совға экансан, ҳи-ҳи-ҳи...

Бибигул юлқиниб унинг қўлидан чиқиб қочмоқчи бўлди. Бироқ ҳалиги бадбашара киши қизнинг елкасидаги тўрвасини юлиб олиб, отиб юборди-да, ўзини дарвоза томон судраб, олиб келиб, ичкарига итариб юборди. Бибигул орқасига ҳам қайрилиб қарай олмай, бир кавуши учиб кетиб, бошқаси оёғида қолганча, юз тубан йиқилиб тушди.

3

Биби ўзини жўрттага талмовсираганга солиб, босмачиларнинг ўзаро биб-бирларидан ошириб мақтанишаётганини эшитиб ётди:

— Найман овулида соч қўйган ва мусулмонликка шак келтирган бир большевикни пичоқладим-да, кейин баданини тилим-тилим қилиб тилимлаб, қийнаб ўлдирдим,— деди босмачилардан бири мағрурланиб.

Бу гапни эшитиб Бибигулнинг қони қайнаб кетди. Лекин, бари бир, ҳозир қўлидан ҳеч бир иш келмасди. Шунинг учун ҳам у, қани, яна нималар тўғрисида гаплашишаркин улар, деб индамай эшитиб ётаверди.

— Сендақа ботирни қара-ю!— деди уни менсимай бошқа биттаси.— Мен бирваракайига тўртта одамни ўлдирдим. «Деҳқон қишлоқ» эсингизда бўлса керак? Ҳа, баракалла... Мен шу қишлоқдаги бир деҳқоннинг шапка кийган боласини отиб ташладим. Деҳқоннинг ўзи жуда кучли экан. Кела солиб менинг ёқамга ёпишди. Аввалига ер силкиндими деб ўйлабман... Кейин: «Шундай фарзандни дунёга келтирганинг жазоси — шу!»— дедим-да, қилич билан бошини шартта чопиб ташладим. Шундан кейин унинг хотини додвой қилиб: «Мең ҳомиладорман, ҳеч бўлмаса қорнимдаги бодамга раҳминг келсин!»— деб ялиниб-ёлвора бошлади. Мен унга: «Сен ҳали яна битта шапка киядиган ҳаромзодани дунёга келтирмоқчимисан!»— деб мешдай қаппайган қор-

нига ханжар урдим. Шундай қилиб, бутун бир оиланинг ёстуғини қуритдим... Мана буни мардлик деса бўлади!..

— Ҳой, тўхтаб тур! Сен менинг Аҳмад оқсоқолни қандай ўлдирганимни билмайсан шекилли... У ғаламис бизлар овулга кириб келаётганимизда учта одамимизни отиб ўлдирди. Буни кўриб менинг газабим қайнаб кетди. Сўнг мен уни тутиб олиб, овул одамларининг кўзи олдида ўз қўлим билан осиб ўлдирдим. Шунда у жон талвасасида типирчилаб, оғзи-бурнидан маржон-маржон қон келиб адоий тамом бўлди. Одамлар қий-чув кўтаришиб, роса йиғлашди. Кўрдингми, мен қандай одамман!— деди сўйлоқ тишли, қир бурун, боши чўзинчоқ, туркманларга ўхшаш бир босмачи ҳеч кимга сўз бермай мақтаниб.

«Одамхўрлар! Йиртқич ҳайвонлар!— деди Бибигул ичида қони қайнаб.— Кўп ошиқманглар, сизларнинг ҳам кунингиз битай деб қолди!»

Бибигул беихтиёр тишларини ғичирлатиб қўйди. Ҳатто ётган еридан зўрга туриб бўлсаям улардан ўч олмоқчи бўлди. Лекин ўлдирса бир-икки босмачини ўлдиради, хўш, ундан кейин-чи?... Ундан кейин... Бибигул бу қарорнинг яхши натижа бермаслигини билиб, бунинг устига, байроқни ўйлаб, индамай ётишга мажбур бўлди. Қочиб кетиб ҳам бўлмасди. Агар шундай қилса ўзи нобуд бўлади, байроқ қўлга тушади.

Босмачиларнинг ичидаги юзини ажин босган ва бошига белбоғ ўраб, букчайиброқ ўтирган бири:

— Қанча мақтансак-мақтанмасак, бари бир, қизиллар билан деҳқонлар биздан ҳали кўп панд еганича йўқ. Уларнинг сафи мустаҳкам! Қайтага бизлар кўпроқ талафот берямиз,— деб таъкидлади.— Улар пўлатдай букилмас иродали одамлар! Улар бир ёқадан бош чиқариб курашишади. Бизникилар эса бири у ёққа тортса, бири бу ёққа тортади.

— Мана бу гап — жўяли гап!— деди унинг гапини маъқуллаб бошқа бирови.— Менимча, анови қўлга тушган қиз ҳам большевикларнинг жосуси бўлса эҳтимол. Шунинг учун уни тезроқ ўлдириш керак!..

Бу гапларни эшитиб, Бибигулнинг юраги ҳовриқиб кетди... «Байроқ бўлмаса ҳам бир сари эди, лекин байроқ нима бўлади, байроқ...»

«Йўқ мен ўлмайман!— деб ўзини юпатди қиз.— Агар ёв қўлида ҳалок бўлсам, ким учун ҳалок бўламан? Халқ учун, она ер учун, инқилоб учун! Йўқ, бу ўлим эмас — бу

мардлик! Мен ўлмайман, мен томонда минглаб одамлар турибди, ботир халқим турибди!..»

Қиз ўзича шундай хаёллар билан бўлиб ётаркан, юзи қоп-қора босмачининг шерикларига шундай деб айтганини эшитди:

— Менимча, Тайманни кутиб ўтирмаёқ, бу қизни ўлдириб қутулсакмикин, дейман!..

— Ҳой, Қутли бадбашара, эсинг жойидами ўзи. Нима худо урди сени. Нега бош-кўз демай, шайтонга хайр бера-сан. Тайман ўл деса ўлмасликка, тирил деса тирилмасликка ҳаққинг йўқ! Бўлмаса, у сени чивинча ҳам кўрмай, эшик-дан кирмаёқ каллангни олади. Оғзим бор деб вақиллайверасанми!— деди кекса киши тутақиб.

— Ундай бўлса кутаверинглар,— деди Қутли ва тер-сайиб ўтираверди.

— Албатта кутамиз!— дейишди босмачилар ва ўзаро юртни қандай талаб, қандай қон қақшатаётганликлари ҳақидаги гапларини давом эттиришга тушишди.

4

Ташқаридан от туёқларининг дупури эшитилди.

— Югур! Чик, тезроқ!..

Бемалол суҳбат қуриб ўтиришган босмачилар бир-бири-га қараб, ҳовлиқиб қолишди.

— Бу, Тайманнинг юриши!— деди Қутли бадбашара ва чопиб ташқарига чиқиб кетди. Унга ишонмаган баъзи бир қуён юраклари ерга тўшалган тўқимлар билан кўрпачалар остига яширган ханжарларини олиб, тайёр бўлиб турдилар. Бир хиллари эса милтиқларини ўқлай бошладилар.

Тайман қора билан бир неча босмачилар ичкарига кириб келишди. Утирган босмачилар апил-тапил ўринларидан туриб, суратдай қотиб қолдилар.

— Қўлга туширган ўлжангиз қани?!— деб дўқ қилди Тайман қора ҳаммага бир-бир тикилиб қараб. Чунки у ҳали Бибигулни аниқ кўрганча йўқ эди. Сабаби, Тайман қора келган маҳалда қиз тескари ағдарилиб ётиб олганди.

— Қутли шер, қани у қиз?

Қутли жаллодсифат ғўдайиб қатор турган икки босмачини икки ёққа итариб юбориб, қизнинг юзини унга томон қаратди-да:

— Мана, хўжайин!— деди ўз ишидан мамнундек.

Бибигул мийиғида кулимсираб, эшик олдида талтайиб турган бугдой ранг, қора мўйловли, қуюқ қошли, ўрта ёшлар чамасидаги келишган одамга қаради. У ҳам қизнинг афт-ангорига тикилиб, қотиб қолди.

— Тайман, буни тезроқ жаҳаннамга жўнатиш керак!— деди Қутли қовоғини солиб.— Мен айтган қиз мана шунинг худди ўзи!..

Тайман қора ўнг кўзини қисди-да, дарров қизнинг боши устига келиб, оғзининг таноби қочиб, кулимсираб:

— Жуда нозанин қиз экан! Бай-бай, пари-я, пари!— деди томоғини тақиллатиб.— Бундай нозанинни қийнаш, ўлдириш гуноҳ эмасмикин-а!.. Кимнинг қизи бўлсаям, бизлар учун бирор ишга яраб қолар. Нима дейсизлар?

— Тўғри гап, тўғри!..— дейишди босмачилар бошларини силкиб. Фақат Қутлигина оғзига сўк солгандек индамай тураверди.

— Қутли шер, сўзинг ерда қолганига хафа бўлмагин... Қани, қизни турғизинглар!— деди Тайман тўнини ечаётиб.

Тайман бир имо қилса бас, айтганини сўзсиз бажарадиган каллакесарлардан иккитаси қизнинг оёқ-қўлини ечиш билан овора бўлди. Қиз бир нарсани сезгандек бурунгисидан мулойимроқ қилиб ўтинди:

— Мен ташқарига чиқиб ювиниб келай...

Бибигул кўзларини жавдиратиб Тайманга қаради. У энди чордана қуриб ўтирган эди, қизнинг мулойим сўзини эшитиб, ийиб кетди:

— Майли, айтганини қилинглар! Дарвоза беркми, Қутли шер?

— Бир эмас, икки еридан беркитилган.

— Ҳа, баракалла!..

Тайман қора шундай деб Қутлининг кўнглини кўтарар экан, беихтиёр яна Бибигулга тикилди. Бибигул яланг оёқларини бир-бир босиб, босмачиларда шубҳа туғдирмайин деб ўйлаб, шошилмай ташқарига чиқди. Бироқ у ортидан Тайманинг ола кўзлари тикилиб кузатиб қолганини сезди. Босмачилар эса унинг ибo билан юриб чиқиб кетганига маст бўлишиб, кетидан пойлаб чиқишни ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмади. Аксинча, кўнгиллари чоғ бўлиб, хохолашиб ўтиришаверди.

Бибигул ташқарига чиқиб, дарвоза томонга назар солган эди, одам сиғадиган тешик оғзига суяб қўйилган нарвонни кўриб қолди. Атрофдан таёқ излаган эди, ҳеч нима тополмади. Бироқ ички ҳовлига кираверишда деворга суяб

қўйилган, учига темир қопланган узун ҳассани кўриб, кўзи ярқ этиб кетди. Сўнг у дарҳол ҳалиги ҳассани олиб, томга чиқди-да, байроқни ҳассанинг учига боғлаб, том бошига қадаб қўйди.

Кун тушликдан оққан пайтда мулла Хожининг томи устидаги қизил байроқ узоқдан ўзига чорлаб, ҳилпираб кўрина бошлади. Қиз мақсадига етгандек бўлди. Энди у қузғунлар қўлига қайтиб тушишдан кўра ўлимни афзал кўриб томдан ўзини ташламоқчи бўлиб, у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Бироқ том жуда баланд эди... Агар у ўзини томдан ташласа, ё тириклай жонини жабборга топшириши, ё бўлмаса бирон мучасидан айрилиб, душман қўлига асир тушиши мумкин эди: агар шундай қилса, бир эмас икки марта ўларди. Аммо, наҳотки у шундай ўлиб кетаверса?.. Наҳотки... у душманларининг енгилганини кўролмай армонда кетса?.. Ақалли улардан ўзининг ўчини ҳам ололмаса?.. Йўқ, бу мумкин эмас, у ўлмаслиги керак...

Бибигул шу томонларни ўйлаб томдан тушиб келаркан, ҳовлида уни Қутли бадбашара учратиб қолди ва ўзи билан бирга ичкарига олиб кириб кетди.

Катта уйнинг ичи чилимнинг қоп-қора тутунидан нафас олиб бўлмайдиган даражада димиқиб, буруқсиб кетганди. Босмачилар қурол-яроғларини бир чеккага суриб қўйиб, баъзилари устки кийимларини шунчаки елкаларига ташлаб олганларича, бемалол ўтирардилар. Кўринишдан, улар бирор вақти хушлик қилишга тайёрланиб ўтиришганга ўхшарди.

Бибигул қаноти синган қарчиғайдек бўшашиб, ўз ўрнига бориб ўтирди. Тайман қора унга тегишиб, чимчилаб, суюқлик қила бошлади. Қиз бунга бир оз чидаб турди-ю, охири чидолмай, ўридан ирғиб туриб кетди. Тайман қора тиржайиб, қизни қучоғига тортмоқчи бўлган эди, қиз охур кўрмаган асов отдай типирчилаб, юлқиниб бўш келмади. Лекин шунга қарамай олмадай қип-қизил юзларига гоҳ-гоҳида Тайман қоранинг тиканакдек мўйлови қадалаётганини сезиб қоларди.

— Бу нима, жинними, ёки шайтонми?— деди Тайман қора жаҳли чиқиб.— Ё ўйинга кўнмайди, ё эрк бермайди!..

— Бу нақ ажинанинг ўзи!— деди Қутли бадбашара.— Айтганимни инобатга олмадинг. Энди ўзингдан кўр!

— Мен бунинг кўзини очиб қўяман!— деб бақирди Тайман қора жаҳли чиқиб.— Отинг нима, эй қиз, тез айт!..

Бибигул Тайманнинг ўт чақнаган кўзларига тикилиб, бор товуши билан:

— Ур-ра!..— деб қичқириб юборди. У энди бўлинманинг етиб келишга улгурганига ишончи комил эди. Тайман қора бирдан бўшашиб кетди. Қадди-басти букилиб, юрагига ништар урилган кишидек, бирдан шалпайиб қолди. Лекин бу ҳолат бир неча дақиқагина давом этди. Сўнг у ўзига келгач, яна қаҳрига минди. Шу дам ойна олдидан:

— Шўримиз қуриди!.. Дубов келиб қолди. Тамом бўлдик, ўлдик!..— деб бўғилиб гапирган овоз эшитилди.

Тайман қора шошганидан нима қилишини билмай қолди. Ташқаридан милтиқ товушлари эшитила бошлади. Тайман қора:

— Отланинглар!— деб буйруқ берди-да, ўзи эса кўзининг ола-куласи чиқиб, Бибигулнинг қўлини қўйиб юбормай, тўппончасини қўлига олди.— Отланинглар! Итдан таркаганлар!..

Тайман қора хотинча қарғиш қилди. Босмачилар қийчув кўтариб ўзларини тўғри келган томонга қараб ура бошладилар. «Ҳарна бўлса бошим омон қолсин!» деб ҳеч кимга қарамай қочиб чиқиб кетаётган Қутли бадбашарани туркманга ўхшаш укки кўз, қир бурун босмачи эшик олдида тўнғиздай отиб ташлади. Уйнинг ичи остин-устун, тала-тўп бўлиб, роса қирғин-барот бўлди қолди. Бир босмачи жон талвасасида ўзини печнинг ичига урди. Бари бир оёғи печнинг оғзидан чиқиб қолди. Апил-тапил қочиб кетаётган бошқа бир босмачи эса унинг оёғига қоқилиб кетиб, ўм-балоқ ошиб йиқилиб тушди. Баъзи бирлари отхона ичидаги охурларга кириб яшириндилар. Салласини чувалаштирган мулла Ҳожи ўғри мушукдек ўзини отхонага урди. Ерга кирса қулоғидан, осмонга чиқса оёғидан тортиб олишларига кўзи етган Тайман қора аламига чидаёлмай Бибигулнинг кўкрагига тўппонча тиради:

— Отинг нима? Тез айт, бўлмаса жонингни оламан!..

Қиз жавоб қайтармади.

Тайман қора товонигача музлаб кетди:

— Мен «бир, икки, уч» деб санагунимча ким эканингни, отингни, қаердан келганлигингни айтмасанг, тилингни шартта кесиб ташлайман ва ўзингни жаҳаннамга жўнатаман! Мана, бир...

Қиз ҳамон Тайман қорага тикилганча индамай тураверди.

— Мана, икки!..

Бибигул бу гал ҳам миқ этмади.

— Мана... Уч!..

Қиз мардонавор қиёфада кўкрагини кериб, Тайман қорага томон юриб кела бошлади. Тайман қора тўппончасининг тепкисини босишга ҳозирланар экан, бирдан... дераза ойналари чил-чил бўлиб синиб тушиб, ўзига қараб тўғриланиб турилган милтиқларни кўриб қолди... Тайман қоранинг кўзлари олайиб, бўғин-бўғинлари бўшашиб кетди ва ғайри ихтиёрий бир тусда чўккалаб ўтириб қолди.

Бибигул қувонганидан яна «ур-ра!..» деб қичқириб юборди.

Деразани милтиқларнинг қўндоғи билан бузиб, ичкарига иккита қизил аскар кириб келди. Уларнинг бири командир эди. У Тайманга «қўлингни кўтар!» деб буйруқ берди-да, уни ўрнидан турғазиб, ёнидаги жангчига топширди. Жангчи Тайманнинг тўқмоқдай йўғон қўлларини орқасига қайириб, чандиб боғлаб ташлади. Командир Бибигулнинг қўлларини қаттиқ қисиб, пешонасидан ўпди. Кейин улар биргаликда отхонани тинтий бошладилар.

Дарвоза очилди. Жангчилар қўлга тушган тирик босмачиларни ташқарига ҳайдаб чиққанда, қуёш тандирдай қипқизариб ботаётган пайт эди. Том тепасидаги қизил байроқ шафақ нурида товланиб, ҳилпираб турарди.

* * *

Шундан бери орадан роппа-роса қирқ йил ўтди.

Бўлинма душман билан қийин-қийин курашларда қатнашди. Жонкуяр командир билан Бибигул опа ва уларнинг бошқа мард йўлдошлари халқ душманларининг кулини кўкка соvuриб, озодлик учун, бахт учун олиб борилган курашларда ўзларини кўрсатдилар. Инқилоб қурбонсиз бўлмайди албатта. Жангчиларнинг баъзи бирлари озодлик учун, келажак авлодларнинг бахти учун олиб борилган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Командир Бойбеков, Бибигул опа ҳамда Холмуродлар ҳозир ҳам бизлар билан бир сафда туриб, бири қуриш ва яратиш ишида, бири пахта майдонида ва бири илм ўчоқларида чин юракдан мардонавор меҳнат қилмоқдалар.

Қаҳрамон, мард жангчиларимизга ҳамиша шон-шарафлар бўлсин!

КИШИ ҚАРТАЙМАС ЭКАН

(Ҳикоя)

Мен бу воқеани эшитганимга роса уч йил бўлди.

Ушанда мен «Октябрь» колхозига Ленин орденли механизатор эр-хотин Эржоновларнинг доврўғини эшитиб борган эдим. Бу — менинг у колхозга биринчи марта боришим эди. Сўраб-сўраб колхоз идорасига келдим. Лекин ҳамма далада бўлганлиги учун, у ердан ҳеч кимни тополмадим. Сўнг идорани айланиб ўтиб кетаётиб, нарироқдаги қўш қанотли дарвоза олдида турган бир кекса кишига дуч келдим. Салом-аликдан кейин билсам, у киши колхоз омборининг қоровули экан. Мен, Эржоновлар тўғрисида оддий колхоз аъзолари қандай фикрда экан, деб секин-аста гап айлантириб, сўраб-суриштира бошладим. Кейин билсам, шу кишининг ўзи мен истаб келган эр-хотин Эржоновларнинг отаси — Нуржон ота Эржонов экан. Нуржон ота менинг пойтахтдан келганимни билиб, зерикиб ўтирган эканми, гап бошлади:

— Болам, Нукусда қандай янгиликлар бор?.. Мен ўзим чала савод одамман... Яқинда радиодан Шолохов деган ёзувчининг «Инсон тақдири» деган бир ҳикоясини эшитиб қолдим... Қаранг-а, киши нималарга чидамас экан!..

Нуржон отанинг кўзларидан секин ёш кела бошлади. Кутмаганда адабиёт ҳақида гап очган оддий овул одамнинг бу кайфияти мени шошилтириб қўйди. Эҳтимол, бу киши ҳам Соколов каби не-не оғир мусибатларни бошидан кечиргандир... Ҳатто унинг ногирон чап қўли ҳам оғир ўтмиш хотираларидан гувоҳ каби нимадандир далолат бериб турарди. Балки бу киши ҳам ўтган Улуғ Ватан уруши жафоларини ўз сийнасида тотиб кўрганларданмикин ёки?..

Сиз кексайиб, ёши анча ерга бориб қолган, кўзларидан нури кетиб, кишиларга кафтини манглайига тутиб тикилиб

қарайдиган, қадди букик бу нуроний чолга дафъатан раҳмингиз келиб кетади. Адабиётдан ҳам хабари бўлган бу одам ўшанда қиссадан ҳисса ясаб: «Шундай, чироғим, киши ўзидан кейинги етишиб келаётганларни кўриб, қартаймас экан!» деган эди. Бироқ мен шунда у чолнинг бу гапларига унча эътибор бермаган эканман. Ундай деганим, ўша пайтлар у чол ҳикоя қилиб берган бундай гапларга, бир ёғи, кўпда ишонгинг ҳам келмасди. Сабаби, агар сиз, бирон-бир чол-кампир ёки ибратли меҳнат қилиб пенсияга чиққан бошқа бирор кимсани анча-мунча вақт кўрмай юриб, бирдан учратиб қолар экансиз, улар одатда кафтларини қошлари устига тутиб:

— Кимнинг боласисан, чироғим?... У-ҳў!.. Биз отанг раҳматлик билан жўра эдик... Қалай, онанг тетикми? Қара-я, сен кечагина юрган кичкина бола эдинг... Мана энди қандай азамат йигит бўлиб қолибсан. Балли, болам, балли!— дейди-да, салом бериб қўлини олганинг учун сендан миннатдор бўлиб, узоқ умр тилайди. Раҳмат дейди. Ва шундай қилиб сен билан гаплашиб ўтирар экан, билинар-билинемас секин хўрсиниб:—«Киши ўзидан кейинги етишиб келаётганларни кўриб қартайди» дегани шу экан-да!.. Қартайдик, болам, қартайдик, кўзимиздан нур, белимиздан қувват, тиззамиздан дармон кетди!— деб айтишади.

Кўпчиликнинг шундай: «Киши ўзидан кейинги етишиб келаётганларни кўриб қартайди» деган нақлига қарама-қарши чиқиб фикр айтган кекса Нуржон отанинг ҳалиги гаплари мени роса уч йил ўйлантирди. Лекин мен ҳамон бирон бир хулосага келолмай юраман. Шунинг учун ҳам мен ўзимнинг бу фикримни кўпчиликка ҳавола қилмоқчиман. Эҳтимол, сизлар ёрдам берарсизлар бу хусусда. Бунинг учун эса, мен сўзни Нуржон отанинг ўзига бериб, у кишининг менга айтган гапларидан эсимда қолганларини сизга тақдим этишни мақбул кўраман!

* * *

Чироғим болам, сиз шундай кунларни кўз олдингизга келтиринг! Қуёш чиқиб, ҳамма ёқ чарақлаб турган бўлсин. Кейин бирдан аллақандай кучли бўрон туриб, осмонда чанг-тўзон қўпорсин... Кутмаган ердан кўтарилган қуюн гирдоби гир айланиб келиб сизнинг юз-кўзларингизга урилсин... Йўқ, чироғим болам, мен бундай кунларни ҳеч қачон дўстларимиз бошига солмасин, деб тилак тилайман!..

Билсангиз, мен бир вақтлар ўзимизнинг мана шу «Октябрь» колхозининг раиси эдим... Тўғриси айтсам, дастлаб шу колхозни тузган ҳам, унга биринчи бўлиб жонбозлик кўрсатган ва раҳбарлик қилган ҳам мен ўзимман. Бироқ колхозимиз бошқа бир қатор колхозларга қараганда кечроқ тузилди. Сабаби, ўша пайтлар бу ерларга нуқул колхозга киришни истамаган, ундан қочган турли-туман кишилар, ўғри-ўтириклар, текинхўрлар кўпроқ йиғилиб қолганга ўхшарди. Не-не дов-жанжаллар, ёқа ушлашишлар, муштлашишлар бўлиб ўтмаган дейсиз, болам, бу ерларда — ҳаммаси бўлиб ўтди...

Шунча қийинчиликларга қарамай, 1933 йили биз йигирма ҳўжаликнинг бошини бириктириб колхоз туздик. Шундай кунларнинг бирида, ҳар қалай ишимизнинг бир оз бўлса-да шунчалик юришиб кетганига хурсанд бўлиб, кечаси уйимда ётсам... бирдан тун ярмида уйимиз бешотар милтиқларнинг ўқиға тутилди... Бола-чақа шошганимиздан нима қиларимизни билмай қолдик... Дод-вой кўтарилди... Ўша пайтда менда ҳам битта милтиқ бор эди. Бироқ мен уни қўлимга олишимга улгуролмадим — ўқ тегиб қулаб тушдим... Ўзи, уйланганимга эндигина икки йил бўлиб, колхоз тузилган оқшом хотиним ҳам ўғил туғиб берган эди. Жуда қувониб кетган эканмиз чамаси, кўзсиз тангрим ҳаммасини кўп кўрди! Ўша кун и бечора хотинимга ҳам, ёруғ дунёни кўрганига эндигина икки кун бўлган ўғлимга ҳам бешотарнинг ўқи тегиб, оламдан ўтишди...

«Ўрта йўлга борганда отинг суринамасин, ўрта ёшга борганда хотининг ўлмасин» деган қадимгилар. Хотиним билан ўғилчамнинг ўқ тегиб ўлдирилгани устига, етмагандек, ўзимнинг ҳам ногирон бўлиб қолганим-чи! Илож қанча. «Бош қаттиқми, тош қаттиқ?» дегандек, киши бошига тушганини кўраверар экан. Аммо шундай бўлса ҳам юрт-эл мени ёлғиз ташлаб қўймади. Ҳолимдан хабар олиб, кўнглимни сўраб туришди. Кўп ўтмай ўқ еган қўлим ҳам ёзилиб кетди. Менинг кўнглимни кўтармоқчи бўлишдими, ҳар қалай, колхозга биринчи бўлиб кирган одамлар уйма-уй кириб юришиб, бошқаларни ҳам колхозга киришга тортишди. Ниҳоят ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, бутун овул яхлит бир колхоз бўлиб бирлашишди. Ҳақиқатан ҳам бу ўзгаришлар мени жуда руҳлантириб юборди. Шундан кейин, секин-секин бориб қайғу-ҳасратларим ҳам унут бўла бошлади. У пайтлар мен партия аъзолигига кандидат эдим. Қўлим тузалиб, касалхонадан чиққанимдан кейин эса, рай-

он партия комитети мени чақириб олиб, партия аъзолигига қабул қилди. Бу ҳам менга жуда катта мадад бўлди. Кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилди. Дастлаб колхоз тузилган йили колхозимизнинг отини «Шўғир қўл» деб аташарди. Кейин, мен партияга ўтиб келган куним эса, колхозчиларнинг умумий мажлиси чақирилиб, ҳамма бир оғиздан колхозимизнинг номини «Эржонов» колхози деб менинг номимга қўйиб юборишди. Мен ўзимни ноқулай ҳис этиб, қайта-қайта сўзга чиқиб, эътироз билдирдим, аммо бўлмади. Кўпчилик менинг эътирозимни инobatга олишмади. Аммо кўп ўтмай Улуғ Октябрнинг йигирма йиллик байрами яқинлашиб келиб қолди-ю, шу баҳона, мен колхозимизнинг номини «Октябрь» колхози деб аташни таклиф қилиб киритдим. Бу вақтга келиб колхозчиларнинг ўзлари ҳам кўп нарсанинг фарқига етадиган: сиёсатга ҳам, шартшароитга ҳам нисбатан анча яхши тушунадиган бўлиб қолишганди. Таклифимни қабул этишди...

Эндиликка келиб колхозимиз 1933—1934 йилдагисига нисбатан бутунлай ўзгариб, анча ўсиб қолганди. Колхозчиларнинг ишга қатнашишлари ҳам, норма бажаришлари ҳам тубдан ўзгарганди. Молсизларга мол, яъни сигир-бузоқ бериш масалалари ҳам қўйила бошлаганди. Қисқаси, колхоз қурилишининг дастлабки йилларидаги каби довжанжаллардан қарийб бутунлай қутулиб қолгандик... Ҳатто, умумий мажлисларда ишимизга зарар етказадиган ишқамас, танбал, ялқов кишиларни танқид, ўз-ўзини танқид қилишга, сабабсиз ишга чиқмаганларнинг меҳнат кунисидан қирқишга ҳам кириша бошлагандик.

Бир куни кечаси ана шундай мажлисларнинг биридан чиқиб, уйга кетаётсам, ярим йўлга келганда, бирдан... чап елкамдан бир нарса «жиз» эта қолди-ю... Мен дарҳол ҳушёр тортиб, орқамга қарадим. Қарасам, биров қоронғиликда элас-элас қочиб боряпти. Мен елкамни ушлаганимча, қимир этмай қолдим. Кейин секин қийшайиб қарасам, бир қарич бўлиб курагимга қадалган пичоқнинг сопи чиқиб турибди. Сугуриб олай десам, имконим йўқ. Шундан кейин мен тезда яқин-орадаги уйлардан бирига қараб жадалладим. «Ёмон араванинг тегарчиги йўлнинг ёмон ерига тўғри келади» дегандек, илгари ўқ теккан қўлимга энди пичоқ санчилди... Ҳай, майли. Кўп ўтмай бу ҳам ёзилиб кетди! Эҳтимол, ёшлар мени кечаги ўтган Улуғ Ватан урушига қатнашгандир, деб ўйлашар, йўқ, менга бу урушга қатнашиш насиб этмади...

Агар колхозимиз 1934 йил олтмиш гектар ерга пахта эккан бўлса, 1937 йилга келиб бир юз эллик гектарга етказдик. Колхоз қурилган йили ҳар гектар ердан олти центнердан пахта ҳосили олган бўлсак, 1937 йилга келиб тўққиз ярим центнерга етказдик. Мана шу ютуқларимизнинг ҳаммаси, шубҳасиз, йилдан-йилга менинг руҳимни кўтариб, тетиклаштириб борарди. Бунинг устига, колхозимизнинг ривожланиб, қишлоқ хўжалик тармоқларининг кенгайиб бориши — менинг бошимга тушган эски-янги мусибатларнинг ҳаммасини енгиллаштириб, ҳатто отадан ёлғиз қолганлигимни ҳам билинтирмай қўйганди...

Менинг ота-онам ёшлигимда ўлиб кетишган бўлиб, мен ҳатто отамнинг қачон ўлганини ҳам дурустроқ билмайман. Онам раҳматликни эса кўз олдимга эс-эс келтира оламан, холос... Биз она-бола Чинназар бойнинг қўрасида ишлардик. Мен бойнинг қўзи-улоқларини боқардим, онам эски қапа ичида муштдай-муштдай бўлиб қотиб қолган қўй юнглари титиб ўтирарди...

Мен, раҳматлик, ғариб ота-оналарим қазо қилганларида, ҳатто мотам тутиб, ош-сувини ўтказадиган одам ҳам бўлмаганлигини эслайман. Эндиликка келиб эса, колхозга кириб, орқа-ўнгимни йиғиштириб олгач, бир куни ота-онамнинг тенгқур-тенгдошларини чақириб, ҳурматини хотирлаб ўтказдим. Чунки бечора ота-онам дунёдан ҳеч нарса кўрмай ўтиб кетаётиб, ақалли орқаларида ўзларидан кейин битта ўғил қолдириб кетаётганликларига хурсанд бўлиб кўз юмиб кетишгани аниқ-ку, ахир!

Хотиним раҳматликнинг отаси ҳам ўзимизга ўхшаган камбағал, ақлли, очиқ кўнгил одам бўлиб, колхозга кириш учун биринчи бўлиб ариза берганлардан бири эди. Бир куни бечора уйимга келиб, мендан жуда розилигини айтиб, панд-насиҳат қилиб кетди.

— Чироғим болам! — деди у менга, охири гапига хулоса ясаб. — Ўлмоқнинг кетидан ўлмоқ йўқ. Хотининг хотирасини шунча ҳурмат қилиб келганинг учун, раҳмат, албатта. Лекин энди бундай қилиб юрма, биронта тенгингни топиб, уйлан!..

Ҳақиқатан ҳам мен бу томонларини ҳаёлимдан мутлақо кўтариб юборган эканман. Лекин қайин отамнинг ҳалиги гапларидан кейин анча ўйланиб қолдим ва ниҳоят ўзим ҳам, ҳар қалай, шундай қилганим маъқул, деган қарорга келдим.

Овулимизда бир Гулойим деган есир келинчак бор эди. Бечоранинг эрини ўқишга кетаётганида, йўлда синфий душманлар ўлдириб кетишганди. Менга охири шу аёл билан бош қўшишимга тўғри келди. Биз у билан 1936 йилнинг бошига келиб бир ёстиққа бош қўйдик. Орадан бир йил ўтиб, битта қиз ҳам кўрдик. Қизчамизнинг отини Биби-ойим қўйдик... Мана, ҳалиги Ленин орденли механизатор аёл деганингиз — менинг ана шу қизим бўлади!..

Ҳа, айтмоқчи, қарилгим қурсин, бир гапни гапириб туриб, бошқа бир гапга ўтиб кетганимни қаранг-а, болам!..

Шундай, у пайтларда ҳамма мени ҳурмат-иззат қилишарди. Ҳатто район бошлиқларининг ҳам оғзидан тушмасдим. Райижроқўмнинг раиси Сафаров деган одам қаерда мажлис бўлса мени чақиртирмай қўймасди. Йиғинларда доим президиумга сайланардим. Ҳалиги Сафаров деганимиз ҳам ўзингизга ўхшаган оқ кўнгил, кўнглида ҳеч кири йўқ, хушчақчақ йигит эди. Қачон колхозга келса, бизникига тушмай ўтмасди. Ахир, у пайтларда ҳозиргидақа меҳмонхоналар қаёқда эди дейсиз?.. Келди дегандан колхозимизнинг аҳволи, колхозчиларимизнинг турмуши тўғрисида гаплашиб, бойлар қўлида ўтган оғир кунларимизни хотирлаб, кўнгил ёзишиб ўтиришардик. Чунки у бечора ҳам ота-онасидан ёшлигида етим қолиб, қийинчилик билан ўсган бола эмасми. Фақат фарқимиз шунда эдики, мен кишиларнинг қўлида юриб катта бўлсам, у интернатда ўсиб, билим олиб вояга етган эди.

Шундай қилиб, ишларимиз энди юришиб келинаётган бир пайтда, десангиз, баъзи бир нохуш сабабларга кўра, кутилмаганда, ҳаётдан йигирма йилча узилиб қолдим.

Аммо, охири ҳақ жойига қарор топиб, қайтиб келсам, бари ўзгариб кетибди.

Бечора хотиним бошқа эр қилмай, мени кута-кута адоий тамом бўлиб, ўлиб кетибди. Ҳартугул қизим эсон-омон экан, бўйи етиб, турмушга чиқибди. Айниқса, куёв боламиздан жуда миннатдорман. У менинг кимлигимни сўраб-суриштириб, беёзиқлигим учун бўлса керак, ҳурмат қилиб, менинг фамилиямни қабул қилибди. Ҳозир у ҳам қизимга ўхшаш илғор тракторчи-механизатор... Ҳали донгдор механизатор эр-хотинлар деб суриштирганингизнинг биттаси шу — менинг куёв болам бўлади: ўзи ҳам, хотини ҳам, бояроқ айтганимдек, Ленин ордени олишган...

Пахта майдони бир вақтлар биз бор пайтимиздаги бир юз эллик гектар ердан ҳозир уч минг гектарга, ҳар бир

гектар ердан олинадиган ҳосил эса тўққиз ярим центнердан йигирма тўққиз ярим центнерга етказилибди.

Мен «сафардан» не аҳволда қайтиб келганлигим ҳаммага маълум. Лекин келиб, ўзимиздан кейинги етишиб келаётган сизларни кўриб, кучимга куч, қувватимга қувват қўшилди. Сал ўтмай руҳим ҳам тетикланиб кетди. Шундай бўлгандан кейин, қараб туришни ўзимга эп кўрмай, менга ҳам қўлимдан келадиган иш беришларини илтимос қилдим. Сўнг менга мана шу ўзингиз кўриб турганингиз омборхонанинг қоровуллигини беришди. Чунки бошқа юмушга чамам келмасди — буни ўзим ҳам яхши тушунаман. Айниқса ёшлар жуда ўсиб кетибди. Мен шуларни кўриб, бир ёғи, қоровуллик қилиш лозиммикин шу замонда, деган ўйга ҳам келган эдим. Лекин ҳали ундай кунларнинг келишига сал борроққа ўхшайди. Унгача эса онда-сонда бўлса ҳам учраб турадиган ўғри-ўтирик, ҳаром томоқлардан бойлигимизни қўриқлаб туришга тўғри келади. Бўлмаса, қоровулликнинг нима кераги бор... Ҳай майли, чироғим, омборларимиз қоровулсиз сақланадиган кунлар ҳам келиб қолар тезда. Бунинг учун эса ҳар кимса ўзидан кейинги етишиб келаётганларни кўриб, қартаймаслиги, балки аксинча, яшариш учун ҳам меҳнат қилиши керак экан. Фақат шундагина бизнинг ҳалигидек орзу қилган кунларимиз тезроқ етиб келади!..

* * *

Нуржон ота Эржонов менга бу гапларни ҳикоя қилиб берганига гарчи уч йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, мен ҳанузгача бу гапларнинг мағзини чақолмай юрардим. Эндиликка келиб эса, шунча вақт тушунмай юрганимга ўзимни ўзим қойийман. Аммо бу оқ кўнгил, кўнглида ҳеч кири йўқ, асл жафокаш, ҳақиқатчи одамни тушуниш керак, тушуниш!..

1960 йил.

НУСХА

(Ҳикоя)

Тахтакўприкка кетаётганимизда олдимиздан жуссаси кичикроқ бир кампир чиқиб, машинамизга қўл кўтариб қолди. Тўхтаб, уни машинамизга тушириб олдик-да, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб кетдик. Кампирнинг исми Ойшагул бў-

либ, невараларини кўргани кетаётган экан. Кампир, чамаси камгап шекилли, фақат сўрасаккина жавоб берарди. Унинг тўққиз қизи ва биттагина ўғли бор бўлиб, ҳаммаси уйлик-жойлик бўлиб кетишган ва ўғлининг ҳам бешта боласи бор экан.

Пича юрганимиздан кейин, олдинда бир нарсанинг қораси кўринди. Шоферимиз машинасини учириб борарди.

— Узоқдан кучукка ўхшайди,— деди у ва шўхлик қилиб қўшиб қўйди:— Агар кучук бўлса бостириб кетаман, мана кўрарсизлар...

— Ҳай-ҳай, болам!— деди Ойшагул кампир жон ҳолатда.— Йигит бўлсанг пашшага ҳам озор бера кўрма!..

Шофер «ҳазиллашувдим» деб кулиб юборди.

Қорага яқинлаб қолдик. Қарасак, қоп орқалаган йўловчи экан.

— Ҳой болам,— деди кампир шофернинг енгидан тортиб,— машинангда жой бор, тушириб ол бечорани. Қопи ҳам бор экан орқалаган.

Шофер «хўп» дегандек бош ирғади-да, машинасини тўхтатиб, ҳалиги кишини чақирди. Бетлари чўтир, қовоқлари шишган, кўзлари совуқ йўловчи машинага яқин келди. Кун иссиқ бўлишига қарамай, оёғига кирза этик, эғнига пахтали чопон кийиб олганди. У «раҳмат» ҳам демай, машинага чиқиб, ўтириб олди. Ойшагул кампир сал сурилиб, унга жой берган бўлди. Мен, улар бир-бирлари билан таниш бўлишса керак, деб ўйлагандим. Бироқ сўрашишмади. Аксинча, миқ этмай боришарди.

Сал юрганимиздан кейин, кампир бирдан гапга тушиб кетди. Унинг кенжа қизи Тошкентдаги медицина институтида ўқиркан. У, қизлари ва неваралари тўғрисида сўзлар экан, бир гапириб ўн куларди. Биз боядан бери индамай келаётган кампирнинг булбули гўё бўлиб қолганидан ҳайрон эдик. Унинг гаплари ҳар қандай одамнинг ҳам завқини келтирарди.

Чимбойдан ўтганимиздан кейин, йўл чеккасида қабристон кўринди. Биз қабристон ёнига етганимизда ҳалиги мўйсафид йўловчи бошини кўтарди-да, шоша-пиша:

— Мен шу ерда тушаман,— деди.

У яна аввалгидек миқ этмай машинадан тушиб кетди. Мен беихтиёр машина ойнаси томон бурилдим ва яна нима учундир қизиқсиниб, қани, қаёққа бораркин, дегандек, унинг кетидан қараб турдим. Йўловчи зилдек қопини елкасига олиб, қабристон дарвозаси томон юрди. Юки оғир-

лигиданми, ҳайтовур, пилдираб борарди. Шофер ҳам қараб турган экан шекилли, мийиғида кулди-да:

— Пилдирашини қаранглар, худди машинанинг ғилдирағига ўхшайди-я,— деб қўйди. Ойшагул кампир шуни кўтиб тургандек илиб кетди:

— Топдинг, болам. Айни эски араванинг ғилдирағи бу одам... Бу касофат, аслини сўрасаларингиз, менинг тўнғич ўғлимнинг бошига етган...

Кампирнинг гапи мени дафъатаноқ қизиқтириб қўйди.

— Нима бўлган эди, хола?— дедим мен шартта кампирга ўгирилиб.— Иложи бўлса гапириб берсангиз. Мен мухбирман, ҳар қалай...

— Шундай денг?— Кампир рўмолчасини олиб пешонасига қалққан маржон доналарини артди.— Гапирсам гапиргудек ҳангома. Ишқилиб, эзмалигимдан хафа бўлмасанглар бўлгани... Бироқ кўпи унут бўлиб кетди, ҳай, майли, сўзингиз ерда қолмасин. ..

Кампир дурустроқ жойлашиб олди-да, ҳикоясини бошлади:

— Мен у пайтларда ёш эдим, худодан қўрқардим, пайғамбарга ишонардим... Бунинг устига, бойлар ва амалдорларнинг қамчисидан қон томадиган пайтлар эди у пайтлар... Бироқ инқилоб бўлиб, замонлар бошқача бўлиб кетди. Бойлар билан амалдорларнинг оти ўчиб, тўпи тўзиб кетди. Камбағалларнинг елкаларига офтоб тегиб, юк кўтарганлар юзага чиқди...

Қорақалпоғистонимиз республика бўлиб тузилган йили мен ёш келинчак эдим. Тўнғич ўғлим ҳам шунда туғилганди. Болаларимнинг отасини «Абдулла большевой» дейишарди. Овулимизда биргина саводли одам бўлиб, у ҳам Абдулла оғангиз эди.

Оғангизни кунлардан бир куни округга чақириб қолишди. Шундан кейин республикамизнинг маркази Тўрткўлга кўчирилди. Абдулла оғангиз ўшанда уйга терисига сиғмай келди. Билсам, она тилимизда газета чиқадиغان бўлибди. Мен оз-моз бўлса ҳам газетанинг қадрини билардим. Негаки, Абдулла оғангизнинг Алексей деган бир қурдоши бўларди, у қўлига битта-яримта газета тушиб қолса, тунлари ухламай, бирга ўқиб чиқишарди...

Лекин бу пайтларга келиб, умуман золимларнинг қораси ўчган бўлса ҳам, аммо уларнинг соялари бурчак-бурчакларда писиб юрар ва пайт пойлаб туриб, актив одамларимизга човут солишар эди. Қорақалпоқ тилида газета

чиқармиш, деган хабар бир зумда ҳамма ёққа тарқалди. Илгари газета-ю китоб нимагини кўрмаган-билмаган одамларимиз энди уни ташналик билан кута бошладилар.

Кўп ўтмай газета чиқибди, деган гапни ҳам эшитдик. Ўша куни мен қўлимда болам билан уйда ёлғиз қолгандим. Бир маҳал овул советининг чопари келиб, оғангизни сўради. У уйда йўқ эди — ўз иши билан юарди. Чопар бирпас менга ишонилини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмай туриб қолди. Кейин, ўзича бир қарорга келди шекилли, қўйнидан битта газетани олиб, менга узатди:

— Мановини,— деди у,— Абдулла оғага бериб қўйинг. Жуда зарур. Тагин эсингиздан чиқиб-нетиб ўтирмасин.

Чопар кетар-кетмас, изинча бошқа бир отлиқ келиб, у ҳам эримни сўради. Мен унинг товушини эшитдим, юрагим «шув» этиб кетди. Чунки у киши ёшлигимда мени зўрлаб ўзига хотинликка олмоқчи бўлган ва кейин бирдан қаёққадир даф бўлиб кетган Шилимбетбой деган киши эди. У эримнинг уйда йўқлигини эшитиб, дарҳол отдан тушди-да, отини боғлаб, мени қўлимдан судраганча ичкарига олиб кирди. Елкасида «бешотар» милтиғи бор.

Қўлимдаги ўғлим чириллаб йиғлай бошлади. Шилимбет «болангнинг овозини ўчир!» дегандай, бўри қараш қилди-да, ўдағайлаб:

— Бояги чопар олиб келган газетани бу ёққа бер!— деди менга.

— Ўзингиз ким бўласиз? Нега дўқ қиласиз?— дедим анқовсираб.

— Гапни чувалтирма. Газетани бер дегандан кейин беравер. Бўлмаса — калима келтиришга ҳам улгуролмайсан!..

Мен дарҳол бу қонсираган бўрининг мақсадига тушуниб олдим. Чунки ўша кезларда улар имкони борица янги ҳаёт йўлини бўғишга интилишар эди.

Кейин билишимча, янги газета овулимизга уч-тўрттагина келган бўлиб, Шилимбетлар уни халқ қўлига етказмасданоқ йўқ қилиб юборишмоқчи экан.

Мен аввалига қаттиқ қўрққан бўлсам ҳам, лекин кейин ўзимни бир оз тутиб олдим ва боламни маҳкам бағримга босганимча, Шилимбетдан уйни бўшатиб қўйилини сўрадим.

Шилимбет мендан бундай гап кутмагани, албатта. У қутуриб, дўқ қилишга ўтди; милтиғини олиб ўқталди. Бироқ отолмади. Нега деганингизда, ўқ овозини эшитиб, бутун қўни-қўшнилари югуриб чиқишлари мумкин эди-да.

Аммо Шилимбет дўқ билан иш чиқмаслигига кўзи етгач, қўлимдан боламни юлиб олиб:

— Ё газетани берасан, ёки бўлмаса болангдан айриласан!— деди қатъий қилиб.

Мен ўша кезларда чала саводлар курсига қатнаб юрган бўлиб, газетанинг нималигига анча тушуниб қолган эдим. Бинобарин, Шилимбет газетани олиб кетгудай бўлса, эл-юрт ундаги янгиликлардан беҳабар қолишларини яхши тушунардим.

Мен бўш келмадим. Сўнг у мени тепиб юборди. Мен учиб тушдим. Сўнг ўрнимдан ирғиб турдим-да, унга ёпиша кетдим, у яна тепиб юборди...

Кейин уйни остин-устун қилиб, газетани қидира бошлади, лекин, бари бир топа олмади. Мен сира бўш келмадим ва қанча дўқ қилмасин, газетанинг қаердалигини айтмай, билмайман, деб туриб олдим.

— Сенга бода керакми ё газетами!— деди ниҳоят у тоқати тоқ бўлиб.

Мен кўз очиб юмгунча дунёни минг айланиб чиқдим. Шилимбет тобора ҳаддидан ошиб борарди. Ниҳоят у газетани мендан ололмаслигига кўзи етди шекилли, толпиниб йиғлаётган боламни уйнинг бурчагига қараб улоқтириб юборди. Мен «Вой дод! Боламни ўлдирди!» деб даҳшат ичида фарёд кўтардим. Шу чоқ ўқдай учиб Абдулла оғатиз кириб келганини элас-элас биламан. Кейин нималар бўлганини билмайман...

Тўнгич ўғлим шунда боши билан тушган экан, бир кун қонсираб ётиб, эртасига ўлди. Мен савдойи бўлишимга сал қолдим. Халқ ҳукмидан қочиб юрган Шилимбет қилмишига яраша жазога тортилди...

Мана шундан бери қирқ йилдан кўпроқ вақт ўтди. «Шилимбет қамоқ муддатини ўтаб қайтибди. Лекин ҳали ҳамон ҳалол меҳнатдан бош товлаб, қочиб юрганмиш...» деб эшитардик... Тасодифни қарангки, бугун кутмаганда биз у билан яна учрашиб қолдик... Шофер болам, машинанинг ғилдирагига ўхшайди, деган мўйсафид йўловчи ўша Шилимбетбой бўлади. Билмадим, бу нусханинг қабристонда нима иши бор экан?..

Биз Тахтакўприкка етиб келган эдик. Йўл бўйидаги уйлардан бирида тўй бўлаётган шекилли, ҳайтовур, одам сароб эди. Кампир биздан шу ерда тўхтаб, бир пиёла чой ичиб кетишимизни илтимос қилди. Лекин биз ишимиз ғоят зарурлигини айтиб, узр сўрадик. Машина тўхташи билан

тўйхонадагилар югуриша келиб, бизни ўраб олишди. Биз онахонни уларга топшириб, аранг хайр-маъзур қилдик...

Машина яна равон йўлда учиб бораркан, боядан бери жим келаётган шофер тилга кирди:

— Ҳаёт жуда қизиқ-да. Мана бугун икки йўловчини машинага олиб, ажойиб ҳикоя эшитдик. Ажаб, улардан бири ўзини гўристонга урди, иккинчиси тўйхонада қолди. Ажаб, ажаб!..

Шофер ҳамон фикри-зикри кампирнинг ҳикояси билан бўлиб келарди шекилли, гоҳо-гоҳо бошини сарак-сарак қилиб қўярди.

ҚАЛДИРҒОЧ

(Ҳикоя)

Бефаросатлигим орқасида қилиб қўйган ўша ишимни ҳали-ҳали унутолмайман. Ўлиб ётган болалари тепасида чириллаб, у ёқ-бу ёққа ўзини уриб учиб юрган қалдирғоч сира кўз ўнгимдан кетмайди. Бечора қалдирғоч гоҳ айвондаги қурган уясига қўнади, гоҳ ўлиб ётган уч боласи атрофида парвона бўлиб, қанот қоқади.

Бурунлари қалдирғочнинг ҳозиргидек парвона бўлганини сира кўрмаган эдим. Қалдирғоч ҳар доим туш пайтида ёки кечқурунлари болаларини қурт-қумурсқалар билан тўйдиргандан сўнг, отамнинг телпаги илиб қўйиладиган девордаги қозиққа қўниб вижирларди. Қалдирғочнинг сайрашига маст бўлиб ўтирганимда, онам: «Асқарбой, эшит, қалдирғоч ҳам болаларига «алла» айтяпти» — дер эди. Ҳақиқатан ҳам, унинг сайраши боласини ухлатяпган онанинг алласини эслатарди...

Ушанда мен бешинчи синфда ўқирдим. Биз ҳар йили ёз бўлди дегунча уйдан айвонга кўчиб чиқардик. Саратоннинг иссиқ кунларида ҳам айвон салқин бўларди. Уша йили баҳор анча эрта келди. Баҳор келиши билан қалдирғоч ҳам келди. Бизлар ҳам ҳар йилги одатимизга кўра айвонга кўчиб чиқдик. Қалдирғоч ўз уясининг баъзи бир ерларини тузатди. Уяси бир неча йиллик уя бўлгани учун қишда айрим ерлари бузилган эди. Шуларни «ямади».

Мен ҳар куни эрталаб қалдирғочнинг вижир-вижиридан уйғонаман. Саратонда қалдирғоч бола очди. Энди шўрлик она қалдирғочга сира тиним йўқ. Эрталабдан кечгача болаларига қурт-қумурсқа ташиш билан овора. Ким билади дейсиз, ҳар куни қанчадан-қанча узоқ ерларга бориб келаркин. Ишқилиб, ҳар сафар келганида битта боласини едириб-ичириб кетарди, қолганлари эса, бизларга қани,

дегандай, оғизларини очарди. Бечора қалдирғоч уясида бир нафас ҳам тўхтамай, яна учиб кетарди.

Қалдирғоч бола очгандан икки ҳафта кейин айвонимизни оқламоқчи бўлди. Чунки бир неча йилдан бери оқланмагани учун деворлар ифлос бўлиб кетган эди-да. Эрталаб онам билан у-буларни йиғиштирдик. Сўнг онам оқлашга киришди.

Қалдирғоч ҳам шу ерда бизлар билан ўралашиб юрарди. Онам айвоннинг ичини оқлаб бўлгандан кейин, қалдирғоч уясининг атрофини ҳам тозалаб қўйгим келди. Нарвонни қўйдим-да, юқорига чиқдим. Болалари темирқанот бўлиб қолган экан. Телпак устида ўтирган она қалдирғоч хавотирланиб гоҳ менга, гоҳ болаларига қарарди, у ердан учиб, бу ерга қўнард.

Уяни тозалаб бўлганимдан кейин пастга тушдим. Нарвонни ҳовлига олиб чиқмоқчи бўлиб кўтарган эдим, бир учи уяга тегиб кетса бўладими... Уя ичидаги болалари билан шалоп этиб ерга тушиб кетди. Айвон баланд эмасми, ҳали қаноти чиқмаган қалдирғочлар ўша заҳоти тил тортмай ўлди қолди.

Телпакнинг устида ўтирган онаси ўқдай отилиб ўзини ерга урди. Ўлиб ётган болалари атрофида парвона бўлиб қанот қоқаверди. Кўз олдим қоронғилашиб кетди. Уқувсизлигимдан минг мартаба пушаймон едим.

Қалдирғоч бир неча кун ярми бузилиб кетган уясида қимирламай ётди. Энди у қурт-қумурсқа олиб келмай қўйди. Ўқтин-ўқтин болаларини эслагандай маънос вижирлаб қўярди.

Бориб-бориб у бутунлай бизникига келмайдиган бўлиб қолди. Шундан бери орадан бир неча йиллар ўтиб кетди. Ҳар йили баҳор келди дегунча онам икковимиз ўша қалдирғочни кутамиз. Айвондаги бузилган уя ҳали ҳам бор. Уяга қарадим дегунча ерда чўзилиб ётган учта қалдирғоч боласи ва болалари атрофида парвона бўлялган она қалдирғоч кўз олдимдан нари кетмайди.

ПУШАЙМОН

(Ҳикоя)

Иш юзасидан ҳар турли хатларни ўқишимга тўғри келади. Уларнинг ҳар қайсисига жўяси билан жавоб бериш ҳамда уларда зикр этилган масалаларни одиллик билан ечиб, хат эгаларининг дардига малҳам бўлиш мен учун улкан шарафдир. Яқинда менга яна ўшандай хатлардан бирини ўқишимга тўғри келиб қолди. Унда шундай сўзлар ёзилган эди:

«Сенга айтадиган охириги гапимни эшит. Кеча кучли довул бўлди. Эшик олдидаги теракларнинг шохлари бир-бири билан суйкалишиб, қирсиллади. Мен уларга қараб туриб, бу терак ниҳолларини бир вақтлари сен билан биргалашиб ўтқазган кунларимиз эсимга тушиб кетди. Хотирангда бўлса керак, сен бу ниҳолчаларни ўтқазадиган чуқурларни қазиганингда, мен сенга кўмаклашиб, уларни чуқурларга солиб, тикка қилиб ушлаб турган эдим, сен бўлсанг, ҳар бирининг илдизини кўмар экансан, яхши ниятлар қилган эдинг. Айтчи, ўша ниятларинг эсингдами? Мен-чи, мен эсам — уларни бир умрга унутмайман. «Балки бу кўчатлар кўкариб, бир куни бориб каттакон дарахтга айланиб кетар. Бизнинг муҳаббатимиз ҳам мана шу ниҳолчаларга ўхшаб тобора амал олиб, бир куни келиб, ўртамизда меҳру вафо дарахтга айланиб, ўзининг бутун умримизга татийдиган меваларини берар... Булар мен билан сенинг аҳил турмушимиздан нишона бўлиб қолади...» деганларинг қани энди? Ёки унутиб юбордингми? Мана, шундан буён анча вақтлар ўтди, кўп сувлар оқиб кетди. Ўша тераклар бир неча баҳорни кўрди, мана ҳозир улар довулга ҳам бўш келмай, савлат тўкиб, мағрур туришибди. Уларни шамол эгса ҳам, синдиrolмаяпти. Улар ҳар ҳолда довулнинг кучига бардош беришяпти. Сен-чи?

«Турмушда ҳар турли паст-баландликлар бўлади...» — деяро эдинг.

Ҳар қалай ўшанда сен билибми ёки билмайми — тўғри айтган экансан. Сен билан орамизда ўша нохуш воқеа содир бўлганига, мана, роса икки йил тўлди. Бу давр ичида мен не-не таъналарни эшитмадим: яхши отга ҳам, ёмон отга ҳам тақилдим — ҳаммаси бўлиб ўтди. Бироқ мен ҳамон ўша-ўша Гулойшаман. Ўз эрким ўзимда. Ҳеч кимнинг «маслаҳатига» қўнмадим. Аниқроқ қилиб айтганда, аввало ўзининг шаънимга, қолаверса сенинг ҳам шаънингга гард юқтирмадим: юзингга оёқ тираб, кўзингга чўп солганим йўқ. Эсини йиғиб олар, охирини кутайин, бирон йўл топилиб қолар, деб тишимни тишимга қўйдим. «Жаҳл чиққанда ақл кетади», «аччиқ олдин келади, ақл кейин» деганларидек, икковимизнинг ўртамизда бўлиб ўтган яхшиликлар сир-асрорларимизнинг хотирасини қилдим. Ҳар қандай гумонларинг мендан узоқ. Чунки кўзимни очиб, ёмон-яхшининг фарқига борадиган бўлганимда кўрганим сен ўзингсан-ку, ахир. Шу сабабли ҳам сендан умидимни узмай юрдим. Энди сабрим тугади. Сен билан ўтказган беш йиллик висол дамларида бирга тотган ҳаёт лаззати ўз таъминини йўқотмоқда, сен деганда алақандай ёқимли туйғуларга тўлиб, жўшиб кетадиган юрагим энди сўниб бормоқда.

Кўпгина онахонларимиз менга насиҳат қилишди. Улардан қайси бирлари: «яхши одам тез қуюлади» дегувчи эди, негадир у раъйдан қайтмаяпти» деб ҳайрон бўлишиб, ҳатто сени айблашмоқда ҳам. Мен эсам: «қайдам, онажон» дейишдан нарига ўтолмай қолдим эндиликда. Қайси бирлари эса аксинча: «тоймайдиган туёқ, янглишмайдиган жағ бўлмайди» деб менинг кўнглимни овламоқчи бўлишди; баъзи ақлғўйларим эса, яна аксинча: «ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ, у бевафони деб умрингни ўтказма, қизим» дейишади....

Шундоқ. Айтаверсам адо бўлмайдиган бўлиб қолди менинг дostonим. Мана сенга бир мисол, тагин кўнглингга келмасин. Мен шунчаки сенинг учун айтиб ўтмоқчиман, холос. Тунов куни биттаси менга нима дейди дегин?..

— Гулойша, унинг нимасига ҳам шунчалик қизиқасан. Унга худо бўй берган билан ўй бермаган. Ундан кўра мана мен деган биттасини топиб олиб, нега кўйдирмайсан уни? — деди.

Ҳа, бир вақтлари менинг сендан бўлак «мана мен» деган кимим бор эди? «Мана мен» деганнинг мингтасини мен

босган изингга ҳам алишмас эдим! Бироқ... бироқ минг аф-
суслар бўлсинким, у давронлар ўтиб кетди. Энди менинг
учун бари бир. Эндиликда сен ҳам, «мана мен» деган бу-
тунлай бошқа бегона одам ҳам — менинг учун бир одам
жолос. «Эркакнинг барчаси эркак, ҳаммаси бир тупроқдан
яратилган» деган гаплар ҳам бежиз эмас экан аслида.
Ҳаммасининг ҳам бели боғлиқ экан уларнинг...

Яна шуни ҳам айтгим келади: рўзгор-тирикчилик ҳамма-
нинг ҳам бошида бор... Майли, менинг бу «майда» гапла-
рим учун баъзи бир бемаъни одамлар кулар, эс-ҳуши жойи-
да одамлар эса ўзларининг умр-муросаларини эсларига
туширишар... Ҳар қалай, айтмаганим учун ўзимга армон
бўлмасин. Ҳар ким ўзича ўйлаб, мулоҳаза қилсин. Сен ҳам
хатимни ўқиб чиққач, жавобингни айт. Мен сенга бу гап-
ларни бир бошдан айтиб берадиган бўлсам, эшит, бу кўн-
гилсиз воқеа шундай содир бўлган эди:

Сен ўша куни ҳар кундагидан ҳам баттар қовоқ-тумшу-
ғинг осилиб келдинг. Кийимларингни ечиб, тўғри келган
томонга улоқтирдинг-да:

— Чой олиб кел! — деб ўшқирдинг.

Сирасини айтганда, мен ҳам ишдан чарчаб келган эдим.
Иложим қанча, буйруғингни бажо келтирдим. Шундан ке-
йинги менинг гапим ўзингга аён. Бор-йўқ гуноҳим шуки:
«қиш ғамингни ёз е, уйнинг девор-тошига қара, ҳуда-беҳу-
дага ичавергунча, ўша ичкиликнинг пулига болангга ки-
йим-кечак қилиб бер» дедим. Ҳолбуки, мен бу гапни сенга
фақат ўша куни эмас, балки ҳар куни айтар эдим. Бир чек-
каси, рўзгорчилик, бировнинг қўлига қарамайлик, деган
андишадан бўлак ғаразим йўқ эди. Қандай ишга қўл урма,
бир томонда ўзим турганман. Менсиз битган ишинг бўл-
ганми ўзи? Буни ўзинг ҳам биласан. Қанча айтишсак ҳам,
қанча тортишсак ҳам — ҳаммасини шу уй-рўзғар ғамида
қилардик. Сен бўлсанг...

Сен бўлсанг ўрнингдан сапчиб турдинг. Тўғри гапимни
эрига чиқардинг. Қуруқ тарашадек шарт-шурт синиб, чой-
нак-пиёлаларга ғорат келтирдинг. Ҳалол ошимни ҳаромга
чиқардинг. Оғзингдан боди кириб, шоди чиқди. Ниҳоят
ўшқириб:

— Овозингни ўчир! Йўқол! Кўзимга кўринма! — де-
динг эски гапларингни такрорлаб.

Хўш, оқибати нима бўлди, эсингдадир? Мен ҳам одам
боласиман ахир! Мен ҳам сенга ўхшаб ота-онам кўзининг
оқу қорасиман. Ҳа, мени ҳам сенга ўхшаб одам боласи тар-

биялаб ўстирган. Ота-онанг сени қанчалик меҳрибончилик билан ардоқлаб ўстирган бўлса, мени ҳам ота-онам худди шундай қилиб катта қилган. Сен айтганингдек «сочим узун, ақлим калта» бўлса ҳам, қўшимизнинг бир томонини тортишга қурбим етди, икки ёрти бир бутун бўлса, бир ёрти-си мен эдим. Хўш, шундай экан, мени ким ҳам «у, бу...» деб камсита олади? Менга калтак кўтаришга кимнинг ҳади-ди сиғади? Ёки ким оқ юзимга ҳадеб қора чаплайверади? Айт-чи, мен бу хўрликларга тоқайгача чидайвераман? Қани менинг қадр-қимматим? Агар эру хотин қўш ҳўкиз бўлса, мен унинг бири ҳисоблансам, унда сен мени нега ўз қаторингда ҳисобламайсан? Хўш, айт-чи, нега? Йўқ, энди биз аёллар бундай фосиқликка тоқат қилолмаймиз! Ким бизга нима деб таъна қилса қилаверсин, аммо биз ўз қадр-қимматимизни ўзимиз қадрлай оламиз...

Ўшандан бери ана-мана деб оғган юлдуздек икки йил ҳам ғизиллаб ўтиб кетди. Сенинг оёғингнинг изи қаерда, қаёқларга тентираб бориб келиб юрганингни ҳам биламан. Бу орада ким нима орттирди. Ҳар ким ўз умрини ўзининг ўлчов тоши билан сарҳисоб қилиб кўрсин.

Энди гапнинг иккинчи томонини эшит. У ҳам бўлса, иккимизнинг ўртамиздаги икки яшар Яхшилиқжоннинг аҳ-воли. Билмадим, агар у эр етиб, эси кирса, қандай ота меҳрибонлигини кўрдим дер экан.

Бир кун келиб, мабодо у мендан:

«Менинг дадам борми? Бор бўлса қаерда?» деб сўраб қолса, мен унга нима деб жавоб қиламан. Ўз тенгқурларини уларнинг дадалари ўйнатиб ёки етаклаб олиб юрганларини кўриб, болаларча соддадиллик билан: «Дадам қаерга кетган? Келадими?» деб сўраб қолгудек бўлса, шунда мен сени кўрсата туриб: «Сенинг даданг мана шу одам!» десам. сен ўғлингга нима деб жавоб берар эдинг? Ёки унга қайси юзинг билан қарардинг?

Ишонаманки, сен ҳали булар тўғрисида ўйламаган ҳам бўлсанг керак. Мен ҳам дастлабки пайтларда ё ёшлиқ қилиб, ёки бўлмаса, ақлим етмаганлигиданми — у ёқларини ўйламаган эканман. Ҳозир эса, боламиз улғайган сайин, мана шундай андишаларни тез-тез ўйлайвериб, ўйимнинг тагига етолмайдиган бўлиб қолдим. Бир чеккаси, сенинг ҳам ҳолингдан хабардорман. Афтидан, боламни олсам эди, дейдиган кўринасан. Албатта, бу хаёлинг ёмон эмас. Бироқ сен шуни унутмаслигинг керакки, уни мен туққанман, бинобарин, унинг тақдири учун мен кўпроқ ачинаман. Шундай.

«Пичоқни аввал ўзингга ур, сўнг, оғримаса бировга ур!» деган. Яна шуниси ҳам борки: «Отали етим хўр етим, онали етим зўр етим» дейди. Ҳолбуки, сен бу томонларини ҳам эътиборга олишинг зарур эди. Шундай экан, ўзим ўлмай, тирик етимимни сенга сира бера қўймасман. «Тирик етим» дейишга тилим борди-я икки ёшга эндигина тўлган қўчқордек болажонимни... Номим дазмол босишни удда қила олмайдиган ғирт чўлоққа чиққан бўлса ҳам, лекин «тирик етим» деган сўзнинг маънисини яхши тушунаман. Бу гапларни азбаройи куйганимдан айтяпман. Шунини яхши билиб қўйгинки, мен сенинг ўша таннозингга боламни «ўғай бола» қилиб зинҳор-зинҳор бериб қўйманман. Назаримда: «Бола-лангни олиб кела қол...» дейдиганга ўхшайди суюклигинг сенга?

Йўқ, бериб бўлибман мен сенинг ўша таннозингга жонимдан ортиқ севган боламни. Тўғри, боламининг егани олдида, емагани кетида бўлмаса ҳам, лекин ҳар қалай ўғай онанинг қўлига қараб қолган хор-зор эмас. Майли, ҳар ким худо бўлса, ўзини ёрлақайверсин!

Мен сенинг ўша суюклигингга ўхшаб кунда пардоз қилиб, таразмасам ҳам, ўзимни ундан кам деб билмайман: ишқилиб, ўз аравамни халқ қатори ўзим сургаб келяпман. Суюклигингни дўконга боргандагина кўриб тураман. Мени кўрди дегунча ноқулай аҳволга тушиб, ер қизиб қолади, қўлга тушган ўғридай кўзларини олиб қочади, наридан бери типирчилаб, ўзини прилавканинг орқа томонига олишга шошилади. Қизаради-бўзаради. Шу зайлда бир оз вақт ўтказиб, сўнг сир бергиси келмагандек, ўзини кеккайиб кўрсатишга уринади. Бироқ «ўғрининг кети қувиш» дегандек, ақалли кеккайишни ҳам ўрнига қўёлмайди. Мен шу пайт унга:

— Қисинма, синглим, «келишмаса ишингиз, биламиқ синди-рар тишингиз» деганларидек, нега мунча ўзингизни ноқулай ҳис қиласиз?— дейман.

Шунда бечора менга алланарсаларни айтгиси келади, лекин гапирадиган гапи келиб ҳалқумига тиқилиб қолади. Мана шунинг ўзи ҳам унга бир ўлим... Шундай қилиб, сен ўша суюклигингни ҳам, мени ҳам, икки яшар Яхшилигингни ҳам тириклайин бўғиб юрибсан.

Бир куни келиб пушти камарингдан бўлган бола-н — Яхшилик эр етиб, бировнинг пардадаги қизи билан аҳду паймон қилиб, уни олса-ю, орадан бир-икки йил ўтар-ўтмас ўтдек куйдирса ва бегуноҳдан-бегуноҳ уни қўйиб юборса,

шунда сен унинг отаси сифатида нима деб насиҳат қилган бўлардинг?.. Ишқилиб, у сенга ўхшамасин, ақлли-ҳушли бўлсин.

«Отасининг боласи-да! Олдинги арава қаердан юрса, кейиндаги арава ҳам ўша ердан юради» деган каби таъна тошларини мен кўтара олмайман. Лекин Яхшилигим бирмас бир куни эр етса, нима деб юзига қарашингни ҳам ўйлаб қўй!..

Кеча кўчадан бир гуруҳ одам ўтиб кетаётган эди, эшикнинг олдида ўйнаб юрган Яхшилиқ уларга қараб:

— Па-па!— деб энтак-тентак югуриб бора туриб, суришиб кетди-да, йиқилиб тушди.

Йўловчиларнинг барчаси тўхтади ва:

— Ҳа-ҳа, болам!— деб у томон югуришди, уни турғизиб, қўлма-қўл кўтариб овутишди.

— Кимнинг боласисан?— деб сўради улардан бири.

— Па-па-а!..

— Папанг ким?— деб сўрашди улар яна.

— Бу уйда бир-икки йилдан буён эркак киши кўрмайман. Чамаси ўлган бўлса керак бечора,— деди биттаси боланинг бошини силаб, уни уй томон қўйиб юборар экан.

«Болани ўз ота-онаси билан қийнасин!» экан-да...

Улар шундай деб йўлларига кетишди.

Шундан кейинги икки кун мен учун қора тун бўлиб ўтди. Учинчи куни Яхшилиқ тўсатдан касал бўлиб қолиб, гулдай сўлиди-қўйди. Докторга олиб бордим. Доктор қиз у ёқ-бу ёғини текшириб кўриб, сариқ касали билан оғрибди, тезда касалхонага ётқизиш керак, деб «тез ёрдам» машинасини чақириб берди.

Биз қирқ кун касалхонада ётдик. Бахтимга, болам соғайиб кетди. Қирқ биринчи куни боламни олиб уйга қайтдим. Қирқ кун эшиги очилмай, қаровсиз қолган уйнинг аҳволи нима кечарди?.. Эшиклари намиқиб, тўғринча очилиб-ёпилмайдиган бўлиб қолибди. Ҳовлимиз ивирсиб, ҳувилаб ётибди — «ютаман» дейди. Мен бу аҳволни кўриб хўрлигим келди. Аламимни кўз ёшимдан олдим. Менга қўшилиб Яхшилиқ ҳам йиғлади.

«Қўй,— дедим ўз-ўзимга сабр бериб.— Йиғидан нима фойда. Куч-қувватим бор. Ўз мулким. Тузатиб оларман...»

«Камтарга камол, манманга завол» деган. Бизнинг аҳволимиздан хабар оладиганлар ҳам бор экан... Элнинг садақаси кетай, эллигини кўрсатди: она-бола икковимиз де-

вор-тошни тузатишга уринаётганимизни кўрган қўни-қўш-
нилар қўмаклашиб, уйимизни тузатиб, ўтин ҳам тушириб
беришди.

Печни бузиб тузатаётган усталар уйнинг бурчагидаги
деворга осигʻлиқ турган суратингни кўриб, бир-икки марта
уни тескарисига айлантириб қўйишди. Эҳтимол, улар су-
ратга лой сачрамасин, дейишгандир. Ҳар қалай, улар шун-
дай қилишаверди. Мен эса улар йўқ пайтларида суратингни
ўнгига айлантириб қўявердим. Шунда усталардан бири:

— Янгажон, айбга буюрмайсиз, нима қилганда ҳам
калаवासининг учини йўқотиб қўйган одам бу!— деди се-
нинг расмингни кўрсатиб. Кейин яна ҳазиллашибми, чини-
ми, ишқилиб:— Агар мен сизга ўхшаган биттасини топсам
жон дердим!— деб сўлагини қулт этиб ютиб қўйди.

Қайси бирини айтай. Бир кун ишдан келиб, эшикни оч-
сам, остонага бир хат тап этиб тушди. Мен аввалига, сен
ёзган бўлсанг керак, деган хаёлга бордим. Кейин ўқиб кўр-
сам, унда шеър билан шу сўзлар ёзилган экан:

Ҳеч армонсиз ўтардим,
Аму бўлиб бир оқсам.
Уйланиб тинар эдим,
Сендай гўзалга ёқсам.

«Йўқ!» дедим жаҳл билан деразадан ташқарига қараб
туриб. Сўнг ўзимни босиб олиб, ўйга толдим: «сабр таги
олтин», «сабр қилган муродига етади» дедим. Лекин ме-
нинг... йўқ, мен унинг илдизи қуриган кунигина ўрнига
бошқа, ўзимга ёққан гул ўтқазишга ҳаққим бор... Ҳозирча
эса... ҳеч қанақа гулнинг кераги йўқ, менга...» деб хатни
йиртиб-йиртиб, ташлаб юбордим.

Шу пайт ташқарида ўйнаб юрган Яхшилик талтақайлаб
уйга кириб келди.

— Ап-па-а!..— деб толпиниб ўзини менга отди.

Мен уни ердан даст кўтариб олиб, бағримга босдим,
суйдим. Шундагина аламим сал тарқагандай бўлди. Лекин
яна ўйимга ҳар турли хаёллар ҳам келди. Ҳаммаси худди
тушга ўхшайди...

Ўғлим бағримга тиқилиб, анчагача миқ этмай ўтирди.
Мен ҳам лом-мим деб оғзимни очмадим. Ҳатто «гинг» этган
пашшанинг овози ҳам эшитилмасди. Бутун олам гўё соқов
бўлиб қолгандек туюларди. Ҳамма ёқ жимжит. Тиқ этган
товуш йўқ. Ногоҳ, қўрқиб кетдим ва дик этиб ўрнимдан
турдим. Бола ухлаб қолган эди.

«Эҳ, бечора тирик етимим! Йўқ, йўқ! У етим эмас! Менчи, мен борман-ку ахир!..»

Бола шу ухлаганича эрталаб уйғонди. Атрофига қаради. Лекин, лекин... ҳар кунгидай хархаша қилиб «папа»сини сўрамади... Бир оз шундай анграйиб ўтирди-да, ёстиққа яна бошини қўйди. Ухладими, ухламадими — билмайман. Чунки нима учундир олдига бориб, оналик меҳри билан суҳроб-эркалашга қўрқдим... Қизиқ... ўз боламдан ўзим қўрқдим. У менга, бир томондан, қанчалик суякли бўлса, иккинчи томондан, шунчалик қўрқинчли бўлиб кўринди... Эҳ тангрим, бундай ишни ҳеч кимнинг бошига солмасин...

Мана, кўрдингми, сен азамат эркак бўла туриб, тўққиз ой қорнимда кўтариб, олтин бешик тебратиб, не ниятлар билан етишган болам билан мендай онани қандай кунларга солиб қўйибсан! Бунинг учун сен менинг кўз ёшларимга нима деб жавоб берасан? Майли, қанча юрсанг шунча юр. Менинг ялинадиган ерим йўқ. Лекин, бу сенга энг охирги хатим. Ҳар кимнинг бахти ўзига қўнсин! Хайр. Гулойша»

Мен Гулойшанинг бу хатини ўқиб ўтириб, умримда биринчи марта дуч келиб турганим бу нохуш ҳодиса юзасидан ўзимга ўзим анча саволлар бердим:

— Айб кимда?

— Икки яшар Яхшиликнинг келажагига ким жавоб беради?

— Гулойшанинг ёшлик ўтини ким сўндирди?

— Хўш, энди нима қилишмоқчи?..

Тўғри, уй-рўзгор ишларида шундай майда-чуйда аччиқ-аразлар бўлиб туради. Лекин, лекин бири олов пуркаганда, иккинчиси уни авж олдирмай, сув сепиб турса, ёки бири баланд келганда, бири пастроқ тушса, нима қиларкин, дейман ўзимга ўзим.

Шундай хаёллар билан эрталаб ишимга кетдим. Гулойшанинг эри ишлайдиган идорага бордим. Идора бошлиғига мақсадимни айтдим. У ҳам менинг фикримни маъқуллади. Орадан кўп ўтмай ўша йигит ҳам келди. Қадди-қомати келишган, суқсурдек йигит экан. Ҳеч ким унинг қадди-бастига қараб туриб, шундай келишган йигитдан ҳеч қачон ёмонлик чиқади, деб ўйламайди. Исми Ғойиб экан. Хотин олиб, хотин қўйгани учун уни олдинги ишлаб турган еридагилар бухгалтерликдан бўшатиб юборишган бўлиб, ҳозир у бу идорада кассир бўлиб ишлаб тураркан.

Бошлиқдан ижозат олиб, биз ташқарига чиқдик.

Кўчада одам кўп. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Шу яқин ўрталик бола-чақали икки киши уй-рўзғор ишидан гаплашиб кетишяпти. Шошилиб ўтиб бораётганлар ундан кўп. Биров бола-чақасини етаклаб меҳмондорчиликка кетяпти, биров меҳмондорчиликдан қайтяпти... Яна бошқа биров... Ҳа, ҳамма ўз иши билан банд. Ҳаво очиқ. Теракларнинг япроқларини майин шабада шилдиратади. Кўчанинг бир бурчида қурувчилар янги бинонинг сўнгги ғишларини қўйишмоқда. Бошқа бири янги битказилган уйга янги қўшни кўчларини киритишяпти. Кенг йўлдан машиналар ғизиллаб ўтиб турибди... Хуллас, қимирлаган жон борки ўз тирикчилиги билан овора. Биз кичкина борчага кириб, бўш ўриндиқлардан бирига ўтирдик.

Мен гап очдим.

— Ғойибжон,— дедим астагина,— айбга буюрмайсиз. Мен сиз билан хизмат юзасидан гаплашиб олгани келдим. Агар малол келмаса, Гулойша билан олдинги турмушларингиз ҳақида менга баъзи бир гапларни айтиб берсангиз.

— Яхши. Ажралишганимиз рост. Уйдан чиқдим у кетдим.

У шундай деб гапини қисқагина, тўмтоққина қилди қўя қолди.

— Наҳотки бошқа гапингиз йўқ бўлса?.. Қисинмай, бор гапини айтаверинг. Мен энди бу масалада бошқа келмайман. Шу бугун ё у ёқли, ё бу ёқли қиламан кетаман.

Ғойиб анча вақтгача индамай ўтирди. Бу ўртада қайта-қайта папирос тутатиб чекди. Негадир терлади. Сўнг... яна узоқ сукутга чўмди.

Менинг сабрим тугади:

— Нега бор гапини айтишдан қийналасиз? Қандай турдинглар? Ажрашувларингизга нима сабаб бўлди, иним?— деб сўрадим яна ундан.

Олдимиздан ўйинчоқ коптогини қувалаб уч ёшлар чама-сидаги бир бола пилдираб ўтиб кетди. Ғойиб унга қизиқсиниб қараб ўтириб, оғир хўрсиниб қўйди. Сўнг, яна папирос олиб чекди.

— Майли, айтсам айта қолай... Уртамиздаги сирни очмасдан тинчимайдиганга ўхшайман, оға,— деди у ниҳоят.

— Ўша кўнгилсиз воқеадан буён ўзим ҳам ҳаловатимни йўқотиб қўйганман, оғажон. «Очликда еган ноннинг тўқликда ҳам мазаси кетмайди» дейди халқ. Шу кунларда ичимга чироқ ёқса ҳам ёримайдиган бўлиб қолдим. Нима-

сини айтай... У билан ўтказган ширин дамларим бир умрга ёдимдан чиқмайди. Биринчи учрашувимиз ҳали-ҳали ёдимда. У пайтда ҳали биз ёш эдик... Бугун эса, бу воқеа худди куни кечагина бўлгандек туюлади... Биз анҳор бўйидаги каллакланган тол тагида учрашдик... У қаттиқ ҳаяжонда эди... Янгигина туққан ой ўроғининг кучсиз нурида у ёқ-бу ёққа аланг-жаланг қараб қўярди. Худди биров қувлаб келаётгандай ҳарсилларди. Бир оз шу ҳолатда тургач, бирдан қўлидаги тугунчагини ерга тушириб юборди. Мен уни дарҳол қўлимга кўтариб олдим-да:

— Юр, Гулойша, кетдик!— деб у томон қўлимни чўздим.

Гулойша қаддини ростлаб, менга бир қаради-да, ўзини бағримга ташлади. Қайноқ лабларини лабимга босди. Юрагим асов тойдек ўйноқлаб кетди. Бутун олам бир нафасга унутилди. Кундузми-тунми — мен учун аҳамияти қолмади. Дунёда фақат мену, Гулойшагина бордай. Шу пайт менинг Гулойша тўғрисида ўйлаб юрган барча яхши ниятларимнинг тугуни ечилди... Мен учун дунёдаги энг азиз инсон фақат Гулойша эди. Дунёда ундан бўлак одам йўқ эди, унинг ёлғиз ўзигина мавжуд эди... Оламда қиз тўлиб-тошиб ётган бўлса ҳам, менинг кўзимга Гулойшадан бошқаси кўринмасди... Гулойша эса бағримда теракнинг баргидек титраб турарди... Назаримда, отаси унинг юрагини олиб қўйгандек туюларди... Нега йиғлайди менинг севикли ёрим? Нега?.. Мен унинг нега йиғлаётганини билолмай, унга қўшилишиб йиғлагим келиб кетди.

— Нега йиғлайсан, жоним?— дейман унга боқиб.

Мен унинг оппоқ бетларига тикилиб, ҳайрон бўлиб жавоб кутардим. Унинг кўзларидан эса маржондек бўлиб ёш томчиларди, ёш...

— Сабил қолгур қалин мол касофатидан йиғлаяпман,— деди ниҳоят унинг ўпкаси тўлиб.

Мен қоққан қоziқдай қотиб қолдим.

— Парво қилма, у вақтлар ўтиб кетган, юр кетдик!— дедим мен унинг қўлидан дадил тутиб.

Шу пайт қишлоқ томондан шовқин кўтарилди. Бир тўп одам биз томонга югуришиб келар эди. Олдинда келаётган шарпа куйиниб:

— Ҳозиргина кўрувдим. Нақ шу ерда, тол тагида турган эди!— дерди қўлларини биз томон ҳавола қилиб.

Қочай десак жой йўқ. Қаерга ҳам қочар эдик. Гулойша дағ-дағ титраб тобора пинжимга тиқиларди. Мени ҳам ваҳима боса бошлади. Биз шу алфозда турар эканмиз, хаё-

лимга лип этиб бир фикр келди. Вақт ўтиб борарди. «Шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам думи билан шўнғийди» дегандек, мен бир нафас довдираб туриб, сўнг секин Гулошанинг қўлидан ушладим.

— Толга чиқ, тез бўл, агар ўлсак, толдан ташлаб, бирга ўламиз!..

Гулош севиниб кетганидан толга тирмашиб юқорига чиқа бошлади. Мен ҳам тугунчакни тишлаганимча, унинг кетидан юқорига қараб ўрладим. Биз толнинг тепасига чиқиб, япроқларнинг энг қуюуқ жойига ўрнашиб олдик-да, шу ерда ўтирганча тақдиримизнинг нима билан тугагини кузата бошладик. Улар етиб келишди. Тол атрофини ғалвир қилиб қидиришди. Ҳалиги олдинда ҳаллослаб келаётган одам:

— Ер ютдими ё осмонга учиб кетдими?.. Ҳозиргина шу ерда кўрган эдим-а, тавба!..— деб катталар олдида жилпанглашга тушди.

Одамларнинг ҳафсалалари пир бўлди. Улардан бири тўнғиллаб, ҳалиги одамга дашном берди:

— Қўлингга қўнай деб турган қушни қочириб ўтирибсан-а, ҳайф-э, сенга!

Сўнгра бирин-кетин қишлоқ томон йўл олишди.

Аммо иккита чол тўпдан ажралиб қолди: чамаси, кетишга шошилмас эди. Улар минғиллашиб юриб, анҳор бўйидаги янтоқ борми, бута борми — роса титкилаб қарашди.

— Қизингиз одатимизни бузди. Еган-ичганини оқламади, бахти қаро бўлгўр!— деди биттаси жаҳл билан тупуриб.

— Қиз бўлиб туғилгандан кўра ит бўлиб туғилса бўлмасмиди!— деб шанғиллади иккинчиси.— Эл-юрт олдида энди мен нима деган одам бўлдим, уларга қай бетим билан қарайман?.. Қалинга олиб еган молларни қандай қилиб тўлайман! Оҳ худо, бу кўргилик ҳам бор эканми менга!.. Қиз бергандан кўра, қурбақа берсанг бўлмасмиди! Эҳ, аттанг!..

Гулош жаҳлига чидай олмай, бақириб юбораёзди. Мен унинг оғзини қўлим билан босиб қолдим. У бир-икки бор ўхчиб юборди. Лекин унинг бу заиф товуши тун қўйнига сингиб, изсиз йўқолди...

Шундан бери мен ўзимча, тун ҳам ёшликнинг бир ярашиғи экан, деб юраман ичимда.

Биз ҳамон тол устидамиз. Тагимизда ўчакишгандек икки чол ивирсилайди. Бир-бири билан тортишади.

— Қалин дегандан кўра, қарз мол десанг-чи, оқсоқол. Ўз вақтида тежаб-тергамадинг, жиловини бўш қўйиб бердинг. Мана, оқибати нима бўлди — оғзингга лой суркаб кетди! — дерди ҳалиги чол Гулойшанинг отасига таъна қилиб. Гулойшанинг отаси эса баттар тажанг бўлиб, қизини қарғай-қарғай уйига жўнади.

Биз толдан тушдик. Нимасини яшираман, Гулойшага бўлган меҳрим яна юз чандон ошиб кетди. У эскилик иллатларининг барча азобларига бардош бериб ва уларни енгиб ўтиб, ниҳоят мен билан қўшилган эди-да ахир. Биз қишлоққа қайтдик. Тўй ҳам қилиб бердик. Кўп ўтмай уй ҳам қуриб олдик. Ўртада бола ҳам дунёга келди. Шундай қилиб, кўз очиб-юмгунча тўрт йил ўтиб кетди.

Нимасини айтаман, оғажон, яхши иш бўлмади. Тирикчилигимиз яхшиланиб, рўзгоримиз бут бўлиб, давлатимизни кўтара олмадикми, ё бўлмаса, бир-биримизга тўйдикми, ёки биттаси йўлдан урдими, ҳар қалай, икковимизнинг орамизга нифоқ тушганига ҳам мана, икки йил бўлиб қолди. Сиздан яширмайман, ўзимдан ҳам ўтди. Гулойша ҳам бутунлай оппоқ эмас...

Тўқликка шўхлик қилиб бир оз адашибман. Нима бўлибди, йўлимдан адашган бўлсам ҳам, хаёлим Гулойшада эди-ку, ахир... У ёғини ҳам айтадиган бўлсам, ҳар куни папирос олгани борсам олдимдан шу магазинчи қиз жилпанглаб чиқиб турадиган бўлди қолди!... Аввалига саломлашиб юрдик. Бора-бора прилавкага бағримизни бериб гаплашадиган бўлдик. Шундай қилиб юриб, ўша дўконга ҳисобкитоб ўтказишга бордим. Ҳамма бало шундан бошланди. бирга овқатланиб, бирга дам олиб, дегандай, бирга ишладик... Бир куни кечқурун, десангиз, у билан ишлайдиган дўкончи хотин менга карашма қилиб: бугун кечқурун меҳмонимиз бўласиз, кутамиз, деб қолди. Хуллас, икковлашиб бошимни айлантиришди...

Эртасига эрта билан яна ҳисоб-китобга тушдик. Бир оз етишмовчиликлар чиққан эди, мен кўзимни чирт юмиб, шу кўйи босиб кетдим.

Чунки унинг жавдираб, илтижо билан боқиб турадиган кўзларидан ўтолмадим. Бунинг устига, ўзи ҳам кам-камдан юрак-бағримдан ура бошлади... Бу бир ёқдан бўлса, иккинчи ёқдан, худди аксига олгандек, шу кунлари уйга сал кечикиб келсам, уйимизда жанжал кўтариладиган бўлиб қолди: тинчлигимиз бузилди, ҳузур-ҳаловатимизга путур етди. «Ураверсанг ҳўкиз ҳам ўлади» деганларидек, аста-секин

бир-биримиздан совий бошладик... Алаимини папиросдан оламан. Биров билан маслаҳатлашайин десам — уяламан. Бир чеккаси, орамиздаги бу сирни ҳеч кимга билдиргим келмайди. Бошидан ўтган одамлардан сўрашга ҳам кўнглим бўлмади: тилим қисқ эмасми, ҳеч журъат ётолмадим...

Шундай қилиб, магазинчи қизнинг жавдираган кўларидан ўтолмай, унинг давлат олдида қилган жиноятини яшириб юбордим, лекин шу билан бирга ўзим ҳам катта гуноҳ қилиб, бошимга шу балоларни орттириб олдим...

Бошқа иложини тополмай, нима бўлса бўлар дедиму ҳаммасини ичимга тугиб, алаимдан, қизнинг дўконига кунига икки мартадан қатнайдиган бўлиб қолдим... Эрталаб папирос сотиб оламан, кечқурун яна бир пачка папирос ва... уйга бекайф, соғ борадиган куним бўлмай қолди... Жанжал кўпайди: уйга кирсам ҳам, чиқсам ҳам шовқин бўлиб қолди... Бизга тақилмаган от қолмади. Ҳам ароқхўр, ҳам жанжалкаш... Қўни-қўшни, ёр-биродарларнинг қилган насиҳатларига қарамай, орамиздаги ўт пасайиб бориш ўрнига, кўпроқ аланга олиб бораверди.

Ҳеч кимнинг гапи кор қилмагач, кўпчилик остонамизга қадам босмайдиган ҳам бўлиб кетди...

Уйда эса ҳамон машмаша, эски гап... Ҳеч ким ҳам мен сингари бундай ўтга тушмаган бўлса керак. Мени фақат ичкилик йўлдан уриб, ёмонотлиқ қилди. Кўчамиздаги ёшу қари — ҳаммаси пиёнистага чиқариб қўйишди мени. Оёғим кесакка ногоҳ қоқилиб кетса бас: ана, Ғойиб пиёниста келаяпти, деб катталар гап қилишса, болалар зирқирашиб қочишадиган бўлди. Ҳаммага отнинг қашқасидек танилдим қолдим. Бундан ортиғига чидамим етишмади. Бунинг устига, куз келиб қолди. Гулойданинг хархашаси яна кўпайди: «Уйнинг у ерини тузат, бу ерини тузат... Ўтин, кўмир тушир... «Қиш ғамини ёзда кўр»... Ҳадеб бундай ичаверадиган бўлсанг, аҳволимиз нима кечади?..» Шунга ўхшаш ғиди-биди гаплар жуда жонимга тегиб кетди... Бир кун уйга ғирт маст бўлиб келдим ва ... ва шу кундан бошлаб Гулойдан айрилдим, оғажон...

Ғойиб оғир хўрсинди-да, жим бўлиб қолди. Мен хаёл суриб ўтириб:

— Эҳ, аттанг! — деб юбордим ўзимдан ўзим уларнинг чиройли турмушлари бузилганига ачиниб. — Қаранг-а, ёшлик йилларингиз қандай беғубор ўтган экан, мана, энди бари вайрон бўлибди. Ҳаммасига ўзларингиз айблисиз. Икковингиз ҳам оқ эмассиз. Ёшлик — нодонлик, дейди

халқ. Нодонлик қилгансизлар. Биттангизни жаҳлингиз чиққанда, биттангиз босганингизда бундай хунук ишлар бўлмасмиди?... Йилтираб кўринган нарсанинг ҳаммаси ҳам олтин бўлиб чиқавермайди-ку, ахир, Ғойиб! Бахт қуши кишига бир марта қўнади. Эҳ аттанг!..

— Сизнинг бир қилиғингизни кечира олмайман, Ғойиб!— дедим мен яна ерга тикилиб ўтирган Ғойибга қараб.— Ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз, қолаверса, кўчаларингиздаги кексалардан ҳам ўтган. Бунинг ўз вақтида олдини ололмаган улар...

— Ҳа, тўғри,— деди Ғойиб жонланиб,— яқинда кўчамизда оқсоқоллар кенгаши тузилибди. Кеча улар мени ҳам чақиритган эди. Бўлар иш бўлиб ўтгандан кейин, ичимда сақлаб нима қиламан— ҳаммасини гапириб бердим.

— Ўйлашиб кўрамиз, болам!— дейишди улар менга.

— Дўкончингиздан... беташвишроқмисиз, ишқилиб... Яъни... мабодо, ҳомила орттирмадингизми, демоқчиман-да...

— Йўқ, оғажон, у ҳали ёш-ку... Бироқ, бироқ одамдан одамнинг фарқи бўлар экан... «Югуриқдан югуриқ чиқса, тўрт оғи тапир-тупур қилади, билгичдан билгич чиқса, тегирмондан бутун чиқади» деганларидек, назаримда, анча югуриқ кўринади буниси...

Мана ўшандан буён ҳали унча кўп вақт ўтгани йўқ. Яқинда кутубхонадан чиқиб келаётиб, Гулойша билан Ғойибнинг орқасидан кўзим тушиб қолди. Уларми, бошқами, деб қайта-қайта тикилиб қарадим. Йўқ, янглишмаган эканман. Худди ўшаларнинг ўзлари. Ёнма-ён тикилган иккита гулдай бир-бирига ярашиб туришибди... Мен уларнинг орқасидан қараб туриб, севиниб кетдим. «Адашганининг айби йўқ, қайтиб йўлини топса» деб кўнглимдан ўтказдим-да, кўнглим кўтарилиб, олға қараб одим ташладим.

1965 йил.

АЙТИЛМАГАН АФСОНА

(Ҳикоя)

— Отажон, йўлни қисқартириш учун ўтган-кетганлардан гапириб беринг,— дедик автобус ойнасидан кафтини манглайига соябон қилиб Қорабойли томон хаёлчан қараб ўтирган оппоқ соқолли, қошлари киприги устига ёпирилиб

тушган чолга. У тиззасида ушлаб ўтирган хуржунини ёнига олиб қўйди-да, биз томон оҳиста ўгирилиб қаради, кейин яна ўша олдинги вазиятига қайтиб, индамай ўтираверди. Биз ҳам чолни ортиқ қистамадик. Автобус Мамий даласига кириб борди. Чол бирдан жонланди.

— Олдингини аниқ кўриш учун орқангга назар ташла, деган экан, болаларим, бурунги ўтган донишмандлардан бири. Майли, сазаларинг ўлмасин, гапириб берсам гапириб бера қолай,— деди у бизга қараб жилмайиб.— Айтмасанг, дардинг тарқамайди, дейди... Ҳа, бошимдан кўп ҳангомалар ўтган, анча-мунча воқеаларнинг шоҳиди бўлганман... Бўлмаса, ўша кўрган воқеаларимдан бирини айтиб берай сизларга... У вақтда мен беш яшар ўспирин эдим.— Чол соқолининг учини қайириб тишлаб, бош чайқади. Чўғирмасининг осилиб тушган жингалаклари сочиқ попугига тақилган мунчоқлардек шовдираб кетди.— Умр ҳам елдек ўтиб кетганини қаранг. Агар ҳисоблаб чиқадиغان бўлсанг, ўшандан бери эллик йил чамаси вақт ўтибди. Ҳозир ҳамма нарса янгича бўлиб кетган. Бунда бизнинг ҳам озми-кўпми ҳиссамиз бор...— Чол қаддини ростлаб, чопонининг ёқасини орқасига сал қайтариб қўйди ва ичидан кийиб олган енгсиз чийдухоба пешматининг чап томонига тақилган бир-иккита нишонларини шилдиратиб қўйди.— Ҳукумат бу нишонларни бекорга бермаган... Ҳа, шундай... Мана бу Мамий даласига қаранг. Бу ерлар эски вақтда қандайлигини билмaysизлар... Қани, болаларим, яхшиси, отангизнинг айтилмаган афсонасини эшитинг...

* * *

— Бу воқеа, Николай оқ подшо тахтдан тушиб, илоҳим большевиклар тезроқ кела қолса эди, деб умид қилиб юрган кезларимизда содир бўлди,— чол ҳикоясини шу сўзлар билан бошлади. Биз давомини кутиб, унинг оғзига тикилдик.— «Йигитлар, чиқар жон бўлса чиққанча, қолар жон бўлса қолганча отни қамчиланглар!..» деб ҳайқирди ўша ола-тўполон кунлардан бирида Қўшим оға деган ёши улуғимиз чўғ босиб олган одамдай бетоқат бўлиб. Сўнг ўғлини кўкка сапчийдиган қора тўриқ отига миндириб, қўлига қамчиси билан пилтали милтигини тутди. Кейин пешонасидан ўпиб, кўзида ёши билан унга оқ йўл тилади: «Бор, болам, бор. Олинглару, олдирманглар. Менинг аҳволимни ўзларингиз кўриб турибсизлар...» «Оҳ, бечора, бир замон-

лар у ҳам йигит бўлган, бироқ қартайганидан кейин чўкиб қолган...» деб кўнглимдан ўтказиб қўйдим. Шундан кейин бир гуруҳ қуроли отлич йигитлар қақраб ётган тақир дала-нинг чангини осмонга кўтариб, узоқ-узоқлардан милди-раб кўзга чалиниб турган қум саҳроси томон чопиб кетишди.

«Отлан!» деганда отланган азаматларнинг борлигига ҳам шукур...»

Қўшим оға ўзича шукроналик айтиб, эшик олдидаги ўғир устига ўтирди ва йигитларнинг орқасидан кўзини узмаганча хўрсиниб қўйди. Кейин ўрнидан учиб туриб:

— Хей, халойиқ! Бу пастқам далада қачонгача индамай ётаверамиз?— деб бақирди...

Унинг бу чақириғи билан овул одамлари оёққа турди ва Қўшим оға атрофига тўпланишди. Қўшим оға қаттиқ изтиробга тушган ҳолда одамларга шундай деб мурожаат қилди:

— Олашопиронда босмачилар бош кўтарганини ҳамма-нгиз биласиз. Лаънатилар чет-ёқадаги уйларни талаб кетишибди. Бировларнинг молини ўлжа қилиб олиб кетган бўлса, бировларнинг қизларини олиб кетишибди... Бунинг устига, ўлганлар, ярадор бўлганлар ундан кўп... Эшитяп-сизларми, халойиқ!..

Ҳар кимнинг бошида минг ғалва... Одамлар телпакларини олиб, ёнларига қўйишди. Бошларини қашишди, қўлларини манглайларига тираганча, ерга қараб, анча вақтгача жим қолишди. Орамизда Элмурод деган бир оқ кўнгил, ғўлабирдан келган йигитимиз бор эди. Алламаҳалдан кейин шунинг гулдуреган овози чиқди:

— Айтинг, оға, нима илож бор?

Элмуроднинг бу ланж гапи Қўшим оғанинг жаҳлини чиқариб юборди. У Элмуродга қараб худди човут қиладиган шердек даф қилди:

— Нима илож бўлар эди? Ҳали келиб-келиб сендан шу гап чиқдими! Давангирдай йигитсан. Яна бу елкаси ерга тегмаган полвон эмиш. Бўй деса бўйинг бор, ақл деса ақлинг бор!.. Шундайми? Шундай. Ҳовва!..

Элмурод бошини кўтара олмай, пастга қараб ер чизиб қолди.

— Айтмадимми: «олтовлан ола бўлса оғиздагин олди-рар, тўртовлан тугал бўлса унмагани ундирар» деб.

Одамлар ичидан кимдир яна гап қотди:

— Хўш, нима қил, дейсиз энди? Кўтарай десак қурол йўқ, отланай десак от йўқ бўлса... Ишонган бўлисингиз ановими? У ҳам босмачилар билан топишиб олиб, элни таллаб юрибди. Кундузи бўлислик қилса, кечаси ўғрилиқ қилади у муттаҳам...

Қўшим оға олдинги шаштидан бир оз тушди. Ўтирдигурди, ўтирди-турди... Сўнг чўгирмасини бошидан олиб ерга бир урди-да, белбоғини бўйнига солиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Қайнаб турган оломон ёниб сўнган ёлқиндай жимиб қолди. Ҳамма тим-тирс. Мана шу қўрқинчли жимлик ҳар бир одамнинг елкасидан тоғ бўлиб босиб қолгандай эди. Лекин уни яна ўша Элмуроднинг гулдураган овози кўтариб ташлади:

— Ҳаммасига ўзимиз сабабчимиз, оғалар, ўзимиз! Қаёққа ҳайдаса, қўйга ўхшаб ўша ёққа кетаверамиз. Қорнимиз тўйган кун — «қурбон ҳайит». Бугун тўйсак, эртанги кунимизни ўйламаймиз. Ўзимизни ўйлаб, кеккайиб юраверганмиз. Хўш, авлодга биздан нима қолади? Мана бу жулдур чопонми? Ё бўлмаса, шарти кетиб, парти қолган анови чалдиворми?... — Унинг қалбидан дард билан чиққан бу гаплардан кейингина оломон бошини кўтарди. Элмурод пайтдан фойдаланиб, яна гапини давом эттирди: — Шу олатўполонда ўзимизга ўзимиз ҳимоят бўлмасак бўлмайди, оғайнилар. Афсуски, қурол йўқ, қурол! Бунинг устига — аҳилчилигимиз ҳам айтарли эмас...

Қўшим оға ўрнидан турди:

— Бийга ҳам, унга кўр-кўрона эргашган бизга ҳам лаънатлар ёғсин. Сен, Элмурод укам, тўғри гапирдинг. Лекин, айтинглар-чи, юрт ясаган қуролни нега биз ясай олмаймиз? Бий сурган давронни нега биз суролмаймиз... Қачонгача бошимиз қовушмайди? Босмачилар ҳам бизларнинг айни худди мана шу ноаҳиллигимизни билиб, қишлоқларни бемалол босиб, кўнглига келган номаъқулчиликларини қилишмоқда, — деб Элмуроднинг гапини қувватлади.

Шу пайт оломоннинг орқа томонида турган қорни қовоқдай семиз бир киши мингиллаб гап ташлаб қолди ва шундай деб Қўшим оғага пичинг қилди:

— Ана холос. «Ўзга эргашаман деб қарғанинг бути айрилиб ўлган экан...» Шунга ўхшаб, бий қаерда-ю, сен қаерда? Ё тавба-ей...

— Эшитдингларми, халойиқ? — деди Қўшим оға ва ўша кўзи қисик семиз одам томон бурилди. — Биз шунақа одам-

миз — биримизни биримиз ила миз, бировнинг алдаб ташлаган бир бурда нони учун биримизни биримиз ғажишдан ҳам тоймаймиз. Худо таоло марҳаматини ҳаммага текис сочмаган... Бировнинг бошига давлат қушини қўндириб, бировнинг тақир манглайини ҳам қиртишлаб ташлаган... Одил эмассан, парвадигорим! Астағфирулло, осий бўлсам гуноҳимни ўзинг кечиргайсан тагин... Хўш, халойиқ! Нима дейсизлар энди?.. Биз ҳам кўп қатори бир ёқадан бош чиқариб, иттифоқ бўлиб яшай оламизми?.. Ёки бўлмаса, бийнинг қули, босмачининг емиши бўлиб юраверамизми?..

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

Кўпчилик оғир хўрсиниб қўйди. Сўнг бир-бирларининг кўнгилларидаги гапни билмоқчидай, бир-бирларига қараб қўйишди. Ниҳоят бир мўйсафид кўпчиликнинг кўнглидаги гапни ифодалаб, шундай деди:

— Ухлатишга ҳам донишманд керак, уйғотишга ҳам... Шундай, қаровсиз қўйни қашқир талайди.

* * *

Қум саҳросига кетган отлиқлар эртаси куни тонг пайтида қайтиб келишди.

Қўшим оғанинг ўғлини бир киши суяб олган бўлиб, оти етакда келарди. Иккинчи бир кишининг етагидаги отга эса ўроғлиқ кигизни ўнгариб боғламай, узунасига танғиб қўйилганди. Йигитларнинг орқаларига мингашиб олган учта нотаниш қиз ҳам бор бўлиб, усти-бошлари бир ҳолатда, ранглари сўлиган, сочлари тўзиган эди...

Қўшим оға уларнинг шу аҳволда қайтиб келишаётганини кўриб, анграйиб қараб қолди...

Оломон отлиқларни қуршаб олди:

— Нима бўлди, йигитлар, айтинглар?

— Эл-юртни босмачилардан қутқардингларми?

— Энди улар қайтиб келишмайдими?

— Бу болага нима бўлди, қилич қоқдими?

— Тирик қолганига шукур қилинглар!

Қўшим оға шундан кейингина уйқудан чўчиб уйғонган кишидек бир сесканиб тушди ва эс-ҳушини йиғиштириб олди. Зеро, унинг йигитлар қошига қандай қилиб келиб қолганини оломон ҳам, ўзи ҳам билмай қолди.

— Қулуним!

Қўшим оға ўзини ўғли томон ташлади.

Жуда қолдан тойган ва оёқ учида аранг турган боласи гўё энгак қоққандай, унга бир қараб қўйди. Балки аҳтимол, бу унинг «тирикман, ота» дегани чиқар...

Қўшим оға ўғлини қўлига кўтарганча, оҳиста уйи томон йўл олди.

Иккинчи отдаги ўровли кигиз оломоннинг қўлида қолди. У қонга беланган бўлиб, қимирламаслигига қараганда, кимнингдир мурдасига ўхшарди...

«Эл тақдири эр қўлида, эр тақдири эл қўлида» деган гап бор халқда.

* * *

— Дардимизни сўраманглар, оғалар,— деди мингашиб келган қизларнинг каттаси сўз очиб.— Бизлар анови Пўрли тоғидаги Қабасаннинг қизлари бўламиз. Бийимиз босмачилар билан оғиз-бурун ўпишиб, бизларни сиртимиздан сотиб юрган экан... Бир куни оқшом пайт босмачилар ёпирилиб келди-да, элни талаб, бизларни ўлжа қилиб олиб кетди.

— Бизнинг Қўшим оғанинг қизини ўғирлаб олиб кетганлар ҳам ўшалар экан. Ноинсофлар! Мана, энди суягига эга бўлиб ўтирибмиз!— деди Элмурод ўровли кигизга ишора қилиб.

Кигиз қонга ботириб олгандай қип-қизил эди. Одамлар буни кўриб баттар қўрқиб кетишди. Орадан кимдир ёқасини ушлаб деди:

— Астағфирулло, босмачи деганлари шунчалик ҳам тошбағир бўлишар эканми-а?

— Яхши бўлса босмачи бўлишармиди, оға. Бизларни боғлаб ташлаб, бу қиз учун бир-бирига қиргин келтиришди. Нафс деганда бир-бирларини ғажийдиган махлуқлар экан улар...

— Хўш, шундай қилиб, кейин нима бўлди?— деб савол сўради Элмурод у қиздан.

— Охирида икки босмачи қолиб, бу қизни шу иккови бир-бири билан талашди. Бирни униси айтса, бирни буниси айтиб, талай жанжал сўқишди. Кейин бир маслаҳатга келишди чамаси, қўл олишиб ярашишди. Сўнг носвой отишиб, бир-бировига қараб тиржайиб ҳам қўйишди.

— Вой, ҳаромзодалар-эй!— Элмурод муштини тугди.— Қон тўкишди, кулишди, кейин носвой ҳам отиб олишди... Хўш, кейин нима қилди?..

— Кейин бечора қизни бир баланд тепа устига ўтиргизишди-да, ўзлари пастда туриб: «Имонингни ўгириб ол!»— деб бақиршди.

— Мусулмончилиги ҳам бор эканми ноинсофларнинг?— Элмурод кўзи билан оломон ичидан кечаги ғаламис семизни излай бошлади:— Кечаги мулла қаёққа кетди экан?

У йўқ эди.

— Агар мусулмончилиги шу бўлса — қуриб кетсин, оға! Сўзимни бўлмай туринг. Шундай қилиб, ўша қузғунларнинг: «имонингни ўгириб ол!» деган амрига қиз жавоб қотмади. Осмонга тикилганча, жим ўтираверди бечора... Балким, туғилиб ўсган эл-юрти, нафас олган осмони билан видолашгандир ўша пайт... Яна кўнглидан нималар кечди экан — биз билолмадик. Бироқ, у осмонга тикилганича миқ этмай ўтираверди... Пастда унга қараб турган икки босмачи қиличларини суғуриб, яна ваҳшийларча қичқиршди: «Ҳа, арши аълога чиққинг келяптими?»— деб қаҳ-қаҳ отиб кулишди.

— Эҳ лаънатилар, кулишди ҳамми? Ё алҳазар!— деди Элмурод гижиниб.— Душман кулса яхши эмас. Оқибати нима бўлди?

— Нима бўлар эди, қилич билан тенг иккига чопиб ташлашди бечорани... Оҳ, нималарни кўрмади бу бошимиз?.. Энди навбат бизларга келди, деб турган эдик, шу пайт мана бу йигитлар қум тепа ортидан от қўйиб чиқиб келиб қолишди...

«Ў, одамлар, авлод ғамини эртароқ ўйлаши лозим» деган...

Қиз сўзини бўлиб, кўз ёшини тўкди. Бечора йиртиқ кўйлагининг этагини олдига тортса, орқасига, орқасига тортса — олдига етмасди. Қўшим оғанинг хотини унга устидаги чопонини ечиб берди...

— Эҳ аттанг! Нега мени ғафлат босди? Нега мен бу ерда қолдим экан!— деди Элмурод ўрнидан сапчиб туриб. Кейин яна ўрнига ўтириб, бошини хам қилди. Ниҳоят яна қаддини ростлаб, қизлар томон гуноҳкорона боқди.

— Ҳали ҳам бўлса кеч эмас, яхшилаб бир ўйлаб кўринг. оға!— деди қиз.— Бальшавойлар келишяпти дейишади. Ҳеч бўлмаса шуларга қўшилишлар. От-яроғим йўқ, деб юрманглар тагин... Ҳаракат қилганга ҳаммаси топилади. Айтинг-айтинг — илоҳим бальшавойлар тезроқ келишсин...

«Нафс бир ўлдиради, ор-номус минг ўлдиради» деган
ота-боболаримиз.

* * *

Чол ҳикоясини тугатди. Автобус қалин теракли бир
қишлоққа келиб тўхтади. У автобусдан тушар экан, биз-
ларга қараб:

— Мана шу, болаларим, отангизнинг айтилмаган аф-
сонаси. Сизлар ҳам, бальшавойлар ҳам, омон бўлинглар.
Бизнинг бошимизга тушган қора кунлар сизларнинг бошла-
рингизга тушмасин илоҳим!— деб хуржунини елкасига таш-
лаб, қишлоққа кириб кетди.

САЙДАН БОБОНИНГ КАВУШИ

(Ҳикоя)

Саврнинг жанубдан эсган ёқимли, майин шабадаси сўнгги қорларни эритиб кетди. Адирларда, сой бўйларида юмронқозиқлар кўриниб қолди. Баҳор нафасини бошқа дарахтларга нисбатан эрта сезадиган тол куртаклари бўртиб, сичқонқулоқ япроқ ёза бошлади. Аҳён-аҳёнда йилқичиларнинг¹ «ғақ-қу»лаган товушлари эшитилиб турарди... Қиш уйқусидан уйғонган сахий ер ачиган хамирдай кўпириб ётарди...

Қишлоқда деҳқонлар ҳаракати жонланиб, ҳаёт қайнай бошлаган пайт эди.

Элтезар қишлоғининг деҳқонлари эрталаб Олланиёзбойнинг ҳовлисига тўпланишди.

Бундан бир неча кун аввал «Қўшчилар союзи»нинг қарорига биноан Олланиёзбойнинг мол-мулки мусодара қилиниб, кооператив қарамоғига топширилган эди. Шундан бери унинг ҳовлиси кооператив идорасига ва омборига айлантирилган бўлиб, шу мақсадда фойдаланилиб келинади.

ТОЗ — «Қўшчилар союзи»нинг аъзолари тугал тўплангунча, мажлисга келганлар ташқарида ўтира туришмоқчи бўлишди. Баъзи деҳқонлар дарвоза олдидаги паст пахса деворга, баъзилари эса чопон-чопқитларини тағларига тўшаб, уларнинг рўпарасига ўтиришди. Деҳқонлар билан бирга келган учта хотин сомонхонадан бир қучоқ нушхўрд олиб чиқиб, тағларига солишди-да, улар ҳам бир четда ўзаро гапга тушиб кетишди.

Деҳқонларнинг вақти чоғ эди. Улар ўзларини чиндан ҳам ер-сувнинг тўла ҳуқуқли хўжайинларидек ҳис қила бошлаган эдилар. Ҳолбуки, инқилобга қадар уларнинг тур-

¹ Қушнинг номи.

муши қишин-ёзин ва ҳатто бутун умр шафқатсиз оғир меҳнатдан, беёзиқдан-беёзиқ жабру ситам ҳамда аламли миннатлардан иборат бўлиб, афсуски, яна бундай кўнгилсиз кунларнинг ҳеч қачон тиними бўлмас ва битадиган куни кўринмас эди. Энди эса деҳқонлар ҳар куни янгилик эшитиб хурсанд бўлишарди: «Фалон овулдаги фалончи бой бирваракайига ер-суви, мол-мулкидан маҳрум этилиб, кўчириб юборилганмиш... Хукумат колхозга кирган деҳқонларга отсиз, ҳўкизсиз ер ҳайдайдиган ажойиб темир сўқа бермоқчи бўлаётганмиш. У сўқа йигирмата от сўқанинг ишини бир ўзи қилармиш... Эҳ, бизларга ҳам берармиди!»

— Колхозга кирсак, албатта, бизларга ҳам беради.

— Хўш, бизлар кирмадикми! ТОЗ нима-ю, колхоз нима?— деди гердайиб Хусан деган бир деҳқон, гўё ҳамма нарсадан хабардор одамдек.— ТОЗ — бу колхоз тузумининг бошланиши... Ҳа, кейин бориб албатта колхозлашиб кетамиз. Колхоз деганимиз, бу...— Хусан колхоз деган сўзнинг нималигини таърифлаш учун сўз топа олмай, бир оз тутилиб қолди-ю, лекин бўш келмади:— Колхоз деганимиз — бу деҳқонларнинг бойсиз, камбағалсиз ташкил топган уюшмаси деган гап, ҳа...

— Ҳой-ҳой. Ҳой, лоппи! Кўпам оғзингга келганини алжирайверма. Бойсиз ташкил топган, деган сўзингга-ку, майли, қўшиламиз. Бу тўғри сўз. Лекин камбағалсиз ким билан колхоз тузмоқчисан?— деди қора соқолли бир деҳқон Хусаннинг сўзини бўлиб.

— Сен аввал бир нарсанинг маъносига тушуниб олиб, кейин гапир, жўра!— деди Хусан унга бўш келмай.— Колхоз деганнинг ўзи бой отовликка қарши — буни ўзинг ҳам яхши биласан... Хўш, энди, камбағалсиз колхоз ташкил этиш, деганимнинг сабаби: колхозга кирган деҳқон ҳеч вақт камбағал бўлмайди. Фақат ишламайдиган одамгина камбағал бўлади. Колхозда ҳар ким меҳнатига яраша ҳақ олади. Ким ишламаса — унга колхозда жой ҳам, нон ҳам йўқ, билдингми...

Гур этиб кулги кўтарилди.

— Бу ёғини сиз айтмасангиз ҳам биламиз, Хусан оға. Ҳар ҳолда ТОЗдан кўра колхозга аъзо бўлиб кирсак дурустроқ бўларди-да,— деди ёшгина бир деҳқон йигит.

Идорага ўтиб кетаётган батрачком раиси Хусан оғага:

— Молодес, Хусан оға! Лекин сиздан ҳақиқий сиёсатдон жамоатчи чиқади, деса бўлади,— деди мўйловини силаб кулиб. Хусан оға гўё бу сўзлардан семириб кетганини

билдиргиси келмагандек, қўнғир соқолини сийпаб, кўзини қисиб қўйди.

Ҳусан оға элликларга бориб қолган, ростни ёлғон, ёлғонни рост қилиб кўпиртириб гапирадиган, шўх одам эди. У, ўзи камбағал бўлса ҳам, сўзга жуда уста бўлиб, бир гапга тушиб кетдими, бўлди: пашшани филга айлантириш унинг учун ҳеч гап эмасди. Шунинг учун ҳам овул аёллари уни «лоппи қайин оға» деб аташарди.

Ичкарида бошқарма аъзолари ҳозир бўладиган мажлисининг кун тартиби ҳақида, экин-тикинга тайёргарлик ҳақида, кеча кооператив учун олинган мато, қанд, чойларни ТОЗ аъзоларига тақсим қилиш ҳақида сўзлашиб ўтиришганди. Уларнинг орасида гавдали, қора мўйлови чиройли юзига ярашган, ўрта ёшлардаги деҳқон — Муртазо полвон, паканадан келган, сичқон қуйруқ мўйловини икки чеккасига бураб қўйган сариқ йигит — Фақирбойлар ҳам бор бўлиб, Фақирбой илгари Олланиёзбойнинг подачиси эди.

Фақирбой аввало мардикорликка олиниб, Совет ҳукумати барпо бўлгач, Қизил Армия сафига ўтиб, сўнг овулга қайтиб келганди. Овулга келиб, дастлаб босмачиларга қарши курашга киришди. Кейин, батраклар комитети тузилгач, батрачком бўлиб сайланди.

Ҳозирча бошқармада хотин-қизлардан тўрттагина комсомол аъзоси бўлиб, уларга бир бева хотиннинг Гулхадича деган қизи раҳбарлик қиларди. Гулхадича рўпарасида ўтирган ўрта бўйли, кўк кўз, эғнига қисқа чарм пальто, бошига кўҳна папоқ кийиб олган йигитга — райком вакилига нима-ларнидир тушунтирар эди. Қизнинг йигитларникига ўхшаш товуши очик эшикдан ҳатто ташқарида ўтирган деҳқонларга ҳам барала эшитилиб турарди. У қўшниси Сайдан бобони қандай қилиб ТОЗга кириши учун ташвиқот қилаётганини, лекин шунга қарамай, ҳозиргача ҳам уни кўндира олмаётганини сўзлади:

— Уйида кампири билан йигит бўлиб қолган ўғли бор. Ўзи ҳам, ёши анча ерга бориб қолганига қарамай, ҳали бақувват одам...

— От-улови, ер-суви борми? — деб сўради райком вакили Гулхадичадан.

— Битта сигири ва бир танобдан сал озроқ ери бор.

— Э, қўйсанг-чи ўшани! — деди Фақирбой одатдагидек қизишиб. — Ўзи сал тентакроқ чол. Бўлмаса, мен ҳам анча ташвиқот қилдим. Ҳеч гап чиқмади. Тушунмайди, вассалом! Тушуниш у ёқда турсин, ҳатто аллақандай ёт фикр-

ларга ён босаётгандек ҳам кўринади у... Шундан бошқа одам қуриб қолибдими? Оёғидаги кавушини кўтариб босолмайди-ю, тагин унинг гапларини кўрсанг? Чорт вазми!..

Фақирбой мардикорликда юрган чоғларида ўрганиб олган озгинагина русча сўзларини гап орасида аралаштириб сўзлашни одат қилган, сўзлаганда ҳам у бу сўзларга ўзгача маъно бериб айтар эди.

— Ўртоқ батрачком! Сиз кўп қизишманг! Бу масалада чидам керак. Бир деҳқонни кооперативга тортиш олға қараб бир қадам ташлаш билан баробар демакдир. Ўтган йили эмасмиди икки деҳқонни зўрлаб кооперативга аъзо қилганингиз учун райкомдан гап эшитганингиз? Мана, бугун яна сиёсатдан четга чиқмоқчисиз. Фақат бақираверишдан иш чиқадими?— деди райком вакили унга.

— Чиндан ҳам сиз кўп қизишманг, Фақирбой оға. Биз райком вакили ўртоқ Комаровнинг айтган гапларига амал қилишимиз керак. Йўқса, кўп жиҳатдан адашган бўламиз,— деди Гулхадича, ўртадаги мунозараларга хотима ясагандек.

— Какой сенга «оға»! «Ўртоқ» деб сўзла!— деди Фақирбой унга қовоғини солиб.

Аммо ўзининг енгилганини сезиб, бошқа ҳеч нарса демеди.

— Сен ўзинг коммунистсан?— деди Муртазо полвон унга танбеҳ бериб.— Бироқ бошқаларга ёмон ўрнак кўрсатяпсан...

Муртазо полвоннинг сўзини Комаров илиб олди:

— Сен қизиққонлигингни қўй, ўртоқ батрачком. Сайдан бобонинг кавуши йиртиқ бўлса айб эмас. Бизга худди шундай йиртиқ кавушлар, яланг оёқлар керак. Ҳукумат шуларники. Маҳси-кавушларини думба ёғи билан мойлаб йилтиратиб юрадиганлар бизга кераги йўқ энди.

Бу тортишувларга ташқарида қулоқ солиб ўтирган деҳқонлар, айниқса кўк кўз рус йигитининг соф қорақалпоқ тилида гапирган бу гапларини эшитиб, ҳар қалай ундан мамнун бўлишди.

— Ана, анови йигитнинг сўзи бамаъни чиқиб қолди. Ҳукумат Сайдан бобоники дейди-я?!— деди бир деҳқон хурсанд бўлиб.

— Бечора Сайдан бобо бу ерда тилга олиниб, одамлар унинг йиртиқ кавушини мақташаётганини эшитса, кавушини яна ҳам азиз қилиб, қўлига олиб юрадиган бўлардида,— деди Ҳусан лоппи ва соқолини силаб, ғалати қилиб кулиб қўйди.— Гапни ўрни келганда айтмай, ўлганда айта-

мизми. Мен сизларга ана шу Сайдан бобонинг машҳур кавуши ҳақида ғалати бир нарсани айтиб берай...

— Ҳа-ҳа, лоппи, қани-қани!— дейишди одамлар ва болалардек бўйинларини чўзишиб, лоппининг оғзига тикилишди.

— Агар эшитган бўлсанглар, бу кавушни Сайдан бобонинг олтинчи отаси ўз юрти Туркистондан кўчиб келаётганда тиктириб кийиб келган экан...

— Ҳа-ҳа-ҳа!..

Бу маҳал нарироқда ўтирган хотин-халаж ҳам Ҳусан лоппининг оғзига тикилишганди.

— Хўш, шундан сўнг нима бўпти?

— Нима бўларди,— деди Ҳусан лоппи ҳикоясини давом этиб,— шундан бери Сайдан бобонинг ўз ҳисоби бўйича икки минг бир ямоқ тушган эмиш. Лекин Сайдан бобо мингдан нарёғини ҳисоблай олмагач, ҳисобдан янглишиб жетибди. Шундан кейин у Дуржамол янгамга: «Хотин, хотин, мен ҳисобимдан адашдим» дебди. «Ниманинг ҳисобидан?» деб сўрабди янгам. «Кавушимга тушган ямоқларнинг ҳисобидан» деб жавоб берибди Сайдан бобо. «Вой алжиган чол-эй, ҳали шуни ҳам ҳисоблаб юрибсизми-а?.. Ҳатто ўтган йилги пўстин қилдираман деб қўйган бузоқ теримни ҳам кавушингизга ямоқ қилиб қуритдингиз-ку, ахир!..» деб уришиб берибди хотини уни.

— Ҳа-ҳа-ҳа...

— Вой, лоппи-ей! Қўй, бўлди, ичагимиз узилди...

Лоппи ҳамон сўзида давом этарди. Одамлар кулса ҳам, лекин ўзи кулмас ва соқолини ҳар замон-ҳар замонда бир силаб қўйиб, кавуш таърифини ҳикоя қилишдан ўзини тўқмасди:

— Ўтган қишда Кегайли бўйида бир қуённинг изига тушиб кетаётган эдим, олдимдан бошқа бир из чиқиб қолди. Агар ёлғон бўлса, босган изим орқамда қолсин, ҳар изларки, катталиги супрадай-супрадай келади. Дев бор деганлари рост экан-да, чамаси, деб ўйладим ўзимча.

— Қў-е, қайин оға, шу ҳам гап бўлди-ю!— деди бир аёл урчуғига суяниб кулар экан.

— Шундан кейин, десангиз, мен бечора, «ола байтал, эсинг бўлса сувга чоп» деганларидек, қўрққанымдан қуённинг изини ҳам унутиб, эшагимни овулга қараб бурдим. Изимни адаштириб жинғилма-жинғил қочиб юриб, овулга яқинлашиб қолганимда... бирдан ҳалиги девнинг ўзини кўриб қолдим...

— Ҳа-ҳа-ҳа!.. Дев деганинг ҳалиги...

— Ҳа-ҳа, ўша... Утин орқалаб келаётган экан. Орқасидаги орқалаган жинғилидан ҳам оёғидаги кавушлари оғир бўлса керак. Бечора чол оёқларини қандай кўтариб босиб келаётган экан, деб ўйлаб, жуда раҳмим келиб кетди. Орқасидан келаётиб бундоқ разм солиб қарасам, Сайдан бобо ҳар гал оёғини кўтарган сайин кавушига орқасидаги жинғилнинг чўғидек қор ёпишиб чиқиб боряпти... Ҳам ўзининг, ҳам орқалаб олган ўтинининг, ҳам супрадек-супрадек келадиган кавушлари билан уларнинг тағларига дам ёпишиб дам кўчиб тушаётган қорларнинг оғирлигидан ер сўлқ-сўлқ қиларди... Бечора чол бир оёғини кўтариб босса, иккинчи оёғи гўё «яна менга навбат келдими?» дегандек, зириллаб туради...

— Ҳа-ҳа-ҳа...

* * *

...Ҳа, одамларнинг кулганича бор эди. Қишлоқда чўп-чакка айланган бу кавуш чиндан ҳам кўрган кишини ҳайратда қолдирарди.

Бу машҳур кавушнинг эгаси бўлмиш Сайдан бобо Элтезар қишлоғининг тургун деҳқонларидан бўлиб, унинг уйи Кегайли сойининг бўйида жойлашган эди. Бобонинг қора ўтовидан ташқари бир танобга етар-етмас ери билан томирини қурт еган учта кекса толи ҳам бор эди. Ўтов кигизларига ҳам кавушдан кам ямоқ тушмаган кўринар ва ҳадеб ямалаверганидан асл нусхасини аллақачон йўқотиб қўйган эди. Уйининг томи қамиш, пичан ва ёғочлар билан уюлиб ётарди. Унинг ҳар йили экадиган қовоқ палаклари ҳам ўша том устига қараб ўрларди. Кузда эса қовоқлари олиниб, палаклари томга осилган кўйи қолиб кетаверарди. Мана, ҳатто ҳозир ҳам унинг томида ўтган йилдан қолган палаклар билан қовоқлар ҳамон осилиб ётарди.

Булар ҳам майли-ю, уйга кирсангиз юқорида тасвирланган кўринишларни ҳолва экан деб ўйлайсиз... Кўҳна эшик ёқимсиз товуш чиқариб очилади ва ичкарига бош суқар экансиз, аллавақтгача кўзингиз қоронғиликдан бошқа ҳеч нарсани илғай олмайди. Кўзингиз аста-секин қоронғиликка ўрганиб, сиз уй ичига разм солар бўлсангиз, кўнглингиз баттар хира тортиб кетади ва беихтиёр, чамаси бекор қирган эканман, деб ўйлайсиз. Уй ичидан деворига қозиқ қоқилиб, нарса осилмаган бўш жойни топиш қийин: ҳамма

ерга латта-путталар, тугунчаклар, маккажўхори сўталари, ичига алланимабалолар солинган халтачалар осиб қўйилганини кўрасиз... Буларнинг ҳаммаси гўё уйга кичкинагина дарчадан тушиб турган нурсиз ёруғликни ҳам ютиб юбораётгандек туюлади ва дафъатан япалоқ қушлар қўноқ қурган харобани кўз олдингизга келтиради... ўргимчаклар уясини айтмайсизми бунинг устига...

Сайдан бобо уйига кирганда доимо аллақандай бир куйни секин хиргойи қилгани қилган ва гўё тўрт девор қозикларидаги осиглиқ буюмларнинг тинчлигини бузишдан қўрққандек жуда имиллаб ҳаракат қилиб, ивирсиб юрарди.

Сайдан бобо гавдали одам бўлиб, ҳали ҳам анча бақувват эди. Офтобда чиниққан юзларини қалин соқол босиб, ўсиқ қошлари эса кўзларини бекитиб турарди. Шунинг учун овул аёллари уни «Соқолдор қайин оға» деб аташарди. Унинг кўзлари фақат ўз йўлини, қилар ишини кўриш учун гина яратилгандек, олдидан биров чиқиб қолса, ўсиқ, тарғил қошларини кафти билан силаб кўтариб, кейин қарарди.

Сиз, бу азалдан камгап, вазмин, меҳнаткаш бобони учратар экансиз, ҳар қалай, бу чол аҳтимол ўз умрида ҳеч ким билан сирлашмаган бўлса керак, деган ҳаёлга ҳам бориб қоласиз...

Қишлоқда Сайдан бобони кўрган шўх болалар баъзан унинг орқасидан сўкиб ё бўлмаса кесак отиб ўйнашарди. Сайдан бобо ҳам уларга парво қилмасди: «ёш бола-да, аҳтимол ёш чоғимда мен ҳам шундай қилгандирман, майли, ўйнайверсин» дерди-да, ўз йўлига кетаверарди. Бироқ бир куни кутмаганда бошқачароқ ҳодиса рўй бериб қолди: бу гал болалар унга кесак отиш билан қаноатланмай, кавушининг орқа томонидан илгак билан илиб тортиб қолишса бўладими? Сайдан бобонинг жаҳли чиқиб, болани қувилаб ушлаб олди-да, эркин кўтариб, йўл бўйидаги томлардан биттасининг тепасига кесакдек отиб юборди. Шу-шу бўлди-ю, болалар ундан анча ҳайиқадиган ва узоқдан туриб кесак отишгани бўлмаса, яқинига йўлашга қўрқадиган бўлиб қолишди.

Энди кавушининг тарихига келсак, Сайдан бобо ўзининг бу машҳур кавушини оқ подшо тахтдан йиқилишидан бир йил илгари қишлоқдаги бир ямоқчига бир чакса жўхори бериб тиктириб олганди. Сабаби — оёғи жуда катта бўлгани учун, ҳеч қаердан у ўзининг оёғига тўғри келадиган кавуш топа олмас эди. Қиш пайтларида эса йигитлик чоғидаги қирқ ямоқ этигини каноп ип билан чандиб кийиб

юрарди. Ёз кунлари кўпинча яланг оёқ юрганлигидан то-
вонлари қадоқ бўлиб кетганди.

Мана, ўн икки йил бўлдики, Сайдан бобо ҳаммага та-
ниқлик кавушини оёғидан ташламайди. Кавуш йиртилиш
билан, Сайдан бобо эса уни яматиш билан ҳалак эди. Бу
кавуш ўтинга ҳам, тўйга ҳам кийилиб борилаверар эди.
Одатда, тўйда кўпинча кавушлар алмашиб кетади. Бироқ
бобонинг кавуши ҳаммага таниқли бўлиб, уни ўзидан бош-
қа ҳеч ким керак ҳам қилмасди.

Одамлар Сайдан бобонинг бир одатига ҳайрон қли-
шарди: эшик ҳатлаб, узоққа бормайдиган одам, «жиров
келди!» деса қадам етадиган жой бўлса бас, ана шу машҳур
кавушини судраб, албатта етиб борарди. Борган маҳалда
ҳам унинг жировни тинглаб ёки бирор нарсани ўйлаб, ё
эса қайғуриб ўтирганини ажратиш жуда қийин эди. У бир
ўтирганча қимир этмай ўтирарди-да, жиров ўқиб бўлгач,
«барака топ!» деб чиқиб кетарди.

Ҳеч ким билан кўнгил ёзиб сўзлашмагани ва ҳеч кимга
ҳеч нарса демайдиганлиги учун кўпчилик овул кишилари
уни «ҳеч нарсага тушунмайдиган тентак»ка ҳам чиқариб
қўйишганди. Аслида эса — азалдан оғир табиатли этиб
яратилган бу чол эс-ҳуши жойида бўлиб, фақат бир айби
камбағаллиги эди, холос. Қўш ҳайдаса — «мана мен» деган
қўшчиларни орқада қолдириб кетарди. Ер ковласа ё тепа
текисласа — кетмон қўлида қамчидек ўйнарди. Лекин шун-
га қарамай, ёлчиб кийим киймаган, тўйиб ош ичмаган эди
у. Отасидан қолган озгина ориқ ерига қанчалик меҳнат қил-
масин, ундан унган ҳосил йиртиғига ямоқ ҳам бўлмас эди.
Шунинг учун ҳам у қўлидаги соғиб ичиб ўтирган сигири-
нинг бузоғини ҳар йили қишда кўтарган қарзига берарди.

Сайдан бобонинг аёли дастлаб олдинма-кетин икки қиз
туғиб берди. Кейинчалик ўғил туққанда, у ўзида йўқ хур-
санд бўлди. Қизлари вақти келиб, ўзларининг қутлуғ жой-
ларини топиб кетишди. Ўғли Девмурод эса ўзидек бақув-
ват ёрдамчи бўлиб етишди. Унга худди отасининг терисини
қоплаб қўйгандек — юриш-туриши ҳам, феъли-атвори
ҳам — ҳаммаси худди Сайдан бобонинг ўзгинаси бўлди қўй-
ди. У ҳам отасининг меҳнатсеварлик фазилатини ўзига ме-
рос қилиб олди.

«Хўжалигимизни бир тузатиб олсак, ўлганимдан кейин
ҳеч бўлмаса ўғлим дурустроқ яшармиди...» деган армон
билан яшарди Сайдан бобо. У шу ниятда ўз ерида ишлаш
билан бирга, ёнига ўғлини олиб, кишилар эшигида ишлаш-

ни ҳам канда қилмасди. Лекин бари бир қисқа ип курмовга келмас эди.

Совет ҳокимияти ўрнатилганлиги ҳақидаги хабар қулоғига келиб етганда, Сайдан бобо оёғидаги оғир кавушини судраб, Олланиёзбойнинг қўшини ҳайдаб юрган эди. У, бу янги хабарни эшитар экан, худди қаттиқ уйқудан чўчиб ўйгонган одамдек, қаддини ростлаб, қалин қошларини кафти билан силаб, кеч кузнинг тиниқ осмонида қатор бўлиб учиб кетаётган турналар тизмасига узоқ вақт тикилиб қолди...

«Камбағаллар ҳукумати» деди аста пичирлаб. Кейин ўз қулоғига ўзи ишонмай, бошқа деҳқонлардан қайта-қайта сўраб-суриштирди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Олланиёзбойнинг ер-мулки мусодара қилиниб, ўзи Лар бўйига кўчирилиб юборилгандан кейин эса: «Тавба, бойлардан ҳам кучлилар бор экан-да дунёда!» деб ҳайрон қолди.

Аммо, шундай бўлса ҳам Сайдан бобо Олланиёзбойнинг қора ўтови юкланган аравани ҳайдаб, уларни Лар бўйига кўчириб олиб бориб ташлашдан бош тортмади. Қўлида қолган ёлғиз биясини бойнинг ўзи миниб, кўчнинг олдида тушиб жўнаб кетди. Ўғли Холниёз сариқ эса Сайдан бобо ҳайдаб келаётган ҳўкиз араванинг олдида минишга мажбур бўлди.

— «Ит қутурса эгасин қопади» дегани шу экан-да! — деди тўнғиллаб Холниёз. — Майли, ҳозирча улар қутура туришсин-чи, қани, кейин нима бўларкин? Боболаримнинг арвоҳи ёр бўлиб, бир буларнинг терисидан тасма тиладиган кунларим келармиди!.. Мана, кўрасиз, худо хоҳласа, яқинда оқ подшо қайтадан тахтига ўтиради, аскар юборади, ана шундан кейин кўрасиз тамошани...

«Ҳақиқатан ҳам бу бир нарсани биладиган кўринади, — деб ўйлади шунда Сайдан бобо. — Камбағаллар ҳукумат тепасига чиқибди, деган гапни ким эшитибди экан шу вақтгача?..»

— Агар замон шу аҳволда кетадиган бўлса, — деди Холниёз аравадан тушиб, Сайдан бобо билан қатор бораркан сўзида давом этиб, — мана кўрасиз, қозон-товоқларингиз ҳам, қизингиз, хотин, бола-чақаларингиз ҳам — ҳаммаси ўртада бўлади. Ахир бу охир замоннинг нишонаси эмасми!..

Сайдан бобо у-бу деб Холниёзнинг кўнглини олган бўлди. Шундай бўлса ҳам у ҳалиги «...ўртада бўлади» деган гапларни эшитиб, кўнгли анча хижил тортди. Аммо шундай

шадиган замонлар ўтиб кетди энди... Энди замон бизники. Шундай экан, ҳаммамиз бир бўлишимиз керак. «Бўлингани бўри ер» деган. Қани, сиз нима дейсиз шунга?.. Ёки ўзингиз деҳқон бўла туриб, аини ўзингизга ўхшаган деҳқонларнинг сўзларига ҳам ишонмайсизми?..

Сайдан бобо ноқулай вазиятда қолди. У худди кавуши билан кенгашмоқчи бўлгандек ерга тикилди. Анча вақт ўтгач:

— Бизга ўхшаган чолларни энди бирлаштирдинг нима-ю, бирлаштирмадинг нима? Ундан кўра, бу ишга ақли бор, кучи бор ёшларни тортмайсанми?— деди тўнғиллаб. Сўнг бошқа ҳеч нарса демай, яна ўзича хаёлга чўмди.

Шундоқ ҳам тоқати тоқ бўлиб турган Фақирбой унинг бу жавобини эшитиб, тутатиб кетди:

— Чоли тушмагур, яхши гапга зор қиларман ҳали сизни! Майли, мени аъзо қил, деб ўзингиз ялиниб келадиган кунлар ҳам келиб қолар ҳали!..

Бу сўзларни эшитган Сайдан бобо шундай қаҳр билан қарадики, Фақирбой унинг ғазабли кўзларига кўзи тушиб ҳатто сесканиб кетди. Аммо чол ўзини босиб олиб, ётиғи билан шундай деди:

— Эҳтимол, сенинг айтганинг келиб, мени ҳам аъзо қил, деб ялиниб борарман олдинга... Аммо, батрачком иним, шуни ҳам бир билиб қўйки: ҳар қалай кенгаш ҳукумати сенга, деҳқонларни дўқ уриб бирлаштир, демаган чиқар?— деди-да, аста ўрнидан туриб, уйига кириб кетди.

— Бирлашмасанг, гўрда бирлаш. Аммо ҳалиги ёт фикрингни бошқа ҳеч қаерда айта кўрма, бўлмаса нақ судга бераман! Тушундингми?— деб бақирди Фақирбой кетаётиб.

Сайдан бобо бу гал унга гап қайтармади.

Фақирбой тутатиб, Исонинг аламини Мусодан олмоқчидай, отини аччиқ билан қаттиқ-қаттиқ қамчилади. «Бизлар кенгаш ҳукумати учун кун-тун демай курашиб юрибмизу, бу алжиган чол бўлса, «чорт вазми!..» деб тўнғиллади у йўлда кетаётиб.

* * *

Сайдан бобо маккажўхорисини ўрар экан, нотаниш сўзлар билан сўкиб кетган батрачкомни эслади: «Чорт вазми!..» Бу нима дегани экан?.. Нима бўлса ҳам, ҳар ҳолда яхши сўз бўлмаса керак. Бу ҳойнаҳой: «алжиган чол, ўзинг бирлашмаганинг бирлашмаган, тескари ташвиқот юргизиб юрганинг нимаси?..»— дегани бўлса керак-да?..»

У аччигини жўхоридан олгиси келгандек қадоқ қўллари-га тупуриб, ўроқни тез-тез силтай бошлади. Ниҳоят, азбаройи ишга киришиб кетганидан ўзига тинчлик бермаётган «нохуш» фикрлардан ҳам холис бўлди...

Бир маҳал тақир-туқур қилиб ўтиб кетаётган арава товушини эшитиб қолди. Қаддини ростлаб, ўсиқ қошларини кафти билан кўтариб йўлга қараб Олланиёзбойнинг мусодара қилинган янги аравасига ўтириб олиб, хиргойи қилиб кетаётган йигитга кўзи тушди. Сайдан бобо дарров ўзини жўхори панасига олди-ю, арава ўтиб кетгунча қимир этмай қараб турди.

Теварак-атроф жуда кўнгилли эди. Сайдан бобо пайкалда пахта териб юрган хотин-қизларга ҳам, шаҳарга пахта ортиб кетаётган деҳқонларга ҳам қандайдир бир илиқ қизиқиш билан боқарди. У аллавақтгача шундай ҳам кўнгилсиз, ҳам нотинч ҳис-туйғулар оғушида бўлиб, ҳамон эҳсушини бир жойга йиғиштириб ололмасди. Ниҳоят, у паршонхотир энгашиб, ўроғини силтаб юборган эди, гуркираб ўсиб турган учта йирик маккажўхори пояси унинг қучоғига қулаб тушди...

* * *

Бир куни Сайдан бобо ухлаб ётиб қизиқ бир туш кўрди. Тушида жуда ажойиб бир иш кўрди... Сайдан бобо ёшлик чоғларида бир қизни севар эди. Бироқ у ўз севгисини изҳор қилолмай юрган бир пайтда, Олланиёзбой унинг севган қизини қўшни қишлоқдаги бир бой дўстига зўрлаб бериб юборган эди. Шундан буён Сайдан бобо ҳеч қачон у қизни кўрган эмасди. Мана, бугун эса, негадир у бунинг тушига кириб, бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди... Қачонлардан буён кўнглидан ўчиб кетган, ҳатто ҳозир ҳам мутлақо ёт, аммо тотли бўлган аллақандай бир туйғу чолни уйғотиб юборди...

Шундан кейин Сайдан бобо дам у ёнбошига, дам бу ёнбошига ағанаб ухлай олмади. Ниҳоят ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Ҳовлидаги ўзаги чириб қолган кўҳна тол шохларига қўнган тўрғайлар қандайдир бир масала устида тортишиб чуғурлашаётгандек туюларди. Уй орқасидаги нураган пахса девор устида битта япалоқ қуш ўтирарди. Сайдан бобо япалоқ қушни кўриб, беихтиёр, бир маҳаллар ўзининг худди мана шу япалоқ қуш рангидаги матадан чопон тиктирганини эслади. У атрофга суқланиб боқди: эн-

дигина уйқудан уйғониб келаётган жонажон овулини, уйларнинг мўриларидан, ўтовларнинг чанқароқларидан ўркач-ўркач бўлиб кўтарилиб, эрталабки кўм-кўк, тиниқ ҳавода муаллақ туриб қолган тутунларни тамоша қилди. Ўзини кучли, яшариб кетгандек ҳис этди. Ёқимли савр чолга сергақлик бахш этиб, кўнглига ором бергандек бўлди...

Сайдан бобо эрталабки нонуштадан сўнг, кўпдан бери сояси каби уни таъқиб этиб келаётган ва мудом унинг бошқа ўйлари устидан устун келиб юрган бир фикрга яна мурожаат қилди. У ҳозир ўзини кўпинча эртақларда тас-вирланадиган йўлнинг учга айрилган жойида тургандай сезди. Бироқ бу эртақ эмасди. Аксинча, бу қари деҳқон олдига муҳим бир вазифани қўйган ҳаёт ҳақиқати эди. Бу ҳақиқат ўзини аста-секин сайданбобога танитиши билан бирга, ундаги бошқа — ёт фикрларни сиқиб чиқара бошлаган эди.

Шу маҳал ташқаридан кимларнингдир ғовур-ғувур қилиб келаётган товуши эшитилди. Худди қасд қилгандай ва атайлабдан, Сайдан бобо эшитсин, деган каби, овул деҳқонлари бугунги бўладиган мажлис ҳақида, кеча кооператив учун олинган молларнинг ТОЗ аъзолари ўртасида бўлиниши ҳақида сўзлашиб келишар эди. Сайдан бобонинг бутун жисми қулоққа айланиб кетди ва у жим туриб буларнинг гапларига қулоқ сола бошлади.

Деҳқонлар узоқлашди. Уларнинг турли янгиликлар тўғрисида очиқ ҳавода бемалол ҳангомалашиб кетаётганлари Сайдан бобонинг ҳавасини келтирди. Уни қандайдир номаълум куч ташқарига ундади. Эшикка чиқиб, ўчоқ бошида илжайиб ўтирган ўғлини кўргандан кейингина, Сайдан бобо ўзининг бу ноҳўя ҳаракатидан хижолат тортди.

— А?.. Девмурод... ўғлим, онанг қани? Сигирни қўрадан чиқариб юбордингми? — деди чол.

Ўғли отасининг бу ҳолатидан ҳайрон бўлди:

— Ойим тегирмонга кетди. Сигирни шу вақтгача қўрада ушлаб ўтирармидик? Ҳозир кун чошгоҳ бўлди-ку, дада? — деди-да, отасига қараб ғалати қилиб илжайиб қўйди. Ўғлининг бу жумбоқли гаплари билан ғалати қилиб илжайиши Сайдан бобонинг қитиғига тегди.

— Хўш, чошгоҳ бўлган бўлса нима қилиб ўтирибсан кўкноридай чойга муккангдан тушиб? Тур, ишингга бор?

Девмурод отасининг жаҳл устида берган буйруғига гап қайтармай, секин ўрнидан туриб, қўлига курагини олди-да,

ишига жўнади. Сайдан бобо ҳам унинг кетидан қамиш ўри-
мига отланди.

Гир-гир эсиб турган майин шабада, очиқ ҳаво унинг
баҳрини очди. У, Кегайли сойининг бўйига чиқиб, чуқур
нафас олди. Гўё савр шабадаси тўнг ерларни эритгани каби,
унинг суякларини ҳам эритиб юбораётгандек бўлди...

Олис-олислардаги осмон қаърида бир тўда кумушси-
мон кўк булутлар қалқиб сузиб боришарди... Нақ тепаси-
дан узоқ саёҳатдан қайтиб келаётган турналарнинг «қур-
қури» эшитиларди... Соининг камар бўлиб оқаётган тошқин
лойқа суви устида сўнгги муз парчалари қалқиб борар-
ди... Сув устида ёлғизгина оқ чағалай чарх уриб учиб
юрарди...

Сайдан бобога ўз овулининг мана бу манзараси ва
унинг худди шу баҳор манзаралари қўйнида туғилган кўнг-
лидаги тотли ўйлари ўзига яна ҳам азизроқ, яна ҳам муъ-
табарроқ кўриниб кетди. Унинг ота-боболари ҳам шу ерда
туғилиб, шу ерда улғайган ва ниҳоят шу ерда тупроққа бош
қўйган эди. Сайдан бобонинг ўзи ҳам дунёга келганидан
буён шу овулдан ҳатлаб ташқарига чиқмай, олтмиш еттинчи
баҳорни кўряпти. Э-ҳа, бу ерларга унинг қанчадан-қанча
терлари тўкилган. Баъзан ҳатто унга Кегайли сойидан
бошқа қатта сой, бу ердан **бошқа жойда тирикчилик** йўқ-
дек кўриниб кетарди.

Сайдан бобо сой бўйида хаёл суриб тураркан, унинг
болалик чоғлари билан йигитлик чоғлари кўз олдидан бир-
бир ўта бошлади.

Қайсиям бир йили, қиш охирлари эди, Кегайлининг худ-
ди шу ерида муз тўпланиб қолганди. Ун битта тўғонни
бузиб ўтган сув Чимбой шаҳрини ва шаҳар атрофидаги
кўпгина экинзор ерларни пайҳон қила бошлаганди. Ушанда
ҳаммадан аввал журъат этиб ўзини сувга ташлаган ким
эди — Сайдан бобо эмасмиди! Унинг кетидан яна етти
йигит сувга тушиб, сувни тўсиб, уни оқизмай турган муз-
ларни майдалай бошлаганди. Сайдан, ўшанда кўйлақчан
совуқ сувда туриб, оғир сумбани қулочкашлаб музга урган-
да, унга меҳр билан боқмаган, раҳмат айтмаган одам қол-
маганди. Муз емирилиб, сувга йўл очилганда, Сайданнинг
оёғи бехосдан тойиб кетганди. Шунда у гуп этиб сувга
йиқилиб тушганди... Шундоқ бўлса ҳам, оқиб бораётиб,
йигитлар ташлаган арқонни ушлаб олишга улгурган ва уни
қирғоққа тортиб чиқаришганди: чопонга ўраб ағанатишган-
ди. Сўнг у ўрнидан туриб, уйига етгунча югуриб кетганди.

Уйига етиб бориб, бир ҳафта тоби қочиб ётиб қолган ва сўнг туриб кетган эди.

Кўз олдидан элас-элас ўтган бу ёшлик хотиралари Сайдан бобонинг қарилигини унуттириб юборгандай бўлди. У сой бўйига тушиб, қуруқ қамиш қўп ерни излаб кетди.

Шу маҳал унинг олдидан бир қуш учиб ўтди. Сайдан бобо қўп узамади, сал юргач, ҳалиги учиб ўтган қушнинг нарироғида бир от кўринди, ундан сал нарироқда эса қандайдир бир одам ўралашиб юрарди. У, Сайдан бобонинг шарпасини сезиши билан ялт этиб орқасига қаради-да, негадир қўлини этигининг қўнжига олиб борди. Бироқ чолни кўргач, қаддини тиклаб, ясама кулги билан ёнида турган қопининг оғзини боғлай бошлади.

— Қай боласан?— деди Сайдан бобо ўсиқ қошларини кафти билан кўтариб.

— Ҳа, Сайдан бобо? Ассалому алайкум! Аҳволларингиз қалай?

Чол уни дарров таниди. Бироқ саломига алик олмади. Сайдан бобонинг заиф кўзлари қон тўкилган қамиш устида ётган тери билан ҳўкиз калласига тушиб, юраги «шув» этиб кетди.

— Нима қиялпсан ўғри одамга ўхшаб?— деди Сайдан бобо унга яқинлашиб.

— Э, замон шундай бўлгандан сўнг, нима ҳам қилардинг, Сайдан бобо... Ўз ҳалол молингга ўзинг ўғри бўлиб... дегандай... Ҳа, айтгандай, насибангиз бор экан, устидан чиқиб қолдингиз, бир-икки осим гўшт олиб кетинг...

У тезда қопининг оғзини ечиб, қўлига илинган бир сон гўштини суғуриб олди-да, Сайдан бобога узатди.

— Мана, олинг! Тезроқ чопонингизнинг этагига ўраб олинг. Бир ўқ билан икки қуённи урдингиз: кампирингизга ҳам ўтин, ҳам гўшт олиб борадиган бўлдингиз... Ахир, бу жониворнинг кооператив қўрасида бекорга ётганидан сиз билан бизга нима фойда?.. Мана энди сиз ҳам, биз ҳам гўштлик бўлдик... ТОЗга кирганингиз йўқми ҳали, Сайдан бобо?.. Кирмаган бўлсангиз, тўғри қилибсиз. Қариганда хотин, бола-чақангизни ўртага солиб, ўзингиз кўча-кўйда дайдиб юрсангиз — бундан хунук нарса борми!..

Кўзи қисик, сариқ мўйловли семиз йигит қўлидаги ҳўкиз сонини қамиш устига қўйди-да, қопининг оғзини боғлай бошлади.

«Лаънати!— деди Сайдан бобо ичида.— Сенинг ўша сўзингга ишонаман деб Фақирбойдан эшитмаган сўзларимни

эшитдим. Қўлини қонга ботириб туриб, суяк кўрган итдек думини ликиллантишини қаранг-а бунинг тағин!..»

— Нега индамай турибсиз, ўтоғаси, олинг анови гўшти-ни! «Эр бўйнида қил чилвир чирмас» деган қадимгилар. «Туя кўрдингми йўқ, бия кўрдингми йўқ!» Ҳа, ўзингиздан қоладиган гап ҳам йўқ... Ҳали битта тўн ҳам киясиз!— деди сариқ мўйловли семиз йигит хушомад қилиб.— Энди, отни олиб келиб, мана бу қопни олдимга ўнгаришиб юборинг!..

«Демак, оти ҳам бор экан... Мабодо ёрдамчиси йўқмикин тағин?...»

Чол «хўп!» деб от томонга юриб кетди. Сариқ мўйловли йигит «хўп!..» сўзининг маъносини Сайдан бобо отнинг ёнига етиб бориб, оёғини узангига олаётгандагина тушунди. Бироқ Сайдан бобонинг лаънати кавушлари ҳадеганда узангига сиғавермади. Шундан сўнг у тезлик билан кавушларини ечиб ташлаб, отга осилганда, отнинг нариги томонидан югуриб келаётган сариқ мўйловли йигитни кўриб қолди. Сайдан бобо энди ундан қочиб қутула олмаслигига кўзи етгач, отдан тушди-да, белидаги ўроғини суғуриб олиб, душман билан олишишга тайёрланди.

— Ҳе... қари ит!..— деб бақирди сариқ мўйловли йигит.— Жонингни жаҳаннамга юбораман ҳозир!..

— Сендан қўрқадигани ҳали онасининг қорнида ётибди!— деди Сайдан бобо ҳам дадил. Шу пайт Сайдан бобонинг қўлидаги кўк қашқа кишнаб бир томонга ўтди. Чол душманининг илон бағир қамчи ушлаб олганини аниқ кўрди.

Сариқ мўйловли йигитнинг қамчи ушлаб ўрганган абжир қўллари бу сафар ҳам мўлжални хато юбормади: у силтаб қолган эди, Сайдан бобо қўлини кўтариб ўзини ҳимоя қилса ҳам бўлмади, қамчи айланиб ўтиб, унинг қулоқ-чаккасини ёриб юборди. Чол ижирғаниб қулоғини бир ушлади-ю, фурсатни қўлдан бермай, ўроғи билан ҳамла қилди. Бироқ чолнинг башарасига тушган иккинчи қамчи унинг кўзини чиқариб юбораёзди.

Чол юз-кўзини ювиб оқа бошлаган қонни энги билан артиб, кўзини очган эди, душманининг этиги қўнжидан суғуриб олган дудама ханжарига кўзи тушиб қолди. Унинг юраги «шиғ» этиб кетди. Ўзига ханжар кўтарган қўлга тез ва чаққон ўроқ солди. Сариқ мўйловли йигит ғиншиб, ханжарни ташлаб юборди ва бир парча гўшти шалвираб суяги кўриниб қолган билагини оғзига босиб, ўтириб қолди. Сай-

дан бобо пайтдан фойдаланиб, нарироқда ўтлаб юрган кўк қашқага миниб олишга улгурди.

Рақибини енгиб қутулишдан бутунлай умиди узилган сариқ мўйловли йигит, қўлининг қонини оқизганча Сайдан бобонинг орқасидан югуриб келаркан жон ҳолатда ялиниб-ёлворишга тушди:

— Сайдан бобо, худо ҳаққи, қайтинг! Сўраганингизни берай... Умр бўйи ётиб ейдиган дунё топиб бераман. Сайдан бобо!..

Бироқ Сайдан бобо орқасига қайрилиб ҳам қарамади. У анча жойгача душманининг ялиниб-ёлворган, бўкириб йиғлаган товушини эшитиб борди...

* * *

Ким билади, агар идорадан активлар чиқиб, Фақирбой мажлисни очиқ деб эълон қилмаганида, эҳтимол, Хусан лоппи Сайдан бобонинг ажойиб кавуши ҳақидаги ҳикоясини қачонгача чўзарди. Мажлис очилса ҳам, одамларнинг кулгиси ҳали босилмаган эди.

Орқада ўтирган аёллар ичидан бир келинчак пиқ этиб кулиб юборди-ю, уялганидан оғзини рўмоли билан босди.

— Жим! Нимасига куласан?— Мажлис раиси уни тартибга чақирган эди, худди шуни кутиб тургандек, бошқа аёллар ҳам дув этиб кулиб юборишди.

— Ҳай, лоппи оға, ҳалиги сиз айтган кавуш келяпти!— деди аёллар орасидан кимдир биров.

Ҳамма шу томонга ўгирилиб қараб, кўк қашқани чоптириб келаётган Сайдан бобони кўришди. Унинг совуқдан қизариб кетган яланг оёқлари узангидан пастда шалвираб, отнинг икки қапталига шалп-шулп урилиб келарди.

— Ийе, бу «соқолдор қайин оғамиз» бизнинг ТОЗнинг кўк қашқасига миниб келяпти-ку?— деди бир аёл ажабланиб.

— Иван, кўрдингми, бу ҳалиги бизларнинг талашиб ўтирган чолимиз!— деди Фақирбой кафтига солган носини тўкиб ташлаб.— Чорт вазми! Бу бизнинг кооперативимизнинг оти-ку! Чол буни қаердан миниб олдийкин? Шошмай турсин, мен унга ҳозир кўрсатиб қўяман!..

Фақирбой чолнинг олдига пешвот чиқди.

— Сабр қил!— деди Комаров салмоқ билан Фақирбойнинг енгидан тортиб.— Аввал билайлик, сўнг...

Сайдан бобо яқинлашган сайин унинг бу ерга чопиб ке-

лаётгани сабаби аён бўла бошлади: одамлар ҳамон унинг соқолидан оқиб тушаётган қонни, юзини тилиб кетган қамчи изини кўришди.

Чол оддан тушиб, тизгинни Фақирбойга тутқазар экан:

— Тезроқ отланинг! Кегайли бўйида душманингиз қон ичяпти, қон!— деди.

— Қон ичгани нимаси?— деди Хусан лоппи ҳайрон бўлиб.

Сайдан бобо бўлган воқеани наридан-бери гапириб берди.

— Ия, қайси Холниёз? Олланиёзбойнинг ўғли эмасми?..

— Эҳ, ёвуз, кечаси билан қиладиган ишини қилган экан-да!— деди тутқиб Фақирбой.— Қўра қоровули қайси гўрга йўқолибди?..

Бир нечта йигит жадаллик билан отланиб, Кегайли бўйига чопиша кетди.

— Йигитлар, менинг кавушларимни ҳам ола келинглар!— деб қичқирди Сайдан бобо уларнинг кетидан.

Одамлар яна кулишди.

— Тутинглар, йигитлар, тутиб келинглар сволочни!— деб бақирди Фақирбой отлиқ йигитлар кетидан. Сўнг у Сайдан бобони бағрига босиб, соқолидан ва юзу кўзидан чўлп-чўлп ўпа бошлади.

— Раҳмат, Сайдан бобо, раҳмат! Сиз баевой одамсиз. Мен сизни ТОЗга киринг деб бекорга айтмаганман-ку ахир, молодес!.. Сизга кенгаш ҳукуматимиз номидан раҳмат!..— деди у мўйловини силаб, жилмайиб.

Иван Васильевич Муртазо полвоннинг қулоғига ниманидир деб шивирлаган эди, ТОЗ раиси бош ирғаб маъқулади ва омборчи билан бирга ичкарига кириб кетди.

— Сизга бирлашган хўжалик номидан раҳмат, Сайдан бобо!— деди Муртазо кучли қўллари билан унинг қўлларини маҳкам сиқиб.— Сиз эсдан чиқмайдиган эрлик кўрсатдингиз...

ТОЗ раиси Сайдан бобога янги бир жуфт галош тақдим қилди.

— Бу биздан сизга сийлов!— деди Фақирбой Сайдан бобонинг елкасига қоқиб.

Сайдан бобонинг қўлидаги бир умр орзу қилган, енгил, чиройли кавуши кун тигида йилтиллаб турарди. Овулдошларининг чин кўнгилдан айтаётган раҳматлари ва янги ка-

вушининг гарч-ғурчи билан ёқимли ҳиди Сайдан бобони маст қилиб юборгандек бўлди. У қўлидаги кавушга қараб туриб, ич-ичидан севинганидан мийиғида кулиб қўйди.

Бу, аҳтимол, умрида хурсандчилик кўрмаган ва унга одамлар унча эътибор бермаган боёқиш чолнинг ўзини биринчи бор бахтиёр ҳис этиб кулган кулгисидир!

1956 йил.



А. Алиев. Қайипназар отанинг «хатолари». А. Парпихўжаев таржимаси	3
А. Алиев. Биринчи сирлашув. Т. Алимов таржимаси	12
П. Аметов. Овдан қайтганда. С. Қолбеков таржимаси	21
Н. Бўрекешев. Кекса милиса. С. Худойберганов таржимаси.	27
Г. Есемуродова. Дастурхон. С. Худойберганов таржимаси	38
Г. Есемуродова. Суюнчи. Н. Содиқов таржимаси	45
Қ. Камолов. Лола. Н. Содиқов таржимаси	51
Қ. Назбергенов. Болалигим — подшолигим. Т. Алимов таржимаси	55
К. Раҳмонов. Баҳор келди. О. Искандаров таржимаси	66
Қ. Сайипов. Киймачак. Т. Алимов таржимаси	71
С. Солиев. Қора қулоқ. Т. Алимов таржимаси	80
К. Ссамутов. Фарзанд юраги. С. Сиёев таржимаси	101
Қ. Ссамутов. Йўлда. Н. Содиқов таржимаси	113
Ғ. Сеитназаров. Қизилқум лавҳаси. Ў. Ҳакималиев таржимаси	128
Қ. Султонов. Икки мўйсафид сири. И. Қобилов таржимаси.	136
Қ. Султонов. Ҳаёт йўли. И. Қобилов таржимаси	143
Қ. Султонов. Хуржун. А. Исомиддинов таржимаси	152
А. Төжибоев. Қўлтиқтаёқ. Ҳ. Ниёзов таржимаси	160
У. Хўжаниёзов. Кенг қўниш. С. Худойберганов таржимаси.	165
У. Хўжаниёзов. Бэйроқ. Ҳ. Маҳмудова таржимаси	171

Т. Қаипбергенов. Киши қартаймас экан. С. Худойбергенов таржимаси	182
Т. Қаипбергенов. Нусха. Э. Носиров таржимаси	183
Н. Қамбарова. Қалдирғоч. Н. Содиқов таржимаси	194
И. Қурбонбоев. Пушаймон. Ҳ. Ниёзов таржимаси . . .	196
И. Қурбонбоев. Айтилмаган афсона. Ҳ. Ниёзов таржимаси.	209
И. Юсупов. Сайдан бобонинг кавуши. Н. Фозилов таржимаси.	217

На узбекском языке

НЕСКАЗАННАЯ ЛЕГЕНДА
Рассказы каракалпакских писателей

Перевод с каракалпакского

Редактор
Саидахмад Худойбергенов
Рассом С. Фролов
Расмлар редактори Н. Холиқов
Техн. редактор Т. Аббосов
Корректор И. Қобилов

Босмахонага берилди 30/VIII 1968 й. Босишга рухсат этилди 29/XI-1968 й. Формати 84×108¹/₃₂. Босма л. 7,5. Шартли босма л. 12,6. Нашр. л. 12,04 Тиражи 15000.
Рафур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 114—68.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг 3-босмахона-
сида № 1 қўғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1968 йил, Заказ № 535.
Баҳоси 49 т.

С(Қорақ)

А39

Айтилмаган афсона. Қорақалпоқ ҳикоялари.

Ғафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1968.

240 бет. Тиражи 15000

Несказанная легенда. Каракалпакские рассказы

С(Қорақ)

Индекс 7-3-3